

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

А.ВАҲОБОВ, А.ЖЎРАЕВ

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан дарслик сифатида тавсия этилган*

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси бош таҳририяти

ТОШКЕНТ-2009

Тақризчилар:

Гадоев Э.Ф. – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.
Альмардонов М.И. – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.Ваҳобов, А.Жўраев

Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Ваҳобов, А.Жўраев.
– Т.: “Шарқ” нашриёти – 2009. –400 бет.

Сарлавҳада: ЎзР. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент
Молия институти.

Мазкур дарсликда Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг амалдаги ҳолати, бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар, уларни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари ҳамда давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари кўриб чиқилган.

Дарслик 5340800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” бакалавриат таълим йўналишида ўқиётган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

КИРИШ

Мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда авваломбор солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини соддалаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

2005 йилнинг 28 январида мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга атрофлича тўхталиб, 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб бердилар. Мамлакатимизда **солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш** зарурлиги ҳам муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузаларида солиқ тўловчиларга солиққа тортиш тизимида кўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда илғор мамлакатлар ижобий тажрибаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.¹ Бундан ташқари, мамлакат Президенти "... ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт, солиқ бюджет сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш" асосий устувор йўналишлардан бири эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.²

Шу боисдан ҳам таълим тизимида солиқ соҳасидаги билимларни ўргатишда Республикаимизда амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислоҳотларни талаба-ўқувчиларга тўлароқ етказиш, ушбу йўналиш бўйича истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртлари таълим йўналишлари учун ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш, солиқ соҳасида амалий тадқиқотлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни таълим тизимида тадбиқ этишни амалга ошириш ҳукуватимиз диққат эътиборида бўлган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ушбу дарслик солиқлар, йиғимлар ва солиққа тенглаштирилган тўловларни ўрганишга бағишланган бўлиб, у 5340800 – "Солиқлар ва солиққа тортиш" таълим йўналишида таълим олаётган олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни, "Солиқ кодекси", Ўзбекистон Республикаси

¹ "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь -№20(3565).

² "Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадида". Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2008 йил 9-феврал.

Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланди.

Ушбу дарсликда солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ҳамда солиққа оид қонунбузилишларга барҳам бериш еттига гуруҳга бўлиб ўрганилган.

Биринчи бобда солиқларнинг иқтисодий моҳияти, объектив зарурлиги, функциялари, солиқ элементлари ҳамда солиққа тортиш тамойиллари берилган.

Иккинчи бобда солиқлар ва солиққа тенглаштирилган тўловларга умумий тушунчалар берилган. Шунингдек, ушбу бобда солиқларнинг гуруҳланиши ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўриб чиқилган ва шарҳланган.

Учинчи бобда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида 80 фоиз атрофида ўзининг солиқ тушумлари билан ҳисса кўшаётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар ўрганилган. Ушбу бобда, асосан, солиқларнинг тўловчилари, солиқ объекти, солиқ имтиёзлари, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш муддатлари қисқа ва лўнда берилишига ҳаракат қилинган ҳамда ҳар бир солиқ турлари бўйича ўқувчиларнинг фанни ўзлаштиришларига ёрдам берувчи шартли мисоллар келтирилган.

Тўртинчи боб – жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи, ер солиғи, даромаддан олинадиган солиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг қатъий белгиланган солиқлари, шунингдек, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқларни кўриб чиқишга ҳаракат қилинган. Ушбу бобнинг мазмун моҳиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида амалий мисоллар ҳам келтирилган.

Бешинчи бобда давлат бюджетининг нобарқарор характерга эга бўлган солиқсиз даромадлари берилиб, унда солиқсиз даромадларнинг зарурлиги, моҳияти, уларнинг таркиби келтирилган. Ушбу бобда солиқсиз даромадларнинг айрим манбалари бўйича таҳлилий маълумотлар берилиб, улар изоҳланган. Ундан ташқари, солиқсиз тўловларнинг солиқли тўловлар билан ўхшашлик ва фарқли томонлари ҳам келтирилган.

Олтинчи бобда бюджетдан ташқари жамғармалар: пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармалари – уларнинг тўловчилари, жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг объекти, ставкалари ва тўлаш муддатлари кўрсатилган.

Еттинчи бобда солиққа оид қонунбузилишларга солиқ тизими орқали таъсир этишнинг асосий йўналишлари, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий усуллари, солиққа оид қонунбузилишнинг олдини олиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Дарслик охирида юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишга, солиқларнинг ҳуқуқий асосларини қамраб олишга ҳаракат қилинган тест саволи вариантлари келтирилган. Ушбу тест саволи вариантлари ўқувчиларни ўзларининг устида янада кўпроқ ишлашларига, фанни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ушбу дарслик камчиликлардан ҳоли эмас. Улар кейинги нашрларда албатта эътиборга олинади.

I БОБ. СОЛИҚҚА ТОРТИШ НАЗАРИЯСИ

1.1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурлиги

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва уни фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда *солиқ категорияси* давлатни иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқеълик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошқ.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: *биринчидан*, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, *иккинчидан*, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Буларга бизнинг республикамызда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди

ва ундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланганларга моддий ёрдамлар кўрсатади. Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга ҳам маблағлар сарфлайди, қолаверса, давлат фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб кўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишлики, бу ҳолат солиқларни иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифларни таҳлил қилиш уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиётлар жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келинган. Давлат тузилиш шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келинган. Масалан, Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам

беради. Иқтисодий дaвлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларига узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва айтиш мумкин шу хусусиятга кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборга олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. *Адам Смит* (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723-1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларни аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Н.И.Тургенев ўзининг «Солиқ назарияси тажрибаси» номли китобида (1818йил) шуни таъкидлайдики, «Билимли бўлишнинг муваффақиятлари уларнинг халқлар урф-одатларига фойдали таъсири даражасига қараб солиқлар тизимининг такомиллашувига ҳам таъсир этган», «...солиқлар билимга эга бўлиш билан бирга пайдо бўлиб, унинг белгиси бўлиб қолди. ...Солиқларнинг тайинланиши, тақсимланиши ва йиғилиш усулига қараб халқ орасида тарқалган маълумотлар тўғрисида; йиғиладиган солиқлар миқдорига қараб унинг бойлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, бу билимлилик ва маърифатни англатадиган иккита энг асосий хусусиятдир» бу сўзлардан яна бир бор амин бўлиш мумкинки, солиқлар қадимий молиявий институтлар ҳисобланиб, давлатнинг пайдо бўлиши билан юзага келган. Солиқлар давлат органларини таъминлаш ва улар олдида турган вазифаларни бажарилишини моддий таъминлашнинг манбаси сифатида хизмат қилган. Давлатнинг ривожланиши билан унинг вазифа ва функциялари янгича хусусиятларга эга бўлди. Лекин солиқларнинг давлатни ва унинг органларини молиялаштиришда манба сифатидаги роли ўзгармай қолди.

«Солиқлар, - деб ёзади *Д.Рикардо*, - ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулоти ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир-оқибатда улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади

ҳисобидан тўланади».³ Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Д. Рикардо солиқлар моҳиятини ёритиб, ўз навбатида А. Смит томонидан яратилган солиқлар назариясини маълум даражада ривожлантирган.

С.Г.Пепеляев «Солиқ - оммавий ҳокимият субъектларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар мулкларини бегоналаштиришнинг мажбурийлик, яқка тарзда холисона, қайтармаслик, давлатнинг мажбурлаши билан таъминланганлик асосларида ва жазо ёки контрибуция характериға эға бўлмаган қонунда белгиланган яғона шаклидир»⁴ - деб, таъкидлаган.

*Д.Г.Черник*нинг фикрича «Солиқлар - давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинadиган мажбурий йиғимларни ўзида акс эттиради».⁵

Ш.Гатаулин «. . . солиқлар ўзи нима ва улар нимаға керак», деган саволға қўйидагича жавоб беради: «Солиқлар - бу давлат сарф-харажатларининг асосий манбаи бўлиб, иқтисодиётни тартибға солувчи ва даромадларни барқарорлаштирувчи воситадир»⁶. Солиқлар давлат бюджети даромадларини ташкил этувчи асосий манба ва иқтисодиётни бошқарувчи муҳим қурол ҳисобланади. Бироқ бу таъриф солиқларнинг моҳиятини тўлалигича ёрита олмайди ҳамда солиқларнинг ташкилий-ҳуқуқий томонларини ўзида акс эттира олмайди. Бундан ташқари иқтисодий муносабат сифатида, бу муносабатлар объекти бўлиб нима ҳисобланади? деган саволларға жавоб бера олмайди.

Айрим иқтисодчилар солиқларни миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида изоҳлашға ҳаракат қилганлар, - «Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёриға олиш шаклидир»⁷.

*О.Олимжонов*нинг фикриға кўра: «Солиқлар - давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёриға мажбурий равишда ундириб олинadиган тўловлардир»⁸. Солиқларға берилган мана шу таъриф энг мақбул таъриф бўлиб, солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролини, солиқларнинг ҳаракат жараёнини назарий жиҳатдан чуқурроқ ёритиб, солиқлар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишға ёрдам беради. Бугунги

³ Рикардо Д. Сочинения т. I. Начало политической экономики и налогового обложения. Пер. с англ. - М.: «Госполитиздат», с.360.

⁴ Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, 24-бет

⁵ Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

⁶ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 18 -бет.

⁷ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Меҳнат», 1995 й. 377-бет

⁸ Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётиға ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.

кунда солиқ категориясини ҳар томонлама, кенгрок ва батафсилроқ, шунингдек унинг моҳияти ва аҳамиятини, иқтисодий ривожлантиришдаги роли ва ўрнини, солиқларни назарий жиҳатларини аниқроқ ва тўлиқроқ ёрита оладиган таърифни келтириш муаммоси фанда мавжуддир.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар, давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита куроли ҳисобланади.

Солиқни тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, рақобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор инфраструктурасини барпо қилишга, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Бозор иқтисодий шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазибаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари

У ёки бу иқтисодий категориянинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унга хос умумий белгиларни аниқлаш лозим бўлади.

Масалан, кредит иқтисодий категория сифатида муддатлилик, қайтаришлик, муайян миқдорда устама ҳақ (фоиз) тўлаш каби умумий белгиларга эгаки, ушбу белгилар кредит категорияси моҳиятини кенгрок ёритиш учун хизмат қилади. Худди шу каби солиқ категорияси ҳам бир қатор ўзига хос

белгиларга эгаки, ушбу белгилар солиқларнинг бошқа тўловлардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Солиқларнинг белгилари борасида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар мавжуд. Масалан, проф. Қ.Яҳёев солиқларни умумий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатади.

1. Солиқлар ва йиғимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджетга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Олий Мажлис тасдиқлаб берган Солиқ кодексининг қоидалари асосида амалга оширилади. Демак, мажбурийлик белгиси ҳуқуқий жиҳатдан давлат томонидан қафолатланади.

2. Солиқлар хазинага давлат бюджетига тушади. Аммо бошқа турдаги тўловлар «Умид», «Экосан» каби жамғармаларга тушиши солиқ муносабатларини акс эттирмайди.

3. Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихан асрлаб ўзгармай ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Унинг илмий асоси қанча чуқур бўлса, шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат қилади.

4. Давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига тўлиқ қайтмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир⁹.

Рус иқтисодчиси А. Медведев ўзининг «Солиқларни қандай режалаштирмоқ керак» номли китобида солиқларга хос бўлган икки белгини, яъни *мажбурийлик* ва *эквивалентсизлик* каби белгиларни қайд этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқларнинг умумий белгиларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. *Солиқ тўловчи даромадининг у ёки бу суммасини давлатга тўлар экан, бунинг эвазига бевосита бирон-бир товар ёхуд хизмат олмайди.* Алоҳида олинган солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ миқдори билан у истеъмол қиладиган ижтимоий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлмайди. Худди ана шу хусусиятига кўра солиқ нархдан, рухсатнома (лицензия) лар ва воситачилик йиғимларидан фарқ қилади, чунки булар мажбурий ёки ихтиёрий тўловлар ҳисоблансада, бироқ ҳамма вақт давлат томонидан кўрсатилган хизматдан муайян фойда (наф) кўрилиши билан боғлиқдир.

Давлатга тўланадиган солиқлар билан унинг эвазига олинадиган иқтисодий ва ижтимоий неъматлар ўртасида бевосита, ҳар бир кишининг кўзи илғайдиган боғлиқликнинг йўқлиги солиқ тўловчилар учун солиққа тортишни юк сифатида баҳолашлари сабаб бўлади, ваҳоланки, улар солиқлар ҳисобидан қилинадиган давлат харажатларининг йўналишини маъқуллашлари ҳам мумкин.

⁹ Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: «Ғафур Ғулом» 2000 й. 10-бет.

Алоҳида олинган солиқ тўловчи одатда жамият ва ўзининг кўрган фойдаси ёки манфаатини тўлаган солиқлари билан солиштириб ўтирмайди. Бу шунга олиб келадики, оқибатда фуқароларнинг бир қисми солиқлар тўлашдан бўйин товлашга, ўз даромадларини яширишга уринади. Давлат ўз фуқароларидан йиғиб олган солиқларни самарали ва ошкора тарзда ишлатса ҳамда фуқароларнинг аксарият қисми давлатнинг иқтисодий ижтимоий ва бошқа дастурларини ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга рози бўлгандагина юксак солиқ ахлоқи тамойиллари юзага келади.

2. *Солиқлар мажбурий тўловлар ҳисобланади.* Солиқларнинг тўлиқ миқдорда ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик солиқ тўловчилар зиммасига юкланган бўлсада, улар ихтиёрий эмас, мажбурий равишда тўлайдилар, давлат солиқ тўлашдан бўйин товлаганларни қонунчиликда белгиланган тартибда жазолайди.

3. *Давлат фойдасига солиқ тўлаш орқали даромаднинг аввалдан белгилаб қўйилган, энг муҳими, қонуний тартибда кўзда тутилган қисми ундириб олинади.* Кўпгина давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам қонунларида солиқларни белгилаш ва уларнинг ҳажмларини аниқлашга фақат қонун чиқарувчи ҳокимият ёки унинг томонидан ваколат берилган давлат органлари ҳақлидирлар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзининг хоҳиш-истагига қараб янги солиқлар белгилаш ёки уларнинг ҳажмларини аниқлашга ҳеч ким ҳақли эмас. Тўловларнинг қонуний, очиқ-ойдин хусусиятга эга бўлиши солиқларнинг бош тавсифи ҳисобланади.

4. *Солиқларнинг яна бир белгиси уларнинг давлат ёки маҳаллий бюджетга келиб тушишидир,* яъни солиқлар бюджетдан ташқари фондлар ёки турли хил бошқа фондларга келиб тушмайди.

5. *Солиқларга хос бўлган умумий белгилардан бири сифатида давлат ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида мулкчиликни қайта тақсимлаш жараёнини юзага келишидир.* Соддароқ қилиб айтганда, корхоналар ва аҳолидан олинадиган солиқлар, аслида улар мулкнинг маълум бир қисмини давлат ҳисобига ўтказилишини билдиради. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган мулк даромад шаклида мажбурий тўлов бўлиб, давлат мулкига айланади.

Юқорида қайд этилган солиқларга хос бўлган умумий белгилар уларни иқтисодий моҳиятини очишга хизмат қилади. Шу ўринда солиқларнинг умумий белгиларини тўлиқроқ ва аниқроқ, батафсил ёритиши мумкин бўлган, ҳар қандай иқтисодий вазиятларда ўзгармайдиган оптимал умумий белгиларини яратиш муаммоси ҳал этилиши лозимдир.

Солиқ категорияси бошқа иқтисодий категориялар: молия, кредит, суғурта, инвестиция кабилар билан умумий ўхшашликка эга, яъни уларнинг барчаси пулли муносабатларни ифодалайди. Лекин солиқларнинг ўзига хос

юқорида қайд этилган белгилари мавжудки, ушбу белгилар солиқларни бошқа иқтисодий категориялардан фарқлаш учун хизмат қилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодчи олимлар томонидан солиқларга берилган тарифларни ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
4. Солиқларнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқи нималардан иборат?
5. Адам Смит ўзининг қайси асарида илк бор солиқларнинг тамойилларини асослаб берган?
6. О.Олимжонов солиқларга қандай таъриф берган?
7. Солиқларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
8. Солиқларга оид билимларни олимлар томонидан турлича талқин этилиши сабаблари нимада?
9. Солиқлар белгиларининг моҳиятини тушунтириб беринг.
10. Солиқнинг эквивалентсизлик белгисини моҳиятини тушунтиринг.

1.2. Солиқларнинг функциялари

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти давлат билан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу молиявий муносабатлар махсус ижтимоий характерга эга бўлиб, миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишга хизмат қилади.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ҳар бир иқтисодий категориянинг ўз функцияси мавжуд. Солиқ мустақил категория сифатида ўзи бажарадиган функцияларга эга бўлиб, бу функциялар солиқ категориясининг амалдаги ҳаракатини ифодалайди. Функция деганда, одатда, категориянинг кўп қайтариладиган, такрорланадиган доимий ҳаракатларини тушуниш лозим.

Солиқларнинг функциялари тўғрисида фанда турли хил қарашлар мавжуд. Собиқ иттифоқ даврида солиқлар икки хил функцияни бажаради, деган қараш кенг тарқалган эди. Бу икки функция сифатида фискал ва назорат функциялари тан олинарди. Энг асосий функция бу солиқларнинг фискал функциясидир, чунки бу функциясиз назорат функциясининг мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб қараларди.

Ғарб иқтисодчилари кўпчилигининг назариялари англиялик иқтисодчи Ж.М.Кейнснинг концепциясига асосланади. Бу концепцияга кўра солиқлар фискал функциясидан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш воситаси функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари уни иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Неокейнсчилик йўналиши вакиллари бўлган Л.Харрот, Н.Кальдор, А.Хансен ва П.Самуэльсонларнинг фикрига кўра солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш функциясига эга. Улар солиқ ставкаларини ўзгартириш ва турли хил имтиёзлар бериш йўли билан бу функцияни бажариш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Солиқларнинг даромадларни бошқариш функциясини юзага келишига француз иқтисодчиси Э.Де.Жирарденнинг назарияси асос бўлган. Бу назарияга кўра солиқлар ёрдамида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини қўллаш йўли билан жамият аъзолари ўртасидаги мулкий тенгсизликка барҳам бериш мумкин. Ҳозирги кунда бу назариянинг давомчилари бўлиб, америкалик иқтисодчилар А.Илерсик, Г.Коул, француз иқтисодчилари М.Клюдо, Ж.Фурастье ҳисобланишади. Уларнинг фикрига кўра давлат солиқлардан ва трансфер тўловларидан фойдаланиш йўли билан жамият миллий даромадини камбағаллар фойдасига қайта тақсимлайди. Бу назариялар солиқларнинг даромадларни тартибга солиш функцияси мавжуд деган хулоса келиб чиқишига сабаб бўлди.

И.Мальмигиннинг фикрига кўра солиқлар уч функцияни бажаради, яъни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функцияларидир. Унинг фикрига кўра биринчи функция давлат даромадлари манбаларининг ташкил топиши билан боғлиқ, иккинчиси ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини тақсимлашни назарда тутаяди. Рағбатлантириш функцияси турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йўли билан амалга оширилади¹⁰. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ғарб иқтисодий адабиётларидаги даромадларни бошқариш функцияси И. Мальмигинда тақсимлаш функцияси сифатида намоён бўлмоқда.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Демак, функция категорияси доимий, қатъий тақрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндашишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

¹⁰ Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. М.: перевод с англ. 1997 г. стр. 69

Солиқларнинг функциялари масаласида ҳозирга қадар олимлар ўртасида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келинган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Солиқларнинг фискал функцияси

Солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: *солиқнинг фискал функцияси, тартибга солиш функцияси, рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.*

Солиқларнинг асосий функцияси – *фискал функция* ҳисобланиб (лотинча *fiscus* сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат бошқарувини, мамлакат муҳофафасини, умуман ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантири – солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан фискал функциянинг аҳамияти ошиб боради. Ишлаб чиқариш ижтимоий тусдалигининг чуқурлашиши фан-техника тараққиётининг ривожланиш муносабати билан асосан солиқлар ҳисобига шакллантириладиган молиявий ресурслар оқимини кўпайтиришнинг реал зарурати юзага келади. Давлат иқтисодий ва ижтимоий тадбирларга кўпроқ эътибор берган сари молиявий ресурсларни кўпроқ сарфлайди, лекин солиқ тизими ўзининг фискал функцияси вазифаларини бажариши жараёнида ишлаб чиқаришнинг ўсишига, жамғариш жараёнига халал бермаслиги, ижтимоий адолатни бузмаслиги ҳамда иқтисодиётнинг умумий тузилмасида бузилишлар содир бўлишига йўл қўймаслиги, бозор жараёнига путур етказмаслиги керак.

Солиқларнинг ушбу функцияси орқали пайдо бўладиган пул ресурслари давлат бюджети орқали қайта тақсимланади, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади.

Жаҳон амалиётида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар учун солиқ имтиёзлари ва юқори даромад олувчи шахслар учун прогрессив ставкалар белгилаш ҳам қўлланади, яъни аҳолининг кам даромад оладиган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида даромадларни бир қисми қайта тақсимланади.

Солиқларнинг тартибга солувчилик функцияси

Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги *тартибга солувчилик* роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ муҳити»ни яратади. Ушбу функция орқали давлат солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жилаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа қўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор муносабатлари шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари йўқ бўлиб кетади ёки жуда оз ҳолда қолади, корхоналар фаолиятини фармойишлар, кўрсатмалар ва буйруқлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган «юқори ташкилот» тушунчасининг ўзи аста-секин кучсизланиб боради. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун маъқул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси

Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат иқтисодиёт тараққиётини таъминлайди, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш йўли билан солиқ юкини оширмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

Солиқларнинг назорат функцияси

Солиқларнинг назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ

кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси

Солиқларни ҳисоблаш жараёнини *ахборот билан таъминлаш функцияси* ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқли тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарурдир. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

Солиқ функцияларини қисқача кўриб чиқилиши солиқлар молия ресурсларини тиклаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради деб хулоса чиқариши учун имкон беради.

Солиқларнинг иқтисодиётдаги юқорида таъкидланган муҳим ўрнини белгиловчи бир қанча функциялари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида солиқларнинг ўрнини белгиловчи қуйидаги асосий омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

▪ **Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурлиги.** Маълумки, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва давлат қурилишини амалга ошириш мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган беш асосий тамойилга асосланади. Бу қоидалардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли, айниқса, унинг кам таъминланган қатламлари етарли даражада ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак.

▪ **Аграр сектордаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш зарурлиги омили.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида энг асосий тармоқ аграр сектор ҳисобланади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин тикланаётган Япония иқтисодиёти учун машинасозлик етакчи тармоқ сифатида ривожлантирилган эди. Бу тармоқ Япония иқтисодиётини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Бу, энг аввало, унинг мамлакатга чет эл валюта тушумларини олиб келишда намоён бўлди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ана шундай асосий тармоқ вазифасини ўтамоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, қишлоқ хўжалигида солиқ, кредит воситалари ёрдамида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳозирги

куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун умумий белгиланган тартибдаги солиқ ва йиғимлар ўрнига бюджетга 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона ер солиғини тўлаш тартиби жорий қилинди.

▪ **Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида солиқларнинг ўрнини белгиловчи асосий омиллардан яна бири - ҳозирги кунда кўпайиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг даромадларини жалб қилувчи мукамал солиқ тўловини юзага келтириш.**

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенг қулоқ ёйиши ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви, тадбиркорлар даромадини ҳисобга олишни қийинлаштиради. Хусусийлаштирилган битта корхона ўрнида ўнлаб кичик, хусусий ва жамоа мулкига асосланган корхоналар пайдо бўлади. Мукамал солиқ механизми яратилмаганлиги учун даромадлар суммасини аниқлашда жиддий хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сонли қарорига мувофиқ кичик корхоналар учун умумий белгиланган тартибдаги солиқлар ўрнига бюджетга ихчамлаштирилган солиқ тўлаш имконияти вужудга келди. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда ихчамлаштирилган солиқ тизимининг жорий қилиниши бу тадбиркорлар учун давлат томонидан кўрсатилган катта ёрдам бўлди.

Солиқлар иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши босқичларида ушбу ривожланиш жараёнларини таъминлаш мақсадига бўйсунувчи вазифаларни бажаради. Солиқларнинг функциялари эса ана шу вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шундай экан солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги аниқ фарқли жиҳатларни ўрганиш ва солиқ муносабатларини ташкил этиш мобайнида бу чегараларни асослашни қайд этиб ўтиш лозим.

Солиқлар бажарадиган вазифалар кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий солиқ вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• *Умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб бериш.* Солиқларнинг фискал функцияси ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадларига хизмат қилади. Бу вазифани ҳал қилиш давлатнинг иқтисодиётга қай даражада аралашувиغا кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, солиқларнинг фискал функцияси шунчалик фаол бўлади. Аммо солиқларнинг ушбу вазифаси фақат иқтисодий

жараёнларни қамраб олмайди, балки давлатнинг ноишлаб чиқариш харажатларининг кўпайиши ҳам давлатнинг ортиқча молиявий ресурсларга мухтожлигини келтириб чиқаради.

- *Мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратишга кўмаклашиш.* Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг ушбу вазифасини бажариши ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий хусусиятларидан бири шундаки, ҳозирги кунда сармояларнинг асосий қисми савдо ва хизматлар соҳасига йўналтирилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бунинг асосий сабаби фойда нормасининг бу соҳаларда катталигидир. Солиқлар сармояларни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига йўналтиришнинг қудратли воситаси бўлиши керак.

- *Аҳолининг меҳнат фаоллигини рағбатлантириш.* Солиқлар деярли барча мамлакатларда ушбу вазифани бажаради. Чунки улар аҳоли даромадларини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Даромадлардан олинадиган солиқ ставкаларининг энг юқори чегарасини сезиларли даражада пасайтириш ишчи кучининг таклифи билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиши мумкин. 70-80 йилларда Швецияда солиқ ставкаларининг аҳоли даромадларига прогрессив равишда қўллаш малакали ишчиларнинг бошқа мамлакатлар томон миграциясига олиб келган.

- *Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадига даромадларни тақсимлашнинг самарадорлик ва адолат принциплари ўртасидаги мувофиқликка эришиш.* Амалдаги солиқларга барқарорлик ва мосланувчан солиқ ставкаларининг ҳослиги солиқларнинг узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга замин яратади. Миллий ва хорижий инвесторлар капитал қўйилмаларини амалга оширар экан, улар ўзларининг солиқ мажбуриятларини аниқ билиши керак. Солиқ турлари ва ставкалари барқарор ва тез-тез ўзгармайдиган бўлиши керак. Солиққатортиш тизимида мустақам ишонч бўлмаган тақдирда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳаракати сусаяди.

Солиқларнинг бюджетга ижобий таъсиридан ташқари, муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳасида ҳам улардан фаол фойдаланиш мумкин. Нарх-навонинг ислох қилиниши, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, меҳнат бозорининг ислох қилиниши янги пайдо бўлган тижорат структураларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани солиқ ставкаларини табақалаштириш йўли орқали ҳал этиш мумкин.

Шундай қилиб, солиқларнинг вазифалари уларни амалга ошириш муддатига қараб, қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли вазифаларга бўлинади. Бу вазифалар мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Солиқлар нафақат давлат бюджетининг тушумларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга

балки давлат даромадларини бюджетнинг ўрта муддатли режада ҳаётийлигини яхшилаш мақсадида мослашувчанлигини амалга оширишга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқларнинг қандай функциялари мавжуд?
2. Солиқларнинг функциялари ва вазифаларини фарқлаб беринг?
3. Солиқларнинг фискал функциясини тушунтириб беринг?
4. Солиқларнинг тартибга солувчилик функциясини тушунтириб беринг?
5. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини тушунтириб беринг?
6. Солиқларнинг назорат функциясини тушунтириб беринг?
7. Солиқларнинг ахборот билан таъминлаш функциясини тушунтириб беринг?
8. Солиқларнинг ўрнини белгиловчи асосий омилларни кўрсатиб ўтинг?
9. Аграр сектордаги ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда солиқларнинг ўрни қандай?
10. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда солиқларнинг ўрни қандай аҳамиятга эга?

1.3. Солиқ элементлари

Солиққа тортиш тизими ва унинг элементлари

Солиқ элементлари ҳақида гап борганда кўпинча адабиётларда солиққа тортиш тизими ҳақида сўз юритилади. Шу ўринда солиққа тортиш тизими солиқ тизимига нисбатан тор тушунча бўлиб, аслида солиқ тизими таркибини ташкил этади. Солиқ тизими солиққа оид барча муносабатларни қамраб олса, солиққа тортиш тизими эса солиқларни ундириш бўйича иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларини ўз ичига олади. Шу жиҳатдан солиққа тортиш тизими қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонун йўли билан белгиланган ҳамда ижро ҳокимияти томонидан солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуасидан иборат. Солиққа тортиш тизимининг моҳияти гарчанд ўзгармас бўлиб кўринсада, унинг шакл-шамойили ва йўналиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига, қолаверса солиқ сиёсатининг мазмунига боғлиқ бўлади. Чунки, солиққа тортиш тизими ўз ичига таркибан солиқ элементлари, солиқларни ташкил этиш тамойиллари ва усулларини олади, бу элементларнинг қай даражада талқин этилиши эса бевосита давлат сиёсати йўналишига боғлиқ. Масалан, солиқ элементларига кирувчи солиқ

ставкасининг қайси турларининг кўпроқ амал қилиши, солиқ имтиёзларининг белгиланиши, солиқларни ундиришни қайси усулларидан устуворлик билан фойдаланиш асосан ижро ҳоқимияти фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Бинобарин, шу маънода худди солиқларни вазифалари каби солиққа тортиш тизими ҳам ҳар бир давлатда ўзига хос тарзда амал қилиши ва ташкил этилиши мумкин.

Демак, давлат қонунчилиги билан белгиланган ва унинг махсус идоралари томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари мажмуиға солиққа тортиш тизими деб аталади.

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ элементлари эса солиққа тортишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва давлат бюджети ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ назариясида солиққа оид муносабатларни тўлиқ ва теранроқ ифода этиш учун иқтисодий воқеликларни ҳар бир кичик гуруҳлари муайян номдаги иборалар билан изоҳланади. Солиқ элементлари ҳам худди шундай солиққа оид иқтисодий ҳодисаларни изоҳлашга хизмат қилувчи яхлит тушунчадир. Солиқ элементлари тушунчаси солиққа тортиш тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўзи ҳам кичик тизимни ташкил этади, яъни солиқ элементлари ҳам бир неча иқтисодий категорияларни яхлит ҳолдаги ҳаракатини билдиради.

Солиқ элементлари бир нечта тушунчалардан иборат бўлиб, улар таркибан: *солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқ предмети, солиқ манбаи, солиққа тортиш бирлиги, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ нормаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ юки, солиқ базасини ҳисоблаш усуллари, солиққа тортиш усуллари* каби тушунчаларни қамраб олади. Қуйида солиқ элементларининг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Солиқ субъекти - солиқ тўлаш мажбурияти юкланган юридик ва жисмоний шахслар ёки бошқача қилиб айтганда солиқ субъекти - бу солиққа оид муносабатларни ташкил этувчи томонларнинг ўзаро мажмуаси бўлиб, унда бир томондан солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) бошқа томондан солиқни ундириш ваколати юкланган солиқ хизмати органлари - Давлат солиқ қўмитаси, солиқ бошқармалари, туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари катнашади. Ўз фаолиятида барча юридик ва жисмоний шахслар солиқ субъекти сифатида намоён бўлмайди. Чунки, бу ерда солиқлардан батамом озод этилувчи юридик ва жисмоний шахслар мавжудки, улар солиқ субъекти сифатида солиқ муносабатларида иштирок этмайдилар.

Солиқ агенти - юридик ва жисмоний шахслардан солиқни ушлаб қолиш ва давлат бюджетига ўтказиб берувчи юридик шахслар. Бундай юридик

шахслар ўз фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг мазкур корхонада ўз меҳнати, инвестицияси билан иштирок этиши натижасида олган даромади (фойдаси)дан солиқларни ушлаб қолади ва давлат бюджетига ўтказиб беради. Солиқ агентлари давлат бюджетига солиқларни бевосита ёки билвосита ишга ёллаганлиги натижасида тўланадиган иш ҳақидан, дивидендлардан, доимий муассаса орқали фаолият кўрсатмайдиган норезидент юридик ва жисмоний шахслардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаларини ушлаб қолади ва бюджетга ўтказиб беради, ушлаб қолинмаган, кам ушлаб қолинган ва ўз вақтида ўтказиб берилмаган солиқ суммаси учун қонунчиликда белгиланган молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ҳар бир юридик шахс солиқ муносабатларида солиқ субъекти бўлиши билан биргаликда солиқ агенти сифатида ҳам иштирок этади. Солиқ агенти иқтисодий адабиётларда асосан фискал агент сифатида қайд этилади.

Солиқ объекти - солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади, обороти ва мол-мулки тушунилади. Солиқ объекти сифатида фойда ёки даромад, муайян товарларни қиймати, ер майдони, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, табиий ресурслардан фойдаланиш миқдори ва бошқалар қиради. Солиқ объекти аслида жамиятдаги мавжуд моддий ва маънавий бойликларнинг айримларига қонун йўли билан улардан фойдаланувчи, эгалик қилувчи ва тасарруф қилувчи солиқ субъектларининг ҳуқуқларини солиққа тортишни ифодалайди. Бинобарин, моддий ёки маънавий бойликлар солиқ объекти қилиб албатта унга мулкӣ ҳуқуқга эга бўлгандагина юзага чиқади. Масалан, эгасиз иморатга солиқ солинмайди, чунки эгасиз иморатга нисбатан солиқ субъекти мавжуд эмас, ваҳоланки, бўлган тақдирда ҳам солиқ объекти сифатида иморат эмас, балки ушбу иморатга бўлган мулкӣ ҳуқуққа солиқ солинади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, солиқ объекти аслида юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва даромадига қаратилади.

Солиққа тортиш предмети - солиқ солинадиган даромад, оборот, мол-мулк ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ эмас, балки уларнинг ўзидир, яъни солиқ солиш объекти бўлиб бирор-бир солиқ предметига бўлган ҳуқуқ тушунилса, предмет бўлиб ана шу эгалик қилинадиган даромад, ер участкаси, иморат ва бошқаларнинг ўзи тушунилади. Солиқ объекти ёки солиққа тортиш предмети, унга ким эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унда солиқни тўлаш мажбурияти, яъни солиқ субъектини намоён қилади. Демак, айтишимиз мумкинки, солиққа тортиш предметига эгалик қилиш ҳуқуқи солиқ объектини вужудга келтирса, ўз навбатида ушбу предметга кимнинг эгалик қилиши солиқ субъектини ёки солиқ тўловчисини намоён этади.

Солиқ манбаи - бу солиқ тўловчининг тўлайдиган солиқлари манбаи, яъни даромади. Солиқ объекти ва солиқ манбаини бир-биридан фарқлаш лозим. Айрим солиқ турлари бўйича, масалан, фойдага, ялпи даромадга, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқлар бўйича солиқ объекти ҳам солиқ манбаи ҳам бир хил бўлади, яъни нима объект бўлса, унинг ўзи манба ҳисобланади.

Шу ўринда солиққа тортиш предмети, солиқ объекти ва солиқ манбаини фарқлаш ва уларнинг моҳиятини очиқ бериш учун аниқ солиқ тури бўйича кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ер солиғи бўйича кўрадиган бўлсак, унинг солиққа тортиш предмети бўлиб, ер участкаси майдони, унга кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса солиқ объекти пайдо бўлади ва ушбу ер солиғи қайси манба ҳисобидан давлат бюджетига тўланса, масалан, ердан турли хил кўринишда фойдаланиш натижасида олинадиган даромад унинг манбаи ҳисобланади. Демак, солиққа тортиш предмети ўз-ўзидан кимдандир солиқ тўлаш мажбуриятини вужудга келтирмайди. Мисолимизга қайтадиган бўлсак, ерга бўлган ҳуқуқни жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари беради ва шу билан биргаликда ердан фойдаланувчида солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади, чунки унда ушбу ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Демак, солиқ предметида кимнинг эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўладиган бўлса, у солиқ муносабатларида солиқ субъекти сифатида иштирок этади.

Солиқ базаси - солиқ объектининг солиқ ставкаси қўлланиладиган миқдори. Ҳисобланадиган солиқ миқдори нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан биргаликда солиқ ставкаси қўлланиладиган объектнинг миқдорига ҳам боғлиқ. Солиқ базасининг миқдори қонунчиликда солиққа тортилиши лозим бўлган солиқ объектидан рухсат этиладиган чегирмаларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Солиқ базасини солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифасига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтиришга рухсат этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, солиқ базаси солиқ объектидан катта ёки кичик бўлиши мумкин. Масалан, солиқ тўловчига солиқдан имтиёзлар кўзда тутилган бўлса, бундай шароитда солиқ базаси солиқ объектидан кичик, солиқ объекти қонунчилик билан кенгайтириладиган бўлса ундан катта бўлиши мумкин.

Солиққа тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлиги. Масалан, даромад ёки мол-мулк солиғида объектнинг ўлчов бирлиги бўлиб унинг сўмдаги баҳоси ифодаланса, ер солиғида ўлчов бирлиги бўлиб кв.м. ёки гектар ҳисобланади.

Солиқ ставкаси - объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёрдир. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида энг кўп амалий аҳамиятга эга бўлган унсурдир. Чунки, солиқ ставкаларини

ўзгартириш орқали давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига сезиларли таъсир этади, айрим фаолият, соҳага устуворлик берилиши, капитал зарур соҳаларга йўналтирилиши, рағбатлантирилиши мумкин.

Солиқ имтиёзлари - солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил энгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг турлари, амал қилиш механизмлари, белгилаш мезонлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Солиқ базасини ҳисоблаш усуллари. Солиқ базасини ҳисоблашнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, улар *касса усули* ва *ҳисобга олиш усуллари*дир. Касса усулида солиқ тўловчида солиқларни тўлаш мажбуриятлари даромад олганидан кейин вужудга келса, ҳисобга олиш усулида эса даромад олинган ёки сотишдан тушум қачон келиб тушишидан қатъий назар товарларни жўнатилиши ўз навбатида солиқларни тўлаш мажбуриятларини вужудга келтиради.

Солиққа тортиш усуллари уч хил кўринишда амалга оширилиб. Улар қуйидагиларга: солиққа тортишнинг *кадастрли*, *декларация* ва *манба олди*дан солиққа тортиш усулларига ажратилади.

Солиқларни тўлаш муддатлари ва тартиблари. Солиқ қонунчилигида ҳар бир солиқ турининг бюджетга тўлаш муддатлари белгиланган. Солиқни тўлаш муддатлари деганда солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети олдида солиқ мажбуриятларининг бажариш муддати ифодаланади. Солиқни тўлаш муддатлари ўз моҳиятига кўра икки хил кўринишга эга: *аванс (бўнак) тўловлари* ва *ҳақиқий даромад олинганидан кейинги тўловлар*.

Солиқни тўлаш тартибида эса: солиқни йўналтирилганлиги (бюджетга ёки бюджетдан ташқари фондларга), солиқни тўлаш воситаси (миллий валюта, сўмда ёки бошқа мамлакатлар миллий валютасида. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар фақат миллий валюта, сўмда тўланиши мумкин) ҳамда солиқни тўлаш шакллари (нақд пул ёки нақд пулсиз) ифодаланади.

Солиқ юки - солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларининг йиғиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йиғиндиси ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри солиқларда эса солиқ юки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат) ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкининг бир йилда бюджетга

тўланган барча мажбурий тўловлар йиғиндиси билан аниқлаш мумкин. Солиқ юкининг даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратига, инфляция даражасига, давлатнинг ваколатли функцияларни қўллашига, қолаверса бозор муносабатларининг ривожланишини ва ижтимоий ҳаракат доирасига бевосита боғлиқ бўлади.

Солиқларни юридик ва жисмоний шахслардан ундириш жараёнида бериладиган имтиёзлар натижасида солиқ юкини солиқ тўловчиларнинг биридан иккинчисига юклаш жараёни кузатилади. Шу ўринда солиқ бўйича солиқ тўловчиларга солиқ юкини тартиблаш ёки мантиқан айтганда меъёрлаштириш муаммоси юзага келади.

Солиқ юкини ифодалашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: макродаражадаги солиқ юки, мезодаражадаги солиқ юки ва микродаражадаги солиқ юки. Солиқ юки макродаражада ифодаланганда бутун мамлакат миқёсида ифодаланиб, асосий кўрсаткич сифатида муайян вақт оралиғида давлат бюджетига келиб тушган солиқлар йиғиндисини ана шу вақт оралиғида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромад (МД) га нисбати олинади. Мезодаражада ифодаланганда алоҳида олинган соҳа, тармоқ ёки секторга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланса, микродаражада эса аниқ бир олинган субъектга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланади.

Солиқ ставкалари


Солиқларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири, асосан, уларнинг ставкалари даражасининг миқдори билан белгиланади. Республика солиқ тизимининг шаклланишини ҳозирги босқичида солиқ ставкаларининг даражаси энг мунозарали масалалардан ҳисобланади.

Солиқ ставкалари республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини маблағ билан таъминлашда мувозанат даражасини ҳамда хўжалик субъектларининг молиявий имкониятларини белгилайди. Демак, улар молия-бюджет муносабатларини соғломлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқ ставкалари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаганлари ҳолда, молия-бюджет муносабатларининг пул муомаласига кўрсатадиган салбий таъсирига барҳам бера олиши ҳам керак. Бу эса, республикамизда амалга оширилаётган солиқ ислохотининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Солиқ элементлари таркибида солиқ ставкалари алоҳида ўрин тутаяди. Иқтисодий адабиётларда солиқ ставкаси деганда солиқ объектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қўйилган меъёр тушунилади.

Солиқ ставкасининг аҳамияти солиқ объектини қанча қисми қандай миқдорда мажбурий тўлов сифатида бюджетга ундиришини характерлайдиган масалага жавоб беради.

Солиқ ставкаларини моҳияти шундаки, улар солиқ объекти, солиқ бирлиги ва солиқ нормаларига асосланган ҳолда солиқ механизмини самарали ишлашни таъминлайди. Солиқ ставкаларидан давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилса, бошқа томондан солиқ имтиёзларини бир тури сифатида улар орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбатлантириш ролидан фойдаланилади.



1.3.1-чизма. Солиқ ставкаси турлари.

Солиқ ставкалари икки хил кўринишда: қатъий ставкаларда ва нисбий (фоиз) ставкаларда ифодаланади. Солиқ ставкаси қатъий ставкада белгиланган ҳолда солиқ объектига нисбатан қатъий сўмда белгиланади. Масалан, ер солиғининг ҳар бир гектари учун қатъий сўмда солиқ миқдори ўрнатилган. Юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига, мол-мулкларига эса нисбий ставкада ёки фоизда солиқ миқдори белгиланган.

Солиқ ставкаси билан солиққа тортиш объекти ўртасидаги боғлиқлик даражасига қараб солиқ ставкаларини пропорционал, прогрессив ва регрессив каби турларга ажратиш мумкин.

Солиқ ставкалари, ундирилишга, моҳиятига ва амал қилиши нуқтаи назаридан бир неча турларига ажратилади (1.3.1-чизма).

Солиқ ставкалари турларидан бири – бу пропорционал солиқ ставкалари бўлиб, бу солиқ ставкаларини асосий моҳияти шундан иборатки, солиқ тўловчи эга бўлган фойда (даромад), дивиденд, оборот ёки мол-мулк қийматини ҳажми (суммаси) қанча бўлишидан қатъий назар бир хил тартибда, яъни бир хил фоизда солиқ ставкаси қўлланилади. Масалан, дивиденд учун барча солиқ тўловчилари учун солиқ ставкаси 10 фоиз қилиб

белгиланган. Бундан ташқари, қўшилган қиймат солиғи ставкаси ҳам бугунги кунда пропорционал солиқ ставкаси ҳисобланади. Ҳар қайси солиқ тўловчи қанча оборот (реализация)га эга бўлишидан қатъий назар 20 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайди. Шунингдек, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи бўйича ҳам пропорционал солиқ ставкаси қўлланилади. Республикамиз солиқ тизимида амал қилувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ унинг объекти 500 минг сўм бўлганида ҳам 800 минг сўм бўлганида ҳам солиқ ставкаси ўзгармай қолаверади, яъни солиқ объектининг ўзгариши солиқ ставкасининг ўзгаришига таъсир қилмайди.

Пропорционал солиқ ставкаси ўзгармас солиқ ставкаси бўлиб, унинг миқдори (фоизи) солиқ объектининг ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Бу бир томондан юқори даромадга (оборотга) эга бўлган солиқ тўловчилар учун қулай солиқ ставкалари ҳисоблансада, айрим солиқ тўловчилар учун ноқулайлик туғдириши мумкин, яъни ушбу солиқ ставкаси солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини бажармайди.

Солиқ ставкаларининг кейинги тури прогрессив солиқ ставкаси ҳисобланади. Прогрессив солиқ ставкаси моҳияти жиҳатидан пропорционал солиқ ставкасига нисбатан тесқари ҳолатда амал қилиб, унга мувофиқ солиқ тўловчиларнинг даромадлари, фойдаси ёки обороти ортиб, ўсиб боришига мувофиқ тарзда солиқ ставкасининг ҳам ортиб бориши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида буни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи мисолида кўриш мумкин. Бунга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг олган даромади ошиб бориши билан бирга белгиланган шкала асосида солиқ ставкаси ошиб боради. Масалан, жисмоний шахснинг умумий олган даромади энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдоридан 13 фоиз ставкада, энг кам иш ҳақининг олти бараваридан ўн бараваригача бўлган қисмидан 18 фоиз ставкада, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортган қисмидан эса 25 фоиз ставкада солиқ ундирилиши белгиланган (2008 йил учун).

Демак, бундан кўринадики, прогрессив солиқ ставкасида солиқ объектининг ошиб боришига мутаносиб равишда солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Қайд этиш лозимки, кўпгина иқтисодий адабиётларда прогрессив солиқ ставкаси деганда фақат жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ставкалар келтирилади. Бундан ташқари, прогрессив солиқ ставкаларидан давлат тартибга солувчи восита сифатида ҳам кенг фойдаланади, масалан, республика солиқ қонунчилигига мувофиқ меъёрий муддатларда ўрнатилмаган юридик шахсларнинг мол-мулкига белгиланган ставканинг икки баравари миқдорида солиқ ундириш белгиланган бўлиб, 2008 йилдан юридик шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 3,5 фоиз бўлгани

ҳолда, уларнинг меъёрий муддатларда ўрнатилмаган мол-мулкидан 7% миқдорида солиқ ундирилади.

Прогрессив солиқ ставкасининг икки тури мавжуд: *оддий прогрессия* ва *мураккаб прогрессия*. Оддий прогрессияда солиқнинг орттирилган ставкаси солиққа тортиладиган барча объектга нисбатан қўлланилади, мураккаб прогрессияда эса солиққа тортиш объекти қисмларга бўлинади, уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади, яъни орттирилган ставкалар бутун объектга нисбатан эмас, балки бундан олдинги босқичдан ортган қисмига нисбатан қўлланилади. Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ ставкалари мураккаб прогрессия ҳисобланади.

Прогрессив солиқ ставкасининг камчилиги шундаки, бу солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг даромад олиш манфаатдорлигини рағбатлантирмайди, шунинг учун прогрессив солиқ ставкаларини қўллаганда муайян чегарага қадар солиқ ставкасини ошиб боришини таъминлаган ҳолда сўнгра регрессив солиқ ставкаларини жорий этиш солиқ тўловчилар манфаатларига мос келади. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, прогрессив солиқ ставкалари давлат томонидан иқтисодий солиқлар воситасида тартибга солишда алоҳида аҳамиятга эга.

Солиқ ставкалари ҳақида гапирганда, пропорционал солиқ ставкаси учун нейтрал ҳолат характерли бўлса, прогрессив солиқ ставкаси солиқларнинг фискаллик хусусиятини характерлайди, яъни прогрессив солиқ ставкаларида бюджет манфаати кўпроқ юзага чиқади. Шу жиҳатдан солиқлардан адолатлилик тамойилининг амал қилишини таъминлаш мақсадида регрессив солиқ ставкаларидан фойдаланилади.

Регрессив солиқ ставкасида солиқ тўловчининг солиққа тортиладиган даромади, обороти, мол-мулк қиймати каби солиқ объектининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг камайиб бориши ифодаланади. Бундан кўринадикки, регрессив солиқ ставкаси прогрессив солиқ ставкасига нисбатан тесқари, ҳодисани ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида регрессив солиқ ставкаси асосан солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадида қўлланилиб, бу асосан корхоналарнинг маҳсулот (хизмат, иш)ни четга экспорт қилишини рағбатлантириш мақсадида жорий этилган. Жумладан:

Фойда солиғи бўйича:

Экспортчи корхоналар учун реализациянинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортининг эркин конвертацияланадиган валютага экспорт қилиш улушига боғлиқ ҳолда даромадга солиқ солишнинг регрессив шкаласи амал қилади. Экспорт улуши:

– реализациянинг умумий ҳажмида 15% дан 30% га қадар бўлганида – белгиланган ставка 30% га камаяди;

– реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп бўлганида - белгиланган ставка 2 бараварга камаяди.

Мол-мулк солиғи бўйича, ҳам шу тартиб амал қилади.

Республикаимиз солиқ тизимида экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор имтиёзларнинг мавжудлиги миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда узоқ йиллардан буён ягона солиқ ставкаларини жорий этиш тўғрисида баҳсли мунозаралар давом этиб келаяпти.

Бу қарашларни рус олимлари А.Абалкин, П.Бунич ва бошқаларнинг илмий ишларида учратиш мумкин. Уларнинг қайд этишларига кўра корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ учун ягона ставка жорий қилиш бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар учун мақбул ва ягона йўл эканлигини таъкидлайди. Фикрининг исботи тариқасида ягона ставкани жорий қилишнинг тўрт сабабини ажратиб кўрсатади:

- 1) Хўжалик механизмининг ягоналиги;
- 2) Капитални сарфлаш соҳаларининг солиқ муносабатларига нисбатан тенглиги, бу капитални эркин ҳаракат қилиши учун асос яратади;
- 3) Барча корхоналарнинг солиқ тўловчилар сифатида давлат олдида тенг ҳуқуқлилиги;
- 4) Бозордаги рақобат курашида шароитларнинг тенглиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида бунга қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. Ана шундай фикрларга кўра, барча корхоналар учун ягона ставкада фойдадан солиқ олиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Корхоналарнинг турлича молиявий шароитда бўлган ҳозирги давр ҳолатида ягона ставкани қўллаш корхонанинг молиявий эҳтиёжлари билан давлат манфаатлари юзасидан кескин қарама-қаршиликларни юзага келтиради.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар солиқ тизимида эътибор қаратадиган бўлсак, улар амалиётида солиқ ставкаларини табақалаштирилган ҳолда қўлланилишини гувоҳи бўлиш мумкин.

Чунки, солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини юзага чиқиши асосан уч хил кўринишда юзага чиқади. Булар солиқ имтиёзларини амалга ошириш (солиқ объектини камайтириш), солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш ҳамда солиқ ставкаларини табақалаштириш ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, солиқ ставкаларини табақалаштириш солиқ тизими ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори учун ҳам фойдали бўлсада, аммо, бу жараёнда энг асосий муаммо солиқ ставкаларини табақалаштириш масаласи ҳисобланади.

Агар, солиқ ставкаларини табақалаштиришда тўғри ва эгри солиқлар ҳолатига эътибор берадиган бўлса, эгри солиқларга нисбатан тўғри

солиқларда солиқ ставкалари кўпроқ табақалашган. Бунинг асосий сабаби, солиқларнинг рағбатлантирувчилик роли асосан тўғри ва эгри солиқлар орқали юзага чиқиши, шунга асосланган ҳолда солиқ ставкаларини табақалаштиришда тўғри ва эгри солиқлар орқали корхоналарни турли хил фаолият бўйича рағбатлантириш ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ хўжалик юритувчи субъектлардан асосан сув манбаларидан тежаб тергаб фойдаланиш ҳамда давлат бюджетини даромад билан таъминлаш сифатида киритилган бўлиб, уни табақалаштиришда икки хил ёндашув амалга оширилган, яъни сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқ ставкалари соҳалар ва сувларни пайдо бўлиш манбаларига кўра табақалаштирилгандир.


Тўғри солиқлар жумласига кирувчи мол-мулк солиғи ҳам корхоналарнинг ўз тасарруфидаги ва фойдаланиладиган мол-мулкларининг самарали фойдаланишга ундаш ва бюджет манфаати нуқтаи-назаридан киритилган бўлиб, мол-мулк солиғи бўйича солиқ асосан пропорционал ҳолда ўрнатилган бўлиб, у ҳозирги кунда (2008 йилда) 3,5 фоизлик ставкада белгилангандир.

Шунингдек, тўғри солиқлардан бири ҳисобланган ягона солиқ тўлови кичик бизнес субъектлари учун алоҳида солиқ тури бўлиб, у бўйича белгиланган солиқ ставкалари ҳам табақалашган. Бунда солиқ ставкасининг табақалаштириш мезони асосан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти соҳалари бўйича берилган. Яъни, тайёрлов ва таъминот корхоналари учун ялпи даромадга нисбатан 33 фоиз, саноат ва бошқа соҳалар учун 10 фоиз, кишлоқ хўжалиги корхоналари учун эса 6 фоиз қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида тўғри солиқлардан ташқари эгри солиқлар ҳам амал қилиб, ушбу солиқ турлари бўйича ҳам табақалаштирилган солиқ ставкалари қўлланилади (1.3.2-чизма).

Қўшилган қиймат солиғи энг асосий солиқ турларидан бири бўлиб, бу асосан оборотдан олинладиган ва сотувдан олинладиган солиқларнинг ўрнига киритилган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича дастлабки йилда 32 фоизли ставка қўлланилган бўлса, бугунги кунда умумий тартибда 20 фоизлик ва ноллик ставка бўйича солиқ ундирилмоқда.

Эгри солиқларнинг яна бир тури бўлган акциз солиғи бўйича ҳам табақалаштирилган солиқ ставкалари қўлланилган бўлиб, бу солиқ турида солиқ ставкаларини табақалаштиришда бошқа солиқлардан фарқли равишда солиқ ставкалари солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти соҳалар ёки солиқ тўловчиларнинг жойланишига қараб эмас, балки акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати бўйича табақалаштирилган.



1.3.2-чизма. Солиқ ставкаларини белгилаш мезонлари

Умуман олганда, солиқ ставкаларини табақалаштириш солиқ тизимининг энг муҳим асосий муаммоларидан бири бўлиб, ўта нозик ва катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади, чунки унда давлат бюджети ва солиқ тўловчиларнинг манфаатлари акс этган ҳисобланади.

Солиқ имтиёзлари

Жаҳон солиқ тизимининг асосий ва ажралмас қисмларидан бири – бу солиқ имтиёзларидир. Ҳар қандай давлат унинг хўжалик юритиш тизими қандай бўлишдан қатъий назар давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашда асосий воситалардан бири – бу солиқлар ва солиқсиз тўловлардир. Аммо жорий этилган солиқлар соф фискал шаклда ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки фақат бюджет манфаати нуқтаи-назаридан ўрнатилган солиқларни амал қилиши узоқ вақтни ўз ичига олмайди. Шунинг учун муайян даражада солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тақозо этилади.

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг бир қатор объектив ижтимоий-иқтисодий сабаблари мавжуд бўлиб, улар куйидагилардир:

Биринчидан, солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи (юридик ва жисмоний шахс) ларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий ҳолати турлича эканлигидан. Шу жиҳатдан барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди;

Иккинчидан, давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширадигани, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

Учинчидан, солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ислохотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилади. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзлари хусусида турли хил фикрлар мавжуд. Солиқ имтиёзларининг моҳиятини тўлароқ англаб етиш учун аввало ана шу турли хил фикрларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Қ.Яҳёев фикрига кўра «Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш солиқ имтиёзидир»¹¹. Шунингдек, ушбу иқтисодчининг таъкидлашича солиқ имтиёзи деган термин ўрнига солиқ енгиллиги термини бу жараённинг моҳиятини очиб беради¹². Ш.Гатаулин солиқ имтиёзларига қуйидагича таъриф беради: «Солиқ имтиёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)»¹³.

Т.Маликовнинг таъкидлашича солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади.

¹¹ Яҳёев Қ. Солиқ. Т.: «Меҳнат», 1997 й. 20-бет.

¹² Ўша жойда.

¹³ Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996 й. 74-бет.

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, таъқиқланади¹⁴.

Солиқларнинг ва улар бўйича бериладиган имтиёзларнинг мавжудлиги доимо давлат вужудга келиши билан боғланиб келинган. Буюк Соҳибқирон Амир Темури тузукларида таъкидланишича «Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчи ва намоён бўлишидир»¹⁵.

Агар, Темури тузукларида берилган солиққа тортиш тамойилларига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг асосини ҳам солиққа тортишда бериладиган имтиёзлар эгаллайди. Унга мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқларни аралашли ундириш солиқ сиёсатини диққат марказида туради. «Темури тузукларида» келтирилишича «Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки полиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун - қонидасига мувофиқ хирож йиғилсин»¹⁶. Бундан кўринадики, солиқлардан бериладиган имтиёзлар бевосита давлатни (хазинани) иқтисодий қудратига боғлиқ бўлиб, унда солиқ имтиёзлари билан бюджет (хазина) даромадларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган.

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқ имтиёзларининг тутган ўрни инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс назариясида алоҳида ўринни эгаллайди. Кейнсчилар томонидан солиқ тизими, аниқроғи солиқ имтиёзлари макроиқтисодиёт шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг таркибий элементи сифатида ҳамда давлатнинг тадбиркорлар манфаатига таъсир этиш

¹⁴ Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Т.: 2000 й. 76-бет.

¹⁵ Темури тузуклари. Т.: «Чўлпон», 1991 й. 98-бет.

¹⁶ Ўша жойда.

ва бюджетнинг даромад қисмини тўлдириш борасидаги муҳим иқтисодий қурол сифатида қаралади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатларида неоклассик йўналиш, институционал - ижтимоий йўналиш талабларига мос тарзда солиққа тортиш тизимида имтиёзлар назариясига анча эътибор берилди. Мазкур иқтисодий мактаблар назарий ёндашувларидаги туб фарқлар бўлишига қарамай уларнинг вақиллари умумий тарзда солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни тартибга солиш воситаси сифатида қараганлар. Иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзлари ролини улар қуйидагича ифодалар эди: агар у ёки бу давлатнинг иқтисодиёти ортиқча ишлаб чиқариш билан хусусиятланувчи ўсиш даврини ўтаётган бўлса, у ҳолда давлат солиқ имтиёзларини камайтириш, яъни солиқларни кўпайтириш, солиққа тортишни кучайтириш орқали корпорациялар бўш маблағларини кўпроқ бюджетга жалб қилиш лозим деб ҳисоблаганлар. Агар мамлакат иқтисодиёти турғунлик ҳолатини кечираётган бўлса, иқтисодиётни жонлантириш учун кўшимча сармоя жалб қилиш лозим. Бунда солиқ имтиёзларидан ҳам кенг фойдаланиш зарурати туғилади деган хулосага келишган. Бу ҳолатда иқтисодчилар давлатга, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтиришни маслаҳат берадиларки, бу нарса бюджетга кўшимча маблағлар ва капитал қўйилмалар учун маблағлар туғилишига имконият туғдиради.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа дастаклари қатори солиқ сиёсати талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали иқтисодиётда барқарор таракқиётни таъминлашга қаратилган. Ғарб иқтисодчилари солиқ тизимининг аҳамиятини давлат фаолиятини амалга ошириш учун уни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш сифатида ифодаланувчи соф фискал вазифа билан чеклаб қўймайдилар. Уларнинг солиқ имтиёзлари назариясида солиқларни тартибга солиш вазифасига катта эътибор берадилар. Солиқлар давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим қуроли сифатида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий хулқ-атворида давлат таъсирини ифодалайдилар. Аммо, бунда солиқ имтиёзлари асосий восита сифатида қаралиши кенг назарда тутилган.

Солиқ имтиёзларини белгилаш асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш, турли соҳаларни ривожланишига актив таъсир этиш муаммоси ётади. Шу ўринда солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари халқаро солиқ муносабатларига мос келиши ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг фаол иштирок этишида мослашувчан бўлиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий тартиблаш ва бошқариш жараёнида бир қатор воситалардан фойдаланиладики, бунда солиқ тизимининг солиқ ставкалари ва имтиёзларидан фойдаланиш энг самарали ва осон усуллардан бири бўлиб юзага чиқади.

Солиқ имтиёзларидан ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестицияларни рағбатлантиришда ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва самарали қўлланилишига қараб куйидаги кўринишларда ифодаланиши мумкин:

- солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- янги ташкил этилган корхоналарга имтиёзлар бериш;
- солиқ тўлашдан вақтинча озод этиш;
- солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- солиқдан қисман озод қилиш;
- хорижий инвестицияларга имтиёзлар бериш;
- экспортга имтиёзлар бериш ва бошқалар.

Солиқ имтиёзлари воситасида иқтисодий тартиблаш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиқки, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликни йўқотиш учун шароит яратади. Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқларни ундириш воситалари, муддатлари нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.

Солиқ имтиёзларини турли хил асослар бўйича гуруҳлаш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар мавжудлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан куйидаги шаклларда намоён бўлди:


- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган солиқ имтиёзларини куйидагича гуруҳлаш мумкин (1.3.3-чизмага қаранг).

1.3.3-чизмадан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларининг энг сўнгги тури бу солиқ солиш усулини танлаш ҳуқуқидир. Бу имтиёз фақат Солиқ Кодексига мувофиқ берилган бўлиб, аввалги солиқ қонунчилигида бу имтиёз кўзда тутилмаган

эди. Бу имтиёз турини моҳияти асосан кичик бизнес субъектларига солиқ солишининг у ёки бу турини танлаш ҳуқуқи берилганлиги билан ифодаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида солиқ тизимини такомиллаштириб боришда, хорижий мамлакатларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.



1.3.3-чизма. Солиқ имтиёзларининг турлари

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофиқ йўлланилишига қараб қуйидагиларга бўлинади. Булар айрим корхона ва ташкилотларни бутунлай солиқ тўлашдан озод этиш ҳамда янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар бериш. Бу имтиёзлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик (агар маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлса) ривожланишга ижобий таъсир этади.

Солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб жараён бу солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Аммо, қайд этиш жоизки, солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади ва шу жиҳатдан у турли давлатларда турлича бўлади.



1.3.4-чизма. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ имтиёзларини белгилаш муайян мезонлар асосида амалга оширилган. Солиқ имтиёзларини солиқ тўловчиларнинг ижтимоий ҳолатига, республикада қайси соҳани

ривожлантириш устуворлигига, солиқ тўловчиларнинг импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотни экспорт қилиш даражасига ҳамда давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларга асосланиб белгилангандир. Солиқ имтиёзларининг мезонларини тўғри, объектив аниқлаш солиқларнинг адолатлилиқ тамойилини ифодаси сифатида юзага чиқади.

Солиқларни ундириш усуллари

Солиқ амалиётида солиқларни ундиришнинг учта усули мавжуд:

- 1) *Кадастрли;*
- 2) *Даромад манбаудан;*

3) *Даромад эгаси даромадни олганидан сўнг (декларация буйича).*

Биринчи усул бевосита реал солиқларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган объектлар (ер, иморатлар ва шу кабилар) нинг баҳоси ва ўртача даромадлилиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган кадастр ёки реестрдан фойдаланилишини тақозо этади.

Ер кадастрини тузишда турли туманлардаги айни бир хилдаги ер участкалари сифати, жойлашган жойи, фойдаланилиши ва бошқа белгиларига кўра гуруҳланади. Хар бир гуруҳ учун майдон бирлигининг қатор йиллар учун ўртача даромадлилиги белгиланади. Бошқа ҳамма ер участкалари майдон бирлигидан солиқ ставкаси белгиланган у ёки бошқа тоифага тенглаштирилади.

Солиқни тўлашнинг кадастрли усулининг узига хос хусусияти сифатида шунини ажратиш керакки, солиқнинг тўланиш пайти даромаднинг олинаниши пайти билан асло боғлиқ бўлмайди, чунки бундай усулда мол-мулк унинг тахмин қилинадиган даромадлилигининг ташқи белгилари асосида баҳоланади. Кадастрли усулда шаҳарлар ва шаҳар қўرғонларида ер солиғи ставкаларини ишлаб чиқишга улар ҳудудини шаҳар айрим туманлари ерлари ҳамда инфратузилмасини иқтисодий баҳолаш қиймати бўйича комплекс тарзда баҳолаш асос қилиб олинган.

Объектнинг ана шундай белгиларга асосланадиган ўртача даромадлилиги унинг ҳақиқий даромадлилигидан жиддий фарқланиши мумкин, шунинг учун бундай усул кўп жиҳатдан тарихийлик тусига эга бўлиши мумкинки, ундан солиқ тизими унча ривожланмаган ҳолатда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ер солиғи кадастрли усулда ундирилади. Бунда ерларнинг унумдорлиги (бонитети) ҳисобга олинган ҳолдаги ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президент қарори асосида хар йили янгидан тасдиқланади.

Иккинчи усулда солиқни солиқ субъектига даромадни тўлайдиган юридик шахс ҳисоблайди ва ушлаб қолади. Ишчининг иш ҳақидан,

хизматчининг маошидан даромад солиғи шу тариқа ундирилади. Солиқ корхонада ходимнинг даромадни олғунига қадар ушлаб қолинади, бу солиқни тўлашдан бўйин товлашни истисно қилади, чунки бухгалтерия солиқ солинадиган даромадни ва солиқ суммасини аниқ ҳисоб-китоб килиб чиқади. Бундай муносабатларда иштирок этувчи юридик шахслар кўпинча фискал агент ёки солиқ агенти сифатида қаралади.

Солиқнинг даромад манбаида тўланиши шуни англатадики, солиқ уни декларациялар буйича тўлашдаги сингари солиқ идораси томонидан ҳисобланиб ушлаб қолинмайди, балки уни юридик ва жисмоний шахс фойдасига тўловни амалга оширадиган фискал агентлар тўлов манбалари (корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, бошқа иш берувчилар) да ҳисоблайдилар ва ушлаб қоладилар.

Учинчи усул солиқ тўловчиларнинг солиқ идораларига декларацияларни, яъни уларнинг олган даромадлари ва ўзларига тегишли бўлган солиқ имтиёзлари ҳақидаги расмий баёнотни беришни назарда тутди. Солиқ идоралари солиқ декларацияси ва амалдаги солиққа тортиш ставкалари асосида тўланиши лозим бўлган солиқ миқдорини назорат қилдилар. Солиқ декларацияси асосида, одатда, тадбиркорлик фаолиятидан, деҳқон (фермер) хўжалигини юритишдан олиннадиган даромадлар, шунингдек, интеллектуал фаолият билан шуғулланадиган шахслар (фан, адабиёт, санъат асарларининг муаллифлари, кашфиётлар, ихтиролар муаллифлари, саноат намуналарини яратувчилари ва хоказо) даромадлари солиққа тортилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ элементлари таркибига нималар киради?
2. Солиқ объекти нима?
3. Солиқ агенти деганда кимларни тушунасиз?
4. Солиқ ставкалари нима ва у қандай турларга бўлинади?
5. Пропорционал солиқ ставкаларига мисоллар келтиринг?
6. Прогрессив солиқ ставкаларига қайси солиқ турларини киритиш мумкин?
7. Солиқ имтиёзлари қандай турларга бўлинади?
8. Солиқ имтиёзлари қандай мезонлар асосида белгиланади?
9. Солиқни қандай ундириш усуллари мавжуд?
10. Солиқларни кадастрли ундиришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

1.4. Солиққа тортиш тамойиллари

Солиқларнинг функциясини ўрганиш уларнинг иқтисодийдаги ролини кўрсатиб берса, солиққа тортиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда ташкил этиш, солиққа тортиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради. Кўплаб иқтисодчилар солиққа тортиш иқтисодийнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган тамойилларни қайд этишган.

Солиққа тортиш тамойилларини А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор асослаб берган:

1. Давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

2. Ҳар бир одам тўлайдиган солиқ аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, тўланадиган вақти ва тартиби уни тўловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва маълум бўлиши зарур.

3. Ҳар бир солиқ тўловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

4. Ҳар бир солиқ шундай тарзда ўрнатилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин.

Ҳозирги шароитга татбиқан олганда, солиққа тортиш самарали тизимининг қуйидаги тамойилларини таърифлаб ўтиш мумкин:

Солиққа тортишнинг етарлилик тамойили

Солиққа тортишнинг етарлилик тамойилига мувофиқ солиққа тортиш даражаси шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган халқ хўжалиги самарадорлигига эришишни кафолатлай олсин. Солиққа тортиш тизими иқтисодий, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа қобилияти ва бошқа соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўпланишини таъминлаши лозим. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкалари солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ тўлар экан, давлат томонидан бепул хизматлардан баҳраманд бўлгани ҳолда айни чоқда ўзининг баъзи харажатларини қисқартиради. Масалан, давлат умумий фойдаланиш йўлларидаги ҳолати яхши сақланишини таъминлаш билан солиқ тўловчининг транспорт харажатларини камайтиради, бепул маориф, соғлиқни сақлашни таъминлаш билан ёлланма ходимларнинг харажатларини қисқартиради, демак, иш ҳақи харажатларини ҳам

камайтирган бўлади. Шундай қилиб, тўланган солиқларнинг фақат хизматлар кўринишидаги талаб этилмаган бир қисмигина солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланади. Умуман олганда, етарлилик тамойили солиқ сиёсатини белгилаётганда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий равишда уйғунлаштиришни тақозо этади.

Солиққа тортишнинг тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойили

Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим.

Солиқ тизими ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда хўжаликни мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги лозим. Агар солиқлар катта бўлгани учун тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, бошқа турдаги иқтисодий фаолият кўрсатишдан манфаатдорлигига путур етказса, мамлакат иқтисодиёти пастга қараб кетиши хавфи туғилади. Солиқлар миқдори ҳаддан ташқари катта қилиб белгиланса, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиб кетади, бу жараён захиралар, банклардаги пул маблағларининг баракаси учишига, илгари тўпланган маблағларнинг ейилиб кетишига олиб келади.

Солиққа тортиш, агар у, биринчидан, ишчи кучини ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган даражада сақлаб туришга зарур бўлган истеъмолнинг минимал ҳажмларига салбий таъсир этса, иккинчидан, меҳнатга нисбатан иқтисодий ва моддий рағбатларнинг ҳаракат доирасини торайтириб қўйса, учинчидан, жамғарма миқдорини камайтирса ва маблағнинг тўпланиш жараёнини секинлаштиради ишлаб чиқариш имкониятларини ёмонлаштириб юбориши мумкин.

Солиққа тортиш базаси ва унинг ҳажмларини нотўғри белгилаш ходимларнинг малака оширишга, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти билан шуғулланишга ва бошқа соҳаларга бўлган интилишига салбий таъсир этади.

Солиққа тортишнинг иқтисодий омилларга таъсири икки хил кўринишда бўлади, яъни қиёсий оқибат ва даромад оқибати шаклида ифодаланади. Қиёсий оқибат меҳнат натижалари, жамғариш, инвестициялаш, янги ғояларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа хил кўринишлари билан шуғулланиш учун нисбатан камроқ даражада рағбатлантиришда намоён бўлади. Айниқса, прогрессив (ошиб борувчи)

солиққа тортишда бундай оқибатнинг рағбатлантиришга зид таъсири яққол ифодаланади.

Дунёдаги бир қатор мамлакатларда капиталдан келган даромад ва истеъмолга қараб солиққа тортишни кўзда тутган солиқ ислохоти ўтказилмоқда. Солиққа тортишнинг салбий таъсирини силликлаш мақсадида ишчи кучини таклиф этиш соҳасида иш ҳақи кўринишидаги даромадлардан олинadиган солиқларнинг энг юқори қилиб белгиланган ставкалари пасайтирилмоқда. Жамғариш ва инвестициялашга солиқларнинг таъсир этиши борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда.

Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили

Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилига мувофиқ, солиқлар жамият томонидан оқилona ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим. Адолатлилик тамойили бир қанча асосий гуруҳдаги солиққа тортиш тамойилларига бўлинади. Буларни икки гуруҳга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунда горизонтал ва вертикал адолатни бир-биридан фарқлаш лозим. Горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида солиқ тўловчиларга нисбатан солиққа тортишнинг тахминан тенг шартларини қўллашни кўзда туттади.

Вертикал адолат деганда, хўжалик юритишнинг бир мунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиққа тортишнинг бир қадар юмшоқроқ шартларини, энгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларни қўллаш тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантириш функциясини бажариш доирасида иккинчи тамойил бузилиши мумкин. Масалан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш бўйича солиққа тортишда бир қадар имтиёзли шартлар ёки аксинча, вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш учун улардан олинadиган эгри солиқларнинг юқори ставкалари белгиланган ҳоллар ҳам бўлади.

Ижтимоий адолат тамойилини амалга оширишга турлича ёндашувлар бўлиши мумкин. Агар солиқларни тўпланган солиқлар ҳисобидан рўёбга чиқариладиган давлат дастурларидан кейинчалик фойда кўрадиган шахслар

тўласа, у ҳолда адолатли деб ҳисобланади. Айтайлик, республика йўл жамғармасига тушадиган маблағни давлат катта йўлларни таъмирлашга ёки қуришга сарфласа, бундан жамғармага ажратмаларни тўловчиларнинг ўзлари - автомобил эгалари наф қўради. Бироқ бундай ёндашувни кенг миқёсда амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, маорифни ривожлантириш, атроф-муҳитни кўриқлашдан аниқ равишда ким кўпроқ фойда кўришини қандай қилиб ҳисоблаб чиқиш мумкин? Ҳатто бепул соғлиқни сақлаш дастурларидан асосан кўп болали оилалар, кекса ва ночор фуқаролар фойдаланишлари аниқлаб чиқилган тақдирда ҳам ана шу мақсадлар учун махсус солиқларни айнан уларнинг ўзидан ундиришни талаб қилиш адолатдан бўлмайди, албатта.

Амалиётда бошқача ёндашув бирмунча кенгроқ қўлланилади, унга кўра тўлов қобилияти тамойили асос қилиб олинади: солиқ тўловчининг даромади қанчалик юқори бўлса, ундан шунча кўп миқдорда солиқ ундирилади. Бу гапнинг маъноси шуки, бадавлат одамлар бепул мактаб маорифи, миллий муҳофаа, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун бир қадар юксак иқтисодий масъулиятни ҳис этишлари лозим, чунки улар кам даромадлиларга нисбатан кўпроқ тўлашга қодирдирлар. Аслини олганда, ўзига тўқ кишилар таълим бериш ва хизмат кўрсатиш яхшироқ йўлга қўйилган мактаб ва шифохоналарни танлайдилар. Бундай тўлов қобилияти концепцияси АҚШ солиқ сиёсатида кенг тарқалган.

Бироқ амалиётда солиққа тортишнинг мазкур концепцияси тез-тез жиддий қийинчиликларга дуч келиб туради. Йилига 100 минг доллар даромад оладиган киши йилига 10 минг доллар даромад оладиган кишига нисбатан кўпроқ солиқ тўлашга қодир, деган фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бунда биринчи киши иккинчисига қараганда айнан неча баравар кўп солиқ тўлаш имкониятига эга, деган масала ноаниқдир. Бадавлат одам ўзининг даромадидан ўша ҳиссани ва мутлақ катта суммани тўлайдими ёки солиқ сифатида умуман кўпроқ ҳиссани тўлайдими? Афсуски, аниқ бир одамнинг солиқ тўлаш имкониятларини ўлчаш учун илмий асосланган қандайдир усуллар мавжуд эмас.

Солиққа тортишдаги адолат тамойили баъзи ҳолларда тақсимотдаги ижтимоий адолат тамойили кўринишида намоён бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу тамойилни даромадларни тенг равишда тақсимлаш, бараварлаштириш деб тушунмаслик керак. Қонун олдида тенгликка риоя этилиши, ижтимоий мумтозликка, ирқ ва динга муносибликка асосланган имтиёзларнинг бекор қилиниши, инсон асосий ҳуқуқларга бирдай эга бўлиши каби тенглик тамойиллари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ва бу тамойиллар қадриятларнинг ижтимоий тизимида қатъий амал қилмоғи лозим. Моддий тенглик, яъни

даромадлар, мулк, истеъмол соҳасидаги тенглик ҳақида гап кетадиган бўлса, айтиш керакки, бундай тенгликка эришиб бўлмайди. Давлат ва жамият барча фуқаролар яхши ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари керак, албатта, солиққа тортиш тизими эса истикболга мўлжалланган режада аҳолининг фаровонлигини умумий тарзда амалга ошириш орқали жамият қўйи қатламларининг аҳволи изчил равишда яхшиланиб боришига кўмаклашмоғи зарур.

Солиққа тортишнинг Оддийлик ва холислик тамойили

Бу тамойил солиққа тортиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқишда оддийлик бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мазмунини соддалаштиришни, шунингдек солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борича камайтиришни кўзда тутди. Бу ўринда назарда тутилаётган нарса шуки, солиқларнинг рағбатлантириш функцияси доирасида бериладиган имтиёзлар яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлмаслиги, балки муайян фаолият турларини рағбатлантиришга, солиқ тўловчиларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъи назар, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Баъзи соҳаларда пайдо бўладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжни қондиришни бюджет-кредит сиёсати орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шуки, солиқ имтиёзларининг ҳаддан ташқари кўплиги қонунларни мураккаблаштириб юборади, тушунишни қийинлаштиради ҳамда турлича талқин қилинишига олиб келади, бу ҳол пировард натижада солиқ тўловчиларнинг солиқларга нисбатан муносабатларига салбий таъсир қилади. Шу билан бирга аниқ қилиб белгиланган имтиёзлар солиқ юкини бошқа солиқ тўловчилар зиммасига ўтказиб, ижтимоий адолатсизлик рўй беришига олиб келади.

Солиққа тортишнинг бошқаришга қулайлик тамойили

Самарали солиқ тизимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қулай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишда самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишига боғлиқ.

Айрим мамлакатларда солиққа тортишнинг ниҳоятда мураккаб тартиби амал қилади, айтайлик, шкала ва ставкалар тури, солиқлар таркиби, уларни тўлаш қоидалари ва тартиблари ҳаддан ташқари кўп. Бунинг устига улар солиқ тушумларининг кўпайишига ҳеч қандай ёрдам бермайди ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси бажарилишида рол ўйнамайди.

Маъмурий бошқарувчилик билан солиққа тортиш тамойилларини рўёбга чиқаришга қаратилган мақсадга эришиш ўртасида мувозанат сақланиб қолиши ниҳоятда муҳимдир. Мураккаб тузилган чораларнинг самараси кам бўлади, уларни амалга оширишдаги муваффақият кўпдан-кўп ахборот тўплаш ва ундан фойдаланишга боғлиқ. Солиқ хизмати ва солиқ маданиятининг ривожланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак.

Солиққа тортишнинг солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арзонлаштириш тамойили

такомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усуллари қўлланиш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиққа тортиш масалалари хусусида солиқ органлари

Мазкур тамойил давлат ва солиқ тўловчилар томонидан солиқларни йиғиш учун кетадиган харажатларни мумкин қадар камайтиришни кўзда тутди. Бунинг учун республикада солиққа тортиш тартибини тақомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усуллари қўлланиш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиққа тортиш масалалари хусусида солиқ органлари томонидан бепул маслаҳатхоналар ташкил этилган.

Солиққа тортишнинг солиқ ставкаларини қиёслаш тамойили

хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа мамлакатлар билан тенг бўлган хўжалик фаолияти шарт-шароитлари вужудга келтирилиши лозим. Агар қаттиқ шартлар белгилаб қўйилгудек бўлса, бу ҳол республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни мушкуллаштириб юборади, аксинча, енгил шароит яратилса, мамлакат бюджетига салбий таъсир қилади.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида эса солиққа тортиш тамойиллари ўрнига солиқ қонунчилиги принциплари берилиб, улар қуйидагилардан иборат:

– ҳар бир шахс Кодексида белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга мажбурдир (6-модда), яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши келак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва

мажбурий тўловларни қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак (7-модда);

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلарни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак (8-модда). Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий аҳолидан қатъий-назар қонун олдида тенгдирлар;

– солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир (9-модда);

– солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт (10-модда).

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги принциплари маълум ўхшашликка эга бўлиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш иқтисодий янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиққа тортиш тамойилларини ким илк бора асослаб берган?
2. Солиққа тортишнинг етарлилик тамойилининг моҳиятини очиб беринг?
3. Солиққа тортишнинг тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойилини тушунтиринг?
4. Солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили нима ва сиз уни қандай тушунасиш?
5. Солиққа тортишнинг оддийлик ва холислик тамойили нима ва унга сизнинг муносабатингиз?
6. Солиққа тортишнинг бошқаришга қулайлик тамойилининг моҳияти нимада?
7. Солиққа тортишнинг солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арзонлаштириш тамойили деганда нимани тушунасиш?
8. Солиққа тортишнинг солиқ ставкаларини қиёслаш тамойилини тушунтиринг?
9. Солиқ кодексининг қайси моддасида солиққа тортиш тамойиллари келтирилган?
10. Солиқ кодексидида белгилаб берилган солиқ тамойилларининг моҳиятини тушунтиринг?

I боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1.1., 3.4., 3.8., 3.11., 3.12., 3.13., 3.19., 3.35., 3.36., 3.41., 3.42., 3.47., 4.4., 4.34., 4.38., 4.42., 4.43., 6.9.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИ АСОСЛАРИ

2.1. Солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловларга умумий тавсифнома

Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар

Иқтисодий адабиётларда юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси *солиқлар тизими* деб тушунилади. Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети прогнози тўғрисидаги махсус қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади.

- 7) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;

Бу тўлов ўз навбатида қуйидаги жамғармаларга тақсимланади: Пенсия жамғармасига, бандлик жамғармасига ва касаба уюшмаси жамғармасига.

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар;

- 8) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;
- Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

- 9) давлат божи;

- 10) божхона тўловлари;

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибида тўланадиган умумдавлат солиқлари:

11) ягона солиқ тўлови;

12) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи;

3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

б) ягона ер солиғи (соддалаштирилган тартибдага солиқ)

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўловчиси бўлиб Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан жорий этилади ва унинг бутун ҳудудида ундирилади.

Ушбу солиқлар ставкаларининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида айрим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумий, қатъий ставкаларда белгилаши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар

билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг миқдорлари, уларни ундириш тартиби, улар бўйича қўшимча имтиёзлар тақдим этиш Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Юридик шахслар томонидан бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзлар ҳисоби ҳисобварақларида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳар бир тури бўйича юритилади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчилар зиммасига юкланади.

Маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўланишининг тасдиғи бўлиб амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк муассасаси ёки ваколатли орган берган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқларнинг умумдавлат (республика) ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосида келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга ва бошқа мажбурий тўловларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида катта вазифаларни, жумладан, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, муҳофаа, хавфсизликни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор шу каби стратегик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши талаб этади. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар республика бюджетига тушади. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушуши мумкин. Борди-ю, ажратма етмаса субвенция ёки субсидия берилади. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, улар бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар ҳисобланади.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий ҳокимият органлари асосан фуқароларга яқин бўлганлигидан уларга ижтимоий масалаларни, жумладан, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради.

Лекин бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос.

Шунинг учун ҳам маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади ва улардан бошқа бюджетларга ажратмалар берилмайди.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромадлар ва харажатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда умумдавлат солиқларидан ажратмалар берилади. (масалан, қўшилган қиймат солиғидан, акциз солиғидан ва бошқалар).

Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган юридик ва жисмоний шахслар

Ўзбекистон солиқ тизимида соддалаштирилган (ихчамлаштирилган) солиқ тизимига ўтган юридик ва жисмоний шахслар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги солиқларни тўлайдилар:

1) Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар Солиқ кодексига (350-модда) белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар тўлаганлари тақдирда ягона солиқ тўлови уларга татбиқ этилмайди. Ягона солиқ тўлови тўловчиларда импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолади.

2) Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (мол-мулк солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга 2007 йил 1 январга қадар ялпи даромад солиғи тўлар эдилар. 2007 йил 1 январдан бошлаб эса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад ва мол-мулк солиқларнинг ўрнига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз ягона солиқ тўловини тўлаш режимига ўтказилди.

3) Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари акциз солиғини ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар. Ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича солиқ солишнинг ўзи белгиланган ставкалар бўйича солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлашни назарда тутувчи алоҳида тартибини белгилаши мумкин.

5) Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун қўшимча фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Қўшимча фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6) Лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўловини тўлайдилар. Ялпи тушумдан ягона солиқ тўлови ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқлар тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Солиқлар қайси давлат органи томонидан жорий қилинади?
3. Умумдавлат солиқлари таркибига қайси солиқлар киради?
4. Маҳаллий солиқлар таркибига қайси солиқлар киради?
5. Қайси солиқлар маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади ва қандай тартибда?
6. Қайси маҳаллий солиқлар Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ундирилади?
7. Қайси маҳаллий солиқлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари томонидан жорий этилади?
8. Соддалаштирилган солиқ тизимига қандай юридик ва жисмоний шахслар ўтган?

9. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қачондан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланишади?
10. Бюджетдан ташқари жамғармаларни санаб беринг?
11. Ягона ижтимоий тўлов қайси жамғармалар ўртасида тақсимланади?
12. Солиқларни умумдавлат ва маҳаллий солиқларга ажратишнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

2.2. Солиқларнинг гуруҳланиши

Солиқларнинг гуруҳларга ажратилиши

Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни объекти ва иқтисодий моҳияти бўйича бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Солиқлар солиққа тортиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Оборотдан олинадиган солиқлар
2. Даромаддан олинадиган солиқлар
3. Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқлар
4. Ер майдонига қараб олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаридек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки маҳсулотларни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ тўлови ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ихтисослаштирилган улгуржи савдо корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқлари киради. Бу гуруҳ солиқларга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳам киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол-мулк солиғи киради.

Ер майдонларидан олинадиган солиқларга қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона ер солиғи ва юридик (ноқишлоқ хўжалик) ва жисмоний шахсларнинг ер солиқларини киритиш мумкин.

Тўғри ва эгри солиқларнинг таркиби ва уларнинг бюджет даромадларидаги аҳамияти

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлинади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни

хуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Тўғри солиқ юкини бошқалар зиммасига юклатиш ҳолати бу ерда бўлмайди. Бу солиқлар таркибига барча даромаддан тўланадиган солиқлар ва мол-мулк (ресурс) солиқлари киради.

Тўғри солиқлардан тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради ва охир-оқибатда мамлакат иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демак, бу гуруҳ таркибига кирувчи солиқларнинг ставкалари тўғридан-тўғри иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

Эгри солиқларни хуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизматни) юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлигини ҳақиқатдан ҳам бюджетга тўловчилари товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилардир, яъни эгри солиқларнинг барчаси бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлаб чиқарилган товарларни республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради. Эгри солиқлар ставкасининг асосли равишда оширилиши корхоналар фаолиятининг молиявий якунига тўғридан-тўғри таъсир этмайди, яъни инвестицион фаолиятини қисқартирмайди. Аммо солиқ ставкаси илмий асосланмасдан ошириб юборилса бундай ҳолатда корхоналар ўз товарларини сотиш қийинчилигига дуч келишлари мумкин.

Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Масалан. АҚШда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Қуйидаги 2.2.1-жадвалда Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида тўғри солиқларнинг таркиби ва ундаги ўзгаришлар кўриб чиқилган.

2.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари
таркибида тўғри солиқларнинг ўрни¹⁷**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2006 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
		2002	2003	2004	2005	2006	2008 прог.	
1.	Давлат бюджети даромадлари –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
2.	Шу жумладан: тўғри солиқлар	40,6	37,8	37,7	34,6	35,8	42,4	-4,8

Келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2002-2006 йиллар мобайнида тўғри солиқларнинг мамлакат давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, халқаро бюджет амалиётида шаклланган тенденциялар нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, мазкур тенденцияларга мувофиқ, бозор иқтисодиёти шароитида тўғри солиқларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи барқарор тарзда сақлаб турилиши ёки ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим. 2008 йилда 2006 йилга нисбатан 6,6 пунктга ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги халқаро бюджет амалиётига мос келаётганлигидан далолат беради.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлари киради.

2002-2008 йиллар мобайнида эгри солиқларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2.2.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари
таркибида эгри солиқларнинг ўрни¹⁸ (фоизда)**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2008 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
		2002	2003	2004	2005	2006	2008 прог.	
1.	Давлат бюджети даромадлари –жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
	Шу жумладан: -эгри солиқлар	46,1	45,6	51,9	54,6	57,8	50,2	+4,1

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

¹⁸ Ўша жойда.

Мазкур тенденциянинг мавжудлиги давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати нуқтаи-назаридан ижобий ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатларини ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи каби барқарор даромад манбаларини бюджет даромадларининг таркибидаги юқори салмоғини таъминлашни тақозо қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир.

Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.¹⁹

Юридик ва жисмоний шахслар тулайдиган солиқлар ва йиғимлар


Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳал қилувчи асосий қисмини юридик шахсларнинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлари ташкил этади. Юридик шахслар қуйидаги умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар (2.2.1-чизма).

Юридик шахслар солиқ тўловчи бўлиши учун юридик шахс мақомини олганидан ташқари, албатта бирор рухсат этилган фаолиятдан даромад олган бўлишлари зарур ёки товарлар (иш, хизматлар) сотишдан оборотга эга бўлишлари ҳамда статистика идораларида, ҳокимиятлардан рўйхатдан ўтган (кодга эга) бўлишлари шарт.

Жисмоний шахслар юридик шахс мақомини олмаган шахслардир. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фуқаролари киради. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига биноан солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинган. Жисмоний шахслар

¹⁹ Пансков В.П., Князев В.Г. Налоги и налогообложения. –М.: МЦФЭР, 2003. –с. 57-59.


тўлайдиган солиқлар давлат бюджети даромадларининг 20-25 фоизини ташкил этади.



2.2.1-чизма. Юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар²⁰

²⁰ Солиқ кодекси асосида ишлаб чиқилди.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг хусусияти шундан иборатки, солиқ жисмоний шахснинг тўғридан-тўғри ўз даромадидан олинади. Улар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар асосан бюджетга нақд пул тўлаш йўли билан ўтказилади (2.2.2-чизма).



2.2.2-чизма. Жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқлар

Жисмоний шахслар давлат бюджетига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди:

- жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ;
- мол-мулк солиғи;

- ер солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлиги учун солиқ;
- жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда даромадига ўрнатилган қатъий ставкадаги солиқ;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар.

Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни ва шу каби бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари солиқ кодексига мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексидан бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади.

Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги-сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Амалдаги солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар кўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўзлари рўйхатдан ўтган қўйи Давлат солиқ хизмати органларига бориб, бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини хатоларсиз бажариш мақсадида тегишли ахборотларни ёки маслаҳатларни бепул олиш имкониятларига эга.

- Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Солиқ тўловчилар нафақат Солиқ кодексида балки, Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарор ва Фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли “ Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар белгиланган фойда солиғидан 20 фоиз миқдорида имтиёзга эгадирлар.

- Бюджетга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, гоҳида солиқ тўловчиларнинг ўзлари, гоҳида эса солиқ идораларининг онгли ҳаракатлари туфайли солиқлар ва йиғимлардан ортиқча тўловларни ундириш амалга оширилади, айниқса, чорак якуни ёки молиявий йил якунланаётган вақтда айрим солиқ турларидан прогноз-режаларни бажариш мақсадида корхоналарнинг банкдаги ҳисоб рақамларидан инкасса топшириқномаси орқали қонунчиликка зид равишда мажбурий ундириш ҳолатлари кўп учраши мумкин. Бюджетга ортиқча ундирилган солиқлар 30 кун муддат ичида солиқ тўловчиларга қайтарилиши ёки бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи мавжуд бўлган ҳолда ўша қарзни қоплаш имконияти пайдо бўлади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш.

Ушбу бандга мувофиқ солиқ тўловчилар қўйи солиқ идораларига берилган солиқ турлари бўйича белгиланган прогноз-режа ва шу каби ҳўжалик ва молиявий фаолиятларига тегишли бўлган солиққа тортиш масалалари бўйича маълумотлар билан танишиш имкониятларига эгадирлар.

- Солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан

норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар фаолияти солиқ органлари томонидан текширилганда аниқланган хато ва камчиликлар, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳисобланган молиявий жарималар тўғрисида тузилган далолатнома корхона мансабдор шахсларига (бош ҳисобчисига) таништирилиши шарт. Текшириш натижаларини корхона раҳбарияти ноҳақ деб ҳисоблаши ҳамда эътироз билдириши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда, солиқ тўловчи солиқ идораси раҳбарияти номига ёхуд юқори солиқ идораларига ёзма мурожаат қилишлари мумкин. Солиқ идораларида эксперт комиссияси тузилган бўлиб, ушбу комиссия томонидан солиқ тўловчиларнинг ёзма эътирозлари бир ой муддат ичида қўриб чиқилади ва натижаси аризачига билдирилади. Бундай ҳолатда текшириш натижасида солиқ тўловчига нисбатан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий жарималарни бюджетга ундириш тўхтатилмайди.

- Солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш.

Солиқ органлари ўзларига берилган ваколот доираларида қабул қилган қарорлари айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг эътирозларини келтириб чиқариши мумкин ёки улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини солиқ тўловчи қонунга зид деб ҳисоблашлари ва уларга барҳам бериш мақсадида юқори солиқ органлари(Давлат солиқ бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси)га ёхуд судга шикоят билан даъво қилишлари мумкин. Бундай ҳолат амалиётда баъзида учраб туради.

- Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоб-китобини қуйи солиқ идораларига қонунчиликда белгиланган муддатларда топширгандан сўнг, хато ва камчиликларни аниқлашса уни қайта тузатиб дарҳол солиқ идораларига қайта солиқ ҳисоб-китобларини топширишлари лозим бўлади. Акс ҳолда, қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эгадирлар:

- белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, почта манзили ўзгарган тақдирда эса (нотижорат ташкилотлар қайта

рўйхатдан ўтказилган тақдирда ҳам), бу ҳақда солиқ органларини ўн кунлик муддат ичида ёзма равишда хабардор этиш.

Солиқ тўловчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, албатта қуйи солиқ идораларидан ҳам рўйхатдан ўтиши ва тегишли равишда солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) ни олиши шарт. СТИР Давлат солиқ қўмитаси томонидан марказлашган тартибда рўйхатга олинади ва солиқ тўловчиларга қуйи солиқ идоралари томонидан етказилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даврида ҳисобланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида, тўлиқ миқдорда бюджетга тўлаб беришлари шарт. Аксинча, солиқ идоралари томонидан ўз вақтида бюджетга ўтказилмаган солиқлар ва йиғимлар суммасига нисбатан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида жарима (пеня) ҳисобланади. Ҳисобланган пеня миқдори корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан қопланади.

- Бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш.

Корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини юритишда қонунчилик билан белгилаб берилган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини юритишга мажбурдир. Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш тегишли қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

- Молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисоб-китобларини белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан солиқ идораларига тақдим этади. Акс ҳолда, корхонага ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш.

Солиқ тўловчиларга солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида ёки бошқа қонун ҳужжатларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар кўзда тутилган ҳолда, улар имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли қонун ҳужжатларини қуйи солиқ идораларига тақдим этиши шарт. Имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлгандагина улар имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг текширув режасига асосан Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолияти текширилганда корхоналар солиққа тортиш объекти билан боғлиқ бўлган барча объектларини кўздан кечиришга ва бундан ташқари текширишга шароит яратиб беришлари лозим. Акс ҳолда, солиқ идораларининг қонуний талаблари бажарилмаган ҳисобланади ва уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган тегишли жазо чоралари қўлланилади.

- Солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ёки уларнинг бошқа ваколот доирасидаги қонуний талаблари солиқ тўловчилар томонидан бажарилиши мажбурдир.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиққа тортиш объектига қараб солиқлар қандай гуруҳланади?
2. Оборотдан олинadиган солиқларга қайси солиқлар киради?
3. Даромаддан олинadиган солиқларга қайси солиқлар киради?
4. Мол-мулк ва ер майдонларидан олинadиган солиқларга қайси солиқларни киритиш мумкин?
5. Солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб қандай гуруҳланади?
6. Тўғри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради ва у нима учун тўғри солиқ деб аталади?
7. Эгри солиқлар таркибига қандай солиқлар киради?
8. Эгри солиқларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг?
9. Юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқларнинг фарқи нимадан иборат?
10. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари нима?
11. Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?
12. Солиқ тўловчилар қандай мажбуриятларга эга?

II боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1.2., 1.3., 1.4., 1.13., 1.17., 2.1., 3.2., 3.11., 3.12., 3.15., 3.32., 3.37., 3.42., 3.12., 4.12., 6.10., 6.14.

III БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

3.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Фойда солиғининг жорий қилиниши, иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари 1991 йилга қадар асосан далаат корхоналари фойдасидан ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Ушбу фойдадан ажратма давлат томонидан белгиланган мажбурий тўлов бўлиб, у корхоналар баланс фойдасининг 90 фоизгача бўлган қисмини бюджетга олиб кетар эди. Қолган маблағлар эса корхона томонидан эмас, балки юқори ташкилот топшириғига кўра тегишли фондларга тақсимланади.

Республикамиз маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиши туфайли мамлакатимиз хўжалик турмушида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Натижада мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши, корхоналарнинг имкониятини ошиши, бозор инфраструктураси ривожланиши билан мажбурий ажратмаларнинг аввалги тизими корхоналарнинг хўжалик юритиш самарадорлигини таъминлай олмай қолди ҳамда улар бевосита ва билвосита инвестиция дастурларига тўсқинлик қила бошлади. Чунки, фойдадан ажратма ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра фақат давлат корхоналари фойдасидан ажратилиши лозим эди.


Бозор муносабатлари ривожланиши билан иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солиш хусусан, фойдадан ажратмалар ўрнига даромад солиғини жорий этиш зарурати пайдо бўлди ва 1992 йилдан бошлаб барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар “Даромад” солиғини тўлашга ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси рубл минтақасида қолиб турган вақтда даромад солиғини олишга ўтиш пул қадрсизланиши туфайли иш хақи ўсишини чеклаш учун давлат томонидан мажбурий чора бўлди. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ёмонлаша бошлади. Натижада маҳсулотга талаб пасайиб, сотишдан олинган тушум хажми камайгани ҳолда, улар ўз ишлаб чиқаришлари йўналишини ўзгартиришга, фойда олмасалар ҳам жуда ката миқдорда ишчиларга иш хақи тўлашга мажбур бўлдилар. Бундай ҳолатда амалиётда корхоналар ҳисобот даврида фойда билан фаолиятларини яқунламасада даромад солиғини иш хақи фондидан белгиланган ставкада тўлашга мажбур эдилар.

1995 йил январ ойидан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда корхоналарнинг фойдасидан

олинадиган солиқ жорий этилди. Шу билан бир қаторда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун даромад солиғи ва ялпи даромад солиғи тартиби сақлаб қолинди (тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, кино-концерт фаолиятини олиб борувчи муассасалар, кўнгил очар ўйинларни ташкил этувчи корхоналар, биржа ва бошқа шу каби корхоналар).

2008 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи умумдавлат солиқлари таркибига кириб, у давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий манбалардан бири ҳисобланади.



3.1.1-диаграмма. 2001-2008 йилларида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи²¹

Диаграмма маълумотларидан кўришиб турибдики, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг улуши 2000 йилда 12,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2005 йилда 6,3 фоизни, 2008 йилда эса 5,1 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган, яъни таҳлил этилган 7 йил давомида бу кўрсаткич 2,5 баробарга камайган. Бу ҳолат юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаларини йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Даромаднинг кўп қисми корхоналар ихтиёрида қолиши уларнинг инвестицион фаоллигини оширади, янги ишчи ўринлар очиш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ҳамда иш ва хизматлар кўрсатиш учун янада кенг молиявий имконият яратади.

Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ базаси

Солиқ кодексига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилари бўлиб, молия йилида солиққа тортиладиган фойдага

²¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000-2008 йилларидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида тайёрланган.

эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади. Аммо солиққа тортишнинг алоҳида тартибига ўтган корхоналар, жумладан ягона солиқ тўловига ўтган микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик товари ишлаб чиқарувчилар бу солиқни тўловчиси ҳисобланишмайди. Улар ўзлари учун ихчамлаштирилган солиқни тўлайдилар. Булардан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг фақат алоҳида турларига қатъий ставкада солиқ тўловчилар ҳам бу солиқни тўловчилари ҳисобланишмайди.

Юридик шахслар фойда солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим иқтисодиёт тармоқ корхоналари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин (мисол учун, энергетика, нефтегаз-холдинг каби тармоқ корхоналарида).

Солиққа тортиш мақсадида фойдага солиқ тўловчиларни резидентлар ва норезидентларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб, Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахслар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги фаолиятдан олган даромадларидан фойда солиғига тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари эса, фақат Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатишдан олган даромадлари бўйича солиққа тортиладилар.

Резидентлар доимий фаолият кўрсатувчилар бўлса, норезидентлар фаолияти Республикада вақтинчалик характерга эга бўлади.

Юридик шахслар фойда солиғи тўловчилари бўлиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- рухсат этилган фаолиятдан фойда олиши (қонунчилик билан таъқиқланган фаолиятдан ташқари);
- ўзининг мол-мулкига эга бўлиши;
- мустақил тугалланган бухгалтерия балансига эга бўлиши;
- банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши;
- идентификацион рақамга эга бўлиши.
- маҳаллий ҳокимият органларидан рўйхатдан ўтган бўлиши.

Умумий тартиб бўйича юридик шахслар қайд этилган шартларга жавоб берсагина фойда солиғи тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Солиқ кодексининг 127-моддасига кўра юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси

резидентларининг ва норезидентларининг фойдаси ҳамда резидент ва норезидентларнинг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаидан солиқ солинадиган даромадлар ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база эса жами даромад билан чегириб ташланадаган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади (Солиқ кодексининг 128-моддаси).

Жами даромадлар таркиби, жами даромаддан чегирмалар

Юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиқни тўлик, тўғри аниқлаш (ҳисоблаш) учун уларнинг жами даромадлари таркибига нималар киришини мукамал ўрганиш зарур бўлади.

Юридик шахсларнинг жами даромади таркибига улар томонидан олинини лозим бўлган (олинган) ортилган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳақлари каби пул ва бепул (пулсиз) қайтармаслик шарти билан олинган маблағлар киради. Демак, олинган кредитлар жами даромадга кирмайди.

Юридик шахсларнинг **жами даромадлари таркибига** қуйидагилар киради:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинадиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромаддир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Воситачилик фаолиятдан даромадлар оладиган юридик шахслар учун тушум дейилганда кўрсатилган хизматлар учун олинини лозим бўлган ҳақ суммаси тушунилади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим

этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади.

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради. Жумладан:

- асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;
 - мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
 - асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
 - текин олинган мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;
 - инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;
 - ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;
 - мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;
- Бунга даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар ҳамда суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар киради.
- талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;
 - жами даромаддан илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;
 - хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;
 - ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарима ва пенялар;
 - валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ;
 - дивидендлар ва фоизлар;
 - роялти;
 - товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

Солик кодексига кўра қуйидагилар юридик шахс даромади сифатида қаралмайди:

- устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар;
- сотилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар);
- бюджетдан берилган субсидиялар;
- агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;
- олинган грантлар;
- суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;
- инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк;
- ва бошқа қонунчиликда назарда тутилган даромадлар.

Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан аниқланади ва қўйидаги кетма-кетликдаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

1) *маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.*

ЯФ=ССТ-ИТ, бу ерда:

ЯФ-ялпи фойда, ССТ-сотишдан олинган соф тушум, ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;

2) *асосий фаолиятдан олинган фойда.*

АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ, бу ерда:

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда, ДХ-давр харажатлари, БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3) *умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар).*

УФ=АФФ+МД-МХ,

бунда: УФ-умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда; МД-молиявий фаолиятдан даромадлар; МХ-молиявий фаолият харажатлари;

4) *солиқ тўлангунча олинган фойда.*

СТФ=УФ+ФП-ФЗ,

бунда: СТФ-солиқ тўлагунча олинган фойда; ФП-фавқулудда вазиятдан олинган фойда; ФЗ-фавқулудда вазиятдан кўрилган зарар.

Йилнинг соф фойдаси, корхона фойда солиғини ва ундан кейин ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлагандан сўнг корхонанинг ўзида қолади.

Жами даромаддан чегирмалар. Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади. Харажатлар ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса, ўша даврда чегирилади. Солиқ кодексига кўра (141-модда) харажатлар чегириладиган ва чегириб ташланмайдиган харажатларга бўлинади.

Чегириб ташланадиган харажатларга моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, амортизация харажатлари ҳамда Солиқ кодексининг 145-моддасида назарда тутилган бошқа харажатлар киради.

Солиқ солинадиган базага киритилмайдиган, яъни чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

– моддий қимматликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

– ходимларга берилмайдиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);

– хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар;

– нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

– хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

– умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;

– йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

– солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

– ходимларга бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, берилмайдиган озиқ-овқатлар, товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматликлар ёки солиқ тўловчининг ходимлари учун ишлар ҳамда хизматларни бажариш қиймати, уларга бепул берилмайдиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммалари);

– ходимларга қўшимча берилган таътилларга тўланган ҳақ ва улар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча

компенсациялар, бундан ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун айрим тармоқларнинг ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча таътиллар учун тўланган ҳақ мустасно;

– ходимларнинг овқатланиши, йўл ҳақи, даволаниши учун, даволаниш ва дам олиши учун йўлланмалар, экскурсиялар ва саёҳатлар учун, спорт секциялари, тўғарақлари, клубларидаги машғулотларга, маданий-томоша, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига бориши учун, обунага ҳамда ходимларнинг шахсий фойдаланиши учун товарларга қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш ёки тўлаш ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

– пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар;

– ходимларга тўланадиган моддий ёрдам (ходимнинг меҳнатда жароҳатланиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно);

– ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотганлик муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорларисиз ҳақиқатдаги иш ҳақиғача тўланадиган тўловлар;

– экология, соғломлаштириш ҳамда бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар киритиш;

– ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

– маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар;

– атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

– кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

– лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган

бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

– байрам саналари ва муҳим саналар, жамоат фаолиятидаги ютуқлар муносабати билан ходимларни рағбатлантириш ҳисобланадиган бир йўла мукофотлар;

– суд чиқимлари;

– айбдорлари аниқанмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

– солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкнинг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар. Қуйидаги зарарлар бундан мустасно:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар,

б) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар;

в) уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан кўрилган зарарлар;

– хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

давлат улушларини бошқариш бўйича бошқарувчи компаниялар, давлат ишончли бошқарувчилари ва ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлаш, шунингдек компанияларнинг бошқа профессионал бошқарувчиларига мукофотлар тўлашга доир харажатлар.

Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар

Юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 1998 йилда 36 фоизни ташкил этгани ҳолда 2001 йилда 26 фоизга тушган. 2002 йилга эса 24 фоиз, 2003 йилда 20 фоиз, 2004 йилда 18 фоиз, 2005 йилда 15 фоиз, 2006 йилда 12 фоиз ва 2007 йилда 10 фоиз қилиб белгиланган.

Қуйидаги жадвал маълумотларида 2008 йилда юридик шахсларнинг фойдасига солиқ ставкалари келтирилган.

3.1.1-жадвал

Юридик шахслар фойдасига солинадигна солиқ СТАВКАЛАРИ²²

№	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да солиқ ставкалари
1	Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	10
2	Тижорат банклари	15
3	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 октябрдаги ПФ-1871 сони фармони билан тасдиқланган хомашё товарлари рўйхатидагилар бундан истисно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
5	1-бандда кўрсатилган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлаб ҳақ тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10% га пасайтирилади

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини 2006 йилдаги 12 фоиздан 2007 йилда 10 фоизга туширилиши корхоналар ихтиёрида тахминий ҳисоб-китобларга кўра қўшимча 37 млрд. сўмни тежаш имконини беради ва у корхоналарнинг инвестицион фаоллигини янада активлаштиришга хизмат қилади.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра норезидент солиқ тўловчининг даромадини чет элга ўтказилаётганда 10 фоиз миқдорида фойдага солиқ ундирилади.

Доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борган норезидентнинг даромади ҳеч қандай чегирмасиз даромад манбаида қуйидаги ставкаларда солиққа тортилади:

- дивидендлар ва фоизлардан – 10 фоиз;
- суғурта мукофотлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш – 10 фоиз;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан Халқаро алоқа учун телекоммуникация ва транспорт хизмати (фрахта даромади) – 6 фоиз;
- роялти, ижара даромадлари, хизмат кўрсатиш, шу жумладан бошқарув хизмати, маслаҳатлар ва бошқа даромадлар – 20 фоиз.

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўлов манбаида 10 фоизли ставка билан солиққа тортилади.

Солиққа тортиш мақсадида дивиденд деб, акциялардан ва бошқа хўжаликлар субъектларининг устав капиталидаги қатнашиш улушидан олган даромадлари тушунилади.

Фоизларга эса депозит қўйилмалар, қарз мажбуриятлари ва бошқа кимматли қоғозлардан олган даромадлар киради.

Манбаида солиққа тортилган ва дивиденд, фоиз олган норезидент жами даромадидан тегишли тартибда белгиланган ҳужжатларни тақдим этган тақдирда чегирма олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Солиқ кодексининг 158-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод этилади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати

кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси;

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

Солиқ кодексининг 159-моддасига кўра юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3) асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

4) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳозлар харид қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегирган ҳолда йўналтириладиган маблағлар суммасига.

Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳозлар бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил ичида амалга оширилади. Янги технология жиҳозлари улар олинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки

текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши фойдадан олинадиган солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади;

5) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

б) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

Солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ортиб боровчи яқун билан чиқарилган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисобини рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ идораларига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Юридик шахс тугатилган тақдирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиб олиши мумкин. Хабарномада бунинг сабаби ҳамда ҳисоботлар, солиқ ҳисоби қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш комиссияси (тугатувчи) 5 кунлик муддатда бу ҳақда солиқ органини ёзма равишда хабардор қилади.

Юридик шахсни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингандан сўнг солиқ тўловчи 15 кун ичида солиқ органига ҳисоботлар, солиқ ҳисобини тақдим этиши шарт.

Фойда солиғи бўйича ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган шакл (1-илова) ва тартибда тақдим этилади.

Юридик шахслар фойда солиғини фойда солиғи бўйича ҳисобларни топшириш учун белгиланган кундан бошлаб 5 кун ичида тўлайдилар.

Йилнинг ҳисобот чорагида товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан кўпроқ миқдорда фойда олган юридик шахслар фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар ойнинг

15-кунда йилнинг чораги бўйича фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўлайди.

Юридик шахслар аванс тўловлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун йилнинг жорий чораги биринчи ойининг 5-кунигача солиқ рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органига йилнинг тегишли чорагида тахмин қилинаётган фойда ҳамда белгиланган фойда солиғи ставкаси асосида маълумотнома (2-илова) тақдим этадилар.

Жорий тўловлар белгиланган муддатларгача бюджетга тўланмаса уларга нисбатан солиқ қонунчилигида кўзда тутилган ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,05 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) қўлланилади.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тахдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня (0.05 фоиз) ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқади.

Ҳисобот даврида товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олган фойда 200 каррали минимал иш ҳақидан кам бўлган корхоналар чоракда бир марта солиқ тўлайдилар. Улар аванс (жорий) тўловларни тўламайдилар. Аввалги чоракларда тўлаган солиқлари эса ҳисобга олиб борилади.

Солиқ тўловчилар биринчи чорак, ярим йил ва йил ўтиши билан йил бошидан ҳисобланган яқун билан солиқни ҳақиқий олинган фойдадан келиб чиқиб фойдага солиқни мустақил ўзлари ҳисоблаб чиқадилар. Йил мобайнида тўлаган солиқлари ҳисобот йилида ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинади.

Ҳақиқий олинган фойдага қараб ҳисобланган солиқ суммаси (фарқи) бюджетга чораклик ва йиллик молия ҳисоботи топшириш мўлжалланган кунгача тўланади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси келгуси тўловларга ўтказилади ёки солиқ тўловчига бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлмаса ундан ёзма ариза олган кундан бошлаб 30 кун ичида корхонага қайтарилади.

Фойдадан солиқни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жавобгарлиги фойдаларидан солиқ тўлашни амалга оширувчи юридик шахслар зиммасига тушади.

Дивиденд ва фоизлар тўловчи юридик шахслар қўйидаги шаклда (3.1.2-жадвал) солиқ ҳисобини топширадилар ва тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 5 кун ичида солиқ суммасини бюджетга ўтказишади.

Дивиденд ва фоизларга солиқ ҳисоби²³
(2008 йил январь ойи учун, минг сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Тўловчи маълумоти бўйича	Солиқ инспекцияси маълумоти бўйича
Ҳисобланган дивидендлар ва фоизлар	2500	2500
Солиқ ставкаси	10	10
Бюджетга тўлаши лозим бўлган солиқ суммаси-жами	250	250

Даромадларни манбаида тўловчи юридик шахслар молия йили тугаши билан 30 кун ичида давлат солиқ хизмати идораларига ҳамда даромад олган юридик шахсларга уларнинг талаблари бўйича далолатнома топширадилар. Унда шу шахсларнинг рўйхат рақамлари, номлари, умумий олинган даромад ва жами тўланган солиқ суммаси ҳисобот йили учун кўрсатилган бўлади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан фойда солиғини ҳисобланг. (маълумотлар минг сўм ҳисобида келтирилган)

1. Маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушум – 4380
2. Қўшилган қиймат солиғи – 688
3. Акциз солиғи – 500
4. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 2695
5. Сотиш харажатлари – 35
6. Маъмурий харажатлар – 83
7. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад – 35
8. Олинган дивидендлар – 75
9. Валюта курси бўйича мусбат фарқ - 29
10. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар – 15
11. Фавқулотда фойда – 5
12. “Харажатлар таркиби тўғрисида...” ги Низомнинг 1-илова харажатлари - 312
13. Солиқ имтиёзи - 100

Ечилиши:

²³ Солиқ кодексига асосан ишлаб чиқилди.

1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти “Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ аниқланиб, унга мувофиқ солиқ объектини аниқлаш куйидаги тартибда олиб борилади.

$$\mathbf{ЯФ} = \mathbf{ССТ} - \mathbf{ИТ} = 3192 - 2695 = 497$$

(бу ерда, ЯФ - ялпи фойда; ССТ - сотишдан олинган соф тушум; ИТ- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари).

$$\mathbf{АФФ} = \mathbf{ЯФ} - \mathbf{ДХ} + \mathbf{БД} - \mathbf{БЗ} = 497 - 118 + 35 = 414$$

(бу ерда, АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда; ДХ - давр харажатлари; БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар; БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар).

$$\mathbf{УФ} = \mathbf{АФФ} + \mathbf{МД} - \mathbf{МХ} = 414 + 104 - 15 = 503$$

(бу ерда, УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар; МХ - молиявий фаолият харажатлари).

$$\mathbf{СТФ} = \mathbf{УФ} + \mathbf{ФП} - \mathbf{ФЗ} = 503 + 5 = 508$$

(бу ерда, СТФ- солиқ тўлангунгача олинган фойда; ФП-фавқулотда фойда; ФЗ- фавқулотда зарар).

2. СТФга юқоридаги Низомнинг 1-илова харажатлари ва 2-илова харажатларининг фарқи тикланади, яъни бизнинг мисолимизда:

$$508 + 312 = 820 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Ушбу суммадан акциялар ва қимматли қоғозлардан дивидендлар (фоизлар) тўлов манбаида солиққа тортилганлиги боис чегирилади, яъни:

$$820 - 75 = 745 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

Шундан солиқ бўйича имтиёзлар чегирилади, яъни

$$745 - 100 = 645 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

3. 2007 йил учун фойда солиғи ставкаси 10 фоизлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ суммаси:

$$\mathbf{Д(ф)с} = 645 \times 10 / 100 = 64,5 \text{ минг сўмни ташкил этади.}$$

2-масала. Ишлаб чиқариш корхонаси иккинчи йил фаолият юритмоқда, унинг фойда солиғи тўлагунгача бўлган даромади (2-сон, 170-сатр) 350 минг сўм бўлган.

Ҳисобот даври учун қўшимча равишда куйидаги маълумотлар мавжуд:

Ҳокимиятга ҳомийлик ёрдами кўрсатилган – 18 минг сўм;

Қариялар уйига ёрдам кўрсатиш учун – 249 минг сўм .

Ҳисобот даври учун корхона тўлаши лозим бўлган даромад солиғи неча сўмга тенг? (солиқ ставкаси – 10%)

3-масала. Қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиқлар тўловчиси ҳисобланган ишлаб чиқарувчи корхона 2007 йил ҳисобот даври учун қуйидаги кўрсаткичларга эга:

Ички бозорда маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 12800 минг сўм;

Чет эл валютасига сотилган маҳсулот 14 минг АҚШ доллари миқдоридан (юқ ортилган вақтда 1 АҚШ доллари – 1240 сўм);

Омборхоналарни ижарага беришдан олинган соф даромад – 2700 минг сўм;

Ускуналарни ўз вақтида олиб келиб ўрнатилмагани учун сотувчи корхонадан тушган жарима ва шартномада кўрсатилган қўшимча тўлов – 998 минг сўм;

Ёрдамчи корхонадан олинган дивидендлар (дивиденддан ундирилган солиқ ҳақидаги маълумот мавжуд) – 1339 минг сўм;

“Ишонч” фирмаси томонидан ходимлар бўлимига тегишли 1751 минг сўмлик компьютер дастури яратилган ва текинга ўрнатиб берилган.

2006 йилда қонунчиликка асосан чегирмага олиб борилган 3010 минг сўмлик сотилган маҳсулотнинг пули келиб тушган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари – 11375 минг сўм, шу жумладан ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши белгиланган меъёрга нисбатан 2 коэффицент қўлланилган бўлиб, 2100 минг сўмни ташкил этган.

Ўтган давр учун қуйидаги харажатлар амалга оширилган:

Меъёр чегарасида ўзининг маҳсулотини реклама қилиш учун – 125 минг сўм сарфланган;

Бошқарувда ишловчилар учун иш ҳақи бўйича харажат – 4495 минг сўм;

Хизмат сарфари харажатлари, меъёрдагиси – 392 минг сўм, меъёрдан юқори – 85 минг сўм;

Хизмат автомобили сақлаш учун харажатлар – 145 минг сўм;

Уяли телефон – 1200 минг сўм;

Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий воситаларнинг эскириши – 895 минг сўм; Ҳисобот даврида ҳисобварақлар бўйича олинган қўшилган қиймат солиғи – 925 минг сўм.

Аниқланг:

1. Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасини (солиқ ставкаси 10% - 2007 йил учун).

2. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини.

3. Корхонанинг молиявий натижалари бўйича ҳисоботни тузинг.

4. Ҳисобот даври учун фойда солиғининг шаклини тўлдилинг.

Масалани ечиш даврида мол- мулк солиғи, ер солиғи ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларга аҳамият бермасликка рухсат этилади.

4-масала. Қуйидаги маълумотлар асосида фойда солиғини ҳисобланг (минг сўм):

1. Сотишдан олинган соф тушум – 3192
- шундан экспорт фаолиятидан – 670
2. Солиқ тўлангунга қадар олинган фойда – 508
3. Олинган дивидендлар – 75
4. Солиқ бўйича имтиёзлар – 100

Ечилиши:

1. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг эркин алмаштириладиган валютадаги экспортига имтиёзли ставкалар белгиланган. Демак, имтиёзли ставкаларнинг қайси бирини қўллашни аниқлаш учун экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи аниқланади, яъни:

$$(670 / 3192) \times 100 = 20.9$$

Ушбу мисолда экспорт маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидаги салмоғи 20.9 фоизни ташкил этади. Бундай ҳолда белгиланган фойда солиғи ставкаси 30 фоизга камаяди, яъни:

$12 \times 30 / 100 = 3.6$ га, демак корхона фойда солиғини 8.4 фоизда (12 – 3.6) тўлайди.

$$2. 508 + 312 - 75 - 100 = 645 \text{ минг сўм.}$$

$$645 \times 8,4 / 100 = 54.18 \text{ минг сўм.}$$

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Фойда солиғи Ўзбекистонда қачон жорий қилинган?
2. Юридик шахслар фойда солиғини тўловчилари кимлар?
3. Резидент ва норезидент кимлар ва улар қандан тартибда солиққа тортилади?
4. Солиқ объекти ва солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг молиявий фаолият натижалари фандай аниқланади?
6. Юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?
7. Маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?
8. Қандай юридик шахслар фойда солиғидан тўлиқ озод этилади?
9. Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод этилади?
10. Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтиради?

11. Солиқ ҳисоботларини топшириш ва солиқни тўлаш тартиби қандай белгиланган?
12. Юридик шахслар қандай тартибда ва шаклда тахмин қилинаётган фойдаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар?

3.2. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби

3.2.1. Ягона солиқ тўлови

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини солиқ амалиётига тадбиқ этилиши, унинг иқтисодий моҳияти

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимига ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий эканлиги қатъий белгиланди. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада корхона ҳисобчиларининг иши бирмунча осонлашди.

Ягона солиқ тўлови, унинг тўловчилари ва тўловчилар таркибига киритиш мезони

Микрофирмалар ва кичик корхоналарни жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётида аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон солиқ тизимида кичик бизнес субъектларининг баъзи тоифалари учун *ягона солиқ тўлови жорий қилинди*.

У бирхиллаштирилган бўлиб, қуйидаги мажбурий тўловларни тўлаш ўрнига жорий қилинган:

- ягона солиқ;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;
- Республика йўл жамғармаси;
- Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар унинг суммасини солиқ солинадиган база ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қиладилар. Бунда солиқ органларига давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида тақдим этилмайди, шунингдек пенсия, йўл ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар суммалари алоҳида тўланмайди.

Ягона солиқ тўлови *фақат кичик бизнес субъектлари - микрофирмалар ва кичик корхоналарга* татбиқ этилади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар рўйхати 2007 йил 1 январдан бошлаб кенгайди. Жумладан, улар таркибига солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база – конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари бундан мустасно. Улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги “Ихтисослаштирилган улгуржи база – контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-374-сон қарори билан назарда тутилган солиқ солиш тартиби сақлаб қолинади); микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига тегишли бўлган тайёрлов ва таъминот – сотиш ташкилотлари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси (топшириғи) бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар; солиқ солишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқсиз лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун юридик шахслар киритилди.

2007 йил 1 январдан ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқсиз, солиқлар ва мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказилди. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови тадбиқ

этилмайди. Бундан ташқари солиқ кодексининг 350-моддасига кўра ягона ер солиғини тўловчиларга, қатъий белгиланган солиқни тўлаш назарда тутилган микрофирма ва кичик корхоналарга ҳамда маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирма ва кичик корхоналарга ҳам ягона солиқ тўлови татбиқ этилмайди.

Солиқлар ва мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўловчилар ҳисобланган хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар эса солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқисиз ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида”ги ПФ-3305 сонли фармонида кўра 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес субъектлари таркибига қуйидагилар киритилган:

- якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар;
- ходимларининг ўртача йиллик сони:
 - ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан;
 - хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган тармоқларда 10 кишидан;
 - улугуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:
 - енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати 100 кишидан;
 - машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари 50 кишидан;
 - фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Кичик бизнес субъектларига амалдаги солиқ қонунчилигига кўра тадбиқ этиладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат юқоридаги санаб ўтилган субъектларга тааллуқли бўлади.

У ёки бу корхонанинг юқорида айтилган субъектлар тоифаларининг бирортасига киритилиш мезони бўлиб ходимларнинг йиллик ўртача сони, шу жумладан унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишлайдиганлар сони ҳисобланади.

Солиқ объекти, ялпи тушум таркиби ва солиқ базаси

Ягона солиқ тўлови объекти (солиқ солинадиган айланма) бўлиб, ялпи тушум ҳисобланади.

Қуйидагилар ялпи тушум таркибига киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солигини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтган микрофирма ва кичик корхоналар учун) сотилишидан тушган тушум суммаси.

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотилишидан тушган тушум деганда қуйидагилар тушинилади:

- қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий-тадқиқот корхоналари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланган ялпи тушум тушунилади;

- лизинг компаниялари учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан тушум суммаси деганда лизинг бўйича фоизли даромадлар тушунилади;

- воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

- тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

- лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум.

2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар.

Қуйидагилар асосий фаолиятдан бошқа даромадларга киритилади:

а) ундирилган ёки қарздор эътироф этган жарималар, пенялар ҳамда хўжалик шартномаларининг шартларини бузганлик учун бошқа жазо турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

б) ҳисобот йилида аниқланган, ўтган йиллардаги даромадлари;

в) микрофирма ва кичик корхоналар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сингари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғланмаган операциялардан бошқа даромадлар;

г) микрофирма ва кичик корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкни сотишдан даромадлар;

д) кредиторлик ва дебеторлик қарзини қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

е) товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш.

Товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига қараб солиқ солинадиган ялпи тушумга киритилади;

ж) текин молиявий ёрдам, шу жумладан текинга олинган мол-мулк;

з) бошқа операцион даромадлар.

3) молиявий фаолиятдан даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига қуйидаги даромадлар киритилади:

а) олинган роялти;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ҳамда микрофирма ва кичик корхонага тегишли бўлган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

в) мол-мулкни узоқ муддатли ижара (лизинг)га беришдан даромад (маржа);

г) чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги фарқдан даромадлар.

д) қимматли қоғозлар, шуъба корхоналар ва ҳоказоларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар;

е) молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар.

4) фавқулодда даромадлар.

Товарлар (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш) бепул берилганда солиқ солиш объектига уларнинг қиймати ҳам киритилади, бу қиймат уларни ишлаб чиқаришга кетган амалдаги харажатлардан, мол-мулк бепул берилганда эса балансда қайд этилган қолдиқ қийматдан келиб чиқиб белгиланади.

Солиқ кодексига кўра солиқ солинадиган ялпи тушум ҳисоблаб чиқиладиганда қуйидагилар ялпи тушум сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирилдиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиладиганда (чиқариладиганда), шунингдек тугатиладиган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланадиганда устав

фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкый ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар;

9) акциядор – юридик шахснинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўналтирилганда кўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тариқасида олинган даромадлари;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик ва топшириқ шартномалари ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитент ёхуд ўзга ишончли шахс учун амалга оширилган харажатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно);

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида

белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Балансинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Солиқ кодексининг 356-моддасига кўра солиқ солинадиган базани аниқлаш учун ялпи тушум суммасидан қуйидагилар чегириб ташланади:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахсинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиладиганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатиладиган юридик шахсинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган бошқа даромадлар.

Чегирмалардан ташқари солиқ солинадиган база қуйидагилар учун камайтирилади:

1) автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари учун: жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасига;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг белгиланган энг юқори устамадан ошадиган чакана нархи

билан олиш нархи ўртасидаги маҳаллий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган фарқ суммасига;

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун – битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

5) янги технологик асбоб-ускуналар олишга, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади;

б) ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини юридик шахслар мустақил равишда белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар. Ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йил учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, у қуйидагича табақалаштирилган:

3.2.1.1-жадвал

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ²⁴

№	Солиқ тўловчилар	Солиқ ставкаси ялпи тушумга нисбатан %ларда
1	2	3
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганлари бундан мустасно	8*
2	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (иш, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

1	2	3
3	Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
4	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норзидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5	Таёйрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик (топширик) шартномалари бўйича воситачилик хизматлари кўрсатилган корхоналар	33**
6	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг улуши (ишлар бажарилган ва хизматлар кўрсатилган жойдан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютада қуйидагиларни ташкил этадиган корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли фармонида рўйхати келтирилганлар бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмидан 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоизни	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
8	Маиший хизматлар соҳаси корхоналари учун пластик карталарни қўллаган ҳолда тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

*) лизинг компаниялари учун лизинг берувчининг даромадига нисбатан фоизларда (маржа).

**) ҳақ (ялпи даромад) суммасига нисбатан фоизларда

Бундан ташқари, алоҳида тоифадаги корхоналар жумласига кирувчи лотериялар ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар солиқ солинадиган базага нисбатан 33 фоиз, хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар 50 фоиз ставка миқдорида солиққа тортиладилар.

Қуйидаги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан тўлиқ озод этилади:

- ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар

умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари);

2005 йил 1 июлдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга қуйидаги преференциялар назарда тутилади:

1) илгари кичик бизнес субъектларига ягона солиқ бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Бу уни тўлашдан тўлиқ озод қилишга нисбатан ҳам, солиқ ставкасини пасайтиришга нисбатан ҳам белгиланади;

2) ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи. *Ушбу қоида фақат янги ташкил этилаётган (2005 йилнинг 1 июлида ва ундан кейин рўйхатдан ўтказилган) микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилади.*

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақини тўламаслик ҳуқуқи.

Солиқ амалиётига ягона солиқ тўловининг киритилиши кичик бизнес субъектларини ва микрофирмаларни солиққа тортиш услубиятини янада соддалаштирди.

Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва солиқни бюджетга тўлаш муддатлари

Микрофирма ва кичик корхоналар, асосий фаолияти билан бир қаторда, бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, ушбу фаолият турлари бўйича улар алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун қонунда назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашлари шарт.

Биринчи чорак, ярим йил ва 9 ой якунлари бўйича солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтиш жойидаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида белгиланган шаклда (3-илова) ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар.

Микрофирма ва кичик корхоналар таркибига кирмайдиган корхоналар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳар чорақда ўсиб боровчи яқун билан ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар амалга оширилади.

**Ягона солиқ тўлови
бўйича тўловни кечик-
тириш тартиби ҳамда
унинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3620-сон Фармониға мувофиқ янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарға (бундан кейин - корхона) ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби белгиланган. Тўлашни кечиктириш ягона солиқ тўлови бўйича солиқ мажбуриятини тўлаш муддатини муайян муддатға кўчиришни англатади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш учун корхона, ягона солиқ тўловини тўлашнинг биринчи муддати бошланишиға кўпи билан 15 кун қолганда, унга тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган шаклда ариза топширади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги аризани ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида кўриб чиқади, сўнгра тўлаш муддатини кечиктириш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқариб, корхонанинг тақдим этилган аризасига қабул қилинган қарор натижасининг тегишли белгисини кўяди.

Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза белгиланган шаклда тақдим этилмаган бўлса;
- тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ариза белгиланган муддатдан кейин топширилса;
- корхона ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланмаса.

Ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бошқа сабабларға кўра рад этишға йўл қўйилмайди.

Корхона аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги (ҳаққонийлиги) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи корхонаға корхона давлат рўйхатидан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб бир йилға берилади.

Мисол учун, агар корхона давлат рўйхатидан 15 ёки 25 январда ўтказилган бўлса, мазкур корхонаға солиқни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи жорий йилнинг 1 январидан кейинги йилнинг 1 январигача бўлган даврга берилади.

Корхонанинг хошишига кўра солиқни тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи унинг ёзма аризасига асосан бир йилдан кам бўлган муддатга берилиши мумкин. Корхона тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган даврда бошқа солиқ режимига ўтганида, ўтган пайтидан бошлаб корхона тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва унда қонунга мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар вужудга келади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ёки муддати кечиктирилган тўлов суммасини сўндириш ҳуқуқи берилган даврда корхона тугатилса, тўлаш муддати кечиктирилган тўлов суммаси қонунда назарда тутилган тартибда тўланади.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган корхона туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига белгиланган тартибда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китобини тақдим этади. Бунда корхона ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг ўнгдаги юқори бурчагига “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармонида мувофиқ тўлаш муддати кечиктирилган” белгисини қўяди.

Агар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш муддати чорак охирига қадар тугаса, ушбу даврлар учун ягона солиқ тўловининг суммасини аниқлаш учун корхона давлат солиқ хизмати органларига ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг белгиланган шакли бўйича ягона солиқ тўлови бўйича маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этади.

Мисол учун, агар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқининг муддати 1 июнда тугаса, корхона туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига апрель ва май ойлари учун ягона солиқ тўловининг маълумотнома-ҳисоб-китобини тақдим этади, июнь ойи учун ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби эса 25 июлга қадар тақдим этади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини солиқ амалиётида татбиқ этишнинг зарурлиги нимада?
2. Солиқ амалиётида илк бор қачон соддалаштирилган солиқ режими жорий қилинган ва қайси меъёрий ҳужжат асосида?
3. Кичик бизнес субъектлари таркиби қайси мезонлар асосида белгиланади?
4. Ягона солиқ тўлови қачон жорий этилди?
5. Ягона солиқ билан ягона солиқ тўловининг фарқи нимада?
6. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?

7. Ягона солиқ тўловига солиқ ставкалари қайси мезон асосида белгиланади?
8. Қандай юридик шахслар ягона солиқ тўловидан имтиёзга эга?
9. Ягона солиқ тўлови бюджетга қайси муддатларда тўланади?
10. Ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлаш тартиби қандай?
11. Қандай ҳолатларда ягона солиқ тўловини бюджетга кечиктириб тўлашни солиқ органлари рад этиш мумкин?

3.2.2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловининг жорий этилиши

Маълумки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 2007 йил 1 январга қадар бюджетга тўлаб келган ялпи даромадидан ялпи даромад солиғи, мол-мулк солиғи, товарлар айланмасидан Пенсия жамғармасига, Республика Йўл жамғармасига ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар тўлаш ўрнига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-532-сонли қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилди.

2006 йил якуни бўйича асосий (профил) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланган юридик шахслар белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловларини тўлашлари шарт қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатга олинган “Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун солиққа тортишнинг қуйидаги тартиби белгиланган. Жумладан, Низомда савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидан фаолият) ҳисобланган юридик шахслар учун 2007 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун:

- божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, акциз солиғи ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);
- давлат божлари;

- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини тўлаш тартиби сақлаб қолинган.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якуни бўйича савдо (умумий овқатланиш) корхонасига мансуб бўлмаса, келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтишлари шарт, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Ягона солиқ тўлови тўлашга ўтиш савдо (умумий овқатланиш) корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган биринчи ҳисобот чораги учун фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни тўламайдилар.

Ишчилар сонидан қатъий назар улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови тўловчисини аниқлашда асосий мезон бўлиб, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган корхона фаолиятининг коди ҳисобланади.

Бунда корхонанинг ихтисослашиши ХХТУТ асосий кодга тўғри келиши керак. Агар корхонанинг фаолияти ХХТУТ кодига тўғри келмаса, ўз фаолияти кодини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика органларида қайта рўйхатдан ўтказишга ва ушбу тоифадаги корхоналар (фаолияти турлари) учун белгиланган тегишли солиқларни тўлашга мажбур.

Ягона солиқ тўловида реализация (товароборот) умумий йиллик ҳажмида тушум улуши аксарият қисмини ташкил этган фаолият тури, асосий (профил) фаолияти тури ҳисобланади.

Агар жорий йил якуни бўйича реализация (товароборот) нинг умумий йиллик ҳажмида тушум улуши фаолияти турлари бўйича бир хил миқдорни ташкил этса, асосий (профил) фаолият тури ўтган ҳисобот йил якуни бўйича аниқланади.

Савдо (умумий овқатланиш) корхоналарига, солиқ солиш мақсадида, ўтган ҳисобот йили якуни бўйича асосий (профил) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолияти) ҳисобланадиган юридик шахслар киради.

Савдо фаолияти деганда – қайта сотиш мақсадида харид қилинган товарларни сотиш бўйича фаолият тушунилади.

Қуйидагилар савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобланадиган товарларни реализация қилиш, жумладан уларни мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

- комисионер (ишончли вакил) томонидан комиссия (топширик) шартномалари бўйича товарларни реализация қилиш, жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

- тайёрлов ва таъминот-сотиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни исътемом қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солиш объекти бўлиб, аксарият ҳолларда ялпи тушум ҳисобланади, лекин савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушум бўлиб товарлар айланмаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, савдо корхоналарининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа даромадлари, молиявий фаолиятдан даромадлари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар ялпи тушум таркибига киритилади.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоб базасини аниқлашда тушумдан қуйидагилар чегириб ташланади:

а) қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун қўшилган қиймат солиғини;

б) давлат субсидияларини;

в) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

д) тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар;

е) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядор қўшимча акцияларининг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари;

ж) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда. Мазкур даромадлар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шу даврдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

з) олинган грантлар. Грант деганда – ижтимоий аҳамиятга эга мақсадни кўзлаган, иқтисодий ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун корхонага давлат (ҳукумат), шунингдек нодавлат,

хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган текин, гуманитар маблағли ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

и) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

к) қонун ҳужжатларида назарда тутилган чегирмалар.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари ва солиқни ҳисоблаш муддатлари

Ягона солиқ тўлови учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига мувофиқ 2007 йилдан бошлаб

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ишчилари сонидан қатъий назар ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) қуйидаги ставкаларда ягона солиқ тўлови тўлаш жорий қилинди:

- умумий овқатланиш корхоналари учун -10%;
- шундан: умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи корхоналар учун -8%.

Савдо корхоналари учун:

- шаҳарларда аҳоли сони 100 минг ва ундан ортиқ киши -4%;
- бошқа аҳоли пунктларида -2%;
- олис ва тоғли ҳудудларда -1%.

- улгуржи савдо корхоналари (Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи республика ихтисослаштирилган улгуржи база – конторалари ва уларнинг ҳудудий базалари бундан мустасно. Улар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 июндаги “Ихтисослаштирилган улгуржи база – контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-374-сон қарори билан назарда тутилган солиқ солиш тартиби сақлаб қолинади) -5%;

Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи дорихоналар учун:

- шаҳарларда аҳоли сони 100 минг ва ундан ортиқ киши -3%;
- бошқа аҳоли пунктларида -2%;
- олис ва тоғли ҳудудларда -1%.

Юқорида қайд қилинган савдо ва умумий овқатланиш ҳамда дорихоналар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатсалар ягона солиқ тўлови бўйича амалдаги ставкадан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича солиқ тўлайдилар (4-илова).

Агар савдо корхоналари, жумладан улгуржи ва чакана дорихоналар, ягона солиқ тўловининг турли ставкалари ўрнатилган аҳоли пунктларида мустақил юридик шахслар ҳисобланмаган бир неча савдо шаҳобчаларига эга бўлсалар, улар ҳар бир савдо шаҳобчаси бўйича товарлар айланмасини алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ва шу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган солиқ ставкалари бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт.

Бунда савдо корхоналарининг асосий фаолиятдан ташқари бошқа даромадлари, молиявий фаолиятдан даромадлари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлари савдо корхонаси давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган жой учун ўрнатилган ставкаси бўйича ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Агар савдо корхоналари балансида қайд этилган асосий воситаларни ижарага топширсалар, улар ижарага берилган ушбу активлар қийматидан умумбелгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлайдилар ҳамда уларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Савдо корхоналари ягона солиқ тўловини мустақил равишда солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқадиладар ва бюджетга тўлайдилар.

Ягона солиқ тўловини ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатларда давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда (3-илова) тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ортиб борувчи якун билан ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. 2007 йил 1 январга қадар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қандай солиқ режимида ишлаган?
2. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ягона солиқ тўловини тўловчилар таркибига ўтишнинг аҳамияти ва зарурлиги нимада?
3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ташқари яна қандай тўловлар, йиғимлар сақлаб қолинган?
4. Савдо фаолияти деганда нимани тушунасиз?
5. Умумий овқатланиш фаолияти деганда нимани тушунасиз?
6. Ягона солиқ тўловини тўловчи савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг солиққа тортиш объекти қандай аниқланади?
7. Ягона солиқ тўловини ҳисоблашда ялпи тушум таркиби қандай аниқланади?
8. Ялпи тушум таркибидан нималар чегирилади?

9. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда қандай белгиланган?
10. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?
11. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ягона солиқ тўлови қайси муддатларда тўланади?

3.2.3. Ягона ер солиғи

Ягона ер солиғининг жорий этилиши ва аҳамияти

1999 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-2086-сонли Фармониға мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этилиши, ўз навбатида уларни қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод қилди:

- фойда солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун божхона тўловлари, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар, шунингдек акцизности маҳсулотларга акциз солиғини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштиришдан иборатдир.

Мазкур солиқнинг амалга киритилиши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни тасарруфидаги ерларидан янада оқилона фойдаланишга даъват этади, чунки ҳар бир гектар ер майдони учун ундан даромад олиш ёки даромад олмаслик ҳолатидан қатъий назар белгиланган миқдордаги солиқ суммасини тўлаш лозим бўлади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг жорий этилиши солиққа тортиш тизимида унинг амал қилиши жараёнини янада такомиллаштиришдан далолат беради. Солиққа тортишнинг ушбу тизими хўжаликлар ҳисобчиларининг солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш борасидаги ишларини кескин камайтирди. Илгари қишлоқ хўжалик корхоналари ўнлаб турдаги солиқлар ва йиғимларни тўлашарди. Агар айрим солиқ турларининг ҳар ойда ва ҳар йилнинг ҳар чорагида тўланишини ҳисобга оладиган бўлсак, унда айрим хўжаликлар давлат солиқ органларига солиқлар бўйича 30 дан ортиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиши, 1 йилда ана шунча тўлов топшириқномаларини тўлдириши керак бўлар эди. Эндиликда эса хўжаликлар 1 йилда 1 марта бир турдаги солиқ суммасини ҳисоблаб чиқишади.

Ягона ер солиғи тўловчилари, солиқ объекти ва солиқ базаси

Қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари ягона ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Солиқ кодексига кўра қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар – солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар таркибига киради:

- ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

Ўрмон ва овчилик хўжаликлари ҳамда юридик шахс ташкил этган ва

ташқил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланишмайди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича мазкур фаолият туридан ягона ер солиғини тўлайдилар ва улар бошқа солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ягона ер солиғини тўловчи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун божхона божлари, давлат божлари, лицензия йиғимлари, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақланади.

Агар ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва бошқа фаолият турлари бўйича шу тоифадаги тўловчилар учун амалдаги қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган солиқларни тўлашга мажбурдирлар. Бунда, агар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирса, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимлар тўланадиган савдо ва умумий овқатланишдан ташқари) улар фаолиятнинг мазкур тури учун назарда тутилган ягона солиқ тўлов ёки умумбелгиланган тартибда солиқлар тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ерлар ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганда ижарага берувчида ижарага берилган ерлар бўйича ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони ягона ер солиғи солиш объекти ҳисобланади.

Солиқ солинадиган ер участкаларининг норматив қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади. Агар норматив қиймат белгиланмаган бўлса, унда солиқ солинадиган база бўлиб қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқарувчиларнинг солиқ солинадиган ер участкалари майдони ҳисобланади.

Солиқ солинадиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, ер участкаларининг жойлашиши, тупроқ бонитети ва ер мулкининг бошқа тавсифлари ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилинади.

Солиқдан имтиёзлар

Солиқ қонунчилигига кўра солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

а) қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;

б) ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

в) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сув ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

г) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга. Агар лойиҳада ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ишларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилмаган ёки ер участкаси бошқа муддатларда топширилган бўлса, ер участкаси учун солиқ мелиоратив ишлар ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари бажарилган йиллар учун тўланмайди, лекин у 5 йилдан ошмаслиги керак;

д) таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари банд этган ерлар;

е) янги тут кўчатлари экилган ерлар, қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда экилган тут кўчатлари экилган йилни ҳисоблаганда уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади, кузда экилган кўчатлар эса уларни экишдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод этилади;

ж) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари;

з) янги барпо этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан фермер хўжаликлари, давлат рўйхатиغا олинган пайтдан бошлаб икки йил муддатга;

к) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинмайдиган бошқа ерлар.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқдан имтиёз белгиланганда улар солиқни ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб тўлашни тўхтатадилар. Солиқ имтиёзлари бекор қилинган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ бекор қилинган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлашни бошлайдилар.

**Солиқни ҳисоблаш,
ҳисоб-китобларни
тақдим этиш ва тўлаш
тартиби**

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғи суммасини белгиланган шакл (11-илова) бўйича солиқ

солинадиган базага қараб ер участкаларининг норматив қиймати ҳамда ер участкаларининг майдонидан (ер участкаси жойлашган ер ва ер участкасининг балл бонитетини назарда тутадиган тузатиш коэффициентини эътиборга олинган ҳолда белгиланган ставкадан) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатишган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари лозим бўлади.

Ягона ер солиғини бюджетга тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 1 июлигача – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 сентябригача – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 декабригача – солиқнинг қолган суммаси.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бухгалтерия ҳисобида ягона ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобни бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритадилар.

**Қишлоқ хўжалик
корхоналарини солиққа
тортишда хорижий
давлатлар тажрибаси**

Глобаллашув шароитида жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ўсиши мамлакатда иқтисодиётнинг юксалиши учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг солиққа тортиш тизими янада соддалаштирилишга қараб кетмоқда. Хорижий мамлакатлар амалиётида солиқлар табақалаштирилган бўлиб, ўрнатилган солиқлар солиқ объектидан ёки даромад олиш даражасидан келиб чиқиб бюджетга тўланади. Аграр секторга маълум бир имтиёзлар ҳамда махсус солиқ режими қўлланилади ва улар албатта ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бу хусусиятларга фасллар алмашинуви, табиий об-ҳаво шароитларини мисол қилиш мумкин. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб

чиқарувчилари тўлайдиган солиқлар таркибига назар ташланганда, уларнинг турли мамлакатлар миқёсида солиқ турларига қараб солиқларни табақалашганини кўриш мумкин (3.2.3.1-жадвал).

3.2.3.1-жадвал

Айрим ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалик субъектлари тўлайдиган асосий солиқ турлари

Солиқ турлари	АҚШ	Франция	Италия	Буюк Британия	Германия
Даромад солиғи	+	+	+	+	+
Корпоратив солиқ	+	+	+	+	+
Мол-мулк солиғи	_***	+	-	+	_***
Ер солиғи	+	+	_*	-	+
Маҳаллий солиқлар (ер солиғидан ташқари)	+	+	+	+	+
ҚҚС	-	+	+	+	+
Сотувга солиқ	+	-	-	-	-
Ижтимоий тўловлар	+	+	+	+	+

* - даромад солиғига киритилган.

** - ер солиғига киритилган.

Германия, Франция, Италияда қишлоқ хўжалик субъектлари ҳисобланган фермерлик кооперативларига корпоратив солиқни тўлаш бўйича имтиёзлар кенг тарқалган. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган ер солиғи бошқа юридик шахсларга нисбатан анча паст миқдорда белгиланган.

Голландияда бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнатга қобилиятли аҳолининг 4 фоизигина ишлайди. Бу давлатнинг худуди ва аҳолиси Ўзбекистон билан солиштирганда бир неча баробарга кам. Табиий шароити эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши учун анчагина ноқулай. Шунга қарамасдан ушбу мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Экспортнинг йиллик ҳажми тахминан 35 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Жаҳонда самарали фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари АҚШ давлатида мукамал шаклланган деб аташ мумкин. Бунинг асосий сабаблари, фермер хўжаликларига ёрдам дастурларини маблағ билан таъминлашда федерал ҳукумат етакчиликни ўзида сақлаб турганлиги билан изоҳланади.

Буюк Британия солиқ тизимида фермер хўжаликларини солиққа тортиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу мамлакатда фермерлар

тўлайдиган асосий солиқ тури даромад солиғи ҳисобланиб, у молия йилида хўжаликда ҳосил қилинган даромад ёки фойдадан белгиланган шкала бўйича ундирилади. Даромад солиғини ундириш мақсадида фермер хўжаликларига бешта солиқ шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, унда ер, мол-мулкларни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш, ўрмон хўжаликларидан олинадиган фойдага солиқ солиш, асосий фаолиятдан ташқари олинган даромад манбаларига солиқ солиш, ишчи ходимлар ва ёлланма меҳнат қилувчиларнинг даромадларига солиқ солиш жараёнлари акс эттирилади. Фермер хўжаликлари учун молия йили 1 апрелдан бошланиб кейинги календар йилининг 31 мартада тугайди. Фойда солиғи молия йил якуни бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва ҳисобланган солиқ суммасининг 50 фоизини 1 январда ва қолган қисмини 1 июнда бюджетга тўлаб беради. Яъни бу ерда солиқни бюджетга ундиришда қишлоқ хўжалигининг мавсумийлиги ҳисобга олинган.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида жойлашган фермер хўжалиги 2007 йилда 55.0 га суғориладиган ер майдонига эга. Шундан 35.0 га нинг балл бонитети 6 кали (51 – 60 балл), 20.0 га эса 7 калл (61 – 70 балл) ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ягона ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатларини аниқланг.

Ечилиши:

1. Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ягона ер солиғи суммаси қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сяес} = \text{Меу} \times \text{Ссб} \times \text{Кт},$$

бу ерда:

Сяес – ягона ер солиғи суммаси, сўмларда;

Меу – ер участкаси майдони, гектарда;

Ссб – солиқнинг базавий ставкаси, 1 гектар учун сўмда;

Кт – тузатиш коэффициенти.

$$\text{- 6 кали учун Сяес} = 55 \times 1188 \times 6.54 = 427323,6 \text{ сўм};$$

$$\text{- 7 кали учун Сяес} = 20 \times 1188 \times 9 = 213\,840 \text{ сўм.}$$

$$\text{Жами ягона ер солиғининг суммаси} = 427323,6 + 213840 = 641163,6 \text{ сўм.}$$

2. Ягона ер солиғи суммаси бир йилда икки мартаба тўланади:

• 1 июлгача солиқ йиллик суммасининг камида 20 % и миқдорида, яъни:
 $641163,6 \times 20 \% = 128232,7 \text{ сўм};$

• 1 сентябргача йиллик солиқ суммасининг камида 30% миқдорида,
яъни:

$$641163,6 \times 30\% = 192349,08$$

- 1 декабрғача солиқнинг қолган суммаси, яъни:
 $641163,6 - 128232,7 - 192349,08 = 320581,82$ сўм.

2-масала. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги ширкат хўжалигининг 2007 йилдаги ер майдони қуйидагича:

1. Суғориладиган ерлар
 - 5 кали – (41-50 балл) - 40 га
 - 7 кали – (61-70 балл) - 80 га
 - 8 кали – (71-80 балл) - 120 га
 2. Лалми ерлар - 485 га
 3. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар - 125 га
- Жами: 850 га

Ушбу маълумотларга асосан ширкат хўжалиги тўлаши лозим бўлган ягона ер солигини ҳисобланг.

3-масала. 2007 йилда фермер хўжалиги фойдаланиш учун 100 гектар ер участкаси Сурхондарё вилояти Денов туманининг суғориладиган ерларида жойлашган бўлиб, сифати жиҳатидан балл-бонитети 61-70 га тўғри келади.

Солиқнинг базавий ставкаси бир гектар учун 1476,2 сўм, 61-70 балл-бонитет учун коэффициент 9,00 га тенг.

Аниқланг:

Фермер хўжаликнинг фаолияти натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда фермер хўжалиги қанча ягона ер солиги тўлаши лозим?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи қачон жорий этилган. Унинг аҳамияти қандай?
2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини тўлашга ўтишлари билан улар қандай солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод этилди?
3. Қандай юридик шахслар ягона ер солиғининг тўловчилари ҳисобланади?
4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият тури билан шуғулланганда ҳам ягона ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
5. Ягона ер солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Ягона ер солиғининг ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилади?
7. Солиқ солинмайдиган ер участкаларига қандай ерлар киради?
8. Ягона ер солиғини тўлашдан кимлар озод этилади?

9. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартибини аниқланг?
10. Солиқ бўйича ҳисоб-китоблар қайси муддатда солиқ идораларига топширилади?
11. Ҳисобланган солиқ суммалари қайси муддатда бюджетга ўтказилади?
12. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишда ривожланган давлатлар тажрибаси қандай?

3.2.4. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқ тўловчилар ҳисобланадилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи қатъий белгиланган солиқни тўловчи жисмоний шахслар солиқ қонунчилигига кўра ижтимоий суғурта бадалларини, экспорт-импорт операцияларини бажарганда ягона божхона тўлови, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни, агарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда сув ресурсларидан фойдаланилса, унда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни, бозорларда фаолиятини амалга оширишда савдо жойи учун тўлов (патта)ни, давлат божларини тўлайдилар.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари тадбиркорлик фаолиятининг тури ва фаолият жойига (вилоятлардаги шаҳарлар, туманлар, шу жумладан қишлоқ жойларга) боғлиқ равишда белгилайди.

Бунда фаолиятнинг турли хиллари учун табақалаштирилган ёндашувни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари томонидан маҳаллий шароитлар ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда қатъий белгиланган миқдорларда даромад солиғи ставкалари белгиланиши мумкин.

Қатъий белгиланган солиқнинг базавий ставкалари ва юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинadиган қатъий белгиланган солиқ суммасининг ҳисоб-китоби учун тузатувчи коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги даромад солиғини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳар ойда, мустақил равишда фаолият амалга ошириладиган ойнинг 25-кунигача тўлайдилар.

Масалан, жисмоний шахслар даромадидан қатъий белгиланган солиқ:

2008 йил январи учун 2008 йилнинг 25 январига қадар;

2008 йил феврали учун 2008 йилнинг 25 февралига қадар белгилаб қўйилган.

Қатъий белгиланган солиқ юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркор томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган жойда, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, тўланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан энди шуғуллана бошлаган жисмоний шахслар қатъий белгиланган ставкалар бўйича даромад солиғини белгиланган тартибда, рўйхатга олиш пайтида мустақил тўлайдилар. Қатъий белгиланган солиқ фаолият бошланган кундан қатъи-назар бир ой учун тўланади. Мисол учун, ойнинг бошида эмас, балки иккинчи ярмида бошласа ҳам тўлиқ ой учун тўланади. 2008 йил 1 январдан юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ ставкаси қуйидагича:

3.2.4.1-жадвал

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолият билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ СТАВКАЛАРИ²⁵

№	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорларда)		
		Тошкент шаҳри	вилоятлардаги шаҳарлар	туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари
1	2	3	4	5
1.	Чакана савдо: - озиқ-овқат товарлари билан; - дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан *) - ноозиқ-овқат товарлар билан; - озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шаҳобчалардаги аралаш савдо).	12,0 7,0 13,5 13,5	7,5 5,5 9,0 9,0	4,0 3,0 4,5 4,5

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

1	2	3	4	5
2.	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	7,5	3,0	1,5
3.	Сартарошлик хизматлари кўрсатиш, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	8,5	4,5	3,0
4.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	4,5	3,5	2,0
5.	Бошқа фаолият турлари, мол-мулкни ижарага беришдан ташқари	5,0	3,0	1,5
6.	Автомобил транспортида юк ташишга доир хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	7,0	5,5	4,0
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	12,0	9,5	7,5
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	17,5	13,0	12,0

*) деҳқон хўжалигида парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, хом ва қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида чорва моллари, қуёнлар, нутриялар, балиқ, паррандани, шунингдек натура ва қайта ишланган кўринишда асаларичилик ва деҳқончилик (гулчиликдан ташқари) маҳсулотларини сотиш бундан мустасно. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан олинган белгиланган намунадаги маълумотнома фуқарода деҳқон хўжалигининг мавжудлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарорига асосан юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари қуйидагича ўрнатилган.

**Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари
бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ
СТАВКАЛАР²⁶**

№	Фаолият тури	Солиқ тўловчилар	Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда)		
				Тошкент шаҳри	вилоятла рдаги шаҳарлар	туманлар, шу жумлдан қишлоқ жойлари
1.	Автотранспортн и қисқа муддат сақлаш жойлари	юридик шахслар	Эгаллаган май-дон (1 кв.метр)	0,1	0,09	0,06
2.	Болалар ўйин автоматлари	юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланагн ўринлар сони (бир бирликда)	3,0	2,0	1,0
3.	Билирдохоналар	юридик ва жисмоний шахслар	Жиҳозланган ўринлар, стол-лар сони (бир бирликда)	14,0	12,0	10,0

Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган ҳолатда бу ҳол солиққа тортиш объектини яшириш сифатида қаралади.

Тадбиркор ўз фаолиятини муайян ойга (ойларга) турли сабаблар (оилавий аҳволи, касаллик, вақтинча бошқа ерга кетиш ва ҳоказо) билан тўхтатган ҳолларда, у фаолиятини тўхтатишгача давлат солиқ хизмати органларига фаолиятни вақтинча тўхтатиши ҳақида ариза тақдим этиши ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топшириши керак.

Ҳокимиятлар томонидан берилган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномаси топширилгандагина фаолият вақтинча тўхтатилган деб ҳисобланади. Бунда тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳномасини топширгандан кейин қатъий белгиланган солиқни ўз фаолиятини амалга оширмайдиган ойда тўлашдан озод этилади.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган ариза ва давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома мажбурий тартибда, келиб тушган кунда келган хат-хабарлар дафтарида рўйхатга олиниши керак.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ва даромадидан қатъий белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайдиган жисмоний шахсларга жами даромадни белгилаш ва ундан тегишли чегирмалар қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ татбиқ этилмайди.

Жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти уюшмалар, иттифоқлар ва шу кабиларга бирлашиш, ишларни ўз транспортида бажаришга доир фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилган тақдирда ушбу жисмоний шахслар қатъий солиқни белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Жисмоний шахс:

фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида тўлайди;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда амалга оширса, ижарага берувчилар тўғрисида яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ахборот тақдим этиши керак, унда ижарага берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, шунингдек ижара тўловининг суммаси ва ижара муддати кўрсатилади. Мазкур ахборот ижарага олинган ускуна ва хонада, шу жумладан ишончнома бўйича транспортда фаолиятни амалга оширишга қадар тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортиш тартиби асосида солиққа тортилади.

Автотранспорт воситаларини шу жумладан бирлашмалар, уюшмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ижарага топширадиган жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқни жисмоний шахслар учун йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизматларни амалга оширишдан келиб чиқиб белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари кимлар?
2. Қатъий белгиланган солиқнинг тўловчилари қандай ҳолатда бошқа тўловларни тўлаши мумкин?

3. Қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари қайси мезон асосида табақалаштирилади?
4. Қатъий белгиланган солиқнинг ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
5. Қатъий белгиланган солиқ миқдорини бюджетга тўлаш даври қандай?
6. Қандай ҳолатда деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилинганда қатъий белгиланган солиқни тўлашмайди?
7. Солиқ даврида тадбиркор касал бўлганда ёки оилавий шароит туфайли ишламаганда солиқни тўлаши қандай тартибда амалга ошади?
8. Тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатганда қандай тартибда ҳужжатларни расмийлаштиради?
9. Жисмоний шахс бир нечта фаолият тури билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганда қандай тартибда солиқ тўлайди?
10. Тадбиркор ижарага олинган воситалар билан фаолиятни амалга оширганда мол-мулкни ижарага берувчилар тўғрисида солиқ идораларига қандай тартибда маълумотнома тақдим этади?

3.3. Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи ҳақида тушунча. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва унинг жорий қилиниши

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва халқаро солиқ амалиётида эгри солиқларнинг асосий турларидан бири – қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғи – ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. Корхона кундалик хўжалик фаолиятида маҳсулот етказиб берувчилардан товар ва хом-ашё сотиб олади ва улардан маҳсулот ёки иш, хизматлар ишлаб чиқаради. Демак, қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва сотишда қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб-чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни

биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни 1919 йилда Вильгельм фон Сименс илгари сурди.

Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. Францияда қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва ҳуқуқий асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрларини умумлаштириш тўғрисидаги махсус Директиванинг қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилинди ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.

Қўшилган қиймат солиғига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, солиққа тортишнинг объекти бўлиб, нафақат ички бозордаги товароборот, балки мамлакат корхоналарининг ташқи бозорларидаги товаробороти ҳам ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда, кўпчилик ҳолларда, қўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. Бунинг асосий сабаблари шундаки, биринчидан, қўшилган қиймат солиғи дунёда биринчи марта Европа давлати бўлган Францияда жорий этилди; *иккинчидан,* 1977 йилда қабул қилинган Директивага асосан қўшилган қиймат солиғи бир вақтнинг ўзида Европанинг бир неча давлатларида жорий этилди; *учинчидан,* қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европадаги интеграцион жараёнларни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнади.

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг давлат бюджетларининг даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил қилади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида эгри солиқларни юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларини

умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасини ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади. Бу масаланинг Ўзбекистон Республикаси учун амалий аҳамиятга эга эканлиги шундаки, мамлакатимиз товароборотининг сезиларли қисми Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикаларига тўғри келади. Ҳозирга қадар мазкур мамлакатлар ўртасида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини умумлаштириш ва солиққа тортиш базасини уйғунлаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Бу эса, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилдан буён амал қилмоқда. Ушбу солиқ оборотдан олинadиган солиқ ва сотувдан олинadиган солиқлар ўрнига акциз солиғи билан биргаликда киритилган. Бу солиқ оборот солиғидан фарқли равишда фақат қўшилган қийматдан ундирилади. Оборот солиғи эса бир мартаба умумий оборотдан олинар эди. Қўшилган қиймат солиғи эса ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ҳар бир босқичидан олинади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида қўшилган қиймат солиғи ҳозирга қадар ўзининг муҳим ўрнини ва амалий аҳамиятини сақлаб келаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги қарорига кўра 2008 йилда қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 28 фоизни, эгри солиқлар таркибида эса 56 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган. Ушбу кўрсаткичлар қўшилган қиймат солиғини бюджет даромадларининг асосий манбаи эканлигини билдиради.

Солиқ тўловчилар таркиби, солиқ объекти ва солиқ ставкалари

Қўшилган қиймат солиғининг тўловчилари бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ушбу солиқни бюджет олдида ҳисоб-китобини амалга оширувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тушунилади. Жумладан:

- 1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;
- 2) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга ошириладиган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатилadиган юридик шахслар;
- 3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар (ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш

нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно);

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Нотижорат ташкилотлар (тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно) ҳамда солиқ солишнинг соддатлаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишмайди.

Солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳолда ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

Амалдаги солиқ кодексининг 198-моддасига кўра қўшилган қиймат солиғининг **объекти** бўлиб, товар (иш, хизмат)ларни реализация қилиш обороти ҳамда товарларнинг импорти ҳисобланади.

Товарларни (иш ва хизматларни) реализация қилиш обороти деганда – юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) қиймати тушунилади, яъни юклаб жўнатилган товарлар (иш ва хизматлар) учун маблағи келиб тушиши даврдан қатъий назар корхона қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет олдида ҳисоб-китобларни амалга ошириши шарт.

Солиқ солинадиган импорт деганда эса – Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кирилаётган товарлар ҳисобланади (қўшилган қиймат солиғидан озод этилган импорт товарлардан ташқари).

Товарлар натурал ҳақ тарзида берилганда ёки касса орқали ўз ходимларига таннарх баҳосидан паст қилиб сотилганда солиққа тортиладиган оборот товарлар (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Солиқ кодексига кўра қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди:

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш (юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар бундан мустасно);

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти)

учун, агар таркибий бўлинмалар солиқ кодексига мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

7) банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулквий ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

Солиқ кодексига кўра қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш обороти ҳисобланмайди:

- солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган унинг ўз эҳтиёжлари учун товар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш (юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар бундан мустасно);

- битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

- солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

- гаров қийматига эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

- тугалланмаган қурилишнинг асосий воситалари, номоддий активлари ва объектларини бепул асосда бериш;

- банкларнинг мол-мулкни ўз филиалларига бериши;

- ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган оборотлар.

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 1992 йилда 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, бугунга қадар бир-неча марта ўзгартирилди. Жумладан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларига (ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) эса камайтирилган 10 фоизли ставка белгиланди. 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. 15% ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва буғдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди.

2000 йилдан ҳозирги кунгача солиқ Кодексига кўра республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинмоқда. Умуман олганда “0” ставка деганда корхона ишлаб чиқараётган товарларнинг (бажарилган иш, хизматларнинг) қийматига қўшилган қиймат солиғи қўлланилмайди, яъни “ноль” га тенг дегани.

Қуйидагиларга “0” даражали ставка бўйича солиқ солинади:

- Товарларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариладиган ишларнинг (кўрсатиладиган хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортига, шу жумладан, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларига етказиб берилишига, агар

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

Айрим МДХ давлатларида бу тартиб бошқача. Масалан: Арманистонда Тожикистонда, Туркменистонда МДХ давлатларидан ташқарига экспорт солиққа тортилмайди, “0” ставка ҳам қўлланилмайди. Қозоғистонда эса МДХдан ташқарига экспорт “0” ставкада солиққа тортилади.

Экспорт қилинган товарларни қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш масаласида Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида давлатлараро билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган бўлиб, аммо ратификация қилинмаган (тасдиқланмаган) ҳолатларда имтиёзни қўллашнинг иложи бўлмайди, яъни имтиёз қўллаш учун қонуний асос бўлмайди.

Ҳозирги вақтда Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Россия, Қозоғистон билан ҳам билвосита солиқларни ундириш принциплари бўйича шартномалар тузилган. Шартномада келишилган давлатлар божхона ҳудудларида товарлар (иш ва хизматлар) экспорт қилинганда “0” ставкадаги қўшилган қиймат солиғини қўллаш кўзда тутилган.

- Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товар (иш ва хизмат)ларга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади;

- сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация ва газ таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга;

- хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган транзит юкларини ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга, жумладан йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш.

2006 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига “0” ставка бекор қилинди.

Қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган (имтиёзли) оборотлардан фарқли “0” ставка қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи товарларнинг таннарига олиб борилмасдан, ҳисобга киритилади.

Агарда ҳисобот даврида ҳисобга киритилиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасидан “0” ставкада ҳисобланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси қиймати жиҳатидан кўп бўлса, у ҳолда ошиқча сумма солиқ тўловчининг бошқа солиқ ва тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, унга белгиланган тартибда қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғини қоплаш (яъни қайтариш) тартиби 2003 йил 13 майдаги ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга ундириладиган тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган (30-сонли баённома) “Хўжалик юритувчи субъектларга қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаш тўғрисида” ги Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низом адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 6 июнда 1246-сон билан тасдиқланган.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий қолдиқни пайдо бўлиши муаммоси асосан маҳсулотини экспорт қилувчи йирик корхоналарда кузатилади. Масалан: Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг – 1 ойлик ортиқча тўлови 100 млн. сўм, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида – 200 млн.сўм, Қабул Текстайлз – Ўзбек қўшма корхонасида – 30 млн. сўм (бу корхонада экспорт жами сотилган товарларнинг 90 фоизни ташкил қилади). Бу муаммо “0” ставкада солиққа тортиш натижасида ортилган маҳсулотга қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаслигини ва олинган материалларга қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олиниши оқибатида юзага келади.

Қўшилган қиймат солиғининг ватани ҳисобланган Францияда қўшилган қиймат солиғи бўйича тўртта ставка амал қилади, яъни стандарт ставка, қисқартирилган ставка, оралиқ ставка ва оширилган ставка.

Стандарт солиқ ставкаси 19,6 фоиз қилиб белгиланган. Бу ставка ўзгача ставкалар қўлланилиши кўзда тутилган операциялардан ташқари барча операцияларга нисбатан қўлланилади. Пасайтирилган ставка (2,2; 5,5%) озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун, китоблар ва дори-дармонлар учун амал қилади. Шундай пасайтирилган ставка айрим хизмат турларига: туризм ва меҳмонхона хизматлари, юк ва йўловчи ташиш, томоша тадбирлари, корхоналарнинг ходимларига бериладиган овқатларга тегишлидир. Оралиқ ставка газ, электр, иссиқсув, кўмир, нефть маҳсулотлари, спирт, кофе каби товарларни солиққа тортиш учун қўлланилади. Оширилган ставка (22,0%) айрим маҳсулот турларига,

жумладан, автомобиллар, кино-фото товарлар, тамаки маҳсулотлари, парфюмерия, қимматбаҳо мўйналарга нисбатан қўлланилади.

Буюк Британияда қўшилган қиймат солиғининг учта ставкаси амал қилади: 0, 8,0 ва 17, 5 фоиз. Ноль даражасидаги солиқ ставкаси товарларнинг 17 та гуруҳига, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув таъминоти ва канализация, кўзи ожизлар учун мўлжалланган китоблар ва қўлланмалар, ёқилғи ва иситиш, транспорт воситалари, халқаро хизматлар, кийим-кечак ва пойафзал, хайр-эҳсонларга нисбатан қўлланилади. 8 фоизли ставка таъминотнинг коммунал турлари борасидаги хизматларга нисбатан қўлланилади. 17,5 фоизли ставка товарлар (иш ва хизматлар) нинг барча бошқа турларига нисбатан қўлланилади.

Испания Қироллиги мамлакатада қўшилган қиймат солиғининг стандарт ставкаси 16 фоизни ташкил этади. Пасайтирилган ставкалар, яъни 0 фоизли ставка – экспорт билан боғлиқ товар ва хизматлар учун; 4 фоизли ставка – биринчи навбатдаги зарур товарлар учун (нон, ғалла, сут, тухум, мевалар, сабзаётлар, китоблар, газеталар, дори-дармонлар, муниципал уйлар, ногиронлар учун машиналар ва ҳ.к.); 7 фоизли ставка – озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой қурилиши, транспорт, туризм учун, 28 фоизли ставка эса зеб-зийнат буюмлари ва автомобиллар бўйича белгиланган.

Россия Федерациясида қўшилган қиймат солиғи 20 фоиз, 10 фоиз ва 0 фоизли қилиб белгиланган. 0 фоизли ставка товарлар (иш ва хизматларнинг) айрим турларига, 10 фоизли ставка – озиқ-овқат ва болалар товарларига, 20 фоизли ставка эса товарлар (иш ва хизматлар)нинг бошқа турларига нисбатан қўлланилади.²⁷

Солиқ имтиёзлари

Қўшилган қиймат солиғидан бошқа солиқ турларига нисбатан кўпроқ имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, улар солиқ кодексига тўрт гуруҳга бўлиб берилган. Улар:

- 1) солиқдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти (208-модда);
- 2) солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар (209-модда);
- 3) солиқдан озод этиладиган суғурта хизматлари (210-модда);
- 4) солиқдан озод этиладиган импорт.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари озод этилади:

²⁷ Абдурахмонов О. Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари. Ўқув қўлланмаси. –Т.: ТДИУ нашр., 2003.

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи ва йиғимлар ундириладиган хизматлар;
- мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;
- беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;
- дафн этиш бюрolari ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;
- протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;
- даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;
- почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар, конвертлар;
- алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;
- бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси асосдир;
- шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари.;
- олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;
- ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топширилган қимматбаҳо металллар;
- чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг

хаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

– санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари ва болалар дам олиш оромгоҳларининг хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хизматлари.

– гидрометеорология ва аэрология ишлари;

– геология ва топография ишлари;

– Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспорт қилинаётган товарларни ташиш, юклаш, тушириш, қайта юклаш, экспедиция қилишга доир хизматлар, ишлар;

– ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар ташкил этувчи юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар), бундан воситачилик, савдо, тайёрлов, таъминот-сотиш фаолиятини амалга ошириш бўйича реализация қилиш оборотлари мустасно;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

– уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар;

– аҳолини электр энергияси билан таъминлаш;

– давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

– ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

– ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлов бўлинмалари хизматлари;

– ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган оборотлар.

Молиявий хизматларнинг қуйидаги турлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилган:

– тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

– миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар;

– қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар;

– аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

- пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;
- чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;
- касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);
- форфейтинг ва факторинг операциялари;
- ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);
- жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.
- ва бошқа оборотлар.

Қўшилган қиймат солиғидан озод этилган суғурта хизматлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

б) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва танъемалар;

в) суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;

г) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улушининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини;

д) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича учинчи шахслардан суброгация (регресс) тартибида талаб қилиш бўйича даромадлар;

е) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассистанс хизматлари ва шу сингарилар) кўрсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

ж) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган ҳамда қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурталовчига ўтказилган фоизлар;

з) ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта қилдирувчилар тақдим этган заёмлардан олинадиган даромадлар;

и) суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятдан олинадиган даромадлар, шу жумладан суғурта резервлари ва суғурта фондлари маблағларини инвестициялашдан олинадиган даромадлар;

к) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича франшизларни қоплашдан олинадиган даромадлар;

л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинadиган даромадлар;

м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинadиган бошқа даромадлар;

2) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта тўлови (суғурта товони);

б) превентив тадбирлар ўтказиш учун берилadиган маблағлар;

в) суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тўлайдиган маблағлар;

г) суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

Товарларни импорт қилишда қуйидаги ҳолларда қўшилган қиймат солиғидан озод этилади:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кириладиган товарлар;

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшадиган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кириладиган товарлар;

4) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кириладиган товарлар;

5) давлатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари ҳисобидан олиб кириладиган товарлар;

6) дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари, шунингдек дори воситалари ва тиббий (ветеринария) буюмлари ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган хом ашё;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланadиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар

уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

8) инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

9) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинadиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

10) болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун олиб кираётган хом ашё, материаллар ва ярим маҳсулот.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартибларининг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ қонунчилигига асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланиши солиқ тўловчиларнинг олиб бораётган хўжалик операцияларига боғлиқ равишда солиққа тортиладиган базани аниқлашнинг ўзига хос

хусусиятлари мавжуд.

Товарлар сотилганда, иш ва хизматлар бажарилганда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши. Республикамизда қўшилган қиймат солиғи жорий этилгандан буён солиқни ҳисоблашнинг икки турдаги усули амал қилган, яъни ишлаб чиқарилган товарларни жўнатиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ҳисобга олиш усули ёки ҳисобварақ-фактура усули ҳамда улгуржи ва чакана савдо, воситачилик хизмати кўрсатиш соҳаларида ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган. Бунда қўшилган қиймат солиғига тортиладиган база нархлар фарқи сифатида, устама ва мукофот ҳақи суммаси сифатида аниқланиб шу суммадан солиқ ҳисобланган.

1992 йилдан 1994 йилга қадар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб ҳисобланар эди. 1994 йилдан улар бюджетга қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ўрнига ялпи даромад солиғи ҳамда мол-мулк солиғини тўлайдиган бўлишди. Кейинги даврларда солиқ ҳисоблашнинг “ялпи фойда” (чегириш) усули аста-секин “ҳисобга олиш-ҳисобварақ” усулига айланиб борди. Солиқ кодекси кучга киргандан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг “ялпи фойда”

(чегириш) усули фақат воситачилик ва “Ўздонмахсулот” ДАК тизими таркибига кирадиган, бирламчи ишловдан кейинги дон, қўшимча маҳсулот ва чиқиндиларни саноатдан донни қайта ишлашга сотишни амалга оширадиган корхоналар учун қўлланилади. Бошқа ҳолатларда “ҳисобга олиш ҳисоб-фактура” усули қўлланилади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг “ҳисобга олиш ҳисоб-фактура” усулининг моҳияти шундаки, корхона бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулотларга (хизматларга) ҳисобланган солиқ миқдоридан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом-ашё, материаллар учун тўланган солиқ миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Чегиришга ҳисобот даврида ҳисоб-фактура билан қабул қилинган хом-ашё, материаллар, шу жумладан импорт қилинган товарларга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси қабул қилинади.

Қуйидаги шартларни бажарган ҳолда ҳисобга олиш амалга оширилади:

- *биринчидан*, бу ҳисобот даврида товар ва хизматлар ҳақиқатда сотиб олинган бўлиши керак;
- *иккинчидан*, улар бўйича товар етказувчидан ҳисоб-фактура тўлдирилган бўлиши;
- *учинчидан*, улар солиққа тортиладиган фаолиятда ишлатилган бўлиши керак.

Асосий восита ва номоддий активларни сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш. Корхонанинг ўз эҳтиёжи учун олинган асосий восита ва номоддий активлари корхонанинг бухгалтерия балансида мол етказиб берувчига тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси билан бирга ёзилиб кириш қилинади. Агар балансдаги асосий воситалар ва номоддий активлар сотилса, у ҳолда асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб, сотиш баҳоси билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бунда, агар корхона асосий воситалар ва номоддий активларни қолдиқ қийматида сотса, у ҳолда солиққа тортиладиган объект бўлмайди ва бюджетга солиқ тўланмайди. Шунингдек, асосий воситалар ва номоддий активларни ишлаб чиқарувчи ва уни олди-сотти фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг алоҳида тартиби мавжуд.

Воситачилик хизматлари кўрсатилганда қўшилган қиймат солиғининг ҳисобланиши. Воситачилик хизматлари бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда “ялпи фойда” (чегириш) усули қўлланилади. Ушбу усулнинг моҳияти шундаки, солиқ баҳо фарқи, устама ва мукофотлар сифатида олинган даромаддан ҳисобланади. Бюджетга солиқ тўлашда ҳисобланган солиқ суммаси ушбу даромадни олишга сарфланадиган

хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи суммасига камайтиради. Демак, қўшилган қиймат солиғи суммасини воситачилик корхоналари мукофотлар суммасидан ҳисоблайдилар.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш. Умумдавлат солиқларини тўловчи корхоналарда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг амалдаги механизми солиқни ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган янгидан яратилган қийматдан тўланишини кўзда тутди. Қўшилган қиймат икки маротаба солиққа тортилмайди.

Республикамизда 1998 йилдан солиқ кодекси жорий этилиши билан бирга ҳисобварақ-фактуралар киритилган бўлиб, у киримдаги солиқ суммасини ҳисобга олиш учун асосий хужжат ҳисобланади. Аммо, амалиётда бу тартиб ўзининг вазифасини тўлақонли бажара олмади, чунки бу даврда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси – етказиб бериладиган маҳсулотга ҳисобланган солиқ суммаси билан бевосита ишлаб чиқаришга сарфланган материал ресурсларга ҳисобланган солиқ суммаси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланар эди. Бу тартибдаги ҳисоблаш механизми 1999 йилга қадар амалиётда қўлланилиб келинди ва унинг айрим **камчиликлари** мавжуд эди. Жумладан:

- ишлаб чиқаришга сарфланган пайтда хом-ашё ва материалларга ҳисобланган солиқ суммасини бюджет билан ҳисоб-китобда чегирилиши – корхоналарнинг оборот маблағларини чекланишига олиб келди;

- қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ фактура асосида ҳисобланиш механизми ишламади, чунки амалда ҳисобварақ фактурада кўрсатилган солиқ суммаси бюджетга ҳисобга олиб боришда асос бўлмади;

- бундай ҳисоблаш тартиби ҳалқаро солиқ амалиётидаги қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тамойилларига зид келарди.

Ушбу ҳолатлар таҳлил қилиниб 1999 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ўзгартирилди ва ҳалқаро амалиётга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тамойилларига мослаштирилди. Қуйида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг таққослама усули келтирилган (3.4.1-жадвал).

1999 йилдан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг янги тартибини жорий этилиши уни ҳисоблашнинг соддалаштирилган механизмини қўлланилишига олиб келди, яъни ҳисобварақ фактура усулининг ишлаб кетишини таъминлади ва бунда материал ресурсларининг ишлаб чиқаришга сарфланишидан қатъий назар, ҳисобот даврида сотиб олинган материал ресурсларга тўланган солиқ суммаси ҳисобварақ фактура асосида бюджет билан ҳисоб-китобга олиб бориладиган бўлди.

**Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг 1999 йилдан жорий этилган
усулининг таққослама таҳлили (рақамлар шартли)**

№	Кўрсаткичлар	1999 йилга қадар		1999 йилдан кейин	
		оборот	қўшилган қиймат солиғи	оборот	қўшилган қиймат солиғи
1.	Ҳисобот даврида сотиб олинган хом-ашё, материаллар	100	20	100	20
2.	Ишлаб чиқаришга ишлатилган хом-ашё, материаллар	50	10	50	10
3.	Товарлар (иш ва хизматлар)ни сотиш обороти, яъни солиққа тортиладиган оборот	200	40	200	40
4.	Бюджетга ҳисобланган солиқ суммаси	X	30 (40-10)	X	20 (40-20)

Бу тартибдаги ҳисоблаш механизми корхоналарнинг оборот маблағларини четланишини кескин камайтиради.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатлари. Ҳисобварақ фактура ва уни тўлдириш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларни (5-илова) корхона ортиб боровчи яқун билан рўйхатдан ўтган жойидаги Давлат солиқ идораларига ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ва йил яқунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботни топшириш муддатида қўшилган қиймат солиғини тўловчилари ҳисобланган микрофирма ва кичик корхоналар йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда тақдим этади.

Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоблари билан бир вақтда ҳисобот даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини ҳам тақдим этадилар. Ҳисобварақ-фактуралар реестрининг шакли давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Ҳисоботларни ўз вақтида топширмаслик корхона ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан Давлат солиқ идоралари томонидан молиявий ва маъмурий жазо – чораларини қўлланишига олиб келади.

Корхоналар қўшилган қиймат солиғини солиқ ҳисобини топширган кундан кечиктирмай тегишли даврдаги ҳақиқий сотиш оборотидан келиб чиқиб тўлайди. Агар корхона ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга ўз вақтида ўтказиб бермаса, бундай ҳолатда Давлат солиқ идоралари масъул ходимлари томонидан ҳисобланган солиқ сумасига нисбатан кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05 фоиз миқдорида пеня (молиявий жазо) қўлланилишига олиб келади. Бунда корхона раҳбариятига нисбатан маъмурий чора қўлланилмайди.

1998 йил 1 январдан Ўзбекистондаги барча корхоналар ва ташкилотлар учун, шу жумладан солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод бўлган корхоналар ҳам товарларни сотганда, иш ва хизматлар кўрсатганда ҳисобварақ фактурани тўлдириши қонун асосида шарт қилиб белгиланди.

Ҳисобварақ-фактура маҳсулот етказиб берувчи томонидан товарларни юклаб жўнатилиши, иш ва хизматлар кўрсатилиши санаси (куни)дан кечиктирмасдан ёзилади.

Ҳисобварақ-фактурада - унинг тартиб рақами ва ёзилган санаси, жўнатиладиган товарлар бўйича шартномалар рақами ва санаси ҳамда солиқ тўловчи ва харидорнинг номи, манзили СТИРи ва шу каби реквизитлари кўрсатилади.

Жадвали шаклини тўлдиришда қуйидагиларни қайд этиш керак (б-илова):

- 1-устунда, товарлар (иш ва хизматлар) номи;
- 2-устунда товарларнинг ўлчов бирлиги (дона, метр, кг, ва хоказо);
- 3-устунда юклаб жўнатиладиган товарларнинг миқдори ёки сони;
- 4-устунда товарларнинг шартнома бўйича қўшилган қиймат солиғисиз нархи;
- 5-устунда товарларнинг жами етказиб бериш қиймати (қўшилган қиймат солиғисиз);
- 6-устунда қўшилган қиймат солиғи ставкаси, агар қўшилган қиймат солиғидан озод бўлса чизикча тартиб қўйилади;
- 7-устунда жўнатилаётган товарлар бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси;
- 8-устунда, жўнатилаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобланган суммаси.

Солиқ кодексига кўра қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар 6- ва 7- устунга “Қўшилган қиймат

солиғи суммасиз” деган штампини қўйишади, агар штамп бўлмаса қўлда ёзиб қўйишади ва 8 устунни тўлдиришмайди.

Агарда корхона акциз ости товарлар ишлаб чиқарса унда ҳисобварақ-фактурага қўшимча устунлар киритилади ва ушбу устунларда акциз ставкаси ва суммаси акс эттирилади (чунки акциз суммаси ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилади).

Ҳисобварақ-фактура корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

Ҳисобварақ-фактура етказиб берувчи корхона томонидан 2 нусхада тўлдирилади, 1-нусхаси харидорга берилади ва у харидорга қўшилган қиймат солиғи суммасини белгиланган тартибда ҳисобга киритиш учун ҳуқуқ беради, 2-нусхаси эса корхонанинг ўзида қолади.

Таъкидлаш жоизки, бевосита аҳолига пуллик хизматлар (ишлар)ни кўрсатадиган корхоналар учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишда касса чеки ёки хизматлар кўрсатилиши (ишлар бажарилиши)ни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ҳисобланади. Бунда бу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи ажралиб туриши лозим.

Ўз маҳсулотларини (товарларини, ишларини, хизматларини) узлуксиз етказиб берадиган корхоналар бўйича ҳисобварақ-фактуралар истеъмолчиларга ҳисобварақни расмийлаштириш билан бир вақтда, лекин бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тарзда ёзилади. Бунда ҳисобварақ-фактураларнинг ёзилиши маҳсулот сотилган ҳисобот даврида амалга оширилади.

Банклар учун, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган операциялар бажарилганда, ҳисобварақ-фактура бўлиб мижоз шахсий ҳисобварақидан кўчирма ҳисобланади.

Лизинг операциялари бўйича лизинг берувчилар учун ҳисобварақ-фактура бўлиб лизинг объектини қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳисобланади. Бунда тегишли ҳужжатлар (лизингнинг таркибий қисми ҳисобланадиган лизинг тўловлари жадвали; ҳисобварақ; лизинг тўловларини тўлаш бўйича лизинг олувчига тақдим этиладиган билдирувнома ва ҳоказо) билан расмийлаштириладиган ҳар бир лизинг тўловига қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзилмайди.

Агар лизинг шартномаси лизинг берувчига қўшилган қиймат солиғи солинадиган қўшимча хизматлар кўрсатишни назарда тутса, бунда мазкур хизматларга белгиланган тартибда ҳисобварақ-фактура ёзилади.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган суғурта хизматларини кўрсатишда, ҳисобварақ-фактура ўрнига бирламчи ҳужжат бўлиб қуйидаги ҳужжатлар:

- суғурта корхоналари учун - суғурта полиси;

- суғурта агентлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи (агентлик битими);

- суғурта брокерлари учун - суғурта полиси ва шартнома топшириғи ҳисобланади.

Ишлар (қурилиш, таъмирлаш-қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот ва бошқа ишлар) бажариш ёки хизматлар (транспортга доир, мол-мулкни ижарага бериш, алоқа хизматлари ва бошқалар) кўрсатиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳам ҳисобварақ-фактура ёзиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган электр энергияси, сув, газ, алоқа хизматлари, коммунал хизматлар, темир йўлда ташишлар, банк операциялари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) узлуксиз етказиб беришни амалга ошираётган солиқ тўловчилар ҳисобот даврининг охири кунида бир марта ҳисобварақ-фактура ёзади.

Агар ишлар бажарадиган корхоналарда буюртмачига имзо чекиш учун тақдим этиладиган, бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) қиймати тўғрисидаги маълумотнома - ҳисобварақ-фактурада ёки ҳужжатда ҳисобварақ-фактуранинг белгиланган шаклида акс этирилган барча мажбурий реквизитлар ушбу ҳужжатда қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун қўшилган қиймат солиғи суммаси кўрсатилган ёки қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаганлар учун "Қўшилган қиймат солиғисиз" ёзуви (штампи) қўйилган ҳолда мавжуд бўлса, бунда мазкур ҳужжатлар ҳисобварақ-фактурага тенглаштирилади ва бундай корхоналар қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура ёзмаслиги мумкин.

Импорт товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби

Импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи тўловчилари бўлиб, товарларни импорт қиладиган юридик шахслар, шунингдек бож тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун меъеридан ортиқча товарлар олиб кирадиган жисмоний шахслар ҳисобланади (демак, жисмоний шахслар ҳам бевосита қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши мумкин).

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунларига биноан белгиланган божхона режимларига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудига импорт қилинадиган товарлар ҳисобланади.

Товар деганда истеъмолга мўлжалланган ва қийматга эга бўлган барча нарсалар тушунилади.

Импорт товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб, божхона қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати ҳисобланади.

Товарлар импорти бўйича солиқ солинадиган оборот ҳажмига божхона қиймати билан бир қаторда божхона божи суммаси ва акциз солиғи суммаси (акциз ости товарлар бўйича) киритилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_{\text{ққс}} = \frac{(\text{ИҚТБҚ} + \text{ББС} + \text{АС}) \times \text{ҚҚС}_{\text{ст}}}{100};$$

Бу ерда:

$C_{\text{ққс}}$ – қўшилган қиймат солиғи суммаси

ИҚТБҚ – Импорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати;

ББС – Божхона божи суммаси;

АС – акциз солиғи;

ҚҚС_{ст} – қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 фоизли ставка бўйича тўланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

- хорижий дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколотхоналар расмий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;
- жисмоний шахсларнинг бож тўламасдан олиб кириш меъёрлар доирасида импорт қилинадиган товарлар (товарларни олиб кириш меъёри Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида белгиланади);
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар юз берганда олиб кириладиган товарлар, шунингдек давлатлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия мақсадларида олиб кириладиган товарлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестиция дастурига киритилган устувор объектларни жиҳозлаш учун ҳамда ҳукумат қафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига молияланадиган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун олиб кириладиган технологик ускуналар;
- импорт бўйича олиб келинадиган дори-дармонлар ва тиббий буюмлар;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталига чет эллик инвесторлар томонидан улуш сифатида олиб кириладиган технологик жиҳозлар;
- ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган импорт товарлар.

Товарлар республика ҳудудига импорт қилинишида қўшилган қиймат солиғи божхона декларацияси қабул қилинишига қадар ёки у билан бир вақтда тўланади. Агар божхона декларацияси белгиланган муддатда

топширилмаса қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатлари божхона декларацияси топшириш муддати тугаган кундан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахслар солиқни нақд пул билан божхона органи пости кассасига белгиланган тартибда тўлашлари мумкин.

Қўшилган қиймат солиғининг тўланган суммалари ҳудудий божхона органларининг депозит ҳисобварақларига кирим қилиниб, кейин улар республика бюджети даромадларига қайд этилади. Божхона органлари 3 кун муддат ичида ундирилган қўшилган қиймат солиғи суммасини республика бюджетига ўтказадилар.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланади.

Тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ республика ҳудудига импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ишлар, хизматлар бажарилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар) асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Сққс = С \times Н/100,$$

бу ерда:

Сққс - қўшилган қиймат солиғи суммаси;

С - далолатнома, маълумотнома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати;

Н - қўшилган қиймат солиғининг фоиздаги ставкаси.

Реализация қилинадиган жойи Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан импорт қилинадиган ишлар, хизматлар импорт қилинадиган ишлар, хизматлар деб тан олинади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

▪ Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган шартномалар (битимлар) бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлар берган қарзлар ва грантлар ҳисобига юридик

шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган юридик шахслар томонидан олиб кирилатган ишлар, хизматлар;

▪ бюджет ташкилотлари буюртмалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ишлар ва хизматлар;

Солиқ кодекси амалга киритилгунига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида солиқ тўловчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугагунига қадар сақланиб қолади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи 20 (йигирма) фоиз ставка бўйича тўланади.

Бажарилган ишлар, хизматлар далили тасдиқланган кундаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланган ишлар, хизматлар қийматидан келиб чиққан ҳолда амалда ишлар бажарилганини, хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида импорт қилинадиган ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи миллий валюта (сўм)да ҳисоблаб чиқарилади.

Монтаж қилиш, ишга тушириш, сошлаш, маслаҳатлар, ўқитиш ва бошқа ишлар, хизматларга доир импорт қилинадиган ишлар ва хизматларга, олиб келинадиган ускуналарга доир хизматларга қўшилган қиймат солиғи тузилган шартномалар (контрактлар)га мувофиқ белгиланган мазкур ишлар, хизматларнинг қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлови ана шу ишлар, хизматларни импорт қилувчи шахс ёзиб берган ҳамда унда "импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси тўлови" деган ёзув битилган тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи амалда ишлар, хизматлар бажарилган кундан бошлаб 5 кун ичида бюджетга тўланади. Қўшилган қиймат солиғи фақатгина миллий валюта - сўмда тўланади.

Импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби ишлар, хизматлар импорти амалга оширилган ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан, белгиланган шаклда ойлар бўйича рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органига тақдим этилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар – 6500
2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 13200

Ечилиши:

1. Корхона ҳисобот даврида жўнатилган товарлари буйича имтиёзга эга бўлмаганлиги боис жами реализациядан солиқ тулайди, яъни:

$$Сққс = Стоб \times СС / 100 = 13200 \times 20 \% = 2640 \text{ минг сўм.}$$

(бу ерда, Сққс – истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси; Стоб – солиққа тортиладиган оборот; СС – солиқ ставкаси).

2. Бюджетга ўтказилиши лозим булган солиқ суммасини аниқлаш учун ҳисобот даврида қўшилган қиймат солиғи билан харид қилинган хом-ашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини айиришимиз лозим, яъни:

$$Тққс = 6500 \times 20 \% = 1300 \text{ минг сум}$$

3. Бюджетга ўтказилиши лозим булган солиқ суммаси ҳисобот даврида жўнатилган товарлар буйича ҳисобланган қўшилган қиймат солиғидан харид қилинган хом-ашё ва материаллар учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг чегирмасига тенг, яъни:

$$СБққс = Сққс - Тққс = 2640 - 1300 = 1340 \text{ минг сўм.}$$

2-масала. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган қайта ишлаш корхонаси жорий йилда қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- маҳсулотни сотишдан тушган тушум – 1400 минг сўм;
- бунда қайтариб берилиши лозим бўлган идишнинг нархи – 250 минг сўм;
- текинга таннархи буйича 120 минг сўмлик маҳсулот берилган.
- Олинган жарима суммаси – 25 минг сўм;
- Банкдан олинган фоизлар – 10 минг сўм;
- 300 минг сўм корхона томонидан номоддий активлар сотилган (бошланғич нархи – 500 минг сўм, тўпланган амортизация – 320 минг сўм);
- ноликвид хом-ашё захиралари сотишдан тушган тушум – 87 минг сўм, уларнинг таннархи – 75 минг сўм;

Ҳисобварақ-фактурада олинган қўшилган қиймат солиғи

- хом ашё учун – 320 минг сўм;
- ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага беришдан – 150 минг сўм;
- уяли алоқадан – 70 минг сўм;

Аниқланг:

Жорий даврда давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи неча сўмга тенг?

3-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар - 2500
2. Харид қилинган асосий воситалар - 4500
3. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати - 13000
4. Асосий воситалар реализацияси - 900
5. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати - 400

Ечилиши:

1. а) $S_{\text{ққс}} = C_{\text{тоб}} \times CC/100 = 13000 \times 20 \% = 2600$ минг сўм;

б) Асосий воситалар реализациясида қўшилган қиймат солиғи асосий воситаларнинг реализацияси ва эскириш қиймати ўртасидаги фарқдан ҳисобланади, яъни:

$$S_{\text{ққс}} = T_{\text{қ}} \times CC / (CC+100) = 500 \times 20 / (20+100) = 83.3 \text{ минг сўм.}$$

(бу ерда. $T_{\text{қ}}$ – қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товар қиймати).

$$S_{\text{ққс}} = 2600 + 83.3 = 2683.3 \text{ минг сўм;}$$

$$2. T_{\text{ққс}} = 2500 \times 20 \% = 500 \text{ минг сўм.}$$

Ўз истеъмоли учун харид қилинган асосий воситалар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди, балки асосий воситанинг қиймати сифатида кирим қилинади, шунинг учун 3500 минг сўмга харид қилинган асосий воситалар қийматидаги қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди.

$$3. B_{\text{ққс}} = S_{\text{ққс}} - T_{\text{ққс}} = 2683.3 - 500 = 2183.3 \text{ минг сўм.}$$

4-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар – 2220
2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати қўшилган қиймат солиғи билан – 4500
- шундан, экспорт – 2500.

5-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар – 2500
2. Ҳисобот даврида жўнатилган товарлар қиймати – 3700
- шундан, эркин алмаштириладиган валютага экспорт – 1800

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат қандай таркиб топади?
2. Қўшилган қиймат солиғи илк бор қайси давлатда ким томонидан жорий этилган?
3. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадларини

- шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
4. Қўшилган қиймат солиғини қандай шахслар тўлайди?
 5. Қўшилган қиймат солиғи объекти қандай аниқланади?
 6. Солиққа тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиз?
 7. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
 8. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?
 9. Қандай товарлар ва маҳсулотлар (ишлар хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод бўлади?
 10. Ноллик ставка билан имтиёз ўртасида қандай тафовутлар мавжуд?
 11. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?
 12. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби қандай?
 13. Импорт товарларга қўшилган қиймат солиғи қайси формула орқали аниқланади?
 14. Импорт қилинадиган иш ва хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш формуласини аниқланг?

3.4. Акциз солиғи

Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни

Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олиннадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олиннадиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида 2000 йилда 22,8 фоизни, 2001 йилда 26,3 фоизни, 2002 йилда 28,8 фоизни, 2003 йилда 31,1 фоизни ташкил этгани ҳолда 2006 йилги далаат бюджети даромадларида унинг улуши 19 фоизни, 2008 йилда эса 16,5 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган.

Акциз солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг пасайиш тенденцияга эга эканлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларини ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқараётган автомобиллари (Ласетти, Нексия, Дамас, Матиз), биллурдан қилинган маҳсулотлар, мебель, видео ва аудиоаппаратура ҳамда кумушдан ясалган пичоқ ва санчқиларга ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг ўз ихтиёрларида қолдириладиган бўлди. Шунинг ҳисобига ҳозирги вақтда акциз солиғининг улуши давлат бюджети даромадлари таркибида кам салмоқни эгалламоқда. Акциз солиғи тўлиқ республика бюджетининг даромадлар қисмига келиб тушади ва унинг солиқ юки истеъмолчилар зиммасида бўлади.

Акциз солиғи тўловчилар. Солиқ объекти ва базаси

Акциз солиғини тўловчилари бўлиб, мулк шаклидан ва солиққа тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизости товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида корхоналар тушунилади.

Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан: товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда

топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Текинга бериладиган акцизланадиган маҳсулот бўйича қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади:

-акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, вино бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

-бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича солиқ тўловчида товарни бериш пайтида шаклланган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган, бироқ мазкур акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган қиймат.

Қуйидаги акцизоти товарларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарт билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва бегараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли ароқ маҳсулотлари, филтрли ва филтрсиз сигареталар, нефть маҳсулотлари (бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин) бўйича - сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

- акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, табиий газ, суюлтирилган газ, “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қийматига фоиз ҳисобида.

Буюртмачи томонидан бериладиган хом ашёдан маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблаш чоғида акциз солиғи солинадиган маҳсулотни сотишга доир айланма қуйидагича белгиланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича тайёр маҳсулотнинг физик ҳажмидан келиб чиқиб;

- бошқа маҳсулотлар бўйича тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматидан ва буюртмачи томонидан бериладиган хом-ашё қийматидан келиб чиқиб.

Акциз солиғи ставкалари, хорижий давлатлар тажрибаси

Акциз солиғи ставкалари ва акцизоти товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. 2008 йилда акцизоти товарларга белгиланган солиқ ставкалари қўйидагилардан иборат:

3.5.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи СТАВКАЛАРИ²⁸

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир ўлчов бирлигига сўмларда
1	2	3
1. Этил спирти (1 дал. учун)		1410
2. Вино (1 л. тайёр маҳсулот учун) ¹		3000
3. Коньяк, ароқ ва бошқа алкогольи маҳсулотлар (1 дал. тайёр маҳсулот учун) ¹		11300
4. Таркибида фоизларда хажмий улушда этил спирти (алкоголь) бор пиво (1 литр тайёр маҳсулот учун): ¹		
- 4,5 гача (ҳисобга олинади)		1000
- 4,5 дан юқори – 6,0 гача (ҳисобга олинади)		1300
- 6,0 дан юқори		2200
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун): ¹		
- озиқ-овқат ёғи (саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари);		495000**
- техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		329000
6. Сигареталар (1000 дона учун): ¹		
- фильтрли		5206
- филтрсиз, папирослар		1476
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. “ЎзДЭУАвто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллари ²	29	

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

1	2	3
9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар ²		
11. Нефть маҳсулотлари:		
- бензин А-76, АИ-80 (1 тоннасига)		148000
- бензин АИ-91, АИ-92, АИ-93 (1 тоннасига)		163000
- бензин АИ-95 (1 тоннасига)		188000
- дизель ёқилғиси (1 тоннасига)		130000
- авиакеросин (1 тоннасига)		18700
12. Табiiй газ ² (аҳолига сотиладиган табiiй газ ҳажми бундан мустасно), экспорт билан бирга	25	
13. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (“Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно) ² , экспорт билан бирга	26	

*а) Башарти акциз солиғи прогнозлари бажарилса ҳамда унга доир боқимондалар мавжуд бўлмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ акциз солиғи суммаси қуйидаги миқдорларда “Ўзвирносаноат-холдинг” холдинг компаниясини реконструкция қилиш ва ривожлантириш фонди ҳисобрақамига йўналтирилади:

- винога (1 дал тайёр маҳсулот учун) белгиланган ставкадан – 410 сўм;

- коньяк, ароқ ва бошқа алкокол маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) белгиланган ставкадан - 710 сўм.

б) коньяк, ароқ ва бошқа алкокол маҳсулотлари ҳажмий улушида этил спирти 40 фоиздан юқори бўлса, акциз солиғи ставкаси (1 дал тайёр маҳсулот учун) 18620 сўм миқдорида белгиланади.

** Акциз солиғи Давлат бюджетига 1 тонна учун 440 550 сўм ставка бўйича, қолган қисми эса – Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқланган Низомга мувофиқ Ёғ-мой озиқ-овқат саноати уюшмасининг махсус ҳисобрақамига ўтказилади.

Изоҳлар:

1) Қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2) “ЎзДЭУавто” АЖ автомобиллари, табiiй ва суюлтирилган газга ҳамда қимматбаҳо металлларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Айрим ривожланган давлатларда, масалан, Францияда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда белгилаб қўйилган. Жумладан, 1 литр вино учун акциз солиғининг ставкаси 22

сантимни, 1 литр шампан виноси учун 55 сантимни, 1 литр пиво учун эса 19,5 сантимни ташкил қилади.²⁹

АҚШда акциз солиқлари Федерал аҳамиятга эга бўлган солиқ ҳисобланади. Лекин уларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи нисбатан кичик. Акциз солиғи тамаки ва алкоғолли маҳсулотларга, транспорт хизматларига нисбатан жорий қилинган. Акциз солиғининг ставкаси 10 фоизни ташкил этади.

Буюк Британияда акциз солиқлари эгри солиқларнинг таркибида салмоғига кўра кўшилган қиймат солиғидан кейинги ўринни эгаллайди. Акциз солиғи ёқилғи, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларига, транспорт воситалари ва хизматларига нисбатан жорий қилинган. Унинг ставкалари 10 фоиздан 30 фоизгача оралиқда тебранади.

Германияда акциз солиғи бўйича тушумларнинг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилади, фақат пивога нисбатан жорий қилинган акциз солиғи бўйича тушумлар федерал бюджетга келиб тушмайди. Акциз солиғининг ставкалари товарларнинг нотўғри бирлигига нисбатан фоизларда ва “евро”да белгиланган. Масалан, суғурта битимлари бўйича акциз солиғининг ставкаси суғурта полиси суммасининг 12 фоиз миқдориди белгиланган. Шампан виносига нисбатан белгиланган солиқ ставкаси 0,75 литр учун 2 еврини ташкил қилади.

Россия Федерациясида 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ кодексининг 2-қисмини кучга киритилиши муносабати билан акцизларни қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди, яъни анъанавий акциз солиғи тўловчилар қаторига улгуржи савдо ташкилотлари ҳам киритилди.

Россия Федерациясида акциз солиғининг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги роли жуда муҳим бўлиб, у акциз солиқлари бўйича тушум суммаларини Федерал бюджет даромадлари таркибидаги салмоғини юқори эканлигида намоён бўлади. Масалан, 2003 йилда акциз солиғи бўйича тушумларнинг Россия Федерал бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 9,6 фоизни ташкил қилди.³⁰

Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари

Алкоғолли маҳсулот бўйича. Алкоғолли маҳсулот бўйича белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси

²⁹ Тохир Маликов. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: 2002. –15 б.

³⁰ Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2003. –С. 190.

(ХК) махсус ҳисобварағига ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги айирма сифатида белгиланади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори, шунингдек мазкур тартиб татбиқ этиладиган алкоғолли маҳсулотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган, белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган акциз солиғини тўлашга доир махсус ҳисобварақ очадилар, ҳисобланган солиқ корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга тегишли бўлган акциз солиғи суммаси, башарти корхона алкоғолли маҳсулотга доир акциз солиғи бўйича тўловларнинг белгиланган прогнозларини бажарган ва унда кўрсатилган солиқ тури бўйича боқимандалар мавжуд бўлмаса, компаниянинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан, улар бўлмаганида эса туман (шаҳар) ҳокимиятлари молия бўлимларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар акциз солиғи бўйича тўловлар прогнозларининг бажарилганлиги ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқиманданинг бор-йўқлиги тўғрисида далолатнома тузадилар. Далолатномаларнинг кўчирма нусхалари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилган ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалар бўлмаган тақдирда корхона ҳисобварағида тўпланган сумма, хизмат кўрсатадиган банк учун асос бўлиб ҳисобланадиган далолатномага асосан, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай корхона томонидан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг қуйидаги махсус ҳисобварағига ўтказилади: 20210000100192291004 СТИР 200626156 МФО 00439, Тошкент ш., “Савдогарбанк” Амалиёт бошқармаси (ОПЕРУ).

Корхона томонидан акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилмаган ҳамда умуман олганда унинг кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалари бўлган тақдирда, етишмаётган сумма далолатномага асосан корхонанинг ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобидан бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса

далолатномага асосан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ҳокимиятлари молия бошқармаларининг бошлиқлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти молия Бош бошқармаси бошлиғи, давлат солиқ хизмати ва хизмат кўрсатадиган банклар ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек “Ўзвиносаноат-холдинг” ХК корхоналарига Молия вазирлиги томонидан бириктирилган молия инспекторларининг зиммасига юкланади.

Ўсимлик (пахта) ёғи бўйича. Белгиланган тартибга мувофиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно, бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси бўлиб умумбелгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси билан махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Бунда акциз солиғи суммаси, корхона томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиғига доир боқимандалар мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус ҳисобвараққа йўналтирилади.

Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини тўлаш бўйича алоҳида ҳисобварақ очадилар, у корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан ҳамкорликда, улар бўлмаган тақдирда эса туман (шаҳар) ҳокимиятларининг молия бўлимлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай, акциз солиғи бўйича боқиманда ёки ортиқча тўлов суммасини аниқ кўрсатган ҳолда прогноз кўрсаткичларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва унга доир боқиманда бўлмаган тақдирда корхонанинг махсус ҳисобварағида тўпланган сумма далолатнома асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки акциз солиғи бўйича боқиманда бўлмаган тақдирда етишмаётган сумма далолатнома асосида корхона ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобига бюджетга

ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисобварақларида тўпланган пул маблағлари қатъиян мақсадга кўра ишлатилади, яъни махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 6-кунидан кечиктирмай, махсус ҳисобварақда тўпланган маблағлар конвертацияга йўналтирилади. Конвертацияланган маблағлар икки банк куни мобайнида ҳукумат кафолати билан жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирилиши керак. Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг келиб тушиши ва кўрсатилган маблағларни кредитларни сўндиришга йўналтириш тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг бошлиқлари, Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек Молия вазирлигининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари зиммасига юкланади.

Акциз солиғи бўйича имтиёзлар

Солиқ кодексига кўра қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

- акцизланадиган товарларни экспортга етказиб бериш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим товарлар рўйхати мустасно;

- саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё)

ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби, муддатлари

Тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;
- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;
- кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни “Ҳисоблаб ёзиш” ва “Тўлаш” устунларида акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

- корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда, белгиланган шаклда, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари расшифровкаси илова қилинган ҳолда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой яқунлари бўйича, ўн кунликларга тақсимлаган ҳолда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил яқунлари бўйича эса белгиланган шаклда, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Дам олиш (ишланмайдиган) ёки байрам кунига тўғри келадиган акциз солиғини тўлаш муддатлари, тегишинча, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатлари ҳам дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олиниши керак.

Ортиқча киритилган акциз солиғи суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб Давлат солиқ хизмати органи томонидан 30 кун ичида тўловчига қайтарилади (агар бюджетга бошқа солиқ турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса).

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига кирим қилинади.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Республика ҳудудига акциз тўланадиган товарларни олиб кирувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A/100,$$

бу ерда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Пиво, алкогольли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A),$$

бу ерда:

O - солиқ солинадиган оборот;

С - божхона қиймати;

А - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A/100,$$

бу ерда:

О - солиқ солинадиган оборот;

А - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади.

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи олинмайдиган товарларнинг жисмоний шахслар томонидан олиб кирилиши бўйича белгиланган нормалар"га кўра жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи татбиқ этилмайди.

Мажбурий равишда маркаланадиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид қилиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фоизини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан ортиқ миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига кириш қилинади.

Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга акциз солиғининг суммаси республика бюджетига 26-бўлимнинг 11-параграфига кириш қилинади.

Давлат божхона кўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин.

Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак.

Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

▪ тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

▪ акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

▪ ижроси тўғрисида банк белгиси қўйилган, акциз солиғининг тегишли суммаларини тўлашга оид тўлов ҳужжати;

▪ товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Акциз маркалари

Тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқарилиши, импорт қилиниши, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек акциз солиғи тўлиқ ундирилиши, кўрсатилган товарларни яширинча ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни, пиводан ташқари, мажбурий тарзда белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркалаш жорий этилди ва уларни акциз маркаларини ёпиштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш таъқиқланди.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар республика бюджетига номинал қиймати бўйича буюртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг бутун суммасини тўлагач, давлат солиқ инспекцияларига турлари бўйича акциз маркаларининг зарур миқдорини харид қилишга буюртманома топширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари солиқ инспекцияларининг акциз маркаларига доир келиб тушган буюртманомаларини ҳудуд бўйича умумлаштирадилар ва қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат солиқ қўмитасига тақдим этадилар, бунда ишлаб чиқарувчи корхоналар улар буюртирган миқдорда акциз маркаларининг номинал қийматини тўплашганини тасдиқлайдилар.

Келаётган йилга буюртманома умуман йил бўйича, чоракларга тақсимлаган ҳолда берилади.

Акциз маркаларини босиш учун буюртманомани “Давлат белгиси” Давлат ишлаб-чиқариш бирлашмаси (ДИЧБ)га жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

Импортчилар, шу жумладан акциз товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб келадиган жисмоний шахслар буюртманомани Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органларига топширадилар. Бу органлар тақдим этилган буюртманомалар асосида, юқорида келтирилган тартибга ўхшаб, акциз товарлари учун акциз маркаларига йиғма буюртманома тузадилар ва белгиланган тартибда Давлат божхона қўмитасига тақдим этадилар.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий органлари акциз маркаларини сотишни белгиланган шаклга биноан ана шу маркаларни харид қилишга доир буюртманома – ҳисоб-китобга мувофиқ Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари орқали амалга оширадилар.

Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари акциз маркаларини:

- тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига – акциз маркаларининг номинал қиймати тўланганидан кейин;

- тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар импортчиларига – номинал қиймати бўйича акциз маркалари тўлиқ тўланганидан ва акциз солиғи тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин берадилар.

Ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар номинал қиймати бўйича харид қиладиган акциз маркалари учун пул маблағлари республика бюджетига киритилади ва акциз солиғини тўлаш чоғида акциз маркаларининг қиймати ҳисобига олинмайди.

Акциз маркаларининг номинал қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Давлат белгиси” ДИЧБ ҳисоб-китоблари бўйича тасдиқлайди.

“Давлат белгиси” ДИЧБнинг акциз маркаларини ишлаб чиқаришга доир харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетини маблағлари ҳисобига уларнинг номинал қиймати доирасида қоплайди.

Республикадан ташқарига экспорт қилинадиган:

- республика ҳудудига божсиз савдо дўконлари учун олиб келинадиган;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати бўлганда кўрғазмалар ўтказиш учун олиб келинадиган;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига халқаро транзит бўйича олиб келинадиган ва олиб чиқиш учун мўлжалланган;

- Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган акцизсиз олиб келиш меъёрлари доирасида олиб келинадиган (жўнатиладиган) акцизоти товарлари мажбурий тарзда **маркаланмайди**.

Республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган пиво Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланмайди.

Республикага кўрғазмалар ўтказиш учун олиб келинган акциз товарлари, улар кўрғазмалар яқунланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан мажбурий тарзда маркаланиши керак ва улар бўйича умумий белгиланган тартибда акциз солиғи тўланади.

Акциз маркалари ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз товарларининг турларига боғлиқ равишда ҳарфий ва рақамли белгилар билан маркаланади ҳамда қуйидаги турларга бўлинади:

- IM – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб келинган;
- O'Z – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган;
- 98 – дастлабки икки белги – акциз маркаси босиб чиқарилган йил;
- 01 ёки 001 – кейинги икки ёки учта белги – ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) тегишлича тамаки маҳсулоти ёки алкоғолли ичимлик бўйича бериладиган код рақамлари;
- 4 рақам белгиси акциз маркаларида тамаки маҳсулоини билдиради;
- 5 рақам белгиси акциз маркаларида алкоғолли маҳсулотни билдиради;
- 98 билан тугайдиган охири рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз товарлари майда туркумлар билан олиб келинганлигини англатади;
- 99 билан тугайдиган охири рақамлар мусодара қилинган акциз товарлари англатади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Қуйидаги маълумотларга асосан *акциз солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 2200
2. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 25 %.

Ечилиши:

Акциз солиғи қуйидагича аниқланади:

$$Ac = O \times A / 100 = (2200 \times 25) / 100 = 550 \text{ минг сўм}$$

ёки

$$Ac = 2750 - 2200 = 550 \text{ минг сўм}$$

2-масала. Қуйидаги маълумотларга *асосан акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғини ҳисобланг* (минг сўм).

1. Ҳисобот даврида харид қилинган хом-ашё ва материаллар—3800
2. Корхонанинг ҳисобли баҳоси – 7000
3. Маҳсулот учун белгиланган солиқ ставкаси – 11 %

3-масала. 40 минг бутилка (0.5л дан) ароқни сотишда акциз солиғи суммасини ҳисобланг, агарда ароқдан спиртнинг ҳажми 40% ни ташкил этса. *Акциз солиғи суммасини ҳисобланг?*

4-масала. Юридик шахс Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига 1 млн. дона сигаретани импорт қилмоқда. Мазкур сигареталардан божхонада тўланадиган акциз солиғини аниқланг.

Маркаланадиган, импорт қилинадиган тамаки маҳсулотларига акциз солиғи қуйидагича ҳисобланади:

Товарнинг номланиши	Маҳсулот бирлиги учун нархи, АҚШ долл.	1 млн. дона учун божхона қиймати	Акциз ставкалари ва суммаси		
			Солиқ солинадиган база	Ставка	Сумма
Филтрли сигареталар	0,03	30,0 минг. АҚШ долл.*			
Курс 1:1300		39000 минг.сўм	1 млн. дона	1000 донасига 10 АҚШ доллари	10 минг АҚШ доллари

5-масала. Алкоголли маҳсулот бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи ҳисоб-китобига доир.

№	Кўрсаткичлар	Коньяк	Ароқ	Вино
1.	Тайёр маҳсулотнинг физик ҳажми	420	400	450
2.	Акциз солиғи ставкаси			
а)	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	11300	11300	-
б)	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	-	-	3000

3.	Ҳисоблаб ёзилган акциз солиғининг суммаси			
a)	(1-сатр x 2а-сатр)	4746000	4520000	
б)	(1с x (2б-сатр))	-	-	1350000
4.	"Ўзвиносаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг ставкаси			
a)	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига)	710	710	-
б)	(тайёр маҳсулотнинг 1 далига)	-	-	410
5.	"Ўзвиносаноат-холдинг" ХК махсус ҳисобварағига йўналтириладиган акциз солиғининг суммаси			
a)	(1-сатр x 4а-сатр / 100) (тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	298200	284000	-
б)	(1с x 4б-сатр) (тайёр маҳсулотнинг 1 далига сўмда)	-	-	184500
6.	Бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси			
a)	(3а-сатр - 5а-сатр)	4447800	4236000	-
б)	(3б-сатр - 5б-сатр)	-	-	1165500

6-масала. Ўсимлик (пахта) ёки бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғининг ҳисоб-китобига доир.

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	
1.	Корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри)	1 тонна учун сўмда	182900
2.	Акциз солиғи:	1 тонна учун сўмда	495000
	а) умумбелгиланган ставкада		
	б) бюджетга тўланадигани	1 тонна учун сўмда	440550
	в) "Ёғмойтамакисаноат" уюшмасига ўтказиладигани (2а-сатр - 2б-сатр)	1 тонна учун сўмда	54450

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Акциз солиғи қачон жорий этилди?
2. Акциз солиғи тўловчилар қандай гуруҳланади?
3. Акциз ости товарларини аниқлаш мезонлари қандай?
4. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
5. Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?
6. Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?
7. Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?

8. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
9. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари нимада?
10. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?
11. Акциз маркалари нима ва у қачон жорий этилган?
12. Қандай ҳолатда акцизга тортиладиган товарлар маркаланмайди?
13. Маркаларни харид қилишга доир буюртманома қайси банк орқали амалга оширилади?

3.5. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида мол-мулк солиғининг жорий этилиши ва унинг иқтисодий моҳияти

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятини солиққа тортиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши бўлди. Мол-мулк солиғи дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15

февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Қонунига асосан жорий этилди ва шу билан бирга корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларига тўлов ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқ бекор қилинди.

Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўғри солиқлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у бюджетнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган мақсад *биринчидан*, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкни сотишга қизиқишини уйғотиш бўлса, *иккинчидан*, корхоналар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат. Чунки, корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгиллаштириш ишлаб чиқарилаётган товарларнинг

баҳосини арзонлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг балансидаги барча мулклардан солиқ тўлашга мажбур қилиш уни ортиқча бино, иншоотлар, машина ва ускуналардан қутилишига ундайди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Шунингдек, мол-мулк солиғи даромад ва мулк тақсимотидаги номуносивбликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши юқори салмоққа эга эмас. Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг тушуми Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқли даромадларида 2,3 – 4,5 фоиз оралиғини ташкил этмоқда (3.6.1-жадвалга қаранг).

3.6.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғинининг улуши, (фоизда)³¹

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2002	2003	2004	2005	2006
Давлат бюджети даромадларида жами солиқлар тушуми	100	100	100	100	100
Жами Давлат бюджети даромадларида мол-мулк солиғининг улуши	2,6	4,4	5,1	4,2	4,5
шу жумладан, юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг улуши	2,3	3,9	4,7	3,9	4,5
Жами мулкый солиқлар тушумида юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг улуши	86,0	90,1	92,6	92,3	92,8
Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши	7,1	7,7	7,9	7,8	7,8

Жадвал маълумотлари кўра жами мулкый солиқлар тушумида юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғининг улуши 2006 йилда 2002 йилга нисбатан 6,8 пунктга ошганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни солиққа тортиш тартибларини янада такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳламоқ керак. Бунга бир хил аҳамиятли ва самарасиз бўлган имтиёзларни бекор қилинаётганлигини мисол келтириш мумкин.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

**Мол-мулк солиғи тўловчилар,
солиққа тортиш объекти ва
мол-мулкнинг ўртача йиллик
қолдиқ қийматини аниқлаш
тартиби**

Солиқ қонунчилигига асосан мол-мулк солиғининг тўловчилари бўлиб, солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда, мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулки билан жавоб бера оладиган ҳамда мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

Солиққа тортишнинг алоҳида режими ўрнатилган айрим тоифадаги корхоналарга, жумладан ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар, ягона солиқ тўловини тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда нотижорат ташкилотлар учун уларнинг асосий фаолияти бўйича мол-мулк солиғини тўлаш татбиқ этилмайди.

Агар солиққа тортишнинг алоҳида режими ўрнатилган юридик шахслар фаолиятнинг асосий тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулк солиғини тўлашлари зарур бўлади.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг объекти бўлиб, асосий воситалар (шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар), номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш объектлари ҳамда белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар қиймати ҳисобланади.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиққа тортиш базаси бўлиб эса:

а) асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар);

б) номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати;

в) белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати;

г) меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳисобот йилининг 1 январидеги ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидеги мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки қунидаги мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлиш орқали қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Мол - мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ январ}}{2} + 1 \text{ феврал} + 1 \text{ март} + \dots + 1 \text{ декабр} + \frac{1 \text{ январ}}{2}}{12}$$

Агар мол-мулк ойнанинг биринчи ярмида корхона балансига кирим қилинса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблашда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агарда мол-мулк ойнанинг иккинчи ярмида балансга кирим қилинган бўлса, унда мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати амалга киритиш ойдан кейинги ойнанинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Масалан, юридик шахс 25 октябрда таъсис этилган. Бунда:

2007 йил учун ҳисоблаб чиқаришга юридик шахс мол-мулки ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс моддалари номи	Баланс коди сатри	Баланс моддалари бўйича суммалар				
		01.01		01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	010	-	-	950	950	935
Номоддий активлар	020					
Асосий воситаларнинг эскириши	011, 021			90	100	115
Солиқ солинадиган мол-мулкнинг қолдиқ қиймати	012, 022			860	850	820

$$\text{Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{860 : 2 + 850 + 820 : 2}{12} = 140,83$$

2) ҳисобот йилининг I-чораги учун:

$$\text{I-чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришга мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ январ}}{2} + 1 \text{ феврал} + 1 \text{ март} + \frac{1 \text{ апрел}}{2}}{12}$$

3) 12 мартдан мол-мулк солиғини тўловчи бўлган юридик шахс учун:

$$\text{I-чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришга мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ март}}{2} + \frac{1 \text{ апрел}}{2}}{12}$$

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиққа тортиладиган базасини аниқлаш учун корхона баланс активида акс эттириладиган асосий воситаларнинг эскиришини чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади:

1. Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100);
2. Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0300);
3. Номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0400);
4. Тугалланмаган қурилишни (белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0800);
5. Ўрнатишга мўлжалланган ускунани (меъёрий муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0700).

Мол-мулк солиғи ставкалари, солиқдан имтиёзлар

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг ставкалари ҳар йили кейинги молия йил учун тасдиқланадиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида белгиланади. 2008 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси 3,5 фоиз миқдорида белгиланган.

3.6.2-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи СТАВКАЛАРИ³²

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %ларда солиқ ставкаси
1.	Юридик шахслар	3,5
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 октябрдаги ПФ-1871 сони фармони билан тасдиқланган хом-ашё товарлари рўйхатидагилар бундан истисно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади

Изоҳ: Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар миқдорда тўланади.

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарори

Амалдаги тартибга кўра мол-мулк солиғи ставкасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи фақат Вазирлар Маҳкамасига берилган.

Экспорт маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва уни мустақил равишда сотадиган ёки ихтисослашган ташқи савдо бирлашмалари ва фирмалари орқали сотадиган вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларнинг таркибий бўлинмалари ҳисобланган корхоналар учун сотишнинг умумий ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизматлар) нинг экспортдаги улушига боғлиқ ҳолда мол-мулк солиғининг табақалаштирилган ставкалари белгиланган.

Маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга берилган имтиёз савдо-воситачи корхоналарга, шунингдек, эркин алмаштириладиган валютага хом-ашё товарлари – пахта толаси, ип газлама, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденцати, рангли ва қора металлларни экспорт қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига тадбиқ этилмайди.

Солиқ ставкаси мол-мулкнинг қайта баҳолаш натижасидаги қолдиқ нархига қўлланилади. Қайта баҳолаш мақсадида корхоналарнинг асосий воситалари деганда қуйидагилар тушунилади:

- ўзининг асосий воситалари;
- ўрнатиладиган ускуналар;
- тугалланмаган қурилиш объектлари;
- узоқ муддатга ижарага олинмаган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар қиймати ҳар йили 1 февралга қадар асосий воситаларнинг 1 январ ҳолатига қараб қайта баҳоланади. Қайта баҳолаш чоғида корхона мутахассис экспертларини жалб қилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига (тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари).

Солиққа тортиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;
- хайрия бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

1) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (меҳнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари);

б) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

в) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига.

г) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига;

д) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан (ўз ҳудудида мол-мулк жойлашган солиқ тўловчиларга нисбатан) юридик шахсларга қўшимча имтиёзлар берилиши ҳам мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

- солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

- табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;

- маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг.

Маҳсулот ўтказгичларга қуйидагилар киради:

- нефть, нефть маҳсулотлари, конденсат қувурлари ва қувур транспортининг бошқа турлари, насос, компрессор ҳамда тақсимлаш станциялари билан бирга;

- уй-жой-коммунал объектлари бўлмаган минтақавий газ, буғ қувурлари, иссиқлик трассалари, сув қувурлари, канализация коллекторлари;

- бухгалтерия ҳисоботида алоҳида объектлар сифатида ҳисобга олинмаган алоҳида жойлашган цехлар, конлар ва карьерларнинг айрим участкалари орасидаги маҳсулотларни ҳаракатлантириш учун ишлатилмаган ер ости, ер усти ва ҳавода жойлаштирилган ҳар хил кўринишдаги қувурлар ва транспортёрлар.

Алоқа линияларига ҳаво алоқа линиялари, уларга илиб қўйилган симлар ва алоқа кабеллари, устунли радиофикация алоқа линиялари, уларни белгилайдиган сигнал ва ўлчов устунлари (қозиклари), радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализацияси, ер усти ва ер остидаги уларга хизмат қилинмайдиган кучайтириш пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутилар, ерга уланган сим контурлари ва бошқа алоқа иншоотлари қиради.

Энергия узатиш линияларига ҳаво ва кабелли электр узатиш линиялари қиради.

Солиқ солиш мақсадида уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларга устунлар, табиий ва сунъий тўсиқлардан ўтишлар ва бошқа муҳофаза иншоотлари қиради.

- алоқа йўлдошларининг;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

- шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

- йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

- солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларининг;

- лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига;

- хорижий кредит ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналарга, ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин у беш йилдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур имтиёз қуйидагиларга татбиқ этилади:

а) солиқ тўлашга доир мажбуриятлар юзага келган пайтдан бошлаб ушбу кредитни сўндириш муддатига, лекин беш йилдан оширмаган ҳолда, мазкур асбоб-ускуна бўйича мол-мулкка;

б) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловчининг балансида қайд этилган етказиб бериш, монтаж қилиш ва ишга

тушириш-созлаш харажатларини ўз ичига оладиган асбоб-ускуналарнинг бутун қийматига.

Солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақдим этилган солиқ имтиёзлари улар тақдим этилган муддат тугашига қадар сақланади.

Солиқ ҳисобини тақдим этиш ва ҳисобланган солиқ суммасини бюджетга тўлаш муддатлари

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда мол-мулк солиғини ўсиб борувчи яқун билан, ҳисобот даврида мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил яқунлари бўйича йиллик молия ҳисоботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай объект жойлашган жойдаги давлат солиқ органларига белгиланган шаклда (7-илова) тақдим этадилар. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай тўланади. Акс ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,05 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) қўлланилади.

Мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспортчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этадилар.

Ортиқча тўланган солиқ суммалари, агар солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз мавжуд бўлмаса, тўловчининг ёзма аризасига кўра бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади ёки 30 кун ичида корхонага қайтарилади.

Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади.

Мол-мулк солиғи ҳисобланганда бухгалтерияда давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебитланади, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредитланади. Солиқ бюджетга ўтказилганда бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш

ҳисобварағи дебитланади, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредитланади.

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари ва меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби

Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб қурилишни амалга оширувчи юридик шахслар, яъни буюртмачилар ҳисобланади.

Солиққа тортиш объекти бўлиб, белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати, яъни буюртмачи томонидан Ф-3 шаклида (бажарилган ишлар ва харажатлар ҳажми тўғрисида маълумотнома) расмийлаштирилган статистика ҳисобига объект бўйича киритилган ва тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида ҳисобланадиган барча ишлар ва харажатлар ҳажми ҳисобланади.

Қурилишнинг белгиланган муддати деб қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси (ҚТҚЛ) таркибида 1.04.03-85-сон ҚМҚ “Қорхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш муддати меъёрлари”га мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти томонидан аниқланадиган объект қурилишининг меъёрий муддати ҳисобланади.

Лойиҳалаш ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларида тайёрлаш муддатларини ажратган ҳолда қурилиш муддати меъёрини кўрсатишлари шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш муддати меъёри кўрсатилмаган тақдирда, буюртмачи лойиҳалаш ташкилотидан муайян объект бўйича қурилиш муддатининг меъёри тўғрисида хулоса олишга мажбур.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўловчилар бўлиб капитал маблағлар ҳисобига қайта жиҳозланадиган объектларда монтаж қилиш талаб қилинадиган ва ўрнатишга белгиланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш ускуналари бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар учун солиқ солиш объекти бўлиб ўрнатишга белгиланган ускуналар қиймати ҳисобланади, улар қаторига монтаж қилишни талаб қиладиган, фақат қисмларини йиғиш ва пойдеворга ёки устунларга, полга, қаватлараро тўсиқларга ва бошқа бино ва иншоотларни кўтариб турувчи конструкцияларга ўрнатиладиган ускуналар ҳамда ускуналарни ҳисобга олиш ҳисобварағида ҳисобланадиган шундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмлар тўплами (меъёрдаги муддатда ўрнатилмаган ускуналар қисмида) ҳисобланади. Ушбу ускуналар таркибига ўрнатиладиган ускуналар қаторида монтаж қилиш учун белгиланган назорат-ўлчов аппаратураси ёки бошқа асбоблар ҳам қиради.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида тасдиқланган қурилиш муддати ва тайёрлаб қўйилган захиралар меъёрига мувофиқ ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали белгиланган бўлиши лозим.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвалида қуйидаги муддатларда топшириш ҳисобга олинади:

- йирик технология ва энергетика ускуналари - уларни номма-ном рўйхатлари бўйича монтаж қилиш ва етказиб бериш жадвалларининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин;

- технология ускуналари, технология линиялари, қурилмалар ва бошқа умумзавод ускуналари - ускуналарни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда;

- комплект импорт ускуналари - уларни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтиб кетгандан кейин, лекин бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, агар техник шарт-шароитларига кўра ускуна қисмлар бўйича монтаж қилиш мумкин бўлмаса, уларни монтажга топшириш муддати ускуналар бутун комплектининг келиб тушиши пайтидан ҳисобланади;

- қисмларга ажратилган импорт ускуналари, шунингдек кабель маҳсулотлари, симлар ва трослар - уларни монтажга топширишининг режадаги муддати ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Ускуналарни монтаж қилиш ва ўрнатиш учун меъёрлар ва жадваллар бўлмаганида солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган ускуналарнинг ўрнатилмаганлиги учун - сотиб олинганига бир йиллик муддат тўлганидан кейинги ойдан бошлаб;

- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар бўйича - сотиб олинганига олти ой тугагандан кейин;

Ускуналарни етказиб бериш ва монтаж қилишининг юқорида кўрсатилган муддатларини бузганлиги учун корхона ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мол-мулк солиғини икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Корхона асосий воситаларининг 1 январь ҳолати бўйича қиймати 1100 минг сўмни ташкил этиб, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида яна 250 минг сўмлик асосий восита қирим қилинган. Асосий воситаларнинг эскириш қиймати 1 январь ҳолатига 100; 1 февраль ҳолатига

125; 1 март ҳолатига 150; 1 апрель ҳолатига 250 минг сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотларга асосан корхона *мол-мулк солигини ҳисобланг* (1-чорак учун).

Ечилиши:

1. Корхона асосий воситаларининг 1-чоракдаги ўртача қолдиқ қийматини топишимиз лозим, яъни:

ҚҚ 1янв. = 1100 – 100 = 1000 минг сўм;

ҚҚ 1фев. = 1100 – 125 = 975 минг сўм;

ҚҚ 1март = 1100 – 150 = 950 минг сўм;

ҚҚ 1апр. = 1350 – 250 = 1100 минг сўм.

(бу ерда, ҚҚ - асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати).

$\bar{Y}_{\text{ҚҚ}} = 1\text{янв.} : 2 + 1\text{фев.} + 1\text{март} + 1\text{апр.} : 2/12 = 1000 : 2 + 975 + 950 + 1100 : 2/12 = 881.3$ минг сўм.

2. $M_c = 881.3 \times 3.5 \% = 30,8$ минг сўм.

2-масала. 1-масала ва қуйидаги маълумотларга асосан *мол-мулк солигини ҳисобланг*.

1. 1 – корхонада маҳсулот экспорти - 15 % ни;

2. 2 – корхонада маҳсулот экспорти - 20 % ни;

3. 3 – корхонада маҳсулот экспорти - 35 % ни;

4. 4 – корхонада маҳсулот экспорти - 50 % ни ташкил этади.

3-масала. 2008 йил 1 январь ҳолатига мол-мулк солиғи тўловчи корхонада асосий восита ва номоддий активлари бўлмаган. 13 январда корхона 670 минг сўмга компьютер, 25 мартда эса 290 минг сўмга принтер сотиб олган.

2008 йил биринчи чорак учун мол-мулк солигини ҳисобланг?

4-масал. Корхона мол-мулкининг ўртача қолдиқ қиймати 9003 минг сўмни ташкил этади, бундан:

- Меъёрий муддатларда тугатилмаган қурилишнинг қиймати – 3500 минг сўм;

- 2275 минг сўмни Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан консервация қилинган.

Жорий давр учун умумий тушум 30300 минг сўм, бундан 7300 минг сўмлиги корхона ўз маҳсулотини эркин валютага сотган.

Жорий давр учун мол-мулк солиғи неча сўмни ташкил этади?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Мол-мулк солиғи қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад нима?
2. Мол-мулк солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамияти қандай?
3. Мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар?
4. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солиғини тўлашадими?
5. Мол-мулк солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати қандай тартибда топилади?
7. Мол-мулк солиғи ставкалари қандай белгиланган?
8. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солиғини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишда 40 фоизни ташкил этган бўлса?
9. Мол-мулк солиғидан кимлар имтиёзга эга?
10. Солиқ идораларига қайси муддатларда мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топширилади?
11. Белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби қандай белгиланган?
12. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғини тўлаш тартиби қандай белгиланган?

3.6. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи

Ер солиғининг ҳуқуқий асослари, иқтисодий моҳияти

1990 йилда Ўзбекистонда “Ер тўғрисида” қонун қабул қилинди ва ушбу қонунга кўра ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пуллик бўлиши белгиланди ҳамда ер учун ҳақ


йиллик ер солиғи сифатида ундириладиган бўлди.

1991 йилда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”, 1993 йилда “Ер солиғи тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда ер солиғини ундиришда солиққа тортиш объекти, субъектлари, солиқ бўйича имтиёзлар, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари кўрсатиб берилди. 1997 йилда “Солиқ кодекси”нинг қабул қилиниши ҳамда 1998 йилдан унинг кучга киритилиши билан ер солиғининг тўлақонли ҳуқуқий асослари яратилди.

Ер солиғи Ўзбекистон солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига киради ҳамда маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ўзига ҳос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра у рента тўловидир ёки бошқача қилиб айтганда ушбу солиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ушбу солиқни жорий этилишидан мақсад – ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли яшайдиган жойларда инфраструктура ривожланишини таъминлаш ҳамда ерни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жами ер фонди 2004 йилда 44410,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 57,8 фоизи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ихтиёридаги ер майдонларига тўғри келган. 2005 йилда эса 57,9 фоизи, 2006 йилда 58,2 фоизини ташкил қилган (3.7.1-диаграмма).



3.7.1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва унинг фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоти (минг га.)

Ер фонди ҳажмида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер майдонларининг ўсиши фермер хўжаликлари сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ва ўрмон хўжаликлари ихтиёридаги ер майдонларининг бир қисмининг улар тасарруфига ўтказилиши ҳамда захира ерларнинг ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Ер солиғини тўловчилар

Солиқ қонунчилигига кўра ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Агарда солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган юридик шахслар (микрофирма ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ягона ер солиғини тўловчи қишлоқ хўжалик корхоналари, тадбиркорлик фаолиятининг қатъий солиқ тўланиши белгиланган юридик шахслар, аудио ва видео кассеталар, лазер дискларини ишлаб чиқиш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар) ҳамда нотижорат ташкилотлар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, унда улар шу фаолиятда фойдаланиладиган ерлари учун ер солиғини тўловчилари ҳисобланишади.

Ер участкасидан фойдаланганлик учун солиқ солиш мақсадларида машина-трактор парклари (шу жумладан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида барпо этиладиган муқобил машина-трактор парклари), пилла уруғи тайёрлаш, пилла тайёрлаш ва бирламчи ишлов бериш корхоналари қишлоқ хўжалиги корхоналарига тенглаштирилади.

Кўчмас мулк ижарага берилганда ижарага берувчи ер солиғини тўловчиси ҳисобланади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар (савдо корхоналари бундан мустасно) ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар. Ижара ҳақи тарафларнинг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса - бир ставкаси миқдорида бўлиши лозим.

Ер ижарачиларининг ҳисоби, ижарага олинган ер учун ижара ҳақи ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

**Ер солиғи объекти,
базаси ва солиқ
ставкалари**

Солиқ кодексига кўра мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиқ кодексининг 280-моддасига кўра қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

а) аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

б) аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

в) коммунал-маиший ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларни утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);

г) заҳира ерлар.

Мавжуд ер участкаларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонларини чегириб ташлаш орқали солиқ солинадиган база аниқланади.

Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ер солиғи ставкалари жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, ер қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ернинг бозор қиймати шаклланмаганлиги сабабли, 1 гектар суғориладиган ердан олинмайдиган деҳқончилик ялпи маҳсулотининг ўртача қийматидан келиб чиқиб, уни шартли баҳолаш амалга оширилади.

Жаҳон солиқ амалиётида ер солиғи ставкалари турли мамлакатларда турлича белгиланади, лекин ўртача олганда ер қийматининг 5 фоизидан ошмайди. Солиқ ставкаларини белгилашда тупроқ бонитети (сифати) ҳисобга олинади. Бонитетни аниқлашда тупроқнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, шўрланганлик даражаси, тупроқ қатламининг сув ўтказолиши, зичлиги каби бошқа табиий хоссалари ҳисобга олинади. Тупроқ бонитети 100 балли тизим бўйича аниқланади. 100 балл 10 та классга бўлинади, яъни 1 класс ерлар ноль баллдан 10 баллгача, 2 класс ерлар 11 баллдан 20 баллгача, 3 класс ерлар 21 баллдан 30 баллгача ва ҳ.к. 10 класс ерлар 91 баллдан 100

баллгача баҳоланади. Бунда ернинг балл бонитети қанча юқори бўлса солиқ ставкаси ҳам шунча юқори белгиланади.

Ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-744-сонли қарорига асосан куйидагича гуруҳланади:

1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

2. Лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

4. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

5. Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари.

6. Шаҳар ва посёлкалардаги ер участкаларидан олинадиган ер солиғи ставкалари.

7. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари.

8. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам ўзларининг ҳудудий территориясига қараб қарор чиқаришади ва унда тегишли коэффициентлар ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар қўرғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдоридан ундирилади.

Юридик шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи юридик шахслар учун 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун

юқорида кўрсатилган коэффицентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффицентлар қўлланади:

-Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1.30;

-Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1.20;

-туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15;

-бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффицент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффицентлар қўлланилади:

-тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;

-тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;

-тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Шаҳар ва кўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади.

Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Ер солиғи бўйича имтиёзлар

Солиқ кодексининг 282-моддасига кўра солиқ солинмайдиган ер участкаларига қуйидаги ерлар киради:

а) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигининг, жамоа гаражларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Уларга бориш йўллари, ариқлар, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар киради;

б) табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ерлар (давлат кўриқхоналари, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, ов қилишга мўлжалланганлари бундан мустасно, табиат ёдгорликлари), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда махсус мақсадлар учун берилган, ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

в) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий кўриқхоналар, хотира боғлари, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар);

г) сув фонди ерлари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, денгизлар, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув ҳавзалари соҳилидаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар);

д) электр узатиш линиялари, подстанциялар, умумдавлат алоқа линиялари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

е) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариغا Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда уларнинг индекслари ва тартиб рақамларини кўрсатган ҳолда тегишли рўйхатларга киритилган автомобиль йўллари тааллуқлидир.

Автомобиль йўлларининг иншоотларига кўприклар, йўл четидаги ариқлар, ён томондаги захира ерлар, кўтарма ортидаги ариқлар ва кўтармалар, тоғдаги сув ажратиш каналлари, автобус бекатлари, тушишлар, трактор йўллари, пиёдалар ва велосипед йўлаклари, ўпирилиш, сел, кўчкага қарши ва автомобиль йўллари учун ажратилган ерларда жойлаштирилган бошқа ҳимоя иншоотлари киради;

ж) темир йўлларнинг умумий тармоғи ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар.

Саноат ва бошқа корхоналарга ўтказилган темир йўллар эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади.

Темир йўлларнинг иншоотлари таркибига захиралар, тупроқтепалар, йўлдаги сув ажратиш, мустаҳкамлаш ва тутиб туриш иншоотлари, йўллар бўйлаб қордан ҳимоялаш ва қумни мустаҳкамлаш полосалари, тортиш подстанциялари, тоннеллар ва шу сингари сунъий иншоотлар ва йўл қурилмалари киради;

з) умумий фойдаланишдаги шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари (шу жумладан, метрополитен бекатлари эгаллаган ерлар) ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Мазкур имтиёз трамвай

йўллари ва троллейбус линиялари, метрополитен линиялари, трамвай ва троллейбус бекатлари, шу жумладан диспетчерлик пунктлари, метрополитен бекатлари ва шаҳар электр транспорти йўлларидаги бошқа иншоотлар эгаллаган ерларга татбиқ этилади. Маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар, деполар (депо худудида жойлашган электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари эгаллаган ерлардан ташқари), қурилиш ва таъмирлаш объектлари эгаллаган ерлар учун солиқ белгиланган тартибда тўланади;

и) спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спортнинг техник турлари объектлари ва бошқа жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, оналар ва болаларнинг дам олиш ва соғломлаштириш жойлари, санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш уйлари, ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

к) магистрал сув қувурлари, магистрал канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, шунингдек сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар эгаллаган ерлар. Сув таъминоти ва канализацияга тегишли бошқа объектлар таркибига аҳоли пунктларида сув қувури ва канализация тармоғидаги насос станциялари, қузатиш қудуқлари ва дюкерлар, сув миноралари ва шу сингари иншоотлар киради;

л) магистрал газ ва нефть қувурлари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

м) магистрал иссиқлик трассалари ва уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар. Иссиқлик трассаларининг иншоотларига насос станциялари, иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлар, иссиқ сув таъминотининг циркуляция насослари киради;

н) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, шу жумладан уларни ерда бошқариш йўлаклари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари жойлашган ерлар;

о) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар - қурилишнинг меъёрий муддати даврига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар. Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишининг меъёрий муддати тугагач, шунингдек тўхтатиб қўйилган объектларни қуриш давом этилган ёки улар фаолият кўрсата бошлаган ҳолларда ер солиғи қурилишнинг меъёрий муддати тугашидан ёки объект қурилиши ёхуд ундан фойдаланиш бошланганидан кейинги ойдан бошлаб тўлана бошлайди.

Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилишига ажратилган ер участкаларига солиқ солинмайди. Агар Инвестиция дастурига кўра корхона, унинг алоҳида цехларини таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш назарда тутилган бўлса, бундай ҳолларда мазкур имтиёз қўлланмайди;

п) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

р) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навлар селекциясини амалга ошириш ҳамда мавзу доираси тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ва кўчатлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод этилади;

с) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

т) рекреацион аҳамиятга молик ерлар (аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасаларга берилган ерлар: ўрмон боғлари, боғлар, хиёбонлар, пляжлар ва ҳоказолар).

Бунда муассаса деганда мулкдор томонидан бошқариш, ижтимоий-маданий ёки нотижорат тусидаги бошқа функцияларни бажариш учун ташкил этилган ҳолда у томонидан тўлиқ ёки қисман молияланадиган ташкилот тан олинади;

у) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (касалликларнинг олдини олиш ва одамларни даволаш ишини ташкил этиш учун қулай табиий омилларга эга бўлган ерлар);

ф) қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг ўрмонлар ва ихотазорлар, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек спорт иншоотлари эгаллаган ерлари;

х) қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтқазилган боғ ва узумзорлари - улар мева қилиш даврига киришигача, қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қатор ораларидан фойдаланилишидан қатъи назар.

Янги тут кўчатлари ўтқазилган ер участкалари - қатор ораларидан қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, 3 йил муддатга. Шу муносабат билан баҳорда ўтқазилган тут кўчатлари солиқ тўлашдан уч йилга озод қилинади, бунга кўчат ўтқазилган йил ҳам киради. Кузда ўтқазилган кўчатлар ўтқазилган йилдан кейинги йилдан бошлаб уч йилга солиқ тўлашдан озод қилинади;

ч) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар. Фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар майдони ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб қабул қилинади.

Агар солиқ солинмайдиган ер участкаси мақсадга кўра фойдаланилмаса, ушбу майдон учун ер солиғи белгиланган тартибда тўланади. Бундай ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни парваришлаш учун фойдаланилса, солиқ қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Қуйидаги юридик шахслар ер солигидан озод қилинадилар:

а) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, қайси идорага бўйсунитидан қатъи назар, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ажратилган ер участкалари учун.

Уларга қуйидагилар киради:

1) маданият ва санъат муассасалари (кутубхоналар, музейлар, кўргазмалар, клуб муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғлари ва ҳайвонот боғлари, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари, театрлар, кинотеатрлар, концерт ташкилотлари ва жамоалари, цирklar, киностудиялар ва овоз ёзиш студиялари, ва бошқалар);

2) маориф муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умумий таълим болалар мактаблари, мактабгача тарбия, ота-оналар қаровсиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

3) соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона муассасалари, диспансерлар, амбулатория-поликлиника муассасалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ҳамда қон қуйиш муассасалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, санаторий-курорт муассасалари, санитария-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология муассасалари, санитария маорифи муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари);

4) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари (врачлик-меҳнат экспертиза комиссиялари, қариялар ва ногиронлар учун интернет уйлари).

б) деҳқон хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

в) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернobilчилари" уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари

умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғуланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ходимларнинг умумий сонига корхона штатида бўлган, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона штатида бўлмаган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги давлат солиқ органига жорий йилнинг 15 февралгача қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ҳамда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун белгиланган шакллар (8-илова) бўйича тақдим этилади.

Бўшатиб олинаётган маблағлардан муайян мақсадлар учун фойдаланиш шарти билан имтиёзлар олган юридик шахслар солиқ тўловчилар учун белгиланган шакл бўйича ва муддатларда ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95%ини бюджетга, 5%ини эса Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Ҳисоб-китобларда Жамғармага тўланадиган сумма алоҳида сатрда акс эттирилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ер участкаси ҳақиқатда эгаллаган майдондан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ер участкаларининг умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризациялаш далолатномалари бўйича қабул қилинади.

Йил давомида юридик шахсларда ер участкаларига мулк ҳуқуқи, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи, ердан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган (бекор бўлган) тақдирда, шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кенгайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилган (пайдо бўлган) ҳолларда улар ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёзлар тўхтатилган (пайдо бўлган) кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай давлат солиқ органларига ер солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт.

Ҳисобот йили давомида ер мулклари таркибида ўзгаришлар юз берган юридик шахслар давлат солиқ органларига ер солиғи тўланадиган ҳисобот

йилининг 1 ноябрига қадар ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этадилар.

Агар алоҳида бино бир неча юридик шахснинг балансида бўлса, ер солиғини ҳар бир юридик шахс алоҳида, эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мутаносиб равишда тўлайди.

Кўп қаватли турар жойларнинг бир қисмини эгаллаган юридик шахслар ер солиғини турар жой эгаллаган умумий майдондан ва мазкур юридик шахс томонидан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш хоналарининг ҳиссасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарадилар.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқни ҳар чоракда, чорак иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушлар билан тўлайдилар (15 феврал, 15 май, 15 август, 15 ноябр).

Агар юридик шахс ер участкасини ҳисобот чораги учун тўлаш муддати тугаганидан кейин олган бўлса, ушбу давр учун солиқни тўлаш муддати бўлиб кейинги чорак учун солиқ тўлаш муддати ҳисобланади.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғини ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизини, ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизини ва ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – ҳисобланган солиқнинг қолган (50 фоизи) суммасини тўлашни амалга оширади.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. (Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 августдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 сентябрдан бошлаб тўлайди).

Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёз белгиланса, улар ушбу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи тўхтатилган тақдирда улар ер солиғини ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайдилар.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган тақдирда, агар бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар солиқ тўловчига ўттиз кун ичида унинг ёзма аризаси бўйича қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Ер солиғи, солиқ тўловчининг жойлашган еридан қатъи назар, ҳудудида ер участкаси жойлашган туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Агар ер участкаси ҳам туман, ҳам шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, солиқ худди шу тартибда тўланади.

Юридик шахсларнинг бюджет билан ер солиғи бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. “Мингбулоқ” ҳиссадорлик жамиятининг ер солиғи суммаси 75 млн. сўмни ташкил этади. Солиқнинг йиғими даражаси 97%, келгуси йил индексацияси 1.5 ни ташкил этади. Корхонанинг 2008 йилда кутилаётган солиқ суммасини ҳисобланг:

Ечилиши:

$$75000.0 \times 1.5 \times 97\% = 109125.0$$

2-масала. Тошкент шаҳрининг 8 зонасида жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 5.5 га ни ташкил этади. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисобланг ва тўлаш муддатларини белгиланг.

Ечилиши:

1. Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 14га зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2006 йил 8 зона учун ҳар бир га учун 15230403 сўм белгиланган.

2. Ернинг майдони ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$5.5 \times 15230403 = 83767216.5 \text{ сўм}$$

3. Ер солиғи бюджетга ҳар чоракнинг иккинчи ойи 15 кунига қадар йиллик сумманинг тўртдан бир қисми миқдорида тўланади, яъни:

1 чорак учун -15 февралгача – 23434203 сум;

2 чорак учун -15 майгача – 25134203 сум;

3 чорак учун -15 августгача – 26134203 сум;

4 чорак учун -15 ноябргача – 27134203 сум.

3-масала. Зарафшон шаҳрининг 3 зонасида жойлашган корхонага шаҳар ҳокими қарори бўйича ажратилган ер майдони 3.75 га, ҳақиқий фойдаланиланишдаги ер майдони эса 4.5 га эканлиги аниқланди. Корхонанинг ҳисобот йилида тўлаши лозим бўлган ер солиғи суммасини ҳисоблаймиз.

Ечилиши:

1. Шаҳар жойларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари 4 та зонага ажратилган ҳолда белгиланган. Шунга мувофиқ 2006 йил Зарафшон шаҳрининг 3 зонаси учун ҳар га учун 716405 сўм белгиланган.

2. Фойдаланишдаги ер майдони ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқни ҳисоблаймиз:

а) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдони учун:

$$3.75 \times 716405 = 2686518,75 \text{ сўм};$$

б) ҳоким қарори бўйича ажратилган ер майдонидан ортик фойдаланишдаги ер учун 2 коэффицентда тўланиши белгиланган:

$$0.75 \times 716405 \times 2 = 1.074.607 \text{ сўм}$$

$$\text{Демак,} = 2686518,75 + 1074607 = 3761125,75 \text{ сўм.}$$

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ер солиғини юридик шахслардан ундиришнинг сабаби нимада?
2. Ер солиғининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистонда қачон шаклланган?
3. Ўзбекистонда ер фонди қандай таркиб топган?
4. Кимлар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишади?
5. Алоҳида солиқ режимига ўтган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
6. Ер солиғини ундириш объекти нима?
7. Солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
8. Қандай ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?
9. Қандай юридик шахслар ер солиғидан озод қилинади?
10. Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

3.7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ

Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчиси ҳисобланадилар.

Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахслар ҳамда нотижорат ташкилотлар асосий фаолият тури бўйича бу солиқни тўламайдилар, улар фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, улар ушбу фаолият бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва бюджетга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни тўлашлари лозим.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

Солиқ солиш объекти, базаси, солиқ ставкалари ва имтиёзлар

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи тўланганидан кейин корхоналар

тасарруфида қоладиган фойда (2-сон "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" шаклининг 240 сатри – 250 сатри) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ солиш объекти ва базаси ҳисобланади. Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган ҳисобот шаклининг 260-сатрида акс эттирилади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани фойда солиғи тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг энг юқори ставкаси солиқ солиш объектининг 8 фоизи миқдорида белгиланган.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади. Ушбу имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга қўлланилмайди.

Солиқни ҳисоблаш, ҳисоботларни тақдим этиш ва бюджетга тўлаш тартиблари

Солиқ кодексининг 300-моддасига кўра балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммасини қуйидаги тартибда аниқлайди:

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди;

агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ тўловчилар ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдоридан ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмай тўланади.

Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

- ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;

- илгариги ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси солиқ солинадиган база суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлган солиқ тўловчилар;

- ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби (9-илова) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Ҳисобот даврида болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари 300 минг сўмни ташкил этади. 170-сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 700 минг сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси: 180-сатр 250 минг сўм. Фойда солиғи ставкаси 10%. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

Ечилиши:

1. Солиқ солинадиган даромаддан фойда солиғи суммасини айирамиз:

$$700 - 250 = 450 \text{ минг сўм}$$

2. Болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари суммасини фойда солиғи ставкасига кўпайтирамиз.

$$300 \times 10\% = 30 \text{ минг сўм}$$

Яъни, биз даромад солиғи суммасининг болалар боғчасини тутиб туриш ҳисобига қандай суммага камайганлигини биламиз.

1. Тескари ҳисоб-китобни амалга оширамиз.

300 (1-банд сальдоси) + 100 (болалар боғчасини тутиб туриш харажатлари) + 10 (ана шу харажатларга тўғри келадиган солиқ суммаси) = 410 минг сўм

2. Сўнгра биз 415 ни ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз

$410 \times 8\% = 32,8$ минг сўм

Яъни, корхона $33,2$ минг сўм ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаши керак эди. Лекин у амалда 100 минг сўм инфратузилмани тутиб туриш учун сарфлаган эди. Шунинг учун корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайди.

2-масала. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш муасасасини тутиб туриш харажатлари 250 минг сўмни ташкил этади. 170 -сатр бўйича солиқ солинадиган даромад 5500 минг сўмдан иборат. Даромад солиғи суммаси 180 сатр - 2300 минг сўм. *Даромад солиғи ставкаси – 35 фоиз ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаймиз.*

Ечилиши:

1. $5500 - 2300 = 2200$ минг сўм

2. $250 \times 35\% = 87,5$ минг сўм

3. $2200 + 250 + 87,5 = 2537,5$ минг сўм

4. $2537,5 \times 8\% = 203$ минг сўм

Демак, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 203 минг сўмни ташкил этади, лекин корхона амалда ижтимоий соҳа объектларини тутиб туриш учун 150 минг сўм харажат қилган эди.

Мазкур корхона бюджетга $203 - 150 = 53$ минг сўм фарқни тўлаши лозим.

3-масала. Корхонанинг ҳисобот давридаги солиқ солинадиган даромади: 170 -сатр – 0 га тенг. Фойда солиғи суммаси 180 сатр – 75 минг сўм. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

4-масала. Ҳисобот даврида корхоналарнинг умумий таълим мактабини тутиб туриш харажатлари 100 минг сўмни ташкил этади. Солиқ солинадиган фойда 800 минг сўмдан иборат. Фойда солиғи суммаси 50 минг сўм. Корхона экспортга товар реализация қилганлиги учун имтиёзли, яъни $10,5\%$ да фойда солиғи ҳисоблаган. *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисобланг.*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қандай юридик шахслар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг тўловчилари ҳисобланишади?
2. Корхона бир неча фаолият тури билан шуғулланса ушбу солиқнинг тўловчиси бўла оладими?
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкаси неча фоизни ташкил этади?
5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасини қандай ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий ҳокимияти органлари томонидан белгиланади?
6. Вазирлар Маҳкамасининг 453-сон қарорига кўра ободонлаштириш ва ижтимоий инфра тузилмани ривожлантириш солиғи қандай тартибда тўланади?
7. Қандай ҳолатда корхона ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини бюджетга тўламайди?
8. Табақалаштирилган ставкаларни белгилаш учун нималарни олдиндан белгилаб олиш лозим?
9. Солиқ ҳисоботлари қачон солиқ органларига топширилади?
10. Солиқни бюджетга тўлаш муддатлари қачон амалга оширилади?

3.9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилиши

Ўзбекистон шароитида сув қадрли ҳисобланади. Чунки, республикамизда қишлоқ хўжалиги асосан суғориладиган ерлардан иборат. Сув ҳар қандай давлат учун асосий бойлик ҳисобланади.

1982 йилдан 1998 йилга қадар сувдан фойдаланаётган корхоналар “сув учун тўлов” тўлашар эди. Истеъмолчиларнинг сувдан самарали, тежаб фойдаланиш мақсадида республикамиз солиқ қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига кўра 1998 йил 1-январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлари таркибига кириб, республика бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. 2008 йилда Давлат бюджетига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушуми 34920 млн. сўм тушиши

прогнозлаштирилган бўлиб, бу бюджет даромадларининг 0,5 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига асосан ушбу солиқ тушуми маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетига улушини кўпайтириш мақсадида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилди.

Солиқ тўловчилар таркиби

Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилардир. Ўзбекистонда асосий, давлат бюджети даромадларини ушбу манба бўйича об-ҳаво қиладиган, яъни таъминлаб берадиган солиқ тўловчилар бўлиб, Ширин ГРЭС, Тахиятош ГРЭС, Тошкент ГРЭС ва бошқа шу каби ГЭСлар ҳисобланишади.

Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган тўловчилар ҳамда нотижорат ташкилотлар асосий фаолият тури билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғуллансалар, улар алоҳида ҳисоб олиб боришлари ва шу фаолиятда фойдаланиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашлари керак.

Юридик шахслар сувдан фойдаланиш жойида давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб берувчи юридик шахслар ўз фаолиятида ишлатиладиган сув учунгина солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бинолар бир қисми, айрим хоналар бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага топширилганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни "Сувоқава" тизими корхоналари ёки сув хўжалиги органлари ёхуд бошқа корхоналар билан сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ижарага берувчилар тўлайдилар.

Бино (хона)ни ижарага олган ва ўзлари сув етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайдилар.

Амалдаги корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарадиган юридик шахслар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайдилар. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида фойдаланиладиган сув ҳажми

учун солиқни улар учун ушбу ишлар бажариладиган корхона ва ташкилотлар тўлайдилар. Янги қурилиш майдончасида қурилиш ишларини бажариш чоғида қурилиш пайтида фойдаланиладиган сув ҳажми учун солиқни қурилиш ташкилоти тўлайди.

Мулкчилик ва бўйсунуш шаклидан қатъи назар иссиқ сув ва буғ узатувчи корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни улар томонидан юзадаги ва ер ости манбаларидан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ишлатилган сув ресурслари ҳажми учун тўлайдилар.

**Солиқ солиш объекти,
базаси ва солиқ
ставкалари**

Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер юзасидаги бошқа ҳавзалар ва сув манбалари, турли хил канал ва ҳовузлар киради.

Ер ости манбаларига артезиан қудуқлар ва скважиналар, вертикал ва горизонтал зовур тармоғи киради.

Фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солиш базаси ҳисобланади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача хажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

2008 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари куйидаги жадвал маълумотларида келтирилган.

3.9.1-жадвал

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ СТАВКАЛАРИ³³

Кўрсаткичлар	1 куб. метр учун ставка (сўм)	
	Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2-4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	17,3	22,0
2. Электростанциялар	5,0	7,4
3. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	9,5	12,3
4. Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сувдан фойдаланадиган жисмоний шахслар	0,85	1,05

Сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Солиқ бўйича имтиёзлар

Солиқ кодексига кўра сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан куйидаги юридик шахслар озод этилади. Жумладан, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналар. Ушбу имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744 сонли қарори

билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан тадбиқ этилмайди; сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар; бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари; ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтиради. Жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига; дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига; атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажмига; шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига; гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва тўлаш муддатлари

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан, деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва ташкил этмайдиган)дан ташқари, тасдиқланган ставкалар бўйича амалда олинган солиққа тортиладиган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Деҳқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этадиган ва юридик шахс ташкил этмайдиган) учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан умуман хўжалик бўйича ўтган йилда 1 га суғориладиган ерга сарфланган сув ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби (10-илова) сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи яқун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) – ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунигача;

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

3) ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан – йилда бир марта ҳисобот даврининг 15 декабригача;

4) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – йилнинг ҳар чорагида йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларига давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар томонидан - ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади;

- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар жорий йилнинг 15 январига қадар сувдан фойдаланиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома юборадилар.

Солиқни ҳисобга олиш тартиби

Юридик шахсларнинг бюджет билан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

- давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағи дебети;

- бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағи дебити;

-пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағи кредити.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Саноат корхонаси ҳисобот даврида жами 60000 куб. метр сув ресурсларидан фойдаланган бўлиб, шундан 35 фоизи ер ости манбаларидан, қолган қисми эса ер усти манбаларидан олинган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечилиши:

Саноат корхоналари учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидан олинган сув учун бир куб метрга 640.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилган сув учун бир куб метрга 820.0 тийин белгиланган.

Корхона 15000 куб метр (60000 x 35%) ер ости сувларидан; 21000 куб метр (60000 - 15000) ер усти сувларидан фойдаланган.

Солиқ суммаси:

$$21000 \times 640 \text{ (6.4 сўм)} = 134400 \text{ сўм}$$

$$15000 \times 820 \text{ (8.2 сўм)} = 123000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

2-масала. Электростанция ҳисобот даврида 450000 куб.метр ер усти сув ресурсларидан, 50000 куб.метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

Ечилиши:

1. Электростанциялар учун ушбу солиқ ставкалари ер усти манбаларидаги сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 1 куб.метрга 183.0 тийин, ер ости манбаларидан фойдаланилган сув учун 1 куб метрга 273.0 тийин белгиланган.

2. Фойдаланилган сув ҳажмидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб солиқ суммасини ҳисоблаймиз:

$$450000 \times 183.0 \text{ (1.83 сўм)} = 823500 \text{ сўм}$$

$$50\ 000 \times 273.0 \text{ (2.73 сўм)} = 136500 \text{ сўм}$$

$$\text{Жами: } 823500 + 136500 = 960000 \text{ сўм.}$$

3-масала. Коммунал хўжалиги ҳисобот даврида 170 000 метр куб ҳажмида аҳоли пунктларини сув билан таъминланган. Шунингдек ўз истеъмоли учун 27000 метр куб ер усти сув ресурсларидан фойдаланган. Корхона тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг.

4-масала. Саноат корхонаси М.Улуғбек тумани ДСИда рўйхатига олинган. Корхона ҳисобот даврида Қибрай тумани ҳудудидаги сув ресурсларидан (ер усти манбаларидан) 35000 метр куб, ўзи жойлашган туман ер ости сув манбаларидан 16000 метр куб фойдаланган. *Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг ва корхона солиқ ҳисоб-китобини қайси туман ДСИга тақдим этади ва солиқни тўлайди.*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?
2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни давлат бюджетига таъминлаб берадиган асосий солиқ тўловчиларни биласизми?
4. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлаолишадими?
5. Солиққа тортиш объекти қандай тартибда аниқланади?
6. Солиқ ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
7. Солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида ўрнатилган?
8. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
9. Дехқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?

3.10. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш зарурлиги

Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим восита – бу давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш

билан боғлиқ турли хил тўловлардир.

Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар тизимини бонуслар, ренталс, роялти ва солиқлар ташкил этади. Бонуслар – бир марталик тўлов бўлиб, давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмасада, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур элементларидан бири ҳисобланади. Бонуслар хажми ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланиб, улар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича келишувлар предмети ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар табиий ресурслардан фойдаланиши жараёнида бонуслар тўлайди. Республикамиз қонунчилигига мувофиқ, бонуслар – бу битим тузилган вақтда ёки муайян натижага эришилгач битим шартларига мувофиқ белгиланган бир марталик тўловлар ҳисобланади.³⁴

Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланувчилар икки хил бонусни тўлайдилар. Булар имзоли бонус ҳамда тижоратбоп топилма бонуси.

Ренталс табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг иккинчи кўриниши ҳисобланиб, давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш вақтида ундириладиган тўлов ҳисобланади. Ренталс келишув даври давомида ёки қазиб олиш бошланишидан аввал ундирилади.

Роялти табиий ресурслардан фойдаланувчининг ялпи даромадидан фоиз кўринишида ундирилиб, давлат томонидан табиий ресурсларнинг эгаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қатъий улуши ўзлаштирилади. Республикамиз қонунчилигига мувофиқ, роялти – бу минерал хом-ашёни қазиб олиш хажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоиз ҳисобида битим шартларига мувофиқ белгиланган ва инвестор томонидан пул шаклида ёки қазиб олинган минерал хом-ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган мунтазам тўловлардир.³⁵

Жахон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тортиш одатда фойда солиғи ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, яъни рента солиқлари сифатида ундирилади. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига юқори рентабелликка эришадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун акциз солиқлари ҳам амал қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиз ҳудудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган.

Ўзбекистонда 100 га яқин, аниқроғи 95 турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикамизда мавжуд. Мамлакатнинг умумий хом-ашё салоҳиёти 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд конлардан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда.

Республикамиз қонунчилигига кўра мавжуд ер ости бойликлари умумдавлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23

³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимолига оид битимлар тўғрисида” ги Қонуни, 20-модда.

³⁵ Ўша ерда.


сентябрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ 1995 йилдан бошлаб ер ости бойликларидан фойдаланилганлик учун солиқ жорий этилди ва ер ости бойликларидан фойдаланувчилар уларнинг хажмидан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ тўлай бошладилар.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилишидан асосий мақсад – умумдавлат мулки ҳисобланган ер ости бойликларидан оқилона тарзда бутун жамият аъзоларини ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Қонуннинг янги тахрири тасдиқланди ва ушбу қонуннинг асосий вазифаси бўлиб, ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгиланди.

Солиқ кодексига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиқлари таркибига киради. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга соф фискал вазифани ҳам бажаради.

Республикамизда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ер ости бойликларининг 53 турига нисбатан белгиланган бўлсада, бюджетга солиқ тушуми фақатгина 4-5 турдаги ер ости бойликларига мутлоқ равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда.




3.10.1-диаграмма. Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ суммасини асосий ер ости бойликлари бўйича шаклланиши (фоизда)³⁶.

3.10.1-диаграмма маълумотларидан маълумки, 2006 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг тушумлари таркибида олтин 42,4 фоизни,

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисобот материаллари асосида тайёрланган.

тозаланган мис 39,5 фоизни, нефть 4,2 фоизини, табиий газ ва газ конденцати 10,1 фоизини кумуш 1,9 фоизни ташкил этади.

Агарда хуудлар бўйича тахлил қилинганда жами ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг 39,9 фоизи Тошкент вилоятига, 45,2 фоизи Навоий вилоятига, 13,0 фоизи Қашқадарё вилоятига тўғри келгани ҳолда қолган 1,9 фоизи республикамизнинг бошқа хуудлари зиммаларига тўғри келади (3.10.2-диаграмма).



3.10.2-диаграмма. Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ суммасини хуудлар бўйича тақсимоти³⁷.

Солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси хуудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган, шунингдек, фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланишади.

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисобот материаллари асосида тайёрланган.

Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Масалан, Олмалик мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган, қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Республикамизда ушбу солиқни давлат бюджетига таъминлаб берувчи (об-ҳаво қилувчи) энг йирик солиқ тўловчилар бўлиб, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан ва Муборак газни қайта ишлайдиган заводлари, Навоий олтинни қайта ишлайдиган корхона шунингдек, Ангрен кўмир қазиб олувчи корхона ва бошқа шу каби ер ости бойликларини қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ҳисобланади.

Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагилар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш объектлари ҳисобланади:

а) фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажми (шу жумладан йўл-йўлакай олинган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати бўйича, кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда.

Қазиб олинган руда таркибидан, асосий фойдали қазилмадан ташқари, унга доир ставкалар белгиланган бошқа хом ашё ажратиб олинган тақдирда йўл-йўлакай олинган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қазиб олинган фойдали қазилма ёки унинг бир қисми корхона томонидан бошқа материалларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланган тақдирда солиқ ушбу хом ашёни қазиб олишнинг ишлаб чиқариш таннаридан келиб чиқиб, тасдиқланган ставкалар бўйича тўланади.

Ҳисобот ойида қазиб олинган, лекин тўлалигича ёки қисман сотилмаган фойдали қазилмалар ҳажми учун солиқ сотилган маҳсулотнинг ҳисобот ойи ёки сотиш амалга оширилган бундан олдинги ой учун ўртача ҳисобланган қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Газ қазиб чиқарувчи корхоналар учун солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган сотиш баҳоси бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолда, бирламчи тайёргарликдан ўтган қатламдан қазиб олинган табиий (тозаланмаган) газ ҳажми ҳисобланади.

б) техноген ҳосилалар ҳажми (минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари) ажратиб олинган асосий фойдали қазилманинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий сотилиш қиймати бўйича, бунда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилади.

Техноген ҳосилаларга шу жумладан технологик ёки бошқа сабабларга кўра вақтинча ишлатилмаётган минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чиқиндилари киради.

в) тўпланган чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларининг ҳисоб қиймати.

Йиғиш деганда чакноқ тош хом ашёси намуналари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материалларини табиий очик жойлар, табиий ер ости бўшлиқлари (ғорлар), ишлатиб бўлинган карьерлар, кон қазилган саноати буюмлари, дарё қайирларида кончилик ва бошқа махсус иш турларини бажармасдан, ер остининг бир бутунлигини бузмасдан олиб тўплаш тушунилади.

Солиқ ставкалари ва солиқдан имтиёзлар

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қазиб олинган хом-ашё турлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг табақалаштирилган ставкалари белгиланган. Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг табиий ноқулай шароитда ишлайдиган конлар давлат томонидан қўшимча равишда қўллаб қувватланади. Уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкаларни жорий этиш орқали бундай корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги вақтда жами 53 турдаги фойдали қазилмаларга нисбатан табақалаштирилган тарзда солиқ ставкалари ўрнатилган.

2008 йил 1 январдан бошлаб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
СТАВКАЛАРИ³⁸**

Солиққа тортиш объектининг номи	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олинишига нисбатан солиқ ставкалари	
<i>Энергия ташувчилар:</i>	
Табиий газ	30,0
Ер остидан қазиб олинган газ	2,6
Нобарқарор газ конденцати	20,0
Нефть	20,0
Кўмир	3,8
<i>Рангли ва ноёб металлар:</i>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	1,3
Концентрантланган қўрғошин	1,3
Метал рух	1,3
Вольфрам концентрати	10,4
<i>Асл металлар:</i>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зиб-зийнат учун тошлар хом- ашёси	24,0
<i>Қора металлар:</i>	
Темир	3,9
<i>Кон-кимё хом-ашёси:</i>	
Тош (овқатга ишлатиладиган) туз	1,7
Калий тузи	0,4
Натрит сульфат	0,4
Фосфоритлар (графитларда)	4,8
Карбонат хом-ашёси (охақтошлар, доломитлар)	3,3
Глауконит	3,3
Минераль пигментлар	4,8
<i>Кон-руда хом-ашёси:</i>	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	7,8
Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9
Кварц – дала штапли хом – ашёси	6,5
Шиша хом – ашёси	1,8
Бетонитли лой	4,8

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

Тальк ва тальк тоши	3,9
Талькомагнит	3,9
Минерал буюқлар	5,7
Воллостанит	3,9
Асбест	3,9
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	2,3
Барий концентрати	2,0
<i>Металлургия учун норуда хом-ашёси:</i>	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиблаш гилмоёси	3,3
Оҳактошлар, доломитлар	3,9
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш кумлари	1,8
<i>Норуда қурилиш материаллари:</i>	
Цемент хом-ашёси	2,0
Табиий безактошдан блоклар	1,8
Мармар ушоғи	3,8
Гипс тоши, ганч	5,3
Керамзит хом –ашёси	3,0
Ғишт – черепитса (кумоқсимон, лёссимон жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, кумлар ва бошқалар)	3,1
Гипс ва ангидрит	3,8
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	3,8
Қурилиш кумлари	3,0
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	3,8
Кумтошлар	1,6
Чиғаноқ	3,8
Сланецлар	3,8
Аглопорит	2,5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (маргеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	1,6
2. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун	асосий фойдали қазилма бойлигини қазиб олганлик ставкасидан 30 %
3. Рангли тош хом – ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини йиғганлик учун	улар ҳисоб қийматидан 5 %

**Солиқни ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга
тўлаш тартиби**

Юридик ва жисмоний шахслар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига йил бошидан ўсиб боровчи яқун бўйича белгиланган шаклда (11-илова) солиқни тўлаш учун белгиланган муддатда тақдим этадилар.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни юридик шахслар қуйидаги тартибда тўлайдилар:

а) микрофирма ва кичик корхоналар – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай;

б) микрофирма ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган бошқа солиқ тўловчи юридик шахслар – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунидан кечиктирмай.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар йилига бир маротаба, кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китобни уларга тақдим этадилар ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

Солиқни бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби

Юридик шахсларнинг ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар (турлари) бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағида юритилади.

Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

-давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

-бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварағининг дебети;

-пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити.

Солиқ тўловчи томонидан ортиқча солиқ суммалари тўланган ҳолда, бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда, ушбу суммалар солиқ тўловчига унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Нефть қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1600 тонна нефть қазиб олган. Корхона қайта ишлаш учун 1600 минг сўмга (ҚҚС ва акциз солиғисиз) реализация қилган. Корхонанинг ҳисобот даврида тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини аниқланг?

Ечилиши:

1. Нефть маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган ҳақиқатда сотилиш қийматидан 20,0 % да тўланиши белгиланган;

2. Нефть маҳсулотларининг қайта ишлашдан олинган маҳсулотнинг ҳақиқатда сотилиш қиймати ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаймиз.:

$$1600 \times 20 \% = 320,0 \text{ минг сўм}$$

2-масала. Кўмир қазиб олувчи корхона ҳисобот даврида 1900 тонна кўмир қазиб олган ва унинг 45 фоизини 8400 минг сўмга реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг?

3-масала. Корхона ҳисобот даврида 2500 тонна темир рудасини қазиб олиб, унинг бир қисмини 1300 минг сўмга ҚҚС билан реализация қилган. Корхонанинг тўлаши лозим бўлган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисобланг?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлиги нимада?
2. Бонуслар нима?
3. Ренталс нима?
4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушуми асосан қайси ер ости қазилма бойликлари ҳиссасига тўғри келади?
5. Республикамизда энг йирик солиқ тўловчилар жумласига қайси корхоналар киради?
6. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумининг асосий қисми республикамизнинг қайси худудлари ҳиссасига тўғри келади?
7. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш объекти ва базаси қандай аниқланади?
8. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?
9. Ҳозирги вақтда ер ости қазилма бойликларнинг нечта турига нисбатан солиқ ставкалари белгиланган?
10. Солиқ кодексида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар кўзда тутилганми?
11. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қандай тартибда солиқ мажбуриятларини амалга оширадилар?

III боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

- 1.1., 1.2., 1.7., 1.10., 1.11., 1.12., 1.13., 1.14., 1.15., 1.17., 1.18., 1.19., 1.20., 1.21., 1.22., 1.24., 2.1, 2.2., 2.8., 3.1., 3.3., 3.4., 3.12., 3.14., 3.16., 3.18., 3.24., 3.26., 3.41., 4.15., 4.21., 5.5., 5.6., 6.3., 6.13., 6.15.

IV БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

4.1. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи

Солиқ тўловчилар, солиқ объекти ва базаси

Солиқ кодексига кўра солиқ солинадиган мол-мулкга эга бўлган жисмоний шахслар, чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлари, квартиралари, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлари, бинолар ва иншоотлари қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш қиймати солиқ солиш база бўлиб ҳисобланади. Агар жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳоси тегишли ваколатли идоралар томонидан аниқланмаган бўлса, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан мол-мулкнинг шартли қиймати белгиланади ҳамда ўрнатилган ставкалар асосида солиққа тортилади.

Солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади, уларни солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда билдирилади. Солиқ ставкалари ҳар йили кейинги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидага қарори асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2008 йил 1 январдан жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг ставкалари қуйидагича белгиланган:

**Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи
СТАВКАЛАРИ³⁹**

Солиққа тортиш объекти	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси
Тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар уларнинг қийматидан келиб чиқиб	0,5

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича тегишли органлар томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида – 2100,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 920,0 минг сўм миқдоридаги мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари техник инвентаризациялаш бюроси (ТИБ) ходимлари томонидан баҳоланади.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўйича пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумий майдонининг 60 кв.метри ҳажмида белгиланади.

Солиқ қонунчилигига кўра қуйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;

б) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

в) ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

г) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарори.

д) солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг;

е) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;

ж) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

Юқорида назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий ҳужжатлар солиқ органларига тақдим этилганда, мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади. Бунда мол-мулк имтиёз олувчининг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Йил давомида тўловчиларда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда улар кўрсатилган тўловлардан ана шу ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан бошлаб озод этиладилар.

Йил ўртасида мол-мулк солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқини йўқотганда солиқ солиш ушбу ҳуқуқ йўқолган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлган шахслар зарур ҳужжатларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этадилар.

Иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи уларнинг ҳар йил 1 январдаги ҳолати юзасидан техник инвентаризациялашнинг ҳудудий кадастр бюрolari тақдим этадиган инвентаризация қийматида доир маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади, бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулкдан солиқ меросхўрлардан мерос очилган пайтдан бошлаб ундирилади. Мол-мулк йўқ қилинган, бутунлай вайрон

бўлган ҳолларда мол-мулк солиғи ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан эътиборан тўхтатилади.

Мол-мулкка мулк ҳуқуқи тақвимий йил давомида бир мулкдордан бошқасига ўтганда солиқни биринчи мулкдор ўша йилнинг 1 январидан бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошигача тўлайди, янги мулкдор эса - мулк ҳуқуқини қўлга киритган ойдан эътиборан тўлайди.

Тақвимий йил давомида имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи пайдо бўлган тақдирда мол-мулк солиғи ана шундай ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Ҳисобланган йиллик солиқ миқдори тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай маҳаллий бюджетга тўланади.

Агар солиқ тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солиқ ва йиғимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчилари ҳисоби давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидан ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўтказилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Фуқаро Сафаров Шерзод Тошент шаҳар Юнусобод тумани Ц-2, 24-уйдан харид қилган 4 хонали квартирасининг техник инвентаризациялаш бюроси томонидан нархланган баҳоси 1850 минг сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғи суммасини ҳисобланг?

2-масала. Фуқаро Сафаров Шохрух 2008 йил сентябр ойида Тошент шаҳар Чилонзор туманидан 4,0 сотих майдонга эга бўлган тураржой сотиб олди. Сотиб олинган тураржойнинг техник инвентаризациялаш бюроси ходимлари томонидан нархланган қиймати 2450 минг сўмни ташкил этади.

Мол-мулк солиғи суммасини ҳисобланг ва фуқаро Сафаров Шохрух 2008 йил учун қанча миқдорда солиқ тўлаши лозим бўлади.

3-масала. Фуқаро Сафаров Санжар 2008 йилда ўз шахсий автомашинаси учун гараж сотиб олди. Гаражнинг нархланган қиймати 1480 минг сўмни ташкил этди.

Фуқаро Сафаров Санжар қанча миқдорда мол-мулк солигини тўлаши лозим?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай мол-мулклари солиқ солиш объекти ва базаси ҳисобланади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари кимнинг қарори билан белгиланади?
4. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ставкаси 2008 йилда неча фоиз қилиб белгиланган?
5. Жисмоний шахслар мол-мулк баҳолаш бўйича инвентаризация қиймати бўлмаса солиқ ундириш қандан тартибда амалга оширилади?
6. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи суммаси қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
7. Тўлов хабарномаси қайси муддатгача участка солиқ инспекторлари томонидан солиқ тўловчиларга етказилади?
8. Мол-мулк солиғидан кимлар солиқдан озод этилади?
9. Пенсияларнинг неча квадрат метр мол-мулки қиймати солиққа тортилмайди?
10. Йиллик ҳисобланган мол-мулк солиғи қайси муддатда бюджетга тўланади?

4.2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

Ер солиғини тўловчилар, солиқ объекти ва базаси

Солиқ кодексига кўра ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғининг тўловчилари бўлиб ҳисобланишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни

ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

- деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;
- хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;
- мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки сотиб олинниши натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Солиқ кодексига кўра кўчмас мулкка эга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотномалари солиқ солинадиган база бўлиб ҳисобланади.

Ер солиғи ставкалари ва солиқдан имтиёзлар

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда хабар қилинади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч баравар миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар учун 1,5 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффицентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимияти органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади.

Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффициентларини қўллаган ҳолда тўланади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади. Жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш дўконлар, ошхоналар, устахоналар ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа объектлар учун фойдаланиладиган ер участкалари учун амалга оширилади.

Солиқ кодексига кўра қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

- яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
- "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;
- хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;
- ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари - хизмат муддатига;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- ёлғиз пенсионерлар. Солиқ солиш мақсадлари учун ёлғиз пенсионерлар деганда бир ўзлари ёки вояга етмаган болалари ёки ногирон боласи билан биргаликда алоҳида уйда, квартира ёки ётоқхонада яшайдиган пенсионерлар тушунилади;
- боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Солиқ солиш мақсадларида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар деганда ота-онадан бири ёки иккаласи вафот этган ҳамда оилада 16 ёшга етмаган 5 ва ундан ортиқ бола бўлган оилалар тушунилади;

- Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

- кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича - ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилга;

- шахсий пенсия тайинланган шахслар;

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар ер участкалари якка тартибда уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида тақдим этилган жисмоний шахсларгагина татбиқ этилади.

Ер солиғи тўланмайдиган ер участкаларининг майдонлари ер участкасига ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларга биноан қабул қилинади.

Имтиёз ҳуқуқи ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшайдиган ва биргаликда хўжалик юритадиган бутун оилага татбиқ этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби

Жисмоний шахслар учун ер солиғини давлат солиқ органларининг ходимлари ҳисоблаб чиқаради. Давлат солиқ хизмати органлари ер участкалари мулкдорлари, ер эгалари ёки ердан фойдаланувчилар ёки ижарачилар бўлган жисмоний шахсларнинг мунтазам ҳисобини юритадилар.

Деҳқон хўжаликлари (юримдик шахсни ташкил этмаганлари) ҳисоблаб ёзилган ер солиғи умумий суммасининг 95 фоизини бюджетга ва 5 фоизини Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлайдилар. Шу муносабат билан давлат солиқ органлари деҳқон хўжаликларига ёзиладиган тўлов хабарномаларида бюджетга тўланадиган ер солиғи суммаси ва Жамғармага тўланадиган ер солиғи суммасини алоҳида кўрсатадилар.

Солиқ тўланиши тўғрисидаги тўлов хабарномалари жисмоний шахсларга давлат солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Ер участкаларининг майдони ўзгарганда ва йил давомида имтиёз ҳуқуқи пайдо бўлганда ёки бекор қилинганда давлат солиқ органлари бир ой давомида солиқни қайта ҳисоб-китоб қилишлари ва солиқ тўловчига тўлаш муддатлари ўзгарганини ҳисобга олган ҳолда янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахсларга шаҳар ва қўрғонларда якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкаларининг майдонлари якка тартибдаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш шаҳар ёки туман бошқармаси ёхуд ишлаб чиқариш уй-жой инспекциясининг мавжуд материаллари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили натурада аниқлаштирилади.

Жисмоний шахсларга қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкалари томорқа ерлардан ва жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкаларидан иборат бўлиши мумкин. Бундай ҳолда томорқа ерлар майдони ер кадастри маълумотлари бўйича қабул қилиниб, юз берган ўзгаришлар ҳар йили натурада аниқлаштирилади. Жамоат ерларида қўшимча ажратилган ер участкалари майдони хўжаликларнинг маълумотлари бўйича ҳисобга олиниб, ҳар йили аниқлаштирилади.

Агар жисмоний шахс якка тартибда уй-жой қурилиши ёки шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун берилган ер участкасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ёки ердан мақсадли фойдаланишни ўзгартирмасдан ўз уйини офис сифатида расмийлаштирса, бунда ундан ер солиғи якка тартибда уй-жой қурилиши ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Кўп хонадонли турар жойларда яшайдиган жисмоний шахслардан ер солиғи ундирилмайди. Хонадондан ёки кўп хонадонли турар жойларнинг бир қисмидан одамларнинг яшаши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилганда, белгиланган тартибда хонадоннинг умумий майдонидан келиб чиқиб, ер солиғининг тегишли ҳиссаси ундирилади.

Эгалик қилиш ҳуқуқи мерос бўйича турар жой, нотурар иморат ва иншоотлар, боғ уйчаси ўтиши билан бирга ўтган ер участкалари учун ер солиғи меросхўрлардан, мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

Ер солиғини бюджетга тўлаш муддатлари

Жисмоний шахслар ҳисобланган йиллик ер солиғини тенг улушларда йилига икки муддатда - 15 июндан ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар. Тўланган солиқ суммаси белгиланган тартибда маҳаллий бюджетга тушади.

Йил давомида ажратилган ер участкалари учун солиқ ер участкаси ажратилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Масалан, ваколатли ҳокимият органининг 15 сентябрдаги қарори билан корхонага ер ажратилса, у ер солиғини 1 октябрдан бошлаб тўлайди.

Ер солиғи тўловчи жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан давлат солиқ хизматининг юқори органлари ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат солиқ хизмати органлари солиқнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши устидан белгиланган қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Фуқаро Сафарова Шахзода 2008 йил 10 январда Тошкент вилояти Қибрай туманидан 6 сотих ер участкасини уй-жой қуриш учун сотиб олди.

Фуқаро Сафарова Шахзода сотиб олган ер участкаси учун қанча миқдорда ер солиғини тўлаши лозим. *Ер солиғи суммасини ҳисобланг?*

2-масала. Фуқаро Ромозонов Акбар Сурхондарё вилоятининг Денов туманида яшайди. Унинг ер участкаси 15 сотихни ташкил этади.

Фуқаро Ромозонов Акбар ер участкаси учун қанча миқдорда ер солиғини тўлаши лозим. *Ер солиғи суммасини ҳисобланг?*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг тўловчилари кимлар?
2. Жисмоний шахсларнинг қандай ерлари солиқ солиш объекти бўлаолади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари қандай белгиланади?
4. Жисмоний шахслар берилган ерлардан фойдланмаган ҳолатда қандай тартибда улардан солиқ ундирилади?
5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан қандай тартибда солиқ ундирилади?
6. Қандай тоифадаги фуқаролар ер солиғидан озод этилади?
7. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
8. Деҳқон хўжаликлари ер солиғини бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
9. Ер солиғи бўйича тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга қайси муддатгача етказилади?
10. Ер солиғи қайси муддатда маҳаллий бюджетга тўланади?

4.3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳияти, солиқ тўловчилар, солиқ объекти ва базаси

Маълумки, солиқ қонунчилигида солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчилар иккига бўлинган, яъни юридик ва жисмоний шахсларга.

Жисмоний шахсларга – юридик шахс


мақомини олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киради.

Жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ичида бюджет тушумларидан салмоқли ўринни эгаллайдиган солиқ бу – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – давлат бюджети даромад манбаларидан бири бўлиб, у умумдавлат солиқлари таркибига киради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ жисмоний шахсларнинг бевосита даромадларидан олинади.

Бугунги кунда жисмоний шахслар тўлаётган солиқлар ва йиғимлар бюджет даромадларининг қарийиб 15-20 фоизини ташкил этмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 1991 йилда бюджет тушумларининг 6,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда 13,1 фоизни ташкил этган. 2006 йилги давлат бюджети параметрлари бўйича ушбу солиқ давлат бюджети даромадларининг 15 фоизини, тўғри солиқлар ичида эса 57,7 фоизини ташкил этиши прогнозлаштирилган.



4.3.1-диаграмма. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини давлат бюджети даромадларида тугган ўрни⁴⁰

Бу кўрсаткичлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бюджет даромадлари таркибида аҳамиятли эканлигидан дарак беради.

Солиқ кодексига кўра молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахслар резидентлар ва норезидентларга бўлинади.

⁴⁰ Молия Вазирлиги йиллик ҳисобот материаллари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёхуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қаралади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади солиқ солиш объекти ҳисобланади. Солиққа тортиладиган база бўлиб, жисмоний шахсларнинг жами даромадидан солиқ қонунчилигига кўра белгиланган чегирмаларни айириб ташлагандан кейинги қолдиқ сумма ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммалари Ўзбекистон Республикасида солиқни тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинандиган суммаларнинг миқдори жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари таркиби

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради. Жумладан:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинандиган даромадлар (172-модда);
- 2) жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари (176-модда);
- 3) жисмоний шахсларнинг моддий наф тарзидаги даромадлари (177-модда);
- 4) бошқа даромадлар (178-модда).

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинандиган даромадларга жисмоний шахсларнинг меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар (йиллик иш якунлари бўйича мукофот, бир йўла бериландиган мукофотлар, маошларга устамалар, таътилга ҳар йилги қўшимча ҳақлар, кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва бошқалар), компенсация тўловлари (табӣий иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар, оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат

шароитларида ишлаганлик учун устамалар, дам олиш кунларида ва байрам кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамала ва бошқалар) ҳамда ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш, меҳнатга лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш, юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш, олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар ва бошқа шу кабилар) тарзидаги даромадлар ҳам киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларига фоизлар, дивидентлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар, роялти ва шу каби қонунчиликда кўзда тутилган даромадлар киради.

Моддий наф тарзидаги даромадлар жумласига юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкӣ ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан: жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш; коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; озиқ-овқат, ойлик йўл чипталари ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш; санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш кабилар киради.

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига эса давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар; стипендиялар; донорлик учун пул мукофотлари; алиментлар; мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари; ютуқлар; грантлар; жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоизлар ва бошқа даромадлар киради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кўпгина мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам прогрессив солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва ўрнатилган тартибда давлат солиқ идоралари ходимлари томонидан жисмоний шахсларга билдирилади. Ҳар йили

белгиланган ставкалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа даромадларига солинадиган табақалашган прогрессив солиқ ставкалари;
- жисмоний шахсларнинг дивидент ва фоиз тариқасида оладиган даромадига солиқ ставкаси;
- норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ ставкалари;
- имтиёзли солиқ ставкалари.

Солиқ қонунчилигига биноан 1998 йилдан республикамизда жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси 15, 25, 35, 40, 45 фоиз, яъни 5 поғонали қилиб белгиланган эди. 2000 йилдан бошлаб 4 поғонали, яъни 15, 25, 36, 40 фоиз, 2001 йилдан эса 3 поғаналига ўтиб, унинг ставкаси 12, 25, 30 фоизни, 2002 йилдан 13, 23, 33 фоиз қилиб белгиланган эди.

2008 йилдан жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадларидан солиқ ставкаси қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳисобланади (4.3.1-жадвал).

Солиқ солиш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб (ўсиб) борувчи яқун тарзида ҳисобланади.

4.3.1 -жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи СТАВКАЛАРИ⁴¹

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоридан олинадиган солиқ + олти баравардан ошадиган сумманинг 18 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори суммадан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 25 фоизи

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 12 декабрдаги ПҚ-744 сонли қарори

Норезидент жисмоний шахсларнинг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги манбадан олган даромадларига уларни тўлаш манбаида чегирмаларсиз, қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- дивиденд ва фоизлар - 10 фоиз;
- хатарни суғурталаш ёки қайта суғурталашга тўланган суғурта мукофотлари - 10 фоиз;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат катновида халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар) - 6 фоиз;
- роялти, ижарадан келган даромадлар, хизматлар кўрсатишдан келган даромадлар, шу жумладан бошқарув бўйича хизматлар, маслаҳатларга оид ва бошқа даромадлар - 20 фоиз;

Тўлов манбаида солиқ солиш, тўлов Ўзбекистон Республикаси ичида ёки ундан ташқарида амалга оширилганидан қатъи назар, қўлланилади.

Жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга 10 фоизлик ставка бўйича тўлов манбаида солиқ солинади.

Бунда солиқ солиш мақсадида дивидендларга акциялар бўйича ҳамда қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради. Фоизларга қарз мажбуриятлари ва хўжалик юритувчи субъектнинг устав сармоясида улушбай иштирокидан келадиган даромадлар ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган (12-илова) Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-сон рўйхатларига киритилган ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади. Бунда юқорида айтиб ўтилган фуқаролар тоифаларидан даромад солиғи олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатиб ўтилган қарори билан тасдиқланган 1-сон рўйхатнинг 3-қисми ҳамда 2-сон рўйхатнинг 1-қисмида қайд этилган ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадидан солиқ олиш даражаси ҳам 20 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади (18-илова).

Ноқулай табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловларга (иш стажига устамалар, баланд тоғлик, дашт ва сувсиз туманлардаги ишлар учун белгиланган коэффицентлар бўйича тўловларга) энг кам ставка бўйича солиқ солинади. Бундан ташқари, корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига ҳам энг кам ставка миқдорида солиқ солинади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар, қўшимча тўловлар жами даромад таркибидан ҳисобдан чиқарилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар

Солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига қуйидагилар киритилмайди:

- меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришlash нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари.

Бунда энг кам иш ҳақи ҳисоби учун меҳнат шартномаси тўхтатилган кунда амал қилган (охирги ишлаган кундаги) ойлик энг кам иш ҳақининг миқдори қабул қилинади;

- олинадиган алиментлар;
- олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;
- давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар (устамаларнинг қонун ҳужжатларида чегараланган миқдоригача);
- шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган суммалар;
- фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;
- жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қаршли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган суммалари,

тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган даромадлардан ташқари;

- жисмоний шахсларнинг уй хўжалигида ёки деҳқон хўжалигида етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси билан тасдиқланади;

- бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган суммадаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлар қийматининг суммаси;

- мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақи суммалари бундан мустасно;

- давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

- фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган суммалари;

- бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

- табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари - тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари - энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

- депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

- патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланишдан олган даромади суммаси:

- ихтиролар ва селекция ютуғидан - беш йил давомида;

- саноат намунасида - уч йил давомида;

- фойдали моделдан - икки йил давомида

- болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

- фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкани сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари;

- вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, башарти бундай ишлар вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

- хусусий корхона ва фермер хўжалиги томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхона мулкдори ва фермер хўжалигининг бошлиғи ихтиёрига келиб тушадиган фойда суммаси;

- Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

- Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари;

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоизли даромадлар, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

- жисмоний шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтириладиган иш ҳақининг ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг суммалари.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидагилар тўлалигича озод қилинадилар:

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон

Республикаси фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатadиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

- хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

- ҳукуматга қаршли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

- Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўлов суммалари бўйича;

- гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар гастроль – концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича;

- мансаб даражалари бор прокуратура органлари ходимлари.

Қуйидаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан тўлашдан озод этилади:

а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини

бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларнинг қатнашчилари, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилари жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

е) ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларининг ота-оналари ва рафиқалари.

"Ҳалок бўлган жангчининг беваси (онаси, отаси)" штампи босилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзув қайд этилган пенсия гувоҳномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига фақат улар иккинчи марта турмуш қурмаган тақдирда, имтиёз тақдим этилади;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган кўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар.

и) Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар.

Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек имтиёз тақдим этилишида асос

ҳисобланадиган бошқа ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида имтиёз берилади;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар.

Меҳнат ва ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган "ёлғиз онанинг шахсий дафтарчаси" асосида имтиёз берилади;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар.

Турмуш ўртоғи (аёли) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва болаларининг мавжудлигини ҳамда қайта никоҳдан ўтмаганлигини тасдиқловчи паспорт, боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсиясининг тайинланмаганлиги тўғрисида меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг маълумотномаси имтиёз берилишида асос ҳисобланади;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири.

Пенсия гувоҳномаси ёки доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи соғлиқни сақлаш муассасасининг тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида имтиёз тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганида вужудга келади.

Ҳисобот йили учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз имтиёзларга бўлган ҳуқуқ юзага келган ой бошидан тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги имтиёз жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, агар асосий иш жойи мавжуд бўлмаса, унда яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ ҳисоблаб чиқаришда қўлланилади.

Фуқаро имтиёзларга бўлган ҳуқуқни йўқотганлигини 15 кундан кечиктирмай, ундан солиқ ушлаб қоладиган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек жисмоний шахсларни ёхуд солиқ органини (агар мазкур орган ҳисоб-китобни амалга оширсан) маълум қилиши лозим.

Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солишнинг хусусиятлари

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

Резидент - чет эллик жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Норезидент - чет эллик жисмоний шахслардан тўланган жойидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Солиқ солиш мақсадида норезидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент сифатида ёки доимий муассаса билан боғлиқликда бўлмаган норезидент шахс сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширадиган норезидент жисмоний шахс доимий муассаса билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундириш тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсларига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар кўрилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида, бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳларнинг кiritилишига рухсат берилмайди.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Асосий иш жойидан олинадиган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб боровчи яқун билан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб солиқ солинадиган жами даромад суммасидан амалга оширилади.

Фуқаро бир йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойини ўзгартирса, у янги иш жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи олғунига қадар белгиланган шакл бўйича жорий йилда тўланган даромадлар ҳамда ушлаб қолинган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши шарт.

Янги иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича солиқни ҳисоблаб чиқариш тақвим йили бошидан илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аввалги иш жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган ҳолларда солиқ солинадиган даромаддан энг юқори ставка бўйича солиқ ундирилади. Маълумотнома кейинроқ тақдим этилса, у ҳолда ундирилган умумбелгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Аввалги асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларининг ходим томонидан бажарилиши билан боғлиқ мукофот ва бошқа тўловлар унга ишдан бўшатиладиган сўнг тўланган бўлса, мазкур мукофот ва тўловлар умумбелгиланган тартибда уларни тўлаш чоғида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилади. Бу фуқароларга тўланган даромаднинг ҳамда ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида корхона, муассаса, ташкилот бир ой муддатда истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органига маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан олинган меҳнат ҳақи тўловлари ва бошқа тўловлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш йил бошидан ўсиб борувчи яқун билан солиқ солинадиган жами даромад суммасидан уларни ҳисоблаб ёзишнинг боришига қараб (агар бундай даромадлар тўланган бўлса), белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширса, даромадларни тўловчи юридик шахслар солиқ тўловчининг аризасига кўра солиқни ушлаб қоладилар.

Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар даромадидан олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушланган солиқ суммаси тўғрисидаги тақдим этилган декларация маълумотлари бўйича солиқ хизмати органи томонидан даромад солиғи яқуний суммаси ҳисоблаб чиқарилади. Резидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан асосий иш жойидан) олган даромадларидан даромад солиғи яқуний суммасини ҳисоблаб чиқариш ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун юридик шахс жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда юридик шахс ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Юридик шахслар қуйидагиларни бажариши шарт ҳисобланади:

1) солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида (асосий иш жойи бўйича даромадлар олган жисмоний шахслардан ташқари) белгиланган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт, унда қуйидагилар акс эттирилади:

- солиқ тўловчининг – жисмоний шахснинг идентификация рақами;
- солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

- ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

- солиқ агентининг идентификация рақами;

- солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили);

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунига қадар, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда солиқ жамғариб бориладиган тизимда қатнашувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига белгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган бадаллар чегирилган ҳолда қуйидаги муддатларда тўланади:

а) даромад тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади;

б) тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилади.

Банкда ҳисобрақамига эга бўлган юридик шахслар томонидан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш санаси солиқ тўловчи ҳисобрақамидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун, бошқалар, шу жумладан жисмоний шахслар учун эса - маблағлар кредит муассасасининг кассасига ўтказилган кун ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб варағидан солиқ суммаси жисмоний шахс томонидан тўланганда, тўлов санаси жисмоний шахс ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг йил мобайнида тўлаб борилган суммалари тегишли ҳисобот йили учун солиқ тўловчига ҳисоблаб чиқарилган солиқ ҳисобига ўтказилади.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартиби

Декларация – солиқ идораларига солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан топшириладиган ва ўз ичига олинган даромадлар ва ушбу даромадлар билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларни акс эттирадиган ҳамда солиқ тўловчининг ҳисобланган солиқларни ихтиёрий равишда ва белгиланган вақтда давлат бюджетига тўлашга мажбур этадиган ҳужжат ҳисобланади.

Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади ҳақидаги декларация қуйидаги ҳолларда солиқ органларига топширилади:

а) мулкӣ даромад, Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳаққи тариқасида олинган даромад (агар бундай даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса);

б) асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган жисмоний шахслар томонидан; (Асосий бўлмаган иш жойидаги меҳнат тўлови бўйича даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга энг юқори ставка бўйича даромадидан солиқ ушлаб қолиниши ҳақида ариза топширганлар бундан мустасно)

в) резидент - чет эллик жисмоний шахслар томонидан;

Жисмоний шахслар доимий истиқомат жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромадлари ҳақида декларацияни қуйидаги муддатларда тақдим этишлари керак:

- асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент - жисмоний шахслар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай;

- резидент - чет эллик жисмоний шахслар назарда тутилаётган даромадлар ҳақида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой мобайнида белгиланган шаклда.

Чет эллик жисмоний шахснинг фаолияти тақвимий йил мобайнида тўхтаган ва у Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган бўлса, амалда

олинган даромадлар ҳақида жўнаб кетишдан камида бир ой олдин декларация тақдим этилиши керак. Якуний декларация белгиланган шаклда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилиши керак. Агар чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлаш чоғида декларация топшириш орқали солиқлар қуйидаги муддатларда тўланади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган резидент - жисмоний шахслар - жами йиллик даромад ҳақидаги декларация маълумотлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечикмай, йил мобайнида қайта ҳисобланганда эса,- декларация давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида;

б) жисмоний шахслар–Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала. Жисмоний шахсга 2007 йилнинг май ва июнь ойларида 270000 сўм (135000+135000) иш ҳақи ҳисобланган. Май ойи учун 29400 сўм солиқ ушланган. Жисмоний шахсдан июнь ойида ушланиши лозим бўлган даромад солиғи суммасини аниқланг?

Ечилиши:

1. $СТД = 270000$ сўм

2. Май ва июнь ойлари учун энг кам иш ҳақи 24800 сўм (12400 + 12400) ни ташкил этади.

24800×5 (карра) = 124000

24800×10 (карра) = 248000

$124000 \times 13\%$ = 16120 сўм

$16120 + ((248000 - 124000) \times 18\%) = 16120 + 22320 = 38440$

$38440 + ((270000 - 24800) \times 25\%) = 38440 + 5500 = 43940$

3. Июнь ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси 43940 – 29400 = 14540 сўмни ташкил этади.

2-масала. ЎзР Солиқ Кодекси бўйича ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга эга бўлган жисмоний шахсга 2007 йил май ойида 135000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Жисмоний шахсдан ушланиши лозим бўлган *даромад солиғини аниқланг?*

Ечилиши:

1. 2007 йил май ойи учун энг кам иш ҳақи 12400 сўм;
Жисмоний шахснинг солиққа тортилмайдиган даромадини аниқлаймиз, яъни 49600 сўм (12400 x 4);
СТД = 135000 – 49600 = 85400 сўм;
2. 12400 x 5 (каппа) = 62000 сўм

$$12400 \times 10 \text{ (каппа)} = 124000$$

$$62000 \times 13 \% = 8060 \text{ сўм}$$

$$8060 + ((85400 - 62000) \times 18 \%) = 8060 + 4212 = 12272$$

Демак, имтиёзга эга бўлган Ушбу жисмоний шахс 135000 сўм иш ҳақисидан 12272 сўм даромад солиғини бюджетга тўлаши лозим.

3-масала. Жисмоний шахсга 2007 йил июль ва август ойларида 274000 сўм (137000+137000) иш ҳақи ҳисобланган. Шунингдек июль ойида 70000 сум мукофот берилган. Жисмоний шахсдан июль ва август ойларида ушланиши лозим бўлган солиқ суммасини ҳисобланг?

4-масала. 2 - гуруҳ ногиронига 2007 йил август ва сентябрь ойларида 360000 сўм (180000+180000) иш ҳақи ҳисобланган. Август ойида 40448 сўм солиқ ушланган. Сентябрь ойида ушланиши лозим булган солиқ суммасини ҳисобланг?

5-масала. Корхона ҳисобчиси У.Бадаловга 2008 йил январ ойида 285000 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Ундан қанча миқдорда даромад солиғини ундириш лозимлигини аниқланг?

Ечилиши:

1. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни аниқлаш учун биринчи навбатда жисмоний шахснинг ушбу ой учун солиққа тортиладиган даромад (СТД)и аниқланиши лозим, яъни ушбу мисолда солиққа тортиладиган даромад 285000 сўмни ташкил этади.

$$\text{СТД} = 285000 \text{ сўм};$$

2. СТД дан ЎзР. Солиқ Кодексида белгиланган (жисмоний шахснинг иш ҳақи, мукофот пуллар ва бошқа даромадларидан) ставкалар бўйича *даромад солиғи ундирилади.*

Январ ойи учун энг кам иш ҳақи миқдори 20400 сўмни ташкил этади.

$$20400 \times 6 \text{ (карра)} = 122400$$

$$20400 \times 10 \text{ (карра)} = 204000$$

$$122400 \times 13 \% = 15912$$

$$15912 + ((204000 - 122400) \times 18 \%) = 15912 + 14688 = 30600$$

$$30600 + ((285000 - 204000) \times 25 \%) = 30600 + 20250 = 50850$$

$$50850 - 2040 \text{ (жамгариб бориладиган пенсия жамгармасига тўлов)} = 48810.$$

Демак, корхона ҳисобчиси У.Бадалов январ ойи иш ҳақисидан бюджетга 48810 сўм даромад солиғи тўлаши лозим.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Қандай шахсларни жисмоний шахслар деб аташади?
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет даромадлари таркибида қандай аҳамиятга эга?
5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари кимлар?
6. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?
7. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?
8. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар таркибига қандай даромадлар киради?
9. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларига солиқ ставкалари қандай белгиланади?
10. Норезидент жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида қандай тартибда солиқ ставкалари қўлланилади?
11. Қайси жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида солиқдан озод этилади.
12. Ўта зарарли, ўта оғир, зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган ходимларнинг даромадларига қандай ставкада солиқ белгиланади?
13. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартибини тушунтириб беринг?

4.4. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ

Солиқ тўловчилар, солиқ объекти ва базаси

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ тўловчилари бўлиб, жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана сотадиган, мулкчилик шаклидан қатъи-назар хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади. Бунда уларнинг жойлашган жойидан қатъи-назар автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана сотиш солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга сотилган ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан харид қилинган бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг натурал ҳажми солиқ солиш база ҳисобланади.

Бензин, дизель ёнилғиси ва газни сотиш деганда уларни жисмоний шахсларга амалда бериш тушунилади.

Солиқ ставкаси ва ҳисоблаш тартиби

Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига олинадиган солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. 2008 йилда 1 литр бензин ва дизель ёнилғиси учун 100 сўм, 1 кг. газ учун ҳам 100 сўм миқдорида солиқ ставкаси белгиланган.

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади ва жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекда алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағ тўланиши билан бир вақтда ундирилади.

Солиқ суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \times St,$$

бу ерда:

N - ҳисоблаб ёзилган солиқ;

V - жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

St – солиқ ставкаси.

Ҳисоблаб чиқарилган ва ушланган солиқ суммаси хўжалик юритувчи субъектлар учун тушум деб ҳисобланмайди ҳамда бошқа тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ солиш объекти ёки базаси бўлмайди.

Солиқ ҳисобини юритиш ва уни бюджетга тўлаш муддатлари

Солиқ тўловчилар сотилган бензин, дизель ёнилғиси, газ ҳисоби ҳамда ҳисобланган солиқ суммалари ҳисобини алоҳида юритадилар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби "Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича - "Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ" илова ҳисобварағида юритилади, солиқни ўтказиш "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи бўйича акс эттирилади.

Ундирилган солиқ маҳаллий бюджетга Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромад ва харажатларининг тегишли таснифига кўра бўлим ва параграфга тўланади.

Жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган солиқ бўйича ҳисоб-китоб (13-илова) автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига:

-корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади;

-микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида, белгиланган шаклда тақдим этилади.

Солиқ банк муассасалари орқали ҳар ўн кунда, бензин, дизель ёнилғиси ва газ жисмоний шахсларга сотилган ой ўн кунлиги тугаганидан сўнг учинчи кундан кечиктирмай тўланади.

Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юкланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқни бюджетга бевосита тўловчилар кимлар?
2. Солиқ солиш объекти ва базаси қандай аниқланади?

3. Бензин, дизель ёнилғиси ва газни сотиш деганда нима тушунилади?
4. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси давлат органлари томонидан белгиланади?
5. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкалари қайси мезонлар асосида белгиланади?
6. Солиқ суммаси қайси формула ёрдамида топилади?
7. Солиқ суммаси жисмоний шахслардан қайси вақтларда ундирилади?
8. Солиқ тўловчилар солиқ идораларига жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиғи бўйича қайси муддатда ҳисобот топширади?
9. Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёнилғиси ва газ истеъмолига солиқ тушуми қайси бюджетга тушади?
10. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига ким жавобгар ҳисобланади?

4.4.1. Маҳаллий йиғим

(Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим)

Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига киради ва у маҳаллий бюджет даромадларидан бири ҳисобланади.

Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг тўловчилари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу товарлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда чакана савдони амалга оширадиган ва айрим турдаги хизматларни кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ушбу йиғим айрим турдаги товарлар билан чакана савдони амалга ошириш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун тўланади. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи руҳсат гувоҳномаси билан тасдиқланади. Руҳсат гувоҳномаси жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда берилади. Айрим товар турларининг ва хизматларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун руҳсат гувоҳномаси юридик шахс ёки

якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга ўз аризаларида кўрсатилган муддатларга, лекин ушбу муддат қонунчиликда назарда тутилган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Жумладан, юридик шахсларга кўпи билан -3 йил, жисмоний шахсларга -2 йил.

Йиғимлар ўрнатилган минимал иш ҳақи миқдorigа нисбатан белгиланади. 2008 йил 1 январдан бошлаб айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим алкоғолли маҳсулотлар учун – 1 ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 баравари миқдorigа, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар учун – 1 ойлик савдо учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3,5 баравари миқдorigа белгиланган. Автотранспорт воситаларини парковка қилиш (сақлаш) бўйича пуллик хизматларни кўрсатганлик учун йиғим ҳар ойда 8 минимал иш ҳақи миқдorigа ундирилади. Ушбу йиғимлар ҳар ойда ҳисобот ойининг 25 кунига қадар бюджетга тўланади.

Маҳаллий йиғимни ўз вақтида тўланиши, қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун жавобгарлик йиғимни тўловчилар зиммасига юкланади.

Давлат солиқ хизмати органлари эса ўзларига берилган ваколот доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғимни тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Маҳаллий йиғим деганда нимани тушунасиз?
2. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим солиқ кодексининг қайси моддасига тегишли?
3. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимни тўловчилари кимлар?
4. Айрим товар турларининг ва хизматларнинг рўйхати қайси давлат органи томонидан белгиланади?
5. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси қанча муддатга берилади?
6. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим қанча миқдорда ундирилади?
7. Маҳаллий йиғимни ўз вақтида тўланиши устидан жавобгарлик кимларнинг зиммасига юкланган?

IV боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1.1., 1.2., 1.3., 1.4., 1.13., 1.16., 1.21., 1.23., 1.25., 2.8., 3.1., 3.7., 3.12., 3.25., 3.40., 3.41., 4.3, 4.10., 5.5., 6.11., 6.14.

V БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ СОЛИҚСИЗ ДАРОМАДЛАРИ

5.1. Давлат бюджети солиқсиз даромадларининг зарурлиги, моҳияти ва туркумланиши

Давлат бюджети солиқсиз даромадларининг зарурлиги ва моҳияти

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига давлатга тегишли мулкларни сотишдан ва хусусийлаштиришдан келган даромадлар, ташқи иқтисодий фаолиятдан келган даромадлар, хорижий давлатлардан олинган молиявий ёрдамлар ва давлатнинг махсус мақсадли бюджет жамғармалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат бюджетининг солиқсиз даромадларига юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент – юридик шахсларга ва чет давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар ва давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар киритилган.⁴² Ушбу қонунда солиқсиз даромадларнинг ёки солиқдан ташқари тўловларнинг уч асосий тури эътироф этилган.

Россия Федерациясида юқорида қайд этилган учта асосий даромад туридан ташқари, Федерал йўл жамғармасининг маблағлари, марказлашган ижтимоий ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳам бюджетнинг солиқсиз даромадлари таркибига киритилган.

Давлатнинг махсус мақсадли жамғармалари пул маблағларини солиқсиз даромадлар таркибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, *биринчидан*, мазкур жамғармаларга қилинган ажратмалар солиқ характериغا эга бўлиб, бунда солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида товар-пул муносабатлари мавжуд эмас; *иккинчидан*, мақсадли жамғармаларга қилинган ажратмалар солиқларга хос бўлган муҳим хусусиятга, яъни тўловни амалга оширишда субъектлар мулк шаклининг ўзгариши хусусиятига эгадир.

Солиққа кирмайдиган, яъни солиқсиз даромадларнинг кўпчилиги доимий, қатъий белгиланган ставкада ундириладиган хазина (бюджет) даромадлари кўринишига эга бўлмайди. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари қатъий режалаштирилмаслиги керак, лекин амалиётда кўп ҳолларда улар, одатда илгариги йилдаги тушумлар даражасида режалаштирилади. Солиқсиз даромадлар солиқ даромадлари каби Ўзбекистон Республикасининг вакиллик

⁴² Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. -Т.: Адолат, 2001. -8 б.

органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун жорий қилинади. Солиқсиз даромадлар ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий шаклларда бўлиши мумкин.

Давлат бюджети солиқсиз даромадларининг туркумланиши

Солиқсиз даромадлар рўйхати ҳамма даражадаги бюджетлар учун ягона бўлиб, бюджет таснифи билан белгиланади ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар, шу жумладан:

- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигидаги мулкни фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлар;
- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни ижарага беришдан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадларидаги ерлар учун ижара тўловидан олинган даромадлар;
- вақтинчалик бўш турган бюджет маблағларини банк ва кредит ташкилотларида жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- хизмат кўрсатиш ва давлат харажатларини қоплашдан олинган даромадлар;
- давлат ва маҳаллий ташкилотлардан тўловлар;
- давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятидан олинган бошқа тушумлар.

2. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни сотишдан олинган даромадлар, шу жумладан:

- давлат мулки бўлган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан олинган тушумлар;
- квартираларни сотишдан тушумлар;
- давлатнинг ишлаб-чиқариш ва ноишлаб-чиқариш фондларини, транспорт воситалари ва бошқа ускуна-жиҳозларни сотишдан олинган даромадлар;
- мусодара қилиниб, давлат ва маҳаллий ҳокимият эгалигига ўтган эгасиз мол-мулкни сотишдан олинган даромадлар.

3. Давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар.

4. Ер ва номоддий активларни сотишдан олинган даромадлар.

5. Давлатга қаршли бўлмаган манбалардан капитал трансфертлар тизимлари.

6. Жарима-жазоларни қўллаш, етказилган зарарни қоплаш, шу жумладан:

- стандартлар ва техник шартлардан четлашган ҳолда тайёрланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун тушумлар суммаси;
- нархларни қўллаш тартибини бузганлик учун жазолар;
- жиноятлар қилиш ва моддий бойликлар камоматида айбдор бўлган шахслардан ундириладиган суммалар.

7. Ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан:

- давлат кредитлари бўйича фоизлар;
- давлат захираларини сотишдан олинган даромадлар;
- марказлаштирилган экспортдан тушумлар суммаси;
- ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган бошқа тушумлар.

8. Бошқа турли солиқсиз тушумлар.

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари ҳудудий белгига кўра (муайян даражадаги бюджетга киритиш), жалб қилиш ва шакллантириш усулига кўра (мажбурий ёки ихтиёрий) ва солиқсиз тушумларини шакллантирадиган тўловларни ундиришнинг конкрет асосларига кўра (давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар) таснифланади.

Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг кўпгина ўхшаш томонлари билан бирга қатор фарқли томонлари ҳам мавжуд.

Пул маблағларининг муайян қисми давлат хазинасига солиқсиз тўловлар тарзида келиб тушади. Улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар сингари давлатнинг қонун чиқарувчи идораси томонидан белгиланади.

Шу билан бирга солиқлар ва солиқсиз тўловлар ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Жумладан, бу фарқларни қуйидагилардан иборат деб белгилаш мумкин:

➤ солиқсиз тўловлар солиқлардан фарқ қилиб, икки томонлама ҳуқуқ ва бурчлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни олиш мақсадида белгиланган тўловларнинг амалга оширилиши бошқа шартлар бажарилгани тақдирда ваколатли рухсатномани бериши лозим бўлади;

➤ солиқлардан фарқ қилиб, солиқсиз тўловлар кўпчилик ҳолларда мажбурий равишда тўланмайди. Солиқ эса уни тўлаш объекти мавжуд бўлганида тўланади;

➤ солиқлардан фарқ қилиб, солиқсиз тўловлар муайян мақсадга мўлжалланади ҳамда ана шу мақсадда ундан фойдаланиш лозим.

Солиқсиз тўловлар республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларида жамланади. Ушбу маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг тўловчилар доираси, солиқ солиш объектлари, солиқ ва йиғимлар юзасидан енгиллик ва имтиёзлар, солиқ ва йиғимни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиблари маҳаллий ҳокимият идораларининг бевосита ўзлари томонидан белгиланади.

Солиқсиз тўловлар ҳудудий белгисига кўра: умумдавлат миқёсидаги ва маҳаллий тўловларга; шаклланиш усулига кўра: мажбурий ва ихтиёрий; жамланиш усулига кўра: давлат бюджетида ёки бюджетдан ташқари жамланадиган турларга бўлинади.

Солиқсиз тўловлар ундириш асосларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар.

Бу тўловларнинг табиий ресурслардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланишда аҳамияти каттадир;

- давлат идоралари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган турли хизматлар кўрсатишдан олинадиган тўловлар. Улар жумласига:

- ташқи иқтисодий ва бошқа фаолият туфайли божхона идораларига тўланадиган тўловлар;

- суд ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилинганда тўланадиган давлат божи;

- давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензия (рухсатнома) олиш ва товарлар учун сертификатлар олишдаги тўловлар;

- бозорлар, ярмаркалар ва бошқа савдо шахобчаларидан олинадиган бир маргалик патта тўловлари;

- қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштириш, лотерея ўйинларини ўтказиш учун тўловлар;

- давлат мулкани хусусийлаштиришдан келиб тушадиган даромадлар;

- жарима тарзидаги тўловлар (жарималар, пенялар ва бошқалар).

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига давлатга тегишли бўлган мулкларни сотиш ва хусусийлаштириш натижасида олинган даромадларни, давлатнинг ташқи-иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни ва хорижий давлатлардан қайтариб бермаслик шарти билан олинадиган пул маблағларини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, солиқсиз даромадларнинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Давлатга тегишли мулклардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиши натижасида давлат секторига тегишли корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида уларни хусусийлаштиришнинг зарурлиги.

Давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг фаолияти кўпчилик ҳолларда хусусий сектор корхоналарига нисбатан самарасиз бўлади. Швеция, Франция ва Буюк Британия давлатларининг амалиётида бундай ҳолатлар бир неча маротаба кузатилган. Масалан, XX асрнинг 90-йиллари охирида Буюк

Британияда давлат секторига мансуб бўлган корхоналарнинг сезиларли қисми молиявий йилни зарар билан яқунлади. 1998 йилда энг йирик давлат корхоналаридан бири «Бритиш телеком» хусусийлаштирилди. Унинг акцияларининг бозор баҳоси 6,9 млрд. фунт стерлингни ташкил этар эди.

XX асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмида Францияда давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида 7,0 млн. киши акциядорларга айланди. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларда давлат секторининг дефицити 1999 йилда ялпи миллий маҳсулотнинг 4,5 фоизини ташкил қилди.⁴³

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини ошишига, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдирилишини таъминлашга, ишсизлик муаммосини ҳал қилишга ҳамда ўрта ва узоқ муддатли даврий оралиқларда солиқ тушумларини кўпайтиришга сезиларли даражада ҳисса қўшади.

2. Давлат бюджети даромадларининг миқдорини ошириш заруриятининг юзага келиши.

Давлат бюджети харажатларини сезиларли даражада ўсиши, давлатнинг иқтисодий харажатларини ошириш заруриятини пайдо бўлиши ҳукуматга солиқсиз даромадларни ошириш тадбирларини ишлаб чиқариш заруриятини юзага келтиради. Ана шу мақсадда давлатга тегишли мулкларни сотиш, давлатга тегишли хорижий валюталар ва нодир металларни хорижий молия бозорларида жойлаштириш йўли билан даромадлар олиш ва хорижий ташкилотларнинг молиявий ёрдамларини жалб қилиш заруриятини юзага келтиради. Масалан: Ўзбекистон Республикасида ҳукуматга тегишли олтин-валюта захираларининг маълум қисми халқаро молия бозорларида муддатли депозит шаклида жойлаштирилади ва ундан фоиз кўринишда даромад олинади. Бундан ташқари, солиқсиз даромадлардан давлат бюджети дефицитини камайтириш мақсадида ҳам фаол тарзда фойдаланиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабридаги 567-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2004 йилда давлат бюджети дефицитини фақат қадрсизланмайдиган (ноинфляцион) манбалар, шу жумладан давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинadиган тушумлар ҳисобидан молиялаштиришни таъминлаш кўзда тутилган эди.⁴⁴

Ривожланган хорижий давлатлар ичида Япония солиқсиз даромадларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Бу кўрсаткич Японияда 15 фоизни ташкил этади. Япония маҳаллий бюджетлари даромадларининг 25 фоизгача

⁴³ Mariette D. Bercy report a zero sur le dossier du Gredit Jonciur. //Tribune. -P., 1998. –Sept., p.9.

⁴⁴ Солиқлар ва божхона хабарлари. №4 (496), 2004 й. 23 январ.

бўлган қисми солиқсиз даромадлардан ташкил топади. Япония бюджет конунчилигига мувофиқ солиқсиз даромадлар таркибига қуйидаги даромадлар киритилади:

-ижара тўловлари;

-давлатга тегишли ер майдонлари ва бошқа қўзғалмас мулкларни сотишдан олинган даромадлар;

-жарималар;

-облигацияларни сотишдан олинган тушумлар;

-ютуқли лотереяларни сотишдан олинган тушумлар;

-ўтган йилларда ишлатилмай қолган бюджет маблағлари.⁴⁵

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари даромад манбалари сифатида нобарқарор ва доимий хусусиятга эга бўлган даромадлар ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, *биринчидан*, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни моҳиятига кўра нобарқарор жараён бўлиб, хусусийлаштиришдан олинган даромадларни нобарқарор бўлишига олиб келади; *иккинчидан*, давлатга тегишли олтин-валюта захираларини бозор ставкаларида жойлаштириш натижасида олинган даромадлар жойлаштирилган молиявий активларнинг миқдорига ва бозор ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан олинган даромадларнинг суммаси доимий равишда тебраниб туради; *учинчидан*, хорижий ташкилотлардан ва давлатлардан олинган молиявий ёрдамларнинг миқдори уларни берувчилар томонидан мустақил равишда белгиланади. Бу эса уларнинг миқдорини олдиндан белгилаш имконини бермайди.

Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари фискалик ва иқтисодий функцияларни бажаради. Улар даромад манбаи сифатида нобарқарор бўлиб, давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида нисбатан кичик салмоқни эгаллайди (5.1.1-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларида солиқсиз даромадларнинг давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг таҳлил қилинган давр мобайнида нобарқарорлиги кузатишган. Бу эса, солиқсиз даромадларнинг моҳиятига кўра нобарқарор даромад манбаи эканлиги билан изоҳланади.

⁴⁵ Налоговые системы зарубежных стран. Уч. под редакцией В.Г.Князева, проф. Д.Б.Черника. –М.: «Закон и право», 1997. –С 97.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркибида
солиқсиз даромадларнинг улуши⁴⁶ (фоизда)**

Кўрсаткичлар	Йиллар						2008 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
	2002	2003	2004	2005	2006	2008 прог.	
Давлат бюджети даромадлари – жами шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X
-солиқсиз даромадларнинг жами бюджет даромадлари ҳажмидаги салмоғи	12,6	17,0	8,8	8,6	4,6	4,5	-8,1

2002-2008 йиллар мобайнида мазкур кўрсаткичнинг нобарқарорлиги кузатилган ҳолда унинг 2002 йилга нисбатан 8,1 пунктга пасайиши юз берган. Бу эса, солиқсиз даромадларнинг солиқли даромадларга нисбатан давлат бюджети даромадларининг таркибидаги ўрни ва аҳамиятининг пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Ривожланган хорижий давлатлар бюджет амалиётида ҳам солиқсиз даромадларнинг аҳамияти жуда паст. Масалан, АҚШда солиқсиз даромадларнинг Федерал бюджет даромадлари ҳажмидаги салмоғи 4 фоиздан ошмайди.⁴⁷

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқсиз даромадларнинг зарурлиги нимада?
2. Солиқсиз даромадларга қандай даромадлар киради?
3. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари олдиндан режалаштириладими?
4. Солиқсиз даромадлар қандай тартибда туркумланади?
5. Маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкдан ёки хўжалик фаолиятдан олинган даромадларга нималар киради?
6. Маҳаллий ҳокимият эгалигида бўлган мулкни сотишдан олинган даромадларга нималар киради?
7. Солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари қандай?
8. Солиқсиз тўловлар қайси бюджетга тушади?

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁴⁷ Финансы. Уч. под редакцией Л.А.Дробозиной. – М. ЮНИТИ, 2003. –С. 125.

9. Солиқсиз тўловлар ундириш асосларига кўра қандай турларга бўлинади?
10. Солиқсиз даромадларнинг зарурлиги қайси омиллар билан белгиланади?

5.2. Солиқсиз даромадларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги ўрни ва динамикаси

Хорижий мамлакатлардан олинган молиявий ёрдамлар

Ривожланаётган мамлакатларда давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини сезиларли қисми хорижий мамлакатлардан олинган молиявий ёрдамлардан иборат эканлиги ушбу мамлакатларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Хорижий молиявий ёрдамларнинг аксарият қисми халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан берилади. Бунда асосий ўринларни халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки (ЖТТБ) эгаллайди. ХВФ ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам беришда асосий эътиборини мамлакатнинг тўлов балансининг ҳолатига қаратади. ХВФ томонидан ажратиладиган молиявий ёрдамлар тўлов баланси доимий равишда дефицитга эга бўлган мамлакатларга биринчи навбатда берилади.

ЖТТБ ривожланаётган давлатларга молиявий ёрдам беришда асосий эътиборини мамлакат аҳолисининг қашшоқлик даражасига қаратади. Ҳозирги кунда Африканинг Сахара давлатидан жанубдаги мамлакатлар планетамизнинг энг қашшоқ мамлакатлари ҳисобланади. Бу ерда меҳнатга яроқли аҳолининг бир кунлик иш ҳақи 1 АҚШ долларидан пастдир. Шу сабабли мазкур мамлакатлар банкнинг молиявий ёрдамларини биринчи навбатда оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришган дастлабки пайтлардан бошлаб, хориждан маблағлар жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор берди.

2006 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра хорижий мамлакатлардан ва халқаро молия-кредит ташкилотлардан жалб қилинган маблағларнинг умумий суммаси 1980,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Шунинг 93,6 фоизи кредит мажбуриятларининг ҳиссасига тўғри келади. Жалб қилинган маблағларнинг қолган қисми турли шаклларда олинган молиявий ёрдамлар ҳиссасига тўғри келади.⁴⁸

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари. 2006.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадик, молиявий ёрдамларнинг миқдори нисбатан кичик бўлиб, улар давлат бюджети даромадлари нуқтаи-назаридан сезиларли даражадаги амалий аҳамиятга эга эмас.

Давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган даромадлар

Бюджетнинг солиқсиз даромадлари таркибидаги асосий даромад турларидан бири – давлатга тегишли бўлган мулкларни хусусийлаштиришдан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, МДҲга аъзо мамлакатларда давлат мулкани хусусийлаштиришдан ва сотишдан олинган даромад солиқсиз даромадлар таркибида сезиларли салмоқни эгаллайди. Мазкур мамлакатларда кўп укладли иқтисодий шакллантириш зарурияти давлат мулкани хусусийлаштиришни долзарб масаласига айлантирди. Хусусан, Россия Федерациясида 2006 йилда давлат мулкани хусусийлаштириш ва сотишдан олинган бюджет даромадларининг умумий суммаси 25061,2 млн. рублни ташкил қилди. Бу суммага муниципал мулкчилик тасарруфида бўлган давлат мулкани сотиш суммасини қўшсак, у ҳолда давлат мулкидан олган бюджет даромадларининг умумий суммаси 52057,3 млн. рублни ташкил қилади. Бу суммани бюджет даромадлари нуқтаи-назаридан баҳолаш учун унинг солиқсиз даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ўрганиш кифоя қилади. Агар 2000 йилда давлат мулкани сотиш ва хусусийлаштиришдан олинган бюджет даромадлари солиқсиз даромадларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 14,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 50,5 фоизни ташкил қилди. 2006 йилга келиб эса, мазкур кўрсаткич 45,2 фоизни ташкил қилди.⁴⁹

Келтирилган маълумотларнинг таҳлилидан кўринадик, *биринчидан*, давлат мулкани сотиш ва хусусийлаштиришдан олинган даромадлар Россия Федерацияси давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибида асосий ўринни эгаллайди; *иккинчидан*, солиқсиз даромадларга хос бўлган нобарқарорлик ушбу даромад турига ҳам хос эканлиги яққол кузатилади.

Давлатга тегишли мулкларни сотишда ва давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ушбу корхоналарнинг давлатга тегишли бўлган оддий акцияларини сотиш муҳим ўрин эгаллайди. Акцияларни сотишда уларнинг бозор баҳоси муҳим ўрин эгаллайди. Агар оддий акцияларнинг бозор баҳоси юқори бўлса, у ҳолда акцияларни сотишдан олинган бюджет даромадларининг миқдори нисбатан катта бўлади. Ўз навбатида, оддий

⁴⁹ Бурков С. Неналоговые доходы от госсобственности и бюджетный потенциал страны. //Российский экономический журнал. №9, 2006. –С. 25.

акцияларнинг бозор баҳоси эмитентнинг соф фойдасининг миқдорига боғлиқ: соф фойданинг миқдори қанчалик катта бўлса, уларга тўланадиган дивиденднинг миқдори ҳам шунчалик юқори бўлади.

2003-2004 йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш дастурига мувофиқ, мазкур давр мобайнида республикада устав капиталида давлатнинг улуши 25 фоиздан 51 фоизгача бўлган 673 та корхонадаги давлатнинг улуши биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотилиши мўлжалланган. Бу корхоналарнинг ичида иқтисодий салоҳияти юқори бўлган бир қатор йирик корхоналар – «Агама» саноат корхонаси, «Жиззахпластмасс» ХЖ, «Электрокимёзаводи» ХЖ, «Ўзбексельмаш» ХЖ, «Тошқишлоқмаш» ХЖ каби корхоналар мавжуд. Уларнинг устав капиталидаги давлатга тегишли акцияларни сотилиши давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ҳажмининг ошишига олиб келади.

2003-2004 йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш дастурига мувофиқ, устав капиталида давлатнинг улуши 51 фоиз ва ундан юқори бўлган 644 та корхонанинг устав капиталида давлатнинг улушини қисқартириш кўзда тутилган. Шуниси характерлики, кўпчилик корхоналарнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини 40 фоиздан ортиқ қисмини сотиш кўзда тутилган. Масалан, «Навоимонтажавтоматика» ДАКнинг устав капиталидаги давлат улушининг 49,0 фоизини, «Андижон биохим заводи» ХЖнинг устав капиталидаги давлат улушининг 45,0 фоизини, «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг устав капиталидаги давлат улушининг 49,0 фоизини, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» ХЖнинг устав капиталидаги давлат улушининг 46,5 фоизини сотиш мўлжалланган. Мазкур корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушининг муваффақиятли тарзда сотилиши Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Давлат мулки билан боғлиқ даромадларнинг иккинчи тури давлатга тегишли бўлган мулкларни ижарага беришдан олинадиган даромадлар ҳисобланади. Ижара тўловлари шаклидаги мазкур даромаднинг миқдори ижарага бериладиган мулкларнинг умумий майдонига ва ижара ставкаларига боғлиқдир. Россия Федерациясида 2001 йилнинг 1 июн ҳолатига, Федерал бюджетга ҳисобланган ижара тўловларининг атиги 318,0 минг рубл Федерал бюджетга келиб тушди. Ҳолбуки, мазкур даромад тури бўйича Федерал бюджетга камида 5300 млн. рубл келиб тушиши лозим эди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, *биринчидан*, жуда катта умумий майдонга эга бўлган давлат мулклари бўйича (82,7 кв. метр) янги ижара шартномалари тузилмаган; *иккинчидан*, тўлов интизомининг яхши эмаслиги сабабли 794,9 млн. рубл миқдоридаги ижара тўловлари бўйича

муддати ўтган қарздорлик мавжуд; *учинчидан*, ижара ставкалари ва умуман ижара тўловлари бўйича асоссиз имтиёзлар мавжуд.

Давлат мулки билан боғлиқ бюджет даромадларининг учинчи тури давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар ҳисобланади. Давлат мулкани сотишда компаниянинг капитализация даражаси муҳим ўрин тутади. Капитализация даражаси қанчалик юқори бўлса, давлат мулкани сотишдан олинган даромадлар миқдори шунчалик катта бўлади. Масалан, бир қатор Россия Федерациясининг давлат корхоналарида 2002-2007 йилларда капитализация даражасини кескин пасайиши кузатилган. Хусусан, «Славнефть» корхонасида 2006 йилда капитализация даражаси мавжуд 1070,2 млн. АҚШ долларидан 752,2 млн. АҚШ долларига тушиб қолган. Яъни, корхонанинг капитализация даражаси 318,0 млн. АҚШ долларига пасайган. Бу эса, корхонанинг бозор баҳосини 2006 йилда 25 фоизга пасайишига олиб келди. Россия Федерацияси ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижаси шуни кўрсатадики, «Славнефть» шўъба корхоналарининг активларини бошқа компанияларга ўтказиб юборилганлиги натижасида корхонанинг капитализация даражаси кескин пасайиб кетган. «Славнефть» корхонасининг бошқа компанияларнинг балансига ўтказиб юборилган соф активларининг миқдори 9213,0 млн. рублни ташкил қилди.

Давлат мулки билан боғлиқ даромадларнинг тўртинчи тури давлатнинг давлат корхоналарининг устав капиталига қўйган инвестицияларидан оладиган даромадлари ҳисобланади. Давлат корхоналарининг молиявий ҳолати қанчалик барқарор бўлса, улар томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендларнинг даражаси шунчалик юқори бўлади. Россия ҳукуматига йирик миқдорда дивидендлар тўловчи корхоналар бўлиб, РАО «Газпром», НКА «ЛУКойл», НКА «Ростнефть», НКА «Славнефть», АКА «Транснефть», АКА «Транснефтепродукт», РАО «ЕЭС России», ОАО «Техснабэкспорт», АК «Алроса» ва ОАО «ТВЭЛ» компаниялари ҳисобланади. Улар 2002 йилда давлат томонидан олинган жами дивидендларнинг 68,0 фоизини тўлаган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 88,0 фоизни ташкил қилди.

Мазкур компанияларнинг молиявий ҳолатининг барқарорлиги уларнинг соф фойдаси миқдорини катта бўлишига олиб келди. Натижада давлатга тегишли бўлган акцияларга тўғри келадиган соф фойда миқдорининг минимал суммаси 98712,0 млн. рублни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бюджет амалиётида давлат мулкани хусусийлаштириш билан боғлиқ даромадларнинг амалдаги ҳолатини таҳлили (5.2.1-жадвал) 2003 йилни ҳисобга олмаганда, таҳлил қилинган давр мобайнида 2004 йилдан бошлаб давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган даромадларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган.

**Давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинган даромадларнинг
Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг солиқсиз
даромадлари таркибидаги салмоғининг ўзгариши⁵⁰**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2006 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши, пунктда
	2002	2003	2004	2005	2006	
1. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари-жами (млрд.сўм)	78,4	155,1	110,8	160,2	108,4	+30,0
2.Хусусийлаштиришдан олинган даромадлар (млрд.сўм)	7,2	-	5,9	8,6	12,0	+5,2
3.Хусусийлаштиришдан олинган бюджет даромадларининг солиқсиз даромадларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи (%)	9,2	X	5,3	5,3	11,1	+1,9

Бу эса, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида улардаги ишлаб-чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш ва бир вақтнинг ўзида солиқсиз даромадлар ҳажмини ошириш борасида Европа Иттифоқи мамлакатларида бой тажриба тўпланган. XX асрнинг 90-йиллари бошларига келиб, хусусийлаштириш Франция, Бельгия, Италия, Германия, Голландия, Испания, Швеция ва Австрияда ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосига айланди. Бунинг асосий сабаби бўлиб, мана шу даврда давлат корхоналарининг молиявий ҳолатини кескин ёмонлашгани кузатилган эди.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Хорижий давлатлардан олинган молиявий ёрдамлар деганда нимани тушунасиш?
2. Хориждан олинган молиявий ёрдамлар қайси халқаро ташкилотлар томонидан берилади?
3. Хориждан олинган молиявий ёрдамларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
4. Давлатга тегишли бўлган мулкларни хусусийлаштиришдан келадиган даромадлар деганда нимани тушунасиш?
5. Давлатга тегишли бўлган мулкларни хусусийлаштиришдан келадиган даромадларнинг нобарқарорлик хусусияти нимада?

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари. 2006.

6. Давлатга тегишли бўлган мулкларни хусусийлаштиришдан келадиган даромадларнинг солиқсиз даромадлар таркибидаги аҳамияти қандай?
7. Давлатга тегишли бўлган мулкларни ижарага беришдан олинadиган даромадлар деганда нимани тушунасиз?
8. Давлат мулкани сотишдан олинган даромадларнинг солиқсиз даромадлар таркибидаги аҳамияти қандай?
9. Компаниянинг капитализация даражаси деганда нимани тушунасиз?
10. Хорижий давлатларда капитализация даражаси қандай аҳволда?

V боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1.4., 1.13., 2.1, 2.4., 3.2., 3.4., 3.7., 3.21., 4.6., 4.7., 4.19., 5.4., 5.5., 6.11., 6.13., 6.15., 6.16.

VI БОБ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР

6.1. Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилари, тўлов объекти, базаси ҳамда тўловдан чегирмалар

Ягона ижтимоий тўлов Ўзбекистонда 2004 йилдан амал қилиб келинмоқда. Солиқ кодексининг 305-моддасига биноан ягона ижтимоий тўловни тўловчилар бўлиб, юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари, Ўзбекистон

Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда жисмоний шахслар ҳисобланади.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи ва ишловчи фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (бундан кейин матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларини ҳисоблаш учун объект бўлиб, иш ҳақи тарзидаги даромадлар ҳисобланади.

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун база имтиёз сифатида белгиланган тўловлар чегириб ташланган иш ҳақи тарзида тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари базаси ҳисобланаётганда қуйидаги тўловлар чегириб ташланади:

1) амалдаги солиқ кодексининг 174-моддаси 5, 8, 9, 11 ва 12-бандларида кўрсатилган компенсация тўловлари;

2) ходимга ҳисобланадиган ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ёки хайрия жамғармаларга (шанбаликлар, якшанбаликлар ва шу кабилар учун) ўтказиладиган иш ҳақи тарзидаги даромадлар;

3) ходимнинг муҳим санаси, узоқ йиллик хизмати, жамоат фаолиятида эришган ютуқлари муносабати билан унга бериладиган рағбатлантириш тарзидаги тўловлар;

4) ходимга табиий офат, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан тўланадиган тўловлар;

5) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

**Ягона ижтимоий тўловни
ва суғурта бадалларини
ҳисоблаб чиқариш ҳамда
тўлаш тартиби**

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорига асосан 24 фоиз миқдорида белгиланган.

Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибга мувофиқ қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига - 23,5 %;
- давлат бандликка кўмаклашиш фондига - 0,3 %;
- касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига - 0,2 %.

Суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақига нисбатан 2,5% миқдорида белгиланган.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан жамғармага ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб-китоби (14-илова) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари юридик шахслар томонидан қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

- ягона ижтимоий тўлов – ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

- суғурта бадаллари – иш ҳақиға пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш вақтида.

Айрим тоифадаги жисмоний ахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадаллари миқдорини ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, қорамолларни етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликларининг аъзолари эса ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгилайдилар. Деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрий равишда амалга оширадилар.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқиға эға бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари учун суғурта бадалининг миқдори энг кам иш ҳақининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади. Тўлов топширикномасида солиқ тўловчининг идентификация рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши керак. Агар давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилайётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала: 2008 йил январ ойи учун ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатға ҳақ тўлаш фондидан Пенсия жамғармасиға ажратиладиган *ягона ижтимоий тўлов суммасини аниқланг?*

- иш ҳақи ҳисобланган – 11600 минг сўм;
- ишчи ва хизматчиларнинг йўл патталарига ажратилган харажатлар – 600 минг сўм;
- ишчиларға моддий ёрдам ажратилган – 10600 минг сўм;
- ишчиларнинг тушлик овқатларига – 930 минг сўм;
- кунлик харажатлар берилган:
меъёр чегарасида – 8950 минг сўм;
меъёрдан юқори – 7500 минг сўм;
- ярим йил якуниға асосан мукофот пули ҳисобланган – 250 минг сўм.
Энг кам минимал иш ҳақи миқдори – 12420 сўм.

2-масала: Фуқаро Ў.Расуловга иш жойидан унинг юбилейи муносабати билан мукофот пули берилди. Бундай мукофот пулига суғурта ажратмалари тўланади-ми?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланишади?
2. Фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалларининг тўловчилари кимлар?
3. Юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг суғурта бадаллари тўловчилари бўлаоладими?
4. Ягона ижтимоий тўлов маблағлари қандай тартибда жамғармаларга тақсимланади?
5. Ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалини объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Ягона ижтимоий тўловдан қандай чегирмалар назарда тутилган?
7. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадаллари қандай тартибда ҳисоблаб чиқарилади?
8. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини тўлаш тартиби тушунтиринг?
9. Микрофирма ва кичик корхоналар ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини қайси муддатда тўлашади?
10. Айрим тоифадаги жисмоний ахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари тушинтиринг?

6.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма

Мажбурий ажратма тўловчилари, объекти, базаси ва ставкалари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари пенсия ёшига етганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий ёрдам олиш бўйича конституциявий ҳуқуқга эгадирлар. Ушбу ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминот тўғрисида»ги Қонунида ҳам белгилаб берилган.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини самарали ташкил қилиш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 444-сонли қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағ тўплаш ва маблағ тўлиқ тушиши устидан назорат қилиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилди ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар солиқларга тенглаштирилди. Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг йиғма бюджети таркибига киритиладиган бўлди ҳамда Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазолар қўлланилиши, шу жумладан тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня ҳисобланиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағлар тўплаш тартиб коидалари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги "Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 498-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида 2004 йилгача амалга оширилиб келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини соддалаштириш мақсадида, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар, бандлик фондига ажратмалар ва касаба уюшмалари жамғармасига ажратмалар биргаликда ягона ижтимоий тўлов номи билан юритиладиган бўлди.

Солиқ кодексининг 312-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмани тўловчилари ҳисобланади.

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратманинг тўловчилари бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;
- ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратманинг объекти ва базаси қуйидагича белгиланган.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий
ажратмага тортиш объектилари**

№	Тўловчилар	Ажратмага тортиш объекти
1.	Воситачилик, топшириқ шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар	ҚҚС чегирилган ҳолда, воситачилик ҳақи суммаси
2.	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми
3.	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари	ялпи даромад
4.	“Ўздонмаҳсулот” АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси
5.	Кредит ва суғурта ташкилотлари	даромад
6.	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	фоизли даромад
7.	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари	маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда
8.	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми
9.	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда

Юридик шахслар бир неча хил объектларга эга бўлган ҳолларда, улар объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли қарорига асосан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма 2008 йил 1 январдан 1,0% миқдорида белгиланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби (15-илова) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:

-микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

-микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Мавзуга доир масалалар

1-масала: Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларига қаршли туманлараро база 2008 йил биринчи чорақда 52,5 млн. сўм ялпи даромадга эга бўлди. База қанча миқдорда Пенсия жамғармасига ажратма тўлаши лозимлигини аниқланг?

2-масала: Алском суғурта компанияси 2008 йил 1 чорақда суғурта хизматларидан 32 млн. сўм миқдорида даромадга эга бўлди. Ушбу даромаддан компания қанча миқдорда жамғармага ажратмага тўлаши лозим?

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?
2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?

3. Нотижорат ташкилотлар қандай ҳолатда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тўловчилари бўлишади?
4. Ягона солиқ тўловини тўловчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратма тўлашадими?
5. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларнинг объекти ва базаси қандай топилади?
6. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қандай манбалардан ташкил топади?
7. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
8. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари неча фоизни ташкил этади?
9. Жамғармага тўловларни ҳисоблаш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Жамғармага тўловларни тўлаш муддати қачон?

6.3. Республика йўл жамғармаси

Мажбурий ажратмалар тўловчилари, объекти ва ставкалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сонли “Ўзавтойўл давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарорига асосан 2003 йил 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилди ва уларнинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси тузилди. Ушбу жамғармага маблағларни йиғиш ва уни назорат қилиш вазифаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси зиммаларига юклатилди.

Солиқ кодексининг 316-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлиб қуйидаги юридик шахслар ҳисобланмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;
- ягона солиқ тўлови тўловчи юридик шахслар;

- ихтисослаштирилган йўл хўжалиги бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ишларни бажарганлик учун олинган даромадлари бўйича.

Соф тушум йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қилиб белгиланган.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун – маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун – товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун – солиқ кодексининг 148- ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромадлари;

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Юридик шахслар турли хил объектларга эга бўлган ҳолларда, улар объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлар учун белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши лозим.

**Мажбурий ажратмалар ставкалари 2008 йилда
қуйидагича белгиланган**

№	Тўловчилар	Тўлаш объекти	Тўлаш объектига нисбатан ставкалар %ларда
1	2	3	4
1.	Воситачилик, топшириқ шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар	ҚҚСни чегирган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси	1,0
2.	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда товар айланмаси ҳажми	1,0
3.	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база - конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари	Ялпи даромад	1,0
4.	“Ўздонмаҳсулот” АК корхоналари (ғалла қабул қилиш ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚСни чегирган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси	1,0
5.	Кредит ва суғурта ташкилотлари	даромад	1,5
6.	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	фоизли даромад	1,5
7.	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари	маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда	1,5
8.	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми	1,5
9.	Автотранспорт корхоналари	ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми	2,5

1	2	3	4
10.	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда	1,5
11.	"Ўзавтойўл" ДАК корхона ва ташкилотлари	Мол-мулкни сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар	50,0

Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби (16-илова) солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан – йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан – ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 54-бобига асосан Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан ташқари йиғимлар ҳам тўланади.

Йўл жамғармасига йиғимларни тўловчилар, объекти ва базаси

Республика йўл жамғармаси йиғимларига қуйидагилар киради:

- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

- чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим.

Амалдаги солиқ кодексининг 321-моддасига биноан автотранспорт воситаларини олувчи ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғими тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Йиғимлар учун объект қуйидагилардир:

- автотранспорт воситаларини олиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

- чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

Йиғимлар ундириладиган база сифатида қуйидагилар белгиланган:

- олинган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситаларининг қиймати;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганида чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

Йиғимлар ставкаси, имтиёзлар ва йиғимларни тўлаш тартиби

Автотранспорт воситаларини олиш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ёки мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар;

2) ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачаларни олувчи фуқаролар;

3) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куришни амалга оширувчи ихтисослаштирилган йўл хўжалик бошқаруви органи тузилмасига кирадиган корхоналар – мазкур ишларни амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган автотранспорт воситалари бўйича;

4) фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги

лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари – йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

5) юридик шахслар – қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, олинган кон автосамосваллари бўйича;

6) ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;

7) юридик шахслар – автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказишда;

8) қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

9) автотранспорт воситаларини 3–5-бандларида кўрсатилган юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

**Республика йўл жамғармасига ундириладиган
йиғимларнинг 2008 йилдаги ставкалари**

№	Йиғимлар турлари	фоизларда
1.	Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар:	
1.1	- сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари (шу жумладан махсус автомобиллар) нархидан. Бундан 1.2- бандда кўрсатилганлари мустасно	6,0
1.2	- сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари нархидан: қирқтагача ўтириш жойлари бўлган автобуслар; 10 тоннагача юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари	20,0

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий ва чегарадош
Давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб
кириш, олиб чиқиш ва транзит қилишдан
йиғимлар ставкалари**

№	Йиғимлар турлари	Йиғимлар ставкалари (АҚШдолл арида)
1.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик учун тўлов, бир автоташувчини олиб кирганлик учун (2-5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғим:	
	битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан	130
	юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган 8 суткадан ошган ҳар бир кун учун	50
	юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун	90
3.	Қозоғистон Республикасининг юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик ёки олиб чиқиб кетганлик учун йиғим, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транзит қилиш бундан мустасно, битта юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик ва олиб чиқиб кетганлик учун йиғим	300
4.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим	300
5.	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб автотранспорт воситалари турлари бўйича Туркманистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим:	
	- қуйидаги ҳажмдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан кўп	150
	ўриндиқлар сони қуйидагича бўлган автобуслар:	
	12 ўриндиққача	25
	13 ўриндиқдан 30 ўриндиққача	50
	30 ўриндиқдан кўп	100
	транзит йўналишли енгил автотранспорт воситалари	30
транзит йўналишли мотоцикллар	15	

Автотранспорт воситаларини олганлик ёки Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дивидендлар сифатида олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда. Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Автотранспорт воситаларини олиш ёки Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ёки техник кўриқдан ўтказиш амалга оширилмайди.

Чет давлатлар автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси худудига кирганлиги ва унинг худуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси худудига кираётганида ундирилади.

Мавзуга оид масала

Масала: Чакана савдо билан шуғулланувчи корхона асосий фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2008 йил 1 чорак учун товарларни сотишдан тушган тушум - 12000 минг сўм, корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш натижасида тушган тушуми -6600 минг сўм. Юк автомобили сотиб олинган -11000 минг сўм. *Республика йўл жамғармасига тўланиши лозим бўлган суммани аниқланг?*

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Республика йўл жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?

2. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Хўжалик юритувчи субъект бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, жамғармага ажратма қандай тартибда амалга оширилади?
4. Ажратма юридик шахсларнинг қайси даромадларидан олинади?
5. Хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганда ундириладиган тўлов қандай тартибда амалга оширилади?
6. Ставкалар қандай тартибда ва қайси мезонларга асосан белгиланади?
7. Тижорат банклари даромадларидан жамғармага неча фоиз тўловларни амалга оширади?
8. Республика йўл жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси давлат органи зиммасига юклатилган?
9. Мажбурий ажратмаларни тўловчилар ҳисоб-китобларни қайси ташкилотга тақдим этадилар?
10. Мажбурий ажратмаларни тўлашдан кимлар озод этилади?

6.4. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси

Мажбурий ажратмани тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги Фармонида мувофиқ мактаб таълимини 2004-2009 йиллар давомида ривожлантириш мақсадида бюджетдан ташқари мактаб таълими Жамғармаси ташкил этилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш мажбурий тўлови мактаб таълимини ривожлантириш 2004-2009 йиллар Давлат умуммиллий дастурига киритилди ва улар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган.

Қонунчиликка асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек кўрсатилган ажратмалар тўловчилари бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар деб ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг барча турлари ҳисобланади.

Мактаб таълимини ривожлантириш учун келиб тушадиган маблағлар бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳри Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб-касса марказида очиладиган махсус ҳисоб рақамида жамланади.

Мажбурий ажратмаларга тортиш объекти

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларга тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ялпи даромад - улгуржи ва чакана савдо қилувчи дорихона муассасалари учун;

б) комисион тақдирлаш суммаси – воситачилик хизматини кўрсатувчи дилерлар ва даллоллик корхоналар учун;

в) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда, ўз кучлари билан амалга оширган ишлар ҳажми - қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, лойиҳа қилиш, изланиш ва ва илмий-текшириш ташкилотлари учун;

г) даромад – тижорат банклари, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув шохобчалари), ким ошди савдолари, казинолар, нусха олиш ҳисобига даромад оладиган корхоналар, видео- ва аудио манбаларни ижарага берувчилардан, пуллик ютуқлар ўтказадиган ўйин автоматларини эксплуатация қилувчилар, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ҳамда оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотлар учун;

д) лизингга берувчининг даромади (маржа) – лизинг компаниялари учун;

е) товар айланмаси ҳажми – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, тайёрлов, таъминлов-савдо ташкилотлари учун;

ж) маҳсулотнинг (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан, бунда иссиқлик таъминловчи корхоналари–иссиқлик энергияси, сув, газ билан таъминловчи табиий газларнинг сотиб олиш нархи чегириб ташланганда – коммунал хўжалигининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун;

з) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланганда, реализация қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажми – иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар учун.

Мажбурий ажратма ставкаси ва имтиёзлар, уни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиби

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар тўлашдан нотижорат ташкилотлар озод этилади, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромади ва тушумлари бундан мустасно.

Жамғармага тўланиши лозим бўлган мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар суммаси белгиланган мажбурий ажратмаларга тортиш объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўловчилар томонидан аниқланади.

Мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоблари (17-илова) тўловчилар томонидан давлат солиқ хизматининг органларига белгиланган тартибда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, ўсиб борувчи якун билан ҳар ойда тақдим этилади.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар ҳар ойда ҳисоб-китоблар тақдим қилиш муддатидан кечиктирмай тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кеч

иктирмай, Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-кунидаги ҳолат бўйича ҳисобланган ва тушган мажбурий ажратмалар суммалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича мазкур ажратмалар бўйича қарздорлик тўғрисидаги тезкор ҳисоботни тақдим этади.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси мажбурий ажратмалар тўловларидан тушган маблағларга тегишли бўлган қўшимча маълумотларни Давлат солиқ қўмитасидан сўраш ҳуқуқига эга.

Мактаб таълимига мажбурий ажратмалар тўловчилари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур тўловнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавоб берадилар.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси мажбурий ажратмаларнинг келиб тушган суммаларнинг мақсадли ишлатилиши учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат давлат солиқ хизматининг органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, давлат солиқ хизматининг органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси қачон ва нима мақсадда ташкил топган?
2. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари кимлар?
3. Корхона бир нечта фаолият тури билан шуғулланса, у ҳолда жамғармага ажратма қандай тартибда амалга оширилади?
4. Ажратма корхоналарнинг қайси даромадлари ҳисобига шаклланади?

5. Мажбурий ажратмалар ставкалари қандай тартибда ва қайси мезонлар асосида ўрнатилади?
6. Лизинг хизмати кўрсатадиган корхоналар учун жамғармага тўловларни амалга ошириш объекти бўлиб нима ҳисобланади?
7. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тушумларни тушушини назорат қилиш қайси давлат органи зиммасига юклатилган?
8. Мажбурий ажратмаларни тўловчилар ҳисоб-китобларни қайси ташкилотга тақдим этадилар?
9. Мажбурий ажратмаларни тўлашдан кимлар озод этилади?
10. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси қандай ҳуқуқларга эга?

VI боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1.4., 1.12., 1.13., 2.2., 2.8., 3.5., 3.27, 3.37., 4.12., 6.9., 6.10., 6.14., 6.15.

VII. БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ҚОНУНБУЗИЛИШЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ОМИЛИ

7.1. Солиққа оид қонунбузулишларга солиқ тизими орқали таъсир этишининг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида ҳар бир фуқаронинг қонун томондан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти кўрсатилган.⁵¹

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқларни ўз вақтида тўламаслик, солиқ базасини яшириш, ҳисобга олинмаган операцияларни амалга ошириш ва сохта битимлар тузиш йўли билан солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиққа оид қонунбузулишларнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Солиққа оид қонунбузулишлар давлат бюджетининг даромадлари ҳажмига бевосита таъсир қилади, чунки давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ тушумларидан иборатдир. Бундан ташқари, солиққа оид қонунбузулишлар иқтисодий таракқиётга ҳам кучли тарзда салбий таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир давлат томонидан солиқ ставкаларининг оширилишида, янги солиқ турларининг жорий этилишида ва бюджет харажатларини молиялаштириш мақсадларига банк тизимининг кредитларини кенг кўламда жалб қилиниши орқали инфляциянинг ва бюджет харажатларининг ошишида намоён бўлади.

Солиқ илмининг таниқли намоёндалари Г.Стайн, М.Бернст, А.Лафферлар солиқлар солиқ тўловчиларнинг хўжалик фаолиятига жиддий зарар етказмасликлари, уларнинг ишлаб-чиқаришдан манфаатдорликларини пасайтирмасликлари лозим, деган хулосага келишган. Уларнинг фикрига кўра, юқори солиқлар ишлаб чиқарувчилар ва ишчиларнинг солиқ тўлашдан кейин қоладиган маблағлар ҳисобидан оладиган ижтимоий тўловлар суммасини сезиларли даражада қисқаришига олиб келади. А.Лаффер ва уларнинг тарафдорлари чегаравий (мукаммал) солиқ ставкаларининг муҳимлигини эътироф этганлар, чунки бу ставкалар кўшимча жамғарма ва инвестициялаш хусусида қарорлар қабул қилишга бевосита таъсир кўрсатади.⁵²

Солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари ва давлат бюджети даромадларининг миқдори ўртасидаги миқдорий боғлиқликни таҳлил қилар

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси конституцияси: XIX чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -18 б.

⁵² Макконелл К.Р., Бю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2Т. Пер. с англ. II-го изд. Т1. – М.: Республика, 1993. – С. 356.

экан А.Лаффер, солиқларнинг камайиши тадбиркорларнинг инвестицион фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосага келди.

А.Лаффернинг фикрига кўра, агар муваффақиятли ишлаётган бозор юқори ва прогрессив солиқлар шаклидаги тобора кучайиб бораётган дискриминацияга дуч келса, у ҳолда хўжалик субъектларининг иқтисодий фаоллиги пасаяди. Солиқ ставкаларининг ўсиши ўзларининг маълум даражасигача солиқ тушумларининг ўсишини рағбатлантиради, кейин эса бу ўсиш секинлашади ва пировард натижада, давлат бюджети даромадларини кескин тарзда камайиши юз беради.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган солиқ тизимларини шартли равишда иккига бўлиш мумкин.

1) Америкача солиқ тизими.

2) Шведча солиқ тизими.

Солиқ тизимининг Америка модели тадбиркорларга солиқ тазъийқининг минимал даражасига асосланади. Аммо бунда тадбиркорларнинг ихтиёрида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш учун зарур бўлган сезиларли даражадаги маблағлар қолади. Швецияда солиқлар даражаси Европадаги бошқа давлатлардаги солиқларга нисбатан сезиларли даражада юқори, аммо Швецияда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг дунёдаги энг барқарор тури мавжуддир. Айни вақтда, шуни эътироф этиш лозимки, Швецияда кейинги вақтларда солиқ юқининг оғирлиги туфайли салбий иқтисодий ҳолатларнинг юзага келаётганлиги бир қатор иқтисодчи-олимлар томонидан эътироф этилмоқда.⁵³ Швецияда ишлаб чиқарувчилар солиқ юқининг оғирлиги ҳисобидан ижтимоий дастурларни молиялаштириш ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш масаласи муваффақиятли тарзда ҳал этилмоқда, аммо ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатдан манфаатдорлигининг пасаяётганлиги, капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетиш жараёнлари кучаяётганлиги сезилмоқда.

Ҳозирги вақтда хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолияти кўпроқ байналминал характерга эга бўлиб, бу ҳолат товарлар, меҳнат ресурсларини, молиявий ва реал инвестицияларни доимий равишда бир давлатдан иккинчи давлатга ўтишини таъминламоқда. Бу тенденцияни келгусида янада кучайтиришни тасдиқловчи зарурий далиллар мавжуд. Иқтисодий фаолиятнинг байналминаллашуви турли солиқ тизимларига эга бўлган мамлакатлар ўртасида амалга ошмоқда. Шунга мувофиқ, бу мамлакатлар амалга ошираётган солиқ сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиққан солиқ юқининг даражаси бўйича ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Солиққа тортишнинг паст даражасига эга бўлган ҳар қандай давлат инвестицияларни

⁵³ Нечаев А. Налоговая система подталкивает бизнес к уходу в теневой сектор. // Финансовые известия. – 1995. - №56. – С. 4.

жойлаштириш учун нисбатан жозибадор ҳисобланади. Шу муносабат билан айрим хорижлик иқтисодчи-олимлар капиталларни жаҳон миқёсида самарасиз тақсимлаш тенденциясининг кучаяётганлигидан ташвишга тушмоқдалар. Уларнинг фикрига кўра, капиталларни жаҳон миқёсида тақсимлашнинг асосий мезони бўлиб, инвестицияларнинг солиққа тортишгача бўлган даромадлилик миқдори эмас, балки у ёки бу мамлакатда солиқ юкининг даражаси ҳисобланмоқда.⁵⁴

Шундай қилиб, солиқ ставкасининг маълум даражага етиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган рағбатни сўндиради, солиққа тортиш базасига кирувчи даромадларнинг маълум қисмини хуфёна иқтисодиётга ўтиб кетишига сабаб бўлади.

А.Лаффер назариясини танқидий жиҳатдан ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, унда солиқ стандартининг қабул қилиниши билан уни амалга ошириш ўрасидаги фарқ ҳисобга олинмаган.

А.Лаффер назариясининг иккинчи камчилиги шундан иборатки, солиқларнинг камайиши таклифга қараганда талабга кўп таъсир кўрсатади, бу эса дастлаб йирик бюджет дефицитини юзага келтиради, кейин эса инфляциянинг кучайишига олиб келади.

А.Лаффер назариясининг учинчи камчилиги шундан иборатки, эгри чизикнинг айнан қайси нуқтасида солиқларни камайитириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтда иқтисодиёт нормал ҳолатга тушишини билиб бўлмайди .

Умуман олганда солиққа оид қонунбузилишлар ва солиқ тизими ўртасида иккиёқлама алоқадорлик мавжуддир. Бир томондан солиқ юкининг оғир эканлиги, солиққа оид қонунбузилишларнинг кучайиши учун замин яратса, иккинчи томондан, солиқ тўловчиларнинг ноҳалол, нопок эканлиги ҳамда уларда моддий бойликга ружу қўйиш кайфиятининг кучайиши солиққа оид қонунбузилишларни юзага келтириш орқали солиқ тизими ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Хуфёна иқтисодиёт ва солиққа оид қонунбузилишларни ўрганишга бағишланган илмий изланишларнинг натижалари шуни кўрсатадики, солиққа оид қонунбузилишлар хуфёна иқтисодиётнинг ядросини, яъни ўзагини ташкил қилади. Қонунда кўзда тутилган солиқ мажбуриятларини бажаришдан онгли равишда бўйин товлаш солиқ қонунбузилишларининг моҳиятини ташкил қилади.⁵⁵

⁵⁴ Tanzi V. Taxation in an Integrating World. – Washington.: The Brookings Institut, 1995. – с 134; Farmer P., Lyal R. EC Tax Law.-Oxford.: Clarendon Press, 1994. –С. 297.

⁵⁵ Макаров Д.Г. Уголовный кодекс в борьбе с теневой экономикой. Проблемы и перспектив. //Налоговый вестник. –2000. №1. -С. 120.

М.П.Гуровнинг фикрига кўра, солиққа оид жиноятлар иқтисодий жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва хуфиёна иқтисодиётнинг янада ривожланиши учун моддий замин яратади.⁵⁶

Солиқ қонунчилигини бузиш ҳолларининг кўпайиши нафақат солиқ юки даражасининг ошишига, балки солиқ юкининг солиқ тўловчилар ўртасида нотенг тақсимланишига ҳам боғлиқдир.

Классик иқтисодчи олимлардан бири, солиққа тортиш назариясининг асосчиси А.Смит 1776 йилда ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидаги тадқиқотлар» номли китобида солиққа тортишнинг куйидаги тамойилини шакллантирди: аниқлик, қулайлик, тежамкорлик, адолат тамойиллари. Солиққа тортишнинг адолат тамойилига мувофиқ, давлатнинг ҳар бир фуқароси давлат харажатларини молиялашда ўзининг даромадлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қатнашиши шарт. Иқтисодий нуқтаи-назардан олиб қараганда, адолат тамойили давлатнинг солиқлари ва харажатлари солиқ юкини баъзи одамлар зиммасига юклаш ва ундан бошқа одамларнинг фойдаланишини таъминлаш йўли билан даромадларни тақсимлашга таъсир кўрсатади.

Хорижий иқтисодий адабиётларда мазкур тамойилларнинг икки жиҳати мавжуд: горизонтал ва вертикал. Горизонтал адолатлилик тамойилига кўра солиқ тўловчилар тенг мавқега эгадирлар ва шу сабабли бир хил миқдорда солиқ тўлашлари керак. Ушбу тамойил асосида «ундириладиган солиқлар суммаси тўловчиларнинг даромадлари миқдорига тўғридан-тўғри йўналтирилганлиги ҳақида»ги ғоя ётади. Вертикал адолатлилик тамойилига кўра эса, солиқ тўловчилар ўзаро нотенг мавқега эгадирлар, шунинг учун улар бир хилда солиқ тўламасликлари лозим. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тамойилга кўра, «давлатдан ким кўп маблағ ёки неъматлар олаётган бўлса, ўша кўпроқ солиқ тўлаши керак».

В.Петти ўзининг «Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида трактат» номли асарида таъкидлайдики, «аҳолининг солиқларни тўлашни хоҳламаслиги солиқларнинг нотенг ундирилиши ва тақсимланишидадир».

Таниқли рус иқтисодчи-олимларидан бир А.И.Тургенев солиққа тортишнинг асосий қоидаларидан бири сифатида солиқларни тенг тақсимлашни таклиф қилади. Унинг фикрига кўра, солиқ тўловчилар ўртасида солиқларни тенг тақсимлаш солиқ тўловчиларнинг даромадларига мос келиши керак. Бутун бошли «халқ синфларини» солиқ тўлашдан озод этиш мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, республика миқёсида ва маҳаллий миқёсда қўлланиладиган кўплаб солиқ имтиёзлари солиқ юкини мураккаблаштиради.

⁵⁶ Гуров М.П. Теневая экономика: сущность, структура и особенности проявления в условиях перехода к рыночной экономике в России: Автореферат канд. экон. наук. –СПБ., 1998. –С. 14.

Бундай имтиёзлардан жисмоний ва юридик шахсларнинг маълум тоифалари фойдаланиладилар. Натижада ундирилмаган солиқ суммалари солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдиган юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилади. Бунинг психологик жиҳати шундаки, корхоналарнинг раҳбарлари нима учун бошқалар тўламайдиган солиқни биз тўлашимиз керак деган хулосага келадилар. Бу хулоса амалиётда солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликни бузган ҳолда солиқ тўловларини минималлаштиришга уринишни юзага келтиради.

Ривожланаётган давлатларнинг солиқ тизимига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки, уларда хўжалик субъектларининг солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари давлат бюджети харажатларини молиялаштириш муаммосини юзага келтирувчи омил даражасига кўтарилган. Масалан, Россиялик иқтисодчи В.Зябриковнинг фикрига кўра, «Россия Федерациясида солиқлар бўйича ундирилмаган сумма тахминан солиқ тўловлари миқдорига тўғри келади, бу эса Россия солиқ тизимини бошқариб бўлмайдиган ҳолатга яқинлаштиради».⁵⁷ Бошқа иқтисодчи-олимларнинг фикрига кўра, даромадларни яшириш ва солиққа тортишнинг бошқа объектларини нотўғри кўрсатиш натижасида мамлакат йиғма бюджетига ҳар йиллик солиқ тушумларининг 30 фоиздан 50 фоизгача бўлган қисми тушмаяпти.⁵⁸

Ўзбекистон Республикасида вақтида ундирилмаган солиқ тушумларининг давлат бюджетининг жами даромадларига нисбатан салмоғи ўртача 24,0 фоизни ташкил қилади.⁵⁹

Солиққа оид қонунбузилишларнинг типик кўринишларидан бири – хўжалик субъектлари томонидан тегишли рухсатномага эга бўлмасдан, солиқ инспекцияларига солиқ ҳисобини, баланс ҳисоботларини топширмасдан молия-хўжалик фаолиятини юритиш ҳисобланади. Айрим ҳолларда солиқ органларига субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мавжуд эмаслигидан гувоҳлик берувчи тегишли солиқ ҳисоби, баланслар топширилади. Аммо, кўпинча, солиқ органи ходимлари томонидан жойига бориб хужжатли текшириш ўтказилганда субъектлар томонидан мавжуд фаолиятнинг ҳақиқатда бўлганлиги аниқланмоқда.

Солиққа оид қонунбузилишларнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, ноқонуний характердаги операцияни корхонанинг бухгалтерия хужжатларида акс эттирилмаслиги ҳисобланади. Бундан кўзланган мақсад амалга оширилган ҳисоб-китобларни имконият қадар ишончли тарзда яшириш ҳисобланади. Бунда ҳисобга олинмаган нақд пул маблағлари

⁵⁷ Зябриков В.В. Налоговое планирование как способ согласования интересов фирмы и государства: Автореферат дис. кан. экон. наук. –СПб., 1997. –С. 7.

⁵⁸ Пансков В.Г. Налоговое бремя в российской налоговой системе. //Финансы. –1998. №11. –С 20.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

воситасида ҳисоблашиш кенг тарқалган. Кўпчилик ҳолларда нақд пуллар улгуржи ва чакана савдо ўртасидаги муносабатларда ҳисобдан чиқиб қолади. Чунки, бу ерда сохта ҳужжатларнинг асосий қисми юзага келади.

Улгуржи-чакана тижорат структуралари ўрнатилган касса лимитидан ортиқча харажат қилишга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги пул-кредит комиссияси томонидан нақд пулда тўловларни амалга ошириш рухсат этилмаган операцияларни бажаришга йўл қўядилар, улар кўпчилик ҳолларда олинган нақд пулларни кассага кирим қилмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг назорат-касса машиналарини чакана савдо тизимида қўллаш ва касса интизомига риоя этиш хусусидаги бир қатор қарорлари ва кўрсатмалари мавжуд бўлишига қарамасдан, чакана савдо шахобчаларида назорат-касса машиналарини тўлиқ жорий этиш имкони бўлмайдди. Айниқса, товарни бевосита омборхонадан оладиган чакана савдо корхоналари бўйича бу жараённи назорат қилиш самарасиз ҳисобланади.

Кейинги вақтларда амалиётда йирик саноат корхоналари томонидан пул маблағларини шўъба корхоналари орқали ноқонуний тарзда ўзлаштириш ҳоллари учрамоқда. Бунда корхона ўзига тегишли пул маблағларининг маълум қисмини шўъба корхонасининг ҳисоб-рақамига ўтказди. Ўз навбатида, мазкур шўъба корхонаси пул маблағларини сохта шартномалар орқали хорижий давлатларга ўтказиб беради ёки сохта кирим-чиқим ҳужжатлари орқали нақд пулга айлантирилади ва ўзлаштирилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирга қадар бартер битимларининг ҳисоб-китоблар ҳажмидаги салмоғи юқоридир. Бу ҳолат солиқни тўламаслик учун муҳим замин яратади. Ўзбекистон Республикасида корхоналар ва ташкилотлар ўртасида бартер асосида ҳисоблашиш амалиётига чек қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида векселлар муомаласи вақтинчалик тўхтатилган, лекин Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина давлатларида векселлар муомаласи мавжуд бўлиб, у солиқ тўловларига салбий таъсир қилмоқда. Бунинг боиси шундаки, вексел юридик шахслар ўртасида ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ўзаро ҳисоблашиш шакли бўлиб, кўпчилик ҳолларда солиққа тортиш базасининг камайишига, солиққа оид қонунбузилишларнинг кўпайишига олиб келади.

Солиққа оид қонунбузилишларнинг кучайиши ва бюджет даромадларининг миқдори ўртасидаги иккиёқлама характерга эга бўлган боғлиқлик солиқлардан онгли равишда бўйин товлаш ҳолатларига илмий асосда баҳо бериш заруриятини юзага келтиради.

7.2. Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий усуллари

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда солиқ мажбуриятларидан солиқ тўловчиларнинг бўйин товлаши масаласи долзарб ҳисобланади. Хорижий давлатларнинг иқтисодий адабиётларида солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллари туркумлаш масалаларига катта эътибор берилиб келинади. Масалан, К.А.Перцхалава мазкур усулларни хўжалик операцияларининг турларига боғлиқ равишда туркумлашни тавсия қилади.⁶⁰ Лекин, мазкур ёндошув бир қатор камчиликларга ҳам эга. Жумладан, муаллиф солиқдан бўйин товлашнинг ишлаб чиқариш харажатларини ўзгартириш усулини ва ходимлар сонини расман ошириш усулини алоҳида гуруҳларга ажратади. Ҳолбуки, ходимлар сонининг расман оширилиши корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархининг ошишига олиб келади. Чунки, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашё ва материаллардан кейинги ўринда турувчи харажатлар ҳисобланади. Демак, меҳнат ҳақи харажатларининг ўсиши ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши сифатида баҳоланиши мумкин.

Рус олими И.Кучеров томонидан таклиф қилинган туркумлаш мезони кўпроқ реал амалиётга мос келади. И.Кучеров солиқдан бўйин товлаш усуллари туркумлашда солиқ механизмининг элементларини ва уларнинг қай усулда таъсир қилишини ҳисобга олишни таклиф қилади.⁶¹ Аммо шуни эътироф этиш лозимки, *биринчидан*, солиққа тортиш объектини нотўғри кўрсатиш ва солиққа тортиш базасини камайтириш имконини берувчи иқтисодий кўрсаткичларни сохталаштириш усуллари алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки солиққа тортиш объектлари хусусида нотўғри маълумотлар бериш бевосита иқтисодий кўрсаткичларни сохталаштириш орқали амалга оширилади; *иккинчидан*, солиқ тўловчиларнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида сохта маълумотларнинг мавжудлиги натижасида солиққа тортиш базасининг қисқариши усули И.Кучеров томонидан таклиф қилинган туркумлашда ўз аксини топмаган.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш усуллари қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) *Солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига солиқ ҳисоб-китоби ва бухгалтерия ҳисоботларини топширмасликлари.*

⁶⁰ Перцхалава К.А. Выявление и первоначальный этап расследования уклонений от уплаты налогов или страховых взносов в государственные внебюджетные фонды. Дис. на соис. уч. степени к.э.н. –М., 1999. –С. 86.

⁶¹ Ковалевская Д.Е. Налоговые преступления в уголовном праве Российской Федерации. //Налоговый Вестник. –2000. №11. –С. 101.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчилар қонунда кўрсатилган муддатда солиқ органларига ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ ҳисоб-китобини, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини тақдим этишлари шарт. Аммо, ушбу усулни қўллашда молия-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун солиқ органларига ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ органларига «ноллик» балансларни, молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширилмаганлиги тўғрисидаги сохта маълумотларнинг берилиши ҳам мазкур усулга киради. Республикамизда ҳозирги вақтда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг биринчи усулини фуқароларга нисбатан қўллашнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас.

2) Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ назоратидан четда қолиши.

Солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида ҳар бир солиқ тўловчи корхонанинг жойлашган ўрнига кўра, фуқароларни эса, яшаш жойларига кўра солиқ органларида ҳисобда туришлари шарт.

Молиявий-ҳўжалик фаолиятини юритишни солиқ органларидан яшириш солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг жуда кенг тарқалган усулларида бирига айланган. Айрим ҳолларда корхоналар томонидан умуман, жорий даврда молиявий-ҳўжалик фаолиятини юритилмаслик тўғрисида сохта маълумотлар берилади. Шунинг учун ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза қабул қилинаётганда амалдаги қонунчиликка кўра хусусий тадбиркор ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Ҳисобга олиш масаласида ташкилот томонидан ариза берилганда тегишли тартибда тасдиқланган қўйидаги ҳужжатларнинг бир нусхаси тақдим этилади. Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар мазкур усулни амалга оширишда тадбиркорни рўйхатдан ўтказишда сохта ёки ўғирланган ҳужжатлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида ҳисобга қўйилади. Шундай қилиб, солиқ тўловчининг молиявий-ҳўжалик фаолияти бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Мазкур усулни қўллаш, кўпчилик ҳолларда, «**бир кунлик фирма**» ларнинг юзага келишига олиб келади. Уларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш бир ёки бир неча молиявий-ҳўжалик операциясини бажариш мақсадида амалга оширилади. Кўзда тутилган операциялар амалга оширилгандан сўнг, мазкур фирма тугатилади. Мана шундай фирмаларнинг юзага келиши ва фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи манзилли қонуний меъёрларнинг мавжуд эмаслиги давлат бюджетига жиддий зарар етказди.

3) Солиқ тўловчининг молиявий-ҳўжалик фаолиятлари натижаларини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаслиги.

Мазкур усулдан фойдаланиш, асосан, корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида айрим битимларни акс эттирилмаслигида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонунига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг барча операциялари бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида ўз аксини топиши шарт. Ана шу бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига асосан бухгалтерия ҳисоби юритилиши лозим. Шунинг учун ҳам айрим операцияларни яшириш мақсадида солиқ тўловчилар бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини йўқ қиладилар ёки уларни расмийлаштирмайдилар. Ўзбекистон Республикаси шароитида, товарларни сотиш натижасида олинган нақд пулларни кассага кирим қилмаслик ҳолатлари мазкур усул намоён бўлишининг асосий шакли ҳисобланади. Мазкур усулни амалга ошириш аҳоли билан ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарисиз ва харидорларга чек бериш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ҳеч кимга сир эмаски, республикамиз банк тизимида нақд пулларнинг ҳисоб-китоб чеклари берилди. Бундан савдо корхоналари сезиларли ноқонуний даромад олишга эришади, чунки чеклар маълум дисконт билан қабул қилинди.

4) Солиққа тортиладиган базани камайтириш имконини берувчи иқтисодий кўрсаткичларни ноқонуний ўзгартириш йўли билан солиққа тортиш объекти хусусидаги маълумотларни сохталаштириш.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортиш объектлари сифатида мулк, фойда, даромад, сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати майдонга чиқади.

Солиққа тортиш объекти солиққа тортишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади ва у солиқ юкини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Солиқ тўловчининг жисмоний ёки юридик шахс эканлиги, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишга хос бўлган хусусиятлар солиққа тортиш объектининг миқдorigа бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса солиқ тўловчига ноқонуний асосда солиқ юкини камайтириш имконини беради.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида солиқ ставкалари белгиланган. Буларнинг устига солиқ имтиёзлари ҳам солиқ тўловчиларнинг ҳар бир тоифаси учун алоҳида қилиб белгиланган.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мазкур усулидан фойдаланиш ўзига хос тарзда амалга ошириладигани, бунинг натижасида солиққа тортиш объектининг ҳақиқий миқдори унинг эълон қилинган миқдоридан сезиларли даражада юқори бўлади.

5) «Сохта экспорт» операцияларини амалга ошириш йўли билан қўшилган қиймат солигини ноқонуний қоплаш.

Маълумки, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш бўйича оборотлар ҳисобланади. Давлат бюджетига тўланадиган солиқ суммаси сотилган маҳсулотлар (хизматлар,

ишлар) учун харидорлардан олинган солиқ суммаси билан мол етказиб берувчиларга тўланган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигига кўра экспорт қилинаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинган. Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мазкур усулидан фойдаланиш куйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- экспорт қилинаётган товар ҳақиқатда мамлакат чегарасидан чиқмайди, экспортчи корхона бюджетдан қўшилган қиймат солиғини ундириш учун божхона органларининг сохта муҳридан фойдаланади.

- олиб чиқиб кетилаётган товарлар атайин юқори баҳоларда акс эттирилади.

- қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджетдан қоплаш суммасини ундириш учун амалда битта экспорт битими бўйича бир неча солиқ тўловчилар мурожаат қилишади.

Солиқдан бўйин товлаш мазкур усулининг намоён бўлиш шакллари билан бири қўшма фаолият хусусидаги шартномани расмийлаштириш йўли билан битимни яшириш ҳисобланади.

Айрим шахслар икки ёки ундан ортиқ кишидан иборат юридик шахс мақомига эга бўлмаган уюшмалар ташкил этадилар. Бундан мақсад ноқонуний асосда фойда олиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ уюшган корхоналарнинг ихтиёрида солиқ тўлагандан кейин қоладиган маблағлар фойда солиғига қайта тортилмайди. Ушбу усул ҳамкорлик асосида молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда пул маблағлари ва бошқа мулкларни солиқ тўлашдан бўйин товлаш мақсадида қайтариб олмаслик шarti билан беришда ва солиққа тортишнинг имтиёзли режимидан ноқонуний равишда фойдаланишда ишлатилади.

б) Нотижорат ташкилотлари томонидан фойда солиғига тортилмайдиган асосий фаолият тури баҳонасида тижорат фаолиятини юритиш.

Мазкур усулнинг мавжудлиги, фаолияти фойда олишни кўзламайдиган ташкилотларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу ташкилотларнинг асосий фаолият тури бўйича пул маблағлари солиққа тортилмайди, аммо уларнинг тижорат фаолиятидан олинган даромадлари фойда солиғига тортилади. Улар нотижорат фаолият шаклида тижорат фаолиятини амалга оширадилар. Бу усул нотижорат ташкилотлари томонидан таълим хизматларини кўрсатишда, асосий воситаларни ижарага беришда кўп қўлланилади. Улар, одатда, таълим хизматлари кўрсатишдан олинган пул маблағларини аъзолик бадаллари сифатида расмийлаштирадилар, ижарага

берилган асосий воситалардан келган тушумларни эса хайр-эхсон бадаллари сифатида расмийлаштирадилар.

7) Акциз солиғига тортиладиган товарларни акциз солиғига тортилмайдиган товарлар сифатида ишлаб чиқариш ва сотиш.

Ўзбекистон Республикасида акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Фақат пахта толаси, заргарлик буюмига акциз солиғи ставкалари ҳамда акциз солиғини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. «Уздэуавто» АЖ автомобилларига акциз солиғини Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан бирга белгилайди.

Акциз солиғи тўлайдиган ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган барча хўжалик операциялари бирламчи бухгалтерия хужжатларида акс этган бўлиши керак. Солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мазкур усулида солиқ тўловчилар бирламчи бухгалтерия хужжатларидаги маълумотларни сохталаштирадилар.

Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган товарлар акциз солиғига тортилмайди. Лекин, шу товарларни бевосита ишлаб чиқарувчилар экспорт қилинаётганда улар солиққа тортилмайди. Мазкур усулни қўллашда солиқ тўловчилар экспорт операциялари ҳақиқатда амалга оширилмаган шароитда акциз солиғи бўйича берилган енгилликлардан ноқонуний тарзда фойдаланадилар.

Шуниси характерлики, нафақат акциз солиғи, балки бошқа солиқ турлари бўйича ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулларида ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Жумладан, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқни тўлашдан бўйин товлаш усулларида хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш жараёнини техник жиҳатдан қайта куроллантириш, реконструкция қилиш, уй-жой қурилиши каби фойда ҳисобидан молиялаштириладиган харажатлар юзасидан берилладиган солиқ имтиёзлари суммасини ошириб кўрсатиш;

- корхонанинг балансида турган ижтимоий-маданий муассасаларни сақлаш юзасидан берилладиган солиқ имтиёзлари суммасини ошириш;

- ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1991-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналарга фойда солиғидан берилган имтиёз суммасидан ноқонуний тарзда фойдаланиш;

- бошқа шу каби хусусиятлар.

Қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаш усулларида фойдаланишга хос бўлган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- ўзаро ҳисоблашишлар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобламаслик;

- солиқ декларацияларида қўшилган қиймат солиғи суммаларини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш;

- бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ноқонуний тарзда ошириб кўрсатиш;

- қўшилган қиймат солиғи бўйича пул омонатлари, жорий ҳисобварақлар, тўловлар, ўтказмалар, чеклар ва бошқа қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар бўйича берилган солиқ имтиёзларидан ноқонуний тарзда фойдаланиш;

- ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотиш ҳажмини асоссиз равишда ошириб кўрсатиш;

- бошқа хусусиятлар.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан бўйин товлаш усулларида фойдаланишга хос бўлган асосий хусусиятлар нақд пулда олинган даромадлар бўйича қуйидагилардан иборат:

- йирик миқдорда моддий ёрдамлар олиш фактини яшириш;

- қайтариб бермаслик шарти билан олинган ссудалар суммасини кўрсатмаслик;

- жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда даромадларни тўлик кўрсатмаслик;

- ўз вақтида декларацияни солиқ органларига тақдим этмаслик;

- бошқа хусусиятлар.

Юқорида қайд этилган усуллардан сезиларли даражада фарқ қилувчи усуллар гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, бу гуруҳдаги усуллар миждознинг пул маблағлари хусусидаги маълумотларни сохталаштириши натижасида пайдо бўлади. Мазкур гуруҳга мансуб бўлган усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) ҳисоб-китобларнинг маълум қисмини нақд пулларда амалга ошириш ва нақд пулда олинган тушумларни айланма кассага кирим қилмаслик.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонунининг 7-моддасининг 3-бандига мувофиқ, солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг ҳисоб-рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан инкасса топшириқномаси қўйиш йўли билан ундириб олинади.

Айрим корхоналар олаётган тушумларини солиқ органларининг инкасса топшириқномалари асосида тўланишига йўл қўймаслик мақсадида нақд пулда олинган тушумларни айланма кассага кирим қиладилар, лекин ҳисоб-рақамига кирим қилмайдилар, кассага кирим қилинган нақд пуллар

ҳисобдор шахсларга бериш, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашиш каби мақсадларга харажат қилинади.

б) бюджетдан қарздорлик (боқиманда) мавжуд бўлган шароитда ҳисоб-китобларни учинчи шахс орқали амалга ошириш.

Мазкур усулдан фойдаланишдан кўзланган мақсад солиқ тўловчининг жорий ҳисоб-рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан мажбурий тартибда ундирилиши лозим бўлган солиқ тўловларидан бўйин товлаш ҳисобланади. Бундай шароитда товарларни сотиш натижасида олинадиган тушум суммасини солиқ органининг инкасса топшириқномасига асосан олиб кўйилишига йўл қўймаслик мақсадида мол етказиб берувчи харидордан тўлов суммасини учинчи шахснинг жорий ҳисоб-рақамига ўтказишни талаб қилади.

Мазкур усулдан фойдаланиш кўламини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири – боқимандалар суммаси мутлақ миқдорининг таҳлил қилинган давр мобайнида сезиларли равишда ўсиши ҳисобланади.

Умуман олганда солиқ мажбуриятларидан бўйин товлаш усуллари умумий белгиларига кўра аниқ гуруҳларга бўлинади. Бундан ташқари, ҳар бир солиқ тури бўйича ушбу усуллардан фойдаланишга хос бўлган хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар, пировард натижада солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллари моҳиятини очишга хизмат қилади.

7.3. Солиққа оид қонунбузилишнинг олдини олиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш жараёнларининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, республикамизда бу борадаги қонунбузарликлар, асосан, қўшилган қиймат солиғи, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ва акциз солиғини тўлаш жараёнида учрамоқда. 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига, давлат бюджетига ўз вақтида ундирилмаган солиқларнинг 38,7 фоизи қўшилган қиймат солиғининг ҳиссасига, 16,0 фоизи юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳиссасига, 12,1 фоизи эса акциз солиғининг ҳиссасига тўғри келди.⁶² Агарда Россия Федерациясида ўз вақтида ундирилмаган солиқ тўловларининг таркибига назар солсак: корхона фойдасидан олинган солиқ – 43,0 %, қўшилган қиймат солиғи – 28,4 %, йўл фондига ажратмалар – 6,7 %, фуқаролардан олинган даромад солиғи – 3,7%, акцизлар – 1,2 фоизни ташкил этган.⁶³

⁶² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг жорий ва йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁶³ Кучеров И.И. Налоговые преступления. –М.: Юринфор. 1997. –С 40.

Маълумотлардан кўринадикки, давлатга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш натижасида етказилган зарарларнинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойдаси дан олинандиган солиқларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, давлат бюджети даромадларининг шаклланиш жараёнига бевосита ва кучли салбий таъсирни юзага келтиради, чунки мазкур солиқ турлари бўйича тушумлар суммаси давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида сезиларли салмоқни эгаллайди.

Юридик шахслардан олинандиган фойда солиғи бўйича зарарлар суммасининг катта эканлиги солиқ назоратини етарли даражада такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатдики, солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг қуйидаги 2 усули жуда кенг тарқалган:

а) товар таннархини асосиз равишда ошириб кўрсатиш;

б) сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлардан олинган тушум суммаларини яшириш.

Мазкур усуллардан биринчи навбатда корхоналар фойдасидан олинган солиқ ва қўшилган қиймат солиғини тўлашда кенг фойдаланилмоқда. Бу эса, давлат бюджетига жиддий зарар етказди. Чунки қўшилган қиймат солиғи ва корхона фойдасидан олинган солиқ давлат бюджети даромадларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг барқарорлик хусусиятига эга бўлган асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг солиқ амалиётидаги ҳолатлар шуни тасдиқлайдики, масалан, Францияда қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари жуда кенг тарқалган бўлиб, бу пировард натижада солиқ тўлашдан бўйин товлаш миқёсини ялпи миллий маҳсулотнинг 2 фоизини ташкил этадиган даражада кенгайишига олиб келди.⁶⁴

Швецияда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг даражаси ялпи миллий маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этади. Бунда солиқ юқини шаклланишига таъсир этувчи асосий солиқлар бўлиб қўшилган қиймат солиғи ва корхоналар фойдасидан олинандиган солиқ ҳисобланади.⁶⁵

Францияда қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлашнинг кенг тарқалган усулларига қуйидагилар киради:

1) Сотилган товарлар, ишлар ва хизматларни счет-фактура билан расмийлаштирмаслик.

⁶⁴ Sauvageot G. *Precis de fiscalite.* – Nathan, 1990. –С. 109.

⁶⁵ Am P. *La fiscalite en France.* –Hachette, 1998, –С. 186.

Мазкур усулдан фойдаланиш солиқ тўловчиларга товарларни сотиш билан боғлиқ харажатларни корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирмаслик ва бунинг натижасида қўшилган қиймат солиғини тўламаслик имконини беради. Агар сотилган товарлар счёт-фактурадан фойдаланиш йўли билан расмийлаштирилганида эди, унда қўшилган қиймат солиғи суммасини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирмаслик мумкин бўлмай қолар эди.

2) Францияда қўшилган қиймат солиғи бўйича белгиланган солиқ имтиёзларидан ноқонуний тарзда фойдаланиш ҳоллари кўплаб учрайди.

Солиқ юкини камайтириш, юқорида кўриб чиққанимиздек, давлат бюджетининг даромад қисмига келиб тушадиган солиқ тушумларини ўсишига ижобий таъсир кўрсатади, лекин солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолларига бутунлай барҳам бериш имконини бермайди. Бунга ёрқин мисол қилиб, Швецария солиқ амалиётини олиш мумкин. Швецарияда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялардан олинадиган даромадлар нисбатан белгиланган солиқ ставкаларини 35 фоизгача камайтирилиши ушбу даромадларни солиқ декларацияларида тўғри кўрсатилишига олиб келмади.⁶⁶

Демак, қатор ривожланган мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи бўйича мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш солиққа оид қонунбузилишларнинг асосий шакли ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг қўшилган қиймат солиғини тўлашдан бўйин товлаш усулларида фойдаланиш тажрибасини ўрганиш амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.


Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича сотилган маҳсулотнинг таннархини атайин ошириб кўрсатиш, маҳсулотларнинг бир қисмини нақд пулга сотиш ва тушумни кассага кирим қилмаслик ушбу солиқ тури бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг кенг тарқалган усулларида ҳисобланади.

Шуниси характерлики, 2004-2006 йиллар мобайнида ҚҚС, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, мол-мулк солиғи, акциз солиғи бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулларида сонини камайиш тенденцияси юзага келди. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁶⁶ Hofer A. La fraude fiscale en Suisse. –Editions Grounauer. Geneve, 1978. –С. 141.

7.3.1-диаграмма

Солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг турли усуллари орқали давлатга етказилган зарарлар суммасининг салмоғи⁶⁷, фоизда



Келтирилган диаграмма маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимизнинг солиқ амалиётида тушумни камайтириб кўрсатиш, маҳсулот таннархини асосиз равишда ошириб кўрсатиш ва нақд пуллардаги тушумни кассага кирим қилмаслик усуллари солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг асосий усуллари ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, шундаки, *биринчидан*, маҳсулотларнинг сезиларли қисми нақд пулларга сотилади, нақд пуллар солиқдан қочишнинг қулай воситаси ҳисобланади; *иккинчидан*, маҳсулотларнинг таннархини асосиз равишда ошириб кўрсатиш юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи базасини қисқаришига олиб келади; *учинчидан*, тушумни камайтириш эгри ва тўғри солиқлар суммасининг камайишига олиб келади.

Солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатларини иқтисодиёт тармоқлари бўйича статистик ҳолати шуни кўрсатадигани, савдо соҳасида, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоғида қонунбузарликларнинг сони юқори салмоқни эгаллайди. Айниқса, савдода бу кўрсаткич жуда юқоридир. Бу ҳолат, аввало, савдо операциялари кўламининг кенглиги ва хилма-хиллиги билан

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

изоҳланади. Бундан ташқари, солиқ тўловларидан қочиш мақсадида ташкил этиладиган «**бир кунлик фирма**» лар айнан савдо соҳасида кўплаб учрайди.

Солиққа оид қонунбузилишларнинг миқёсини аниқлаш учун уларнинг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки солиққа оид қонунбузилишларнинг асосий қисми солиққа тортиладиган объект суммасини камайтириб кўрсатиш ва сотиш ҳажмининг маълум қисмини бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирмаслик йўли билан амалга оширилмоқда. Бу эса, солиқ тўловлари билан ЯИМнинг ўртасидаги узвий алоқадорликни юзага келишига замин яратади.

Солиққа оид қонунбузилишларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалдаги тадбирларни ва усулларни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Солиққа оид жиноятларнинг ўсиши давлатнинг молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга салбий таъсир кўрсатади ва бунинг оқибатида давлат солиқсиз тушумларни қидиришга мажбур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг ўсишига олиб келади.

Солиққа оид қонунбузилишларни аниқлаш, огоҳлантириш ва уларга барҳам бериш мақсадида амалга ошириладиган солиқ назоратининг узлуксизлик тамойилини қўллашни кучайтириш лозим. Мазкур тамойил солиқ қонунчилигини бажаришга оид маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ салбий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш ҳамда солиқ тўлашдан бўйин товлаш усулларидан фойдаланиш заруратини юзага келтирувчи ҳолатларни аниқлашга нисбатан қўлланилиши керак.

Ҳалқаро амалиётда солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлашда 2 хил услубиётдан кенг фойдаланилади:

- 1) Маълумотлар базасини бир-бири билан таққослаш услубиёти.
- 2) Статистик услубиёт.

Мазкур услубиётлардан фойдаланиш солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг турли усулларидан фойдаланиш ҳолларини аниқлаш имконини беради. Лекин, улар солиқ қонунчилигини бузган солиқ тўловчилар томонидан жиноят ҳолати содир этилгандан кейин юзага келган ҳолатнигина аниқлаш имконини беради. Бу эса солиқ текшируви натижасида мазкур ҳолат аниқлангунга қадар қонунбузарликни содир этишга йўл қўйган шахслар қонунбузарликларини тўғирлаб қўйишларига имкон бериши мумкин. Бунинг натижасида мазкур ноқонуний ҳаракатлар натижасида давлатга етказилган зарарнинг реал миқдорини аниқлаш имконияти бўлмайд қолади.

Солиқлар тўлашдан бўйин товлаш усулларининг хилма хиллиги ва уларнинг янги шакллариининг юзага келаётганлиги солиққа оид қонунбузилишларни таҳлил қилиш тизимини кучайтиришни тақозо қилади.

Таҳлил тизимини кучайтириш солиқ тўловчиларнинг фаолиятида ва ҳатти-ҳаракатларида юзага келаётган тенденцияларни аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида солиқ қонунчилигини келгусида тузишга йўл қўйувчи солиқ тўловчиларни олдиндан аниқлаш имкониятини беради.

Маълумки ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти фойда олишга қаратилган. Шу сабабли солиқ юки оширилганда, битим ҳажмини баҳо ҳисобидан эластиклигини таъминлай олмайдиган солиқ тўловчилар, солиқ тўлашдан бўйин товлашга ҳаракат қиладилар, чунки улар қўшимча харажатларни қоплаш имкониятига эга эмас.

Таъкидлаш лозимки, монопол корхоналар товарлар баҳосини ошириш йўли билан битимлар ҳажмининг эластиклигини ошириш имкониятига эга, лекин улар ҳам солиқ юки ошганда уни камайтиришнинг ноқонуний йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилади, аммо монопол корхоналар бошқа солиқ тўловчилардан фарқли ўлароқ, давлат органлари томонидан солиқ назоратига кўпроқ тортиладилар. Шунинг учун монопол корхоналар товарлари баҳосини ошириш йўли билан солиқ юкини харидорга юклатиш учун сезиларли имкониятларга эга. Шунинг учун улар ноқонуний йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товлашдан манфаатдор эмаслар.

КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ

1. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.
2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда солиқларнинг ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш масалалари.
4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ юки ва уни оптималлаштириш.
5. Тўғри солиқларнинг бюджет даромадларида тутган ўрни ва аҳамияти.
6. Эгри солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти.
7. Юридик шахслардан олинадиган фойда ва мол-мулк солиқларини ундиришни такомиллаштириш масалалари.
8. Қўшилган қиймат солиғини бюджетга ундиришда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.
9. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
10. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланган мамлакатлар солиқ тизимлари билан ўхшаш хусусиятлари.
11. Солиқларнинг давлат молиявий ресурсларини шакллантиришдаги аҳамияти.
12. Кичик бизнес субъектларини рағбатлантиришда солиқларнинг роли.
13. Фермер хўжалиқларини солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатлари.
14. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартиби.
15. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартиби.
16. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни такомиллаштириш.
17. Ўзбекистон Республикаси давлат молия тизимида солиқларнинг тутган ўрни.
18. Ўзбекистон солиқ қонунчилигида халқаро шартномаларнинг аҳамияти.
19. Ўзбекистонда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ва уларни ундириш механизми.
20. Солиқларни ундириш усулларини такомиллаштириш масалалари.
21. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ундиришда солиқ идораларининг вазифалари.
22. Солиқ ставкаларини табақалаштириш мезонлари ва улардан фойдаланиш тартиби.
23. Давлат бюджетининг солиқли даромадлари.
24. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаш ва бюджетга ундириш тартиби.

25. Акциз солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
26. Солиққа тортишнинг декларациялаш усули ва уни такомиллаштириш.
27. Юридик шахсларнинг мол-мулкидан солиқ ундириш тартиби.
28. Солиқ механизми ва уни такомиллаштириш йўллари.
29. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш тартиби.
30. Умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш зарурлиги.
31. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
32. Тўғри солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизми.
33. Жисмоний шахслар мол-мулкларини солиққа тортиш тартиби.
34. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортиш тартиби.
35. Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ва уни такомиллаштириш.
36. Жисмоний шахсларни даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
37. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда солиқ идораларининг назорати.
38. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг солиққа оид қонунбузарликларини бартараф этишдаги роли.
39. Ягона ер солиғини тўловчилари, ставкалари, ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
40. Ноқишлоқ хўжалик юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларини такомиллаштириш масалалари.
41. Тижорат банкларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
42. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
43. Аграр сектордаги ислохотларни амалга оширишда солиқ сиёсатининг аҳамияти.
44. Акциз солиғини ундириш сабаблари ва уни солиқлар тизимида тутган ўрни.
45. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш масалалари.
46. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
47. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига тортиладиган базани аниқлаш усуллари, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари.
48. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни бюджетга ундириш тартиби.

49. Хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортишда солиқ идораларининг назорати.
50. Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш.
51. Солиқ юки ва уни оптималлаштириш масалалари.
52. Иқтисодий эркинлаштиришда солиқларнинг аҳамиятини ошириш зарурлиги.
53. Бюджет даромадлари таркибида бевосита ва билвосита солиқларни оптималлаштириш масалалари.
54. Солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги қарзларни бартараф этиш чора-тадбирлари.
55. Қимматли қоғозлар бозори ривожланишини солиқлар орқали рағбатлантириш.
56. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.
57. Табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари.
58. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш ҳамда уни тўлаш тартиби.
59. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
60. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
61. Суғурта бозорининг ривожланишини солиқлар орқали рағбатлантириш.
62. Хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш тартиблари.
63. Юридик шахслар молия-хўжалик фаолиятига эгри солиқлар таъсирининг таҳлили.
64. И.А. Каримов асарларида солиқлар ва солиққа тортиш масалалари.
65. Жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига солиқ сиёсатининг таъсири.
66. Худудлар молиявий ресурсларини шакллантиришда солиқларнинг тутган ўрни.
67. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар устидан солиқ назоратини ўрнатиш.
68. Солиқ ҳисоби ва уни такомиллаштириш.
69. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби ва муддатларини такомиллаштириш.
70. Ўзбекистонда ягона ер солиғини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

71. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини бюджетга ундириш тартиби.
72. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тизимининг таҳлили ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.
73. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари ва улардан фойдаланишнинг таҳлили.
74. Ўзбекистон Республикасида солиқларни ундириш усуллари ва улардан фойдаланишнинг таҳлили.
75. Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги узвийликни такомиллаштириш.
76. Кичик бизнесни ривожлантиришда ягона солиқ тўловининг аҳамияти.
77. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи ва уни тўлаш тартиби.
78. Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни солиққа тортишни ислоҳ қилиш йўналишлари.
79. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг таҳлили.
80. Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ва ҳисоблаш усуллари.
81. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизмини такомиллаштириш.
82. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда табақалашган солиқ ставкаларини қўллаш йўллари.
83. Суғурта ташкилотларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш.
84. Тижорат банкларини солиққа тортиш тартиби ва уни такомиллаштириш.
85. Ўзбекистон Республикасида ундириладиган божхона тўловлари ва уларни такомиллаштириш масалалари.
86. Иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.
87. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда декларациялаш тизимини жорий этиш зарурлиги ва аҳамияти.
88. Фермер ва деҳқон хўжаликларидан ундириладиган солиқлар ва уларни такомиллаштириш масалалари.
89. Бюджетлараро муносабатларнинг тартибга солишда солиқларнинг тутган ўрни.
90. Солиқларнинг ўз вақтида тушиб туришини таъминлаш масалалари.
91. Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини жорий қилишнинг иқтисодий сабаблари.
92. Ўзбекистон Республикасида эгри солиқларни ундириш амалиёти ва уни такомиллаштириш масалалари.

93. Солиқ органларининг иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш жараёнидаги иштироки.
94. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги қарздорлигини камайтиришда солиқ органларининг роли.
95. Солиқларнинг моҳияти бўйича тавсифланишининг назарий тушунчаси.
96. Жисмоний шахсларга бериладиган солиқ имтиёзларини такомиллаштириш.
97. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида назарда тутилган имтиёзлар тизимини такомиллаштириш.
98. Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни солиққа тортишни ислоҳ қилиш йўналишлари.
99. Қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг таҳлили.
100. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизминини такомиллаштириш.
101. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш механизми ва унда солиқ имтиёзларининг аҳамияти.
102. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
103. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти.
104. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олган даромадларини солиққа тортиш тартибинини такомиллаштириш.
105. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва уни такомиллаштириш.
106. Солиқ ставкалари турлари ва уларнинг қўлланилишинини такомиллаштириш.
107. Тўғри солиқлар ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни.
108. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатларинини такомиллаштириш.
109. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг аҳамиятини ошириш масалалари.
110. Юридик шахсларни солиққа тортиш тартиблари ва уларни такомиллаштириш.
111. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш.
112. Юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибинини такомиллаштириш.
113. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш.
114. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш тартиби ва уни такомиллаштириш.

115. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.
116. Божхона йиғимлари ва уларни ундириш механизмини такомиллаштириш.
117. Ягона божхона тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.
118. Мамлакат экспорт фаолиятини ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш масалалари.
119. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.
120. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ҳамда бюджетга тўлаш тартиби.
121. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
122. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби.
123. Ресурс солиқлари ва уларни такомиллаштириш масалалари.
124. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ундириш механизмини такомиллаштириш.
125. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.
126. Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш.
127. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш.
128. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тартиби ва уни такомиллаштириш.
129. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ва уларни такомиллаштириш.
130. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими, уни такомиллаштириш.
131. Солиқ назорати ва уни такомиллаштириш.
132. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияларнинг вазифалари ва мажбуриятлари.
133. Жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартиби.
134. Тўғри солиқлар ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири.
135. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг концептуал асослари.

136. Юридик шахсларнинг солиқли тўловлари тизимини мақбуллаштириш асослари.
137. Акциз солиғи ҳисоби ва уни такомиллаштириш.
138. Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш муддатларини мақбуллаштириш.
139. Корхоналарда солиқли тўловлар ҳисобини юритиш тартибини мақбуллаштириш.
140. Ўзбекистонда амалда бўлган қўшилган қиймат солиғи механизмидаги мавжуд муаммолар таҳлили.
141. Юридик шахсларнинг сув ресурсларидан фойдаланишида тўланадиган тўловларни ҳисоблаш механизми.
142. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар ва уларнинг молиявий хўжалик фаолиятига таъсири самарадорлигини ошириш.
143. Ўзбекистон Республикаси солиққа тортиш амалиётида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўзига хослиги.
144. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш услубиятидаги мавжуд муаммолар.
145. Умумдавлат солиқларнинг моҳияти ва уларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизми.
146. Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида солиқ тизимидаги мавжуд муаммолар.
147. Бюджет даромадлари шаклланишида тўғри солиқлардан фойдаланиш жараёни.
148. Фермер хўжаликларини ривожлантиришда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.
149. Табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишни солиқлар воситасида тартиблаш.
150. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундиришдаги муаммолар.
151. Солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ назарияларининг ўрни.
152. Солиқлар воситасида иқтисодий тартиблаш йўллари.
153. Ер солиғини ундиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.
154. Акциз солиғининг амал қилишида акциз маркаларини қўллашнинг аҳамияти.
155. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини солиққа тортиш масалалари.
156. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқларининг аҳамияти.

157. Давлат бюджети даромадлари қисмини шакллантиришда солиқ тўловлари ва божхона божларини мувофиқлаштиришнинг аҳамияти.
158. Юридик шахслардан ер солиғини ундиришдаги муаммолар.
159. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш муддатларини мақбуллаштириш.
160. Мол-мулк солиғини бюджетга ундиришдаги муаммолар.
161. Пенсия жамғармаси маблағларини ундиришда солиқ органларининг назорати.
162. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш сабаблари.
163. Деҳқон хўжаликларини солиққа тортишнинг хусусиятлари.
164. Жисмоний шахслардан маҳаллий солиқларни ундиришдаги мавжуд муаммолар.
165. Солиқ сиёсатининг аграр соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти.
166. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиқлар орқали рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари.
167. Ягона ер солиғи ва унинг амал қилиш хусусиятлари.
168. Ерларнинг меъёрий қийматидан ундириладиган ягона ер солиғи.
169. Ягона ер солиғини ҳисоблаш тартиби.
170. Ягона ер солиғини тўлаш муддатлари.
171. Тўғри солиқлар бўйича имтиёзлардан самарали фойдаланиш йўллари.
172. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган молиявий ва маъмурий жавобгарлик чоралари ҳамда уларнинг таъсирини ошириш.
173. Фермер хўжаликларини солиққа тортишда ягона ер солиғининг аҳамияти.
174. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларининг табақаланиш асослари.
175. Тижорат банкларидан олинадиган даромад(фойда) солиғининг ўзига хослиги.
176. Импорт товарлар учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашдаги муаммолар.
177. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун тақдим этилган солиқ услубиятлари.
178. Акцизоти товарларини белгилаш ва улардан солиқ ундириш жараёни.
179. Солиқ ставкаларини табақалаштиришнинг илмий асослари.
180. Умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортишдаги муаммолар.
181. Аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлашда солиқ имтиёзларининг ўрни.
182. Янги таҳрирдаги солиқ кодексининг қабул қилиниши ва унинг солиқ қонунчилигидаги аҳамияти.
183. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ундиришдаги муаммолар.

184. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблашнинг асосий йўналишлари.
185. Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда солиқларни прогноз қилишнинг аҳамияти.
186. Юридик шахсларнинг эгри солиқлар бўйича боқимандаларини ундириш масалалари.
187. Бюджетнинг солиқли даромадлари ва уларни ундиришдаги муаммолар.
188. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ва уларни такомиллаштириш йўллари.
189. Юридик шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
190. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи ва уни тўлаш тартиби.
191. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани ҳисоблаш услубияти.
192. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкларидан олинадиган солиқни бюджетга ундириш механизми.
193. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситалардан бензин дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатилганлик учун солиқни ҳисоблаш тартиби.
194. Савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шунингдек, айрим турдаги товарларни сотиш учун лицензия йиғимларини ундириш тартиби.
195. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатга олиш йиғими ва уни ҳисоблаш жараёни.
196. Худудларнинг ривожланишида солиқларнинг аҳамияти.
197. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ундириш тартиби.
198. Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бошқариладиган даромадларни такомиллаштириш йўллари.
199. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш йўналишлари.
200. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартиби.
201. Солиқ назорати ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш йўналишлари.
202. Солиқ соҳасидаги муддатни белгилаш ва унинг амалиётда қўлланилиши.
203. Қўшилган қиймат солиғини ҳисобга ўтказишни тартибга солиш масалалари.
204. Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш жараёни.
205. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзларни такомиллаштириш йўналишлари.
206. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш йўналишлари.

207. Солиқларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизми.
208. Солиқ тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.
209. Корхоналар фойдасини солиққа тортишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.
210. Юридик шахслардан олинадиган ресурс солиқлари ва уларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсири.
211. Маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ-бюджет ҳуқуқларини ошириш масалалари.
212. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларни кичик бизнесни рағбатлантиришдаги ролини ошириш масалалари.
213. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқарувчилар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
214. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро муносабатлари.
215. Солиқ имтиёзларини белгилаш мезонларини такомиллаштириш масалалари.
216. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиққа тортиладиган базани аниқлаш усуллари.
217. Умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлаш мезонлари ва такомиллаштириш масалалари.
218. Эгри солиқлар бўйича солиқ боқимандалигини камайтириш усуллари ва воситалари.
219. Солиқ хизмати органларининг бошқа молия-кредит муассасалари билан иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш масалалари.
220. Тўғри солиқлар бўйича солиқ боқимандалигини камайтириш масалалари.
221. Давлат молия ресурсларини шакллантиришда бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш йўллари.
222. Солиқ механизми ва уни такомиллаштириш йўллари.
223. Инвестицияларни рағбатлантиришда солиқлардан фойдаланишнинг аҳамиятини ошириш йўллари.
224. Солиқ қонунчилиги бузилганда қўлланиладиган молиявий ва маъмурий жавобгарлик турлари.
225. Давлат мақсадли жамғармалари даромадларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш.
226. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
227. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиришда тўғри солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.

228. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар, ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари.
229. Ўзбекистонга импорт қилинаётган маҳсулотлардан акциз солиғини бюджетга ундириш тартиблари.
230. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзли ставкалар ва уларни қўлланилиши.
231. Солиқ юки ва унинг хорижий давлатлар бўйича таққослама таҳлили.
232. Ресурс солиқларини корхоналар молия-хўжалик фаолиятига таъсирининг таҳлили.
233. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
234. Солиқларни таснифланиши ва уларга доир турли қарашлар.
235. Солиқ имтиёзларининг самарасини ошириш йўллари.
236. Солиқ имтиёзларининг иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги роли.
237. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби.
238. Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари.
239. Ўзбекистон Республикасида солиқ юки ва уни оптималлаштириш масалалари.
240. Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожланишини солиқлар орқали рағбатлантириш.
241. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда солиқларнинг тутган ўрни.
242. Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш механизми.
243. Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тартибини такомиллаштириш.
244. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловларнинг хусусиятлари.
245. Қатъий белгиланган солиқ ва уни такомиллаштириш.
246. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш
247. Жисмоний шахслардан ундириладиган маҳаллий солиқларни такомиллаштириш.
248. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича имтиёзларни такомиллаштириш.
249. Тўғри солиқларнинг солиқ тизимидаги аҳамияти ва уларни такомиллаштириш.
250. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари.
251. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни такомиллаштириш.
252. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари ва уларни такомиллаштириш.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

1. Тўловлар
2. Солиқлар
3. Солиққа тортиш
4. Давлат бюджети
5. Солиқ тўловчилар
6. Солиқ хизмати
7. Солиқлар ва солиққа тортиш.
8. Солиқ тизими
9. Солиқли ва солиқсиз тўловлар
10. Бюджет даромадлари
11. Юридик шахс
12. Жисмоний шахс
13. Тўғри солиқлар
14. Эгри солиқлар
15. Инфляция
16. Солиқ тамойиллари
17. Солиқ тизими
18. Жарима ва пенялар
19. Далолатномалар
20. Экспорт-импорт
21. Хабарнома
22. Фойда солиғи
23. Солиқ ставкаси
24. Солиқ объекти
25. Солиқ субъекти
26. Резидент
27. Солиқ имтиёзлари
28. Солиқни тўлаш муддатлари
29. Ягона солиқ
30. Солиқ ставкаси
31. Ялпи даромад ва ялпи тушум
32. Микрофирма ва кичик корхона
33. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари
34. Пластик карточка
35. Ялпи даромад
36. Товар айланмаси
37. Кўшилган қиймат
38. Нолли ставка
39. Импорт маҳсулотлари

- 40.Божхона юк декларацияси
- 41.Счѐт-фактура
- 42.Акциз солиғи
- 43.Акциз ости товарлар
- 44.Шартномавий нарх
- 45.Корхона мол-мулки
- 46.Мол-мулк солиғи
- 47.Мол-мулklar қиймати
- 48.Ўртача қолдиқ қиймат
- 49.Муддатида ўрнатилмаган ускуналар
- 50.Ер майдонлари
- 51.Суғориладиган ерлар
- 52.Суғорилмайдиган ерлар
- 53.Норезидент
- 54.Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи
- 55.Декларация
- 56.Инфратузилма объектлар
- 57.Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
- 58.Сув ресурслари
- 59.Ер ости сувлари
- 60.Ер усти сувлари
- 61.Ер ости қазилма бойликлари
- 62.Техноген ҳосилалар
- 63.Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ
- 64.Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
- 65.Рўйхатга олиш йиғимлари

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

КУРСИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ ВАРИАНТЛАРИ

1. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларига қандай даромад турлари киради?
 - A. Мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад
 - B. Дивиденд бўйича олинган даромад
 - C. Натура шаклида олинган иш ҳақи тўловлари
 - D. Товарлар реализациясидан келадиган барча тушумлар ушбу даромадни топиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланган ҳолда киради

2. Хўжалик юритувчи субъектларни қисқа муддатли текширишга рухсат берувчи ваколатли органни кўрсатинг.
 - A. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий Кенгаши
 - B. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси
 - C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - D. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди

3. Юридик манзилгоҳи ўзгарганда корхона неча кун ичида солиқ идораларини хабардор қилиш керак?
 - A. 3 кун ичида
 - B. 1 ой ичида
 - C. 10 кун ичида
 - D. Ўша куни

4. Юридик шахсларнинг фойда солиғи солиш объектини аниқлашда жами даромаддан молиявий жарима ва пеня суммалари чегириб ташланадими?
 - A. Чегириб ташланади
 - B. Чегириб ташланмайди
 - C. Фақат молиявий жарима суммаси чегириб ташланди
 - D. Фақат пеня суммаси чегириб ташланади

5. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг алоҳида тартиби қайси давлат идораси томонидан белгиланиши мумкин?
 - A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - C. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

6. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш объектини кўрсатинг.

- A. Фойда
- B. Даромад
- C. Ялпи тушум (товароборот)
- D. Ялпи даромад

7. Ўзбекистон Республикасида ягона ижтимоий тўлов қачон жорий қилинган?

- A. 1998 йил 1 январ
- B. 1995 йил 1 январ
- C. 1992 йил 1 январ
- D. 2004 йил 1 январ

8. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири маҳаллий солиқ ҳисобланади?

- A. Акциз солиғи
- B. Ер солиғи
- C. Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиқ
- D. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиқ

9. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?

- A. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- B. Ўзбекистон Республикасида олган манбаларидан
- C. Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- D. Солиқ тўловчининг ҳоҳишига кўра тўланади

10. Хайрия мақсадларига ўтказилган маблағлар солиққа тортиладими?

- A. Тортилмайди
- B. Фойда солиғи базасининг 2 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади
- C. Фойда солиғи базасининг 1 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади
- D. Фойда солиғи базасининг 5 % миқдоридан ошган қисмидан тортилади

11. Қайси жавобда корхонанинг мақсадли жамғармаларига ўтказадиган тўловлари берилган?

- A. Қўшилган қиймат солиғи

- В. Ягона ижтимоий тўлов
С. Давлат божлари
D. Ер солиғи
12. Қуйидаги жисмоний шахслардан қайси бири ер солиғидан озод этилмаган
А. Учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар
В. I ва II гуруҳ ногиронлари
С. Яйлов чорвачилигининг чўпонлари
D. Ёлғиз бўлмаган, боқувчиси бор пенсионерлар
13. 1-2 гуруҳ ногиронлари учун даромад солиғи бўйича қандай имтиёз кўзда тутилган?
А. Солиққа тортиладиган даромад 30 фоизга камайтиради.
В. Солиққа тортиладиган даромад 50 фоизга камайтиради
С. Солиққа тортиладиган даромад 30 фоиз, агар 16 ёшгача иккита боласи бор бўлса камайтиради
D. Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорда камайтиради
14. Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг дивиденд ва фоизли даромадлари қандай ставкада солиққа тортилади?
А. 12 %
В. 13 %
С. 15 %
D. 10 %
15. Акциз солиғи Ўзбекистон Республикасида қачон жорий этилган?
А. 1991 йил 1 январдан
В. 1992 йил 1 январдан
С. 1995 йил 1 январдан
D. 1999 йил 1 мартдан
16. Ер солиғи ставкалари 2008 йил учун неча мартага индексация қилинди?
А. 1,3
В. 1,5
С. 2
D. 1,2
17. Жисмоний шахслар солиқларни қандай шаклда тўлайдилар?
А. Нақд пул шаклида
В. Нақд пулсиз шаклида

- C. Натура шаклида
- D. Нақд пул ва нақд пулсиз шаклда

18. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан мақсад нима?

- A. Давлат бюджетини молиявий ресурс билан таъминлаш
- B. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- C. Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- D. Маҳаллий бюджет даромадларини молиявий ресурс билан таъминлаш

19. Солиқ ставкаларини қайси ваколатли давлат органи белгилайди?

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- B. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги

20. Қуйидагиларнинг қайси бири солиқ объекти бўла олади?

- A. Корхона ва ташкилотларнинг смета режаси
- B. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижаси
- C. Кредиторлик қарзлари
- D. Бюджет субсидиялари

21. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадига қандай даромадлар киради?

- A. Фоиз, дивиденд, мол-мулкни ижарага беришдан келган даромадлар
- B. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромад
- C. Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад
- D. Омонатдан олинган фоизлар

22. Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса:

- A. У фақат бир марта даромаддан чегирилади
- B. Ҳар бир тоифаси бўйича алоҳида чегирилади
- C. Чегирма қилинмайди
- D. Харажатлар белгиланган меъёр даражасида чегирилади

23. Қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш объекти нима?

- A. Товар (иш, хизматлар) сотилишига доир оборотлар ҳамда товар (иш, хизматлар) импорти
- B. Муомала харажатлари

- C. Ишлаб чиқариш таннарни
- D. Солиқ тўлангунга қадар молиявий натижа

24. Юридик шахс ўз фаолиятида рўйхатдан ўтган тумандан бошқа тумандаги сув ресурсларидан фойдаланганида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни қайси солиқ органига тўлайди?

- A. Рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига
- B. Давлат солиқ қўмитасига
- C. Давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олиниш жойидан қатъий назар сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига
- D. Рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органи билан сувдан фойдаланиш жойидаги солиқ хизмати органига келишувига мувофиқ

25. Янги таҳрирдаги солиқ кодекси Ўзбекистонда қачон қабул қилинди?

- A. 1996 йил 1 март
- B. 1997 йил 24 апрель
- C. 2008 йил 1 январь
- D. 1999 йил 1 январь

26. Почта маркалари, маркали открыткалар ва конвертлар сотиш қўшилган қиймат солиғига тортиладими?

- A. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилади
- B. 20 фоизли ставкада солиққа тортилади
- C. Ноллик ставка бўйича тортилади
- D. Камайтирилган ставкалар қўлланилади

27. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2008 йил учун неча мартага индексация қилинди?

- A. 1,5 мартага
- B. 1,3 мартага
- C. 1,2 мартага
- D. 2 мартага

28. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушум (товароборотдан) белгиланган ставкасининг юқори чегарасини кўрсатинг.

- A. 10%
- B. 8%
- C. 5%
- D. 3%

29. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларни аниқланг.
- A. Юридик шахслар
 - B. Жисмоний шахслар
 - C. Юридик ва жисмоний шахслар
 - D. Фойдали қазилмалар қазиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар
30. Ягона солиқ тўловини тўловчиларини аниқланг.
- A. Юридик шахслар
 - B. Жисмоний шахслар
 - C. Банклар ва суғурта компаниялари
 - D. Микрофирма ва кичик корхоналар (шу жумладан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари)
31. Қайси жавобда мол-мулк солиғининг солиққа тортиш объекти берилган?
- A. Асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар
 - B. Номоддий активлар
 - C. Капитал қўйилмалар
 - D. Пул маблағлари
32. Акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи тўлови ҳисобига
- A. Киритилади
 - B. Фақат алкоғолли маҳсулотлар учун киритилади
 - C. Киритилмайди
 - D. Фақат тамаки маҳсулотлари учун киритилади
33. Акциз маркаларининг жорий этилиш йилини кўрсатинг.
- A. 1992 йил 1 январ
 - B. 1993 йил 6 май
 - C. 1995 йил 1 январ
 - D. 1996 йил 1 октябр
34. Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланадими?
- A. Мол-мулк солиғини белгиланган тартибда тўлайдилар
 - B. Мол-мулк солиғини тўловчилари ҳисобланишмайди
 - C. Ижарага берилган мол-мулклари қийматидан солиқ тўлайдилар
 - D. Фақат асосий воситалари бўйича тўлайдилар

35. Қуйидаги юридик шахслардан қайси бири ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлайди.
- A. Савдо корхоналари
 - B. Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхоналар
 - C. Ихчамлаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик корхоналар
 - D. Ихчамлаштирилган солиқ тизимига ўтмаган кичик корхоналар
36. Агар инфратузилма объектларини сақлаш харажатлари суммаси ободонлаштириш ишлари ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасидан ошиб кетса, корхона:
- A. Солиқни тўлайди
 - B. Солиқни тўламайди
 - C. Паст ставкаларда тўлайди
 - D. Харажатларнинг ошган суммасига камайтирган ҳолда тўлайди
37. Ўзбекистон резидентлари бўлган жисмоний шахслар декларация бўйича ҳисобланган даромад солиғини қайси санагача тўлашлари лозим?
- A. 1 апрел
 - B. 1 май
 - C. 1 июнь
 - D. 1 сентябрь
38. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири умумдавлат солиғи ҳисобланади?
- A. Ер солиғи
 - B. Қўшилган қиймат солиғи
 - C. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ
 - D. Мол-мулк солиғи
39. Ободонлаштириш ишлари ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ставкасини аниқланг.
- A. 8 %
 - B. 10 %
 - C. 16 %
 - D. 12 %
40. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасида кўзда тутилган?
- A. 176/1
 - B. 175

- C. 168
- D. 174

41. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг асосий ставкаси 2008 йил 1 январдан қанча қилиб белгиланган?

- A. 18
- B. 12
- C. 7
- D. 10

42. 2008 йилда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкалари неча фоиз қилиб белгиланган?

- A. 13, 23, 33
- B. 13, 20, 29
- C. 13, 18, 25
- D. 13, 21, 33

43. Даъво қилишнинг умумий муддати қанча?

- A. 1 йил
- B. 2 йил
- C. 3 йил
- D. 4 йил

44. Йўл фондига қилинадиган ажратмалар қачондан бошлаб солиқ хизмати идоралари назоратига берилган?

- A. 2003 йил 1 октябрдан
- B. 2002 йилдан 1 июлдан
- C. 2004 йил 1 январ
- D. 2001 йил 1 январ

45. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаларини ким белгилайди?

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- C. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

46. Ер солиғини жорий этишдан мақсад нима?

- A. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш

- B. Давлат бюджетини молиявий маблағлар билан таъминлаш ва ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- C. Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни рағбатлантириш
- D. Маҳаллий бюджет даромадларини молиявий маблағлар билан таъминлаш

47. Қайси тоифадаги фуқаролар жами йиллик даромад тўғрисида декларация топширади?

- A. Ҳамма тоифадаги фуқаролар
- B. Икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган ҳамма тоифадаги фуқаролар
- C. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар
- D. Фақат ўриндошлик бўйича ишловчилар

48. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг дивиденд ва фоиз кўринишидаги оладиган даромадлари қандай ставкада солиққа тортилади?

- A. 12 %
- B. 13 %
- C. 14 %
- D. 10 %

49. Юридик шахсларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни экспорти ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 30 % ва ундан юқорини ташкил этса, мол-мулк солиғини қандай ставкада тўлайдилар?

- A. Белгиланган ставкадан 20 % га камайтирилади
- B. Белгиланган ставкадан 25 % га камайтирилади
- C. Белгиланган ставкадан 35 % га камайтирилади
- D. Белгиланган ставка 2 бараварга камайтирилади

50. Берилган ер участкаларидан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахсларга қандай чора белгиланган

- A. Ер солиғи уч баравар миқдорида тўланади
- B. Ер солиғи икки баравар миқдорида тўланади
- C. Молийвий жазо чоралари қўлланилади
- D. Маъмурий жазо чоралари қўлланилади

51. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди?

- A. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- B. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар

C. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар

D. Барча юридик ва жисмоний шахслар

52. Қўшилган қиймат солиғи Ўзбекистон Республикасида қачон жорий этилган?

A. 1991 йил 15 февралдан

B. 1992 йил 1 январдан

C. 1993 йил 6 майдан

D. 1997 йил 24 апрелдан

53. Солиқ кодекси дастлаб Ўзбекистонда қачон қабул қилинган ва жорий этилган?

A. 1996 йил 15 февраль – 1996 йил 1 март

B. 1997 йил 24 апрель- 1998 йил 1 январь

C. 1997 йил 15 декабр – 1998 йил 1 январь

D. 1998 йил 24 апрель – 1999 йил 1 январь

54. Ер солиғи жисмоний шахслар томонидан қачон тўланади?

A. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар

B. Солиқ тенг улушларда жорий йилнинг 15 июни ва 15 декабрига қадар

C. Жорий йилнинг 15 декабрига қадар

D. Жорий йилнинг 1 майига қадар

55. Юридик шахслар солиқларни қандай шаклда тўлайдилар?

A. Нақд пул шаклида

B. Нақд пулсиз шаклида

C. Айрим ҳолларда ҳар иккаласидан ҳам фойдаланиш мумкин

D. Ҳам натура ҳам нақд пул шаклида

56. Жазони ижро этувчи муассасалар фойда солиғига тортиладими?

A. 18 фоизли ставкада солиққа тортилади

B. Фойда солиғидан озод этилади

C. 35 фоизли ставкада солиққа тортилади

D. 3 йил муддатда солиқдан озод этилади

57. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ноллик ставка қачон қўлланилади?

A. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортига

B. Стенография хизматларига

- C. Геология ва топография ишларига
- D. Маълумотларни ишлаш ва ахборот таълимотига доир хизматларига

58. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқланг?

- A. Ер усти манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- B. Ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- C. Ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми
- D. Чучук сув манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми

59. Қўшилган қиймат солиғининг қандай ставкалари қўлланилади?

- A. 20 ва 10
- B. 20 ва 15
- C. 20 ва ноллик
- D. 10 ва ноллик

60. Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари қандай ставкада солиққа тортилади?

- A. 10 ва 5
- B. 3,5 ва 7
- C. 0,5 ва 7
- D. 0,5

61. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ким томонидан белгиланади?

- A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан
- B. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
- C. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан
- D. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

62. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тўлайдиган солиқларни кўрсатинг.

- A. Қўшилган қиймат солиғи
- B. Ялпи даромадидан солиқ ва мол-мулк солиғи
- C. Ялпи тушум (товароборот)дан ягона солиқ тўлови
- D. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

63. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ким томонидан белгиланади.

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

- В. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан
- С. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
- Д. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан

64. Ягона солиқ тўлови тўловчилари қўшилган қиймат солиғини.....

- А. Ихтиёрий равишда тўлайдилар
- В. Умум белгиланган тартибда тўлашга мажбур
- С. Ноллик ставкада тўлайдилар
- Д. Пасайтирилган ставкада тўлайдилар

65. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига қўлланиладиган солиқ ставкаларини табақаланишининг асосий мезонини кўрсатинг.

- А. Жойлашган жойига қараб
- В. Ишчилар сонига қараб
- С. Даромадлик даражасига қараб
- Д. Аҳолии сонига қараб

66. Акциз солиғини тўлаш муддатларини кўрсатинг.

- А. Ҳар чоракда
- В. Ҳар 15 кунликда
- С. Ҳар 10 кунликда
- Д. 1 йилда 1 марта

67. Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш муддатларини аниқланг.

- А. Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
- В. Ҳар чоракда молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан
- С. Йиллик ҳисоботларни топшириш муддатига қадар
- Д. Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар

68. Корхона солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиши ҳақидаги қарори ёки далилланган рад жавоби давлат солиқ хизмати органи томонидан неча кун давомида чиқарилади?

- А. Ариза берган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
- В. Ариза берган кундан бошлаб 10 кун мобайнида
- С. Ариза берган кундан бошлаб 1 ой мобайнида
- Д. Ариза берган кундан бошлаб 3 кун мобайнида

69. Ягона солиқ тўловининг объекти нима?

- А. Корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда

- В. Сотиб олиш ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ
 С. Давр харажатлари
 D. Ялпи тушум
70. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғининг солиққа тортиш объекти нима?
 А. Маҳсулот сотишдан тушган тушум
 В. Фойда солиғи тўлангандан кейин қолган соф фойда
 С. Муомала харажатлари
 D. Асосий фаолиятнинг фойдси
71. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби нимадан иборат?
 А. Меҳнат ҳақи, мулкӣ даромадлар
 В. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи
 С. Меҳнат ҳақи, бошқа даромадлар
 D. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкӣ даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар, бошқа даромадлар
72. Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга қайси муддатдан кечиктирилмай топширилиши шарт?
 А. Жорий йилнинг 5 январигача
 В. Жорий йилнинг 25 апрелигача
 С. Жорий йилнинг 15 июнигача
 D. Жорий йилнинг 1 майигача
73. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилари кимлар?
 А. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари
 В. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар
 С. Норезидент жисмоний шахслар
 D. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари
74. Солиқ солинадиган объектларни ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини бузиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қайси моддасида назарда тутилган?
 А. 175-модда
 В. 176-модда
 С. 164-модда
 D. 168-модда

75. Жисмоний шахснинг қуйида келтирилган қайси даромадлари даромад солиғидан озод қилинган?
- A. Олинган алиментлар
 - B. Иш ҳақи тўловлари
 - C. Ижара тўловлари
 - D. Тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад
76. Қуйида қайд этилган солиқларнинг қайси бири эгри солиқлар гуруҳига киради?
- A. Қўшилган қиймат солиғи
 - B. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ
 - C. Ер солиғи
 - D. Мол-мулк солиғи
77. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг объектини аниқлашда, чегирилиши лозим бўлган харажатларни аниқлаш тартиби қайси давлат органи томонидан белгиланади?
- A. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси
 - C. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ инспекциялари
 - D. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
78. Ер солиғи ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади?
- A. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан
 - B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
 - C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
 - D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан
79. Юридик шахслар учун фойда солиғи қачон жорий этилган?
- A. 1991 йил 1 январдан
 - B. 1992 йил 14 январдан
 - C. 1993 йил 6 майдан
 - D. 1995 йил 1 январдан
80. Акциз солиғи ставкалари ва акциз тўланадиган товарлар рўйхати қайси ваколатли орган томонидан белгиланади?
- A. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 - B. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
 - C. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси

81. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- A. 1996 йилнинг 1 январида
- B. 1997 йилнинг 10 сентябрида
- C. 1998 йилнинг 15 майида
- D. 1997 йилнинг 29 августида

82. Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахслар қандай манбаларидан солиқ тўлайдилар?

- A. Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- B. Ўзбекистон Республикасидаги манбаларидан
- C. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолиятлари манбаларидан
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси билан мувофиқлаштирилади

83. Ер солиғини тўловчилар бўлиб кимлар ҳисобланади?

- A. Эгалигида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- B. Фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- C. Ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар
- D. Ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар

84. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини қайси муддатларда тўлайдилар?

- A. 15 январ ва 15 июлга қадар
- B. 1 июн ва 1 ноябрга қадар
- C. 1 декабрга қадар
- D. 15 июн ва 15 декабрга қадар

85. Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар солиққа тортиладими?

- A. Солиққа тортилади
- B. Озод этилади
- C. Қисман солиққа тортилади
- D. Имтиёзли ставкаларда тортилади

86. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий ҳокимият органлари қарорига асосан ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар ер солиғини тўлайдиларми?

- A. Ер солиғи ўрнига ижара ҳақи тўлайди
- B. Ер солиғини белгиланган тартибда тўлайди
- C. Ер солиғи бонитет даражасига қараб тўланади
- D. Ижара ҳақи тўланиши билан биргаликда белгиланган тартибда ер солиғи ҳам тўлайди

87. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхонлар қуйидаги қайси солиқларни тўлайдилар?

- A. Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи
- B. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
- C. Ер солиғи
- D. Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи

88. Солиқ объекти деганда -

- A. Солиқ ундирувчилар тушунилади
- B. Солиқ тўловчилар тушунилади
- C. Фойда, мол-мулк қиймати, ер майдони
- D. Солиқ базасига нисбатан белгиланган меъёр

89. Солиқларни жорий қилиш қайси давлат органи ваколатига киради.

- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- B. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- C. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- D. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги келишган ҳолда

90. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида солиқ тизимига тегишли моддаларни кўрсатинг.

- A. 10, 51
- B. 51, 123
- C. 14, 111, 4
- D. 98, 76

91. Солиқлар ва йиғимларни тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пенялар миқдорини кўрсатинг.

- A. 10 %
- B. 100 %
- C. 0,05 %

D. 0,07 %

92. Жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари таркибига қандай даромадлар киради:?

- A. Рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар, компенсация тўловлари (компенсация) ҳамда ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш
- B. жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари
- C. Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар
- D. Фоиз ва дивидент кўринишида олинган даромадлар

93. Муддати ўтган кредитор ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар солиққа тортиладими?

- A. Солиққа тортилмайди
 - B. 1 йилдан сўнг солиққа тортилади
 - C. Солиққа тортилади
 - D. Фақат кредитор қарздорлик солиққа тортилади
94. Қўшилган қиймат солиғи ставкаларини қайси давлат органи белгилайди?
- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
 - B. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси
 - C. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
 - D. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

95. Акциз солиғининг тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланади?

- A. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар
- B. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи жисмоний шахслар
- C. Акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар
- D. Акциз солиғига тортиладиган товарларни экспорт қилувчи юридик шахслар

96. Қандай жисмоний шахслар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилган?

- A. I ва II гуруҳ ногиронлар
- B. Маданият ва халқ таълими ходимлари
- C. Тиббиёт ходимлари
- D. Оғир меҳнат шароитида ишловчилар

97. Шаҳар йўловчи транспорти хизматлари (такси ва йўналишли таксидан ташқари) қўшилган қиймат солиғига тортиладими?

- A. Ноллик ставкада солиққа тортилади

- B. 20 фоизли ставкада солиққа тортилади
- C. Қўшилган қиймат солиғидан озод этилади
- D. 10 фоизли ставкада солиққа тортилади

98. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни кимлар тўлайди?

- A. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- B. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар
- C. Ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар
- D. Барча юридик ва жисмоний шахслар

99. Акциз солиғи қуйидагиларнинг қайсиларига солинмайди?

- A. Акциз тўланадиган товарларнинг экспортига
- B. Акциз тўланадиган товарларнинг импортига
- C. Берилган хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга
- D. Вино ва виноматериалларига

100. Тижорта банклари, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларга тортиш объектини кўрсатинг?

- A. Фойда
- B. Даромад
- C. Ялпи тушум (товароборот)
- D. Маржа

АТАМАЛАР ШАРҲИ

Акционер – акционерлик жамиятининг акцияларига эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. Акциялар турли шаклларда бўлиши мумкин.

Акция – акционерлик жамиятининг капиталига ҳисса қўшилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи қимматбаҳо қоғоз. Акция ўзининг эгасига дивидент шаклида фойдани бир қисмини олиш (ўзлаштириш) ҳуқуқини беради.

Амортизация – келгусида асосий фондаларни тўлиқ қайта тиклаш учун пул маблағларини жамғариш ва уларнинг қийматини тиклаш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматга асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматининг уларнинг эскиришига қараб ўзлуксиз ўтказиш жараёни. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташқи муҳитнинг таъсири натижасида асосий фондлар аста-секинлик билан эскиради, уларнинг моддий ва маънавий эскириши содир бўлади. Бунда меҳнат воситаларининг қиймати ўзлуксиз қисмларга бўлиниб, амортизация ҳисоблаш йўли билан норматив хизмат қилиш муддати давомида тайёр маҳсулотга ўтказилади.

Адвалор солиқ – товар қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, иморатга нисбатан кўпгина пошлиналар ва бошқалар киритилиши мумкин. Товарларни (импорт товарларни ҳам) жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

Баланс қиймати - бухгалтерия балансида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг пулда ифодаланган баҳоси.

Баланс фойда – маҳсулот таннархига киритиладиган барча ҳаражатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортулгунча қадар бўлган ялпи фойдадир.

Бюджетдан ташқари фондлар – а) ижтимоий: ижитмий суғурта фонди; пенсия фонди; бандлик фонди; мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди; б) ноижтимоий: йўл фонди; экология ва бошқа фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджет томонидан тартибга солинадиган барча маблағлар етишмаган ҳолда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинга (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетдан резидент – юридик шахсга ёки хориж давлатига қайтариш шартли билан ажратиладиган маблағ.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шартли билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга текинги (ҳақ олмай) ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет ташкилотлари – Давлат бюджетида унга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, длат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюжети тақчиллиги (дефицити, камомади) – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколотли орган орқали ҳақ олмай (текинга) ажратиладиган пул маблағлари.

Боқиманда – белгиланган муддатда ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.

Бож пошлиналари – истеъмол солиқларининг таркибига киради. Уларнинг мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни, миллий саноатни ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилишдир. Давлат иқтисодий

сийёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқади. Импорт қилинадиган товарларнинг баҳоси билан ички бозордаги ҳуди шунга ўхшаш товарларнинг баҳосини тенглаштириш лозим.

Бож пошлиналарининг ставкалари – ҳукумат томонидан ўрнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан товарларни олиб ўтувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзармасдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни оператив равишда тартибга солишнинг инструменти бўлиб хизмат қилади. Уларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

а) адвалор ставкалар (бож ундириладиган тиварнинг бож қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади);

б) махсус ставкалар (бож ундириладиган товарнинг бирлигига нисбатан аниқланади);

в) комбинациялаштирилган ставкалар (бож ундиришнинг дастлабки икки варианты қўлланилади).

Бож декларацияси - миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзига чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган товарлар, пассажир юкки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлари – ўз таркибига қуйидагиларни олади: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларша ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг касса ижроси – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади. Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини банклар Марказий банкнинг топшириғига биноан бажаради.

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат ички қарзлари - давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳумумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва функциялари –

- 1) солиқ тўловчиларнинг (хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қўшиб ҳисобланганда) тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;
- 2) солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва балансларини, солиқ ҳисоб-китобларини, ҳисоботларни, декларациялар ва тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш, шунингдек фойда, даромад, солиққа тортишнинг бошқа объектларини тўғри аниқланганлиги ва ҳисобланганлиги бўйича бу ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш;
- 3) бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганларга нисбатан молиявий санкциялар (жазолар) қўлланилишининг тўғрилигини таъминлаш;
- 4) корхона, ташкилот ва муассасалардан фойда (даромад)нинг ёки солиққа тортишнинг бошқа объектлари пасайтирилганлигидан (камайтирилганлигини) далолат берувчи ҳужжатларни кўриш, уларнинг мазмунини қайд этиш ва олиб қўйишни амалга ошириш (тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш учун асос бўлиб солиқ инспекцияси мансабдор шахсининг асосланган қарори хизмат қилади);
- 5) мусодара қилинган ва эгасиз мулкларни, шунингдек, мерос қилиш ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтказилган мулкларни ҳамда топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва релизация қилиш ишларини амалга ошириш;
- 6) бюджетга тушиши лозим бўлган ва ҳақиқатда тушган солиқлар ва бошқа тўловларнинг оператив – бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган ҳужжатларни банклар, молия органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан олиш;
- 7) давлат солиқ инспекцияларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бюджетга солиқлар ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёки уларни тақдим этишдан бўйин товланган ҳолларда корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқароларнинг банк ҳамда бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;
- 8) ортиқча тўланган ёки ундирилган солиқ ва йиғимларни

қайтаришни амалга ошириш; 9) юқори солиқ органларига бюджетга ҳақиқатда келиб тушган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммаси ҳақидаги маълумотни тузиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш; 10) хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул муомаласи ва назорат-касса машиналарининг қўлланилишига нисбатан қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилишдан иборат.

Давлатнинг ташқи қарзи – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида пайдо бўлган ҳукумат мажбуриятларининг йиғиндиси.

Даромадлар тўғрисида декларация – Двидентлар – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чоракда) тўланадиган даромад.

Дотация – давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, (зиён) ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.

Даромад солиғининг шедуляр шакли – Буюк Британия солиқ тизимида қабул қилинган. Даромаднинг манбаини инобатга олган ҳолда унинг қисмларга (шедулярга) бўлинишини тақозо этади. Ҳар бир шедул ўзига манбаи олдида “тутиш”ни мақсад қилиб қўяди. Мамлакатда бу соҳада олти шедул амал қилиб, уларнинг айримлари Яна ички тақсимланишга ҳам эгадир. Масалан, “А” шедул ўз таркибига мулкдан олинадиган даромадларни (ерга мулкчиликдан, бино ва иншоотларга эгаликдан, уй ёки хонани ижарага беришдан олинадиган даромадларни), “В” шедул тижорий мақсадлар учун фойдаланиладиган ўрмон массивларидан олинадиган даромадларни, “С” шедул давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадларни, “Д” шедул тижорий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадларни (бу шедулнинг таркибига даромадларнинг жуда кўп турлари кирганлиги учун унинг ўзи яна олти қисмга бўлинган), “Е” шедул иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа меҳнат даромадларни ва ниҳоят, “Ф” шедул Буюк Британия

компаниялари томонидан тўланадиган дивидендлар ва бошқа тўловларни ўз ичига олинади.

Даромад солиғи бўйича жарималар – Ушбу солиқ тўланмаганда, нотўлиқ тўланганда ёки тўлаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Ўз вақтида ушлаб қолинмаган, нотўлиқ ушланган ёки тегишли бюджетга ўтказилмаган солиқ суммалари жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалардан ундиришга мўлжалланган сумманинг 10% ҳажмидаги жаримани биргаликда қўшиб, солиқ органлари томонидан сўзсиз ундириб олинади. Корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркор сифатида қайддан ўтган жисмоний шахслардан солиқ ўз вақтида тегишли бюджетга ўтказилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунгача (бу кун ҳам қўшилади) 0,5% миқдорида пеня ундирилади. Пенянинг ундирилиши уларни жавобгарликнинг бошқа турларидан озод этмайди.

Даромадан олинadиган солиқ – фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Иккиёқлама солиққа тортиш – 1. Турли солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олинishi; 2. Қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказилаётган пайтда солиққа тортиш ва ҳуди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатда солиққа тортилиши; 3. Соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) в ундан тўланадиган дивидентларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда олиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутилиш мумкин. 1979 йилда БМТ томонидан манфаатдор давлатлар ўртасидаги муносабатларда икки марта солиққа тортишга барҳам бериш учун махсус конвенция ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида икки томонлама битимлар имзоланади. Улар томонидан ўрнатилган солиққа тортиш тартибига кўра қўшма корхона хорижий иштирокчиси ўз фойдасини хорижга ўтказаётган пайтда қўшимча солиқдан озод қилинади.

Инвестицион солиқ кредити – Солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган енгиллик, имтиёз (солиқ тўловини кечиктирилиш). Бу кредит солиқ тўлови ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирлади. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш (бериш), расмийлаштириш ва қайтариш тартиби “Инвестицион солиқ кредит тўғрисида” ги қонунга мувофиқ белиланади.

Имтиёз - маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

Экспорт-импорт солиғи – солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Импорт солиғи – бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Кўшилган қиймат солиғи ва акцизлар анна шундай солиқ таркибига киради. Бож пошлиналарини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бир қисми маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

Йиғимлар – қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотраспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар киради.

Квотатив солиқлар - даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан ставкаси фоизларда ўрнатиладиган солиқлар.

Моддий харажатлар - хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссия мукофотлар, бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Муомала харажатлари – товарлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Бу харажатларлар икки кўринишда бўлиши мумкин; 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (товарларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва товар-оборотга нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар – маҳаллий бюджетга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун қиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.

Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маъмурий жавобгарлик – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар юридик жавобгарлигининг шаклларида бири.

Ортиқча тўловлар – тўловнинг бюджетга тушган ортиқча суммаси. Одатда солиқ тўловчининг бошқа тўловлар бўйича мавжуд бўлган боқимондаларини узиш учун ҳисобга олинади ва бу тўғрида унга маълум

қилинади ёки молия органининг қарори нусхаси ва банкнинг тегишли кўчирмаси асосида солиқ тўловчига қайтарилади.

Прогрессив солиқ - солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши характерлидир. Прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдигани жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқдир.

Пропорционал солиқ – солиқ шаклида олинishi мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг ўлчамига (миқдорига, ҳажмига) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиққа тортиш – солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фоизда ўрнатилади (ҚҚС).

Прогрессив солиққа тортиш – солиққа тортиладиган сумманинг ўсишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа тортиш тизими. Улар ққуйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия – даромаднинг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мураккаб прогрессия – даромад қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади.

Пеня – фуқаролик ҳуқуқида жазо чораларининг (жарималарнинг) кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

Пошлина - қонун актларида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчи томонидан тегишли даражадаги бюджетга ёки бюджетдан ташқаридаги фондга ўтказиладиган мажбурий бадал.

Преференция – инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

Регрессив солиқ – солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (оғирлиги) бойларга нисбатан камбағал қатламлар учун оғирроқ деб саналади. Масалан, кўшилган қиймат солиғини тўлаш учун камбағаллар бойларга нисбатан ўз даромадларининг кўпроқ қисмини (хиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

Регрессив солиққа тортиш - солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини тақозо этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари пропорционалдир: даромад қанча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг оғирлиги шунча оғирдир. Ҳозирги пайтда кўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормоқда.

Реал солиқ - солиқтўловчининг айрим мулкларини солиққа тортадиган тўғри солиқлардан иборатдир.

Резидентлар – календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилар (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда адромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Солиқлар – қонунда белигланган тартибдаставка бўйича хўжалик битувчи субъектлардан ва фуқаролар (юридик ва жисоний шахслар)дан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий тўловлар. Солиқ, йиғим, пошлина ва бошқа тўловлар дейилганда қонуний актлар асосида белигланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқаридаги фондларга мажбурий бадалларнинг тўланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар, пошлиналар ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади.

Солиқ органлари – солиқ қонунчилигига риоя қилиш, мамлакатнинг қонунларига мувофиқ белгиланган (ўрнатилган) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши устидан назоратни таъминловчи ягона мустақил марказлаштирилган тизим. Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизимида кирувчи солиқ органлари давлат бошқарувининг марказий органи (Давлат солиқ қўмитаси), вилоят, туман ва шаҳар солиқ инспекцияларидан иборатдир. Солиқ органлари юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига ўзларининг мустақил харажатлар сметасига, банклардаги жорий счётига ва ўз муҳрига эгадир.

Солиқ инспекциялари – Давлат солиқ қўмитасининг ягона тизими таркибига кирувчи тузилмавий бирлик. Уларнинг таркибий тузилиши функционал белгига кўра аниқланади. Бунинг асоси сифатида турли белгилар: мулкчилик шакли, хўжалик фаолиятининг тури, тўловлар ҳажми, солиқларнинг турлари ва ҳ.к.лар олиниши мумкин. Фуқароларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун солиқ инспекцияси назорати остида бўлган ҳудуд участкаларга бўлинади.

Солиқ оғирлиги (юки) – давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётнинг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган кўчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади.

Солиқ ставкаси – солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан абсолют суммаларида ўрнатилади.

Солиқ тизими - мамлакат доирасида (ҳудудида) тўловлардан (юридик ва жисоний шахслардан) белгиланган тартибда олинadиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакли ва услублари йиғиндиси.

Солиқ қонунчилиги – давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатишини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий

ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқ давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ бадаллари (тўловлари) – солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалардир. Уларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

Солиқ тушумлари - Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлари қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколотли банкларнинг ҳисоб-китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

Солиқ ҳисоб-китоблари – юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маъулм ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланган.

Солиқ назорати - юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан назорат.

Солиқ тўловчилар – қонун ҳужжатларига кўра солиқ тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тўловчиларнинг бошқа тоифалари.

Солиққа тортиш объектлари – қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир товарлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш, (мерос, тақдим этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объекти бир турдаги солиқ билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

Солиққа тортиш принциплари – солиқ сиёсатини амалга оширишни белгилаб берадиган ва солиқлар бўйича бюджет топшириқларини тузиш

орқали реализация қилинадиган мустақкам ўрнашиб қолган қоидалар йиғиндиси.

Солиқ элементлари – давлатнинг қонун ҳужжатлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) принциплари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради.

Солиқ квотаси – солиққа тортишнинг маълум бирлигидан олинадиган солиқнинг миқдори, ҳажми, ўлчами.

Қўшилган қиймат – сотилган (реализация қилинган) товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг таркибига киритилган моддий харажатларининг қиймати ўртасидаги фарқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий–ҳужжатлар
- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Тошкент: Ўзбекистон, 2005 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008 й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997 й.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 14 декабрь. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 2001 й. № 2.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида” ги Қонуни, 20-модда.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил 9 август. //Халқ сўзи газетаси.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3620-сонли Фармони (2005 йил 20 июн).
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармони (2005 йил 14 июн).
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли Қарори (2005 йил 15 июн).
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 567-сонли Қарори, 2003 йил 30 декабрь.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори (2004 йил 28 декабр).
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-244-сонли Қарори (2005 йил 27 декабр).

- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-532-сонли Қарори (2006 йил 18 декабр).
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-744-сонли Қарори (2007 йил 12 декабр).
- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390–сонли «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Тошкент оқшоми. –2002. 15 ноябр.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –325 б.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–682 б.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда, –Тошкент: Ўзбекистон. –2000.–352 б.
- 2.4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз //Халқ сўзи. – 2001. – 17 феврал.
- 2.5. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови //Халқ сўзи. –2001. 18 июл.
- 2.6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.
- 2.7. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи. – 2005. – 29 январь. -№ 20 (3565.)
- 2.8. “Янгилашни ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халк сўзи. 2007 йил феврал.

- 2.9. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халк сўзи. 2008 йил 9-феврал.

3. Китоб ва туркум нашрлари

- 3.1. Абдурахмонов О. Хорижий мамлакатларда солиқ тизимлари. Ўқув кўлланмаси. –Т.: ТДИУ нашр., 2003.
- 3.2. Абдуллаев Ё.А., Срожиддинова З.Х., Успбаев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. –Ташкент: Меҳнат –2001. –85 с.
- 3.3. Абдуллаев Ж.Х., Комилов М.М. Налог на доюавленную стоимость: сборник нормативных документов. –Т.: 2000.
- 3.4. Абдуғаффор Жўраев. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Монография. –Тошкент: Фан, 2004. – 243 б.
- 3.5. Бюджетный федерализм: проблемы, теория, опыт. –Москва.: Консорциум по вопросам прикладных экономических исследований. 2001. –403 с.
- 3.6. Ваҳобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. –Ташкент: Молия. 2002. –239 с.
- 3.7. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети. –Тошкент: Молия, 2001. –174 б.
- 3.8. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: 1996. 18 -бет.
- 3.9. Дмитриева Н.Г., Дмитриев Д.Б. Налоги и налогообложение. /Феникс, 2004 г.
- 3.10. Естигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. /СПб.: Питер, 2004 г.
- 3.11. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
- 3.12. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт. / “Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси” нашриёт уйи, 2005. -544 б.
- 3.13. Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. –С.: Самарқанд кооператив институти, 2002. – 366 б.
- 3.14. Князев В.Г., Черник Д.Г. Налоговые системы зарубежных стран. –М.: «ЮНИТИ», 2003.
- 3.15. Коваль Л.С. Налоги и налогообложение. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 254 с.

- 3.16. Латипов А. “Ердан фойдаланиш ва солиққа тортиш”. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2005.
- 3.17. Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: 2000. –76 б.
- 3.18. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.
- 3.19. Мальмигин И. Налоги как элементы финанса. М.: перевод с англ. 1997. – 69 с.
- 3.20. Мельник Д. Налоговый менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2002.
- 3.21. Миляков Н. Налоги и налогообложение: Практикум. - М.: Финансы и статистика, 2001. – 208 с.
- 3.22. Налоговые системы зарубежных стран. Уч. под редакцией В.Г.Князева, проф. Д.Б.Черника. –М.: «Закон и право», 1997. –97 с.
- 3.23. Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2003. –190 с.
- 3.24. Налоги в условиях экономической интеграции. / В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой. –М.: КНОРУС, 2004. – 288 с.
- 3.25. Налоги и налогообложение. Учебник для вузов /Под ред. Д.Г.Черника. М: Юнита-Дана, 2004. – 345 с.
- 3.26. Налоги и налогообложение. /Тарасова В.Ф. и др. –М.: Финансы и статистика, 2005.
- 3.27. Пансков В.Г., Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. –М.: МЦФЭР, 2003. – 336 с.
- 3.28. Пепеляев С.Г. Основы налогового права. М.: 1995, – 24 б.
- 3.29. Рихсиева Х., Мухтаров М., Шмоль З. Налоги. – Т.: 2000. – 241 с.
- 3.30. Тошмуродов Т. Солиқлар./Изоҳли луғат.–Т.: Мехнат,2003.-184 б.
- 3.31. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. /Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 127 б.
- 3.32. “Солиқлар ва солиққа тортиш” маъруза матнлари тўплами. /А.Жўраев ва бошқ. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. - 241 б.
- 3.33. Солиқлар ва божхона хабарлари. №4 (496), 2004 й. 23 январ.
- 3.34. Суламова С.Н. Финансовые вложения в ценные бумаги. Бухгалтерский учет и налогообложение. –М.: 2000.
- 3.35. Темур тузуклари. –Т.: «Чўлпон», 1991. – 98 б.
- 3.36. Толкушин А.В. Налоги и налогообложения: Энциклопедический словарь. –М.: 2000.
- 3.37. Финансы. /Под ред. Л.А. Дробозиной –М.: ЮНИТИ,2003.–350 с.
- 3.38. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2001. 432 б.
- 3.39. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. «Финансы», 1992, №3 с. 19.

- 3.40. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.
- 3.41. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
- 3.42. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: «Ғафур Ғулом» 2000 й. – 10 б.
- 3.43. Яхёев Қ. Солиқ. Т.: «Меҳнат», 1997 й. –20 б.
- 3.44. Ўзбекистонда нодавлат ноижорат ташкилотларига солиқ солиш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.
- 3.45. Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. / “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2003.
- 3.46. Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. /“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2004.
- 3.47. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й. – 377 б.
- 3.48. Ҳайдаров Н. Молия. Т.: Академия, 2001. 72 б.
- 3.49. Социально-экономические показатели Республики Узбекистан за 2003. – Т.: 2004 г. 190 с.

4. Журналлардаги мақолаларга ва конференция ишларига ҳаволалар

- 4.1. Абдужалилов М. Солиқ – муомала лаёқати //Солиқ тўловчининг журнали. –2000. –№12. –Б. 25–27
- 4.2. Абдуллаев Р. Солиқ – мандан, ёрдам – давлатдан. //Солиқ тўловчининг журнали. –2000. –Б. 3
- 4.3. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслар мулкани солиққа тортишни такомиллаштириш //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№7.
- 4.4. Абдурахмонов О. Солиқ сиёсати: Дунё тажрибаси ва Ўзбекистон итиқболи //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№5.
- 4.5. Аҳмаджонов М. Солиқ маданиятини оширайлик //Солиқ тўловчининг журнали. –2001. –№2.
- 4.6. Бурков С. Неналоговые доходы от госсобственности и бюджетный потенциал страны //Российский экономический журнал. –2002. –№9. – С. 27–28
- 4.7. Бутанов Д.Д. Реформирование бюджетных систем: опыт восточной Европе //Финансы. –2000. –№9. –С. 55
- 4.8. Вахабов А., Жураев А. Актуальные проблемы повышения эффективности взаимоотношений Республики Узбекистан с международными

финансовыми институтами. //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2004. –№2(17). –С.106–108.

- 4.9. Гасанлы М.Х. Налоги как источник экономической динамики общественных систем: Макаров Д.Г. Уголовный кодекс в борьбе с теневой экономикой. Проблемы и перспективы //Налоговый вестник. – 2000. –№1. –С. 120–121.
- 4.10. Жураев А. Актуальные вопросы налогообложения доходов физических лиц //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2004. – №2(17). –С. 109–111.
- 4.11. Жўраев А., Амонов А. Қишлоқ хўжалигини солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004 й. –Тошкент, 2004. Б. 44–46.
- 4.12. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини таснифлаш мезонлари //Халқаро илмий–амалий конференция: 25май 2004. –Тошкент, 2004. Б. 246 – 247.
- 4.13. Жўраев А. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№5–6. –Б. 61.
- 4.14. Жўраев А. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№4(83). –Б. 28–29.
- 4.15. Жўраев А. Даромад, бюджет ва солиқлар //Солиқ тўловчининг журнали. –2004. –№4 –Б. 21–23.
- 4.16. Жўраев А. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида инвестиция жараёни //Бозор, пул ва кредит. –2002. –№6. –Б. 49–50.
- 4.17. Жўраев А. Корхоналар инвестицион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш //Жамият ва бошқарув. –2004. –№4. –Б. 31–33.
- 4.18. Жўраев А. Солиқ–бюджет сиёсати яхлитлиги ва унинг давлат бюджети даромадлари ижросидаги аҳамияти //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2005. –№1–2. –Б. 34–35.
- 4.19. Жўраев А. Солиққа оид жиноятларга солиқ тизими орқали таъсир этиш //Жамият ва бошқарув. –2004. –№3. –Б. 28–29.
- 4.20. Жўраев А. Солиққа оид қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№9(88). –Б. 45–48.
- 4.21. Жўраев А. Тўғри (бевосита) солиқлар: уларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрни //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2004. –№9–10. –Б. 58–59.
- 4.22. Жўраев А., Маматов Б. Иқтисодий самарадорлик омиллари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –2003. –№7. –Б. 6.

- 4.23. Жўраев А., Маматов Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси //Бозор, пул ва кредит. –2003. –№2. –Б. 43–47.
- 4.24. Жўраев А. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлариаро тақсимланиши //Бозор, пул ва кредит. –2004. –№11. –Б. 18–21.
- 4.25. Жўраев А. Умумийлик ва ўзига хослик //Солиқ тўловчининг журнали. – 2004. –№9. –Б. 26–28.
- 4.26. Жўраев А., Кузиева Н. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантиришда имтиёзларнинг тутган ўрни //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. Б. 39–41.
- 4.27. Жураев А.С. Актуальные вопросы налогообложения валютных операций коммерческих банков //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2003. –№4 (13). –С. 67–68.
- 4.28. Жўраев А.С. Банк кредитлари: Давлат бюджети даромадлари манбаи сифатида //Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. 30 апрель 2004. –Тошкент, 2004. Б. 73.
- 4.29. Жураев А.С., Бобокулов Т.И. Проблемы повышения эффективности монитарной политики Центрального банка Узбекистана //Современные аспекты экономики. –Санкт–Петербург, 2003. –№8(36). –С. 70–73.
- 4.30. Жураев А.С. Внутренний налоговый контроль хозяйствующих субъектов //Семнадцатые международные Плехановские чтения: Тез. докл. –Москва, 2004. С. 315 –316.
- 4.31. Жураев А.С. Воздействие налоговой системы на развитие теневой экономики //Современные аспекты экономики. –Санкт–Петербург, 2004. –№1(52). –С. 186–189.
- 4.32. Juraev Abdugaffor S., Jumaev Nodir H. The basic aspects of development of currency operations of commercial banks of the republic of Uzbekistan //Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004.–Тошкент, 2004. Б.386–389.
- 4.33. Жураев А.С. Налоговый контроль: вопросы теории. //Вопросы гуманитарных наук. –Москва. –2004. –№1(10). –С. 120–121.
- 4.34. Жураев А.С., Перспективы совершенствования методологических основ налоговой политики в Республики Узбекистан //Вопросы экономических наук. –Москва, 2004. –№1(5). –С. 180–181.

- 4.35. Жураев А.С. Роль правительственных ценных бумаг в финансирование расходов государственного бюджета Узбекистана //Актуальные проблемы современной науки. –Москва, 2003. –№4 (13). –С. 69–70.
- 4.36. Жўраев А.С. Солиқлар бўйича тўловсизлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўлари //Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиққа тортиш ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий–амалий конференция материаллари. 11–12 февраль 2004. –Тошкент, 2004. Б. 33–34.
- 4.37. Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю. Иностранные инвестиции и развитие экономики Республики Узбекистан //Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тез. докл. – Москва, 2003. С. 107.
- 4.38. Маликов Т.С. Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати //Жамият ва бошқарув. –2001. –№2. –Б. 21–24.
- 4.39. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. «Етти ўлчаб ...». //Бозор, пул ва кредит. – 2001. –№3–4 –Б. 74–75.
- 4.40. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёзлар диалектикаси. (1–мақола) //Иқтисод ва ҳисобот. –1997.
- 4.41. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёзлар диалектикаси. (2–мақола) //Иқтисод ва ҳисобот. –1997. –№12.
- 4.42. Олимжонов. О. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати. «Ҳаёт ва иқтисод», 1992.
- 4.43. Пансков В.Г. Организационные вопросы налоговое реформы. //Финансы. –2000. –№1. –33. б

5. Диссертация ва диссертация автореферати

- 5.1. Олимжонов О.О. Развитие финансов агропромышленного комплекса в современных условиях: Дисс. ... д–ра. экон. наук. –СПБ. 1992.–52 с.
- 5.2. Пансков В.Г. Налоговое бремя в Российской налоговой системе: Дис. ... канд. экон. наук. –Москва, 1999. –157 с.
- 5.3. Синельников–Мурылев С.Г. Налоговые проблемы в переходной экономике (опыт сравнительно–теоритического анализа): Автореф. дис. ... д–ра. экон. наук. –Москва, 1996. –47 с.
- 5.4. Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия–солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): Иқтисод фанлари доктори дисс. –Тошкент, –2003. –268 б.
- 5.5. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Иқтисод фанлари доктори дисс. –Тошкент, –2005. –320 б.

5.6.Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс. автореферати. –Тошкент, – 2007. –24 б.

6. Хорижий тилда ёзилган адабиётлар ва интернет сайтлари

- 6.1.Asion. Development Bank. Manila, 2004. –214 p.
- 6.2.Government Financial Statistics. IMF, 2001. Washington D.C.
- 6.3.Namozov O. Influence of Money Supply on the Inflation Process in Uzbekistan //Econometric Anlysis Uzbek Economic Trends Joural, Jan–March 2000, – p. 38–47.
- 6.4. Mariette D. Bercy report a zero sur le dossier du Gredit Jonciur. //Tribune. -P., 1998. –Sept., p. 9.
- 6.5.Szepo G. Financial regulation and multitier Financial intermediation system in Eastern Europe. Introduction journal of Banking and finance, 2000. –410 p.
- 6.6.Steinbery A. An innovatori package for financial sector reforms // Journal of Banking and finance. 2001.
- 6.7.Tanzi V. Taxation in an Integriationg World. –Washington.: The Brooklngs Institut, 1995. –C. 134; Farmer P., Lyal R. EC Tax Law.–Oxford.: Clarendon Press, 1994. –p. 297.
- 6.8.Tax Policy. Handbook, Edited by Parhasarathi Shome, IMF, 1995. Washington D.C.
- 6.9.<http://www.cer.uz>.
- 6.10.<http://www.review.uz>.
- 6.11.<http://www.federalreserve.gov>.
- 6.12.<http://www.imf.org>.
- 6.13. <http://www.nalog.uz>
- 6.14. <http://www.mf.uz>
- 6.15.<http://www.tfi.uz>
- 6.16. <http://www.gov.uz>
- 6.17. <http://www.expert.ru>

ИЛОВАЛАР

1-илова

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот"- 2-сонли шаклнинг 240-сатри)	010	
Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк(*)	020	
Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритилмайдиган харажатлар) (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-сон иловасининг 010-сатри)	030	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган, бироқ келгуси ҳисобот (солиқ) даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-сон иловасининг 010-сатри)	040	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 3-сон иловасининг 010-сатри)	050	
Ҳисобот (солиқ) даврининг солиқ солинадиган базасига киритилмайдиган харажатлар (030-сатр + 040-сатр – 050-сатр)	060	
Олинган (олиниши лозим бўлган) дивидендлар	070	
Олинган (олиниши лозим бўлган) фоизлар	080	
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр + 020-сатр + 060-сатр – 070-сатр – 080-сатр)	090	
Имтиёзлар - жами (1001-сатр + 1002-сатр)	100	
шу жумладан:		
солиқ солишдан озод қилинадиган фойда (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 4-сон илова 060-сатрининг 3-устуни)	1001	
солиқ солинадиган фойдани камайтириш (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 5-сон иловасининг 010-сатри)	1002	
Солиқ солинадиган база – жами (090-сатр – 100-сатр)	110	
шу жумладан ҳисобланган:		
пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган фойдадан (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 9-сон иловасининг 030-сатри x 110-сатр)	1101	
1101-сатрда келтирилган сумма чегирилган ҳолда фойдадан (110-сатр – 1101-сатр)	1102	

1-иловининг давоми

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	120	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тузатилган ставкаси:	130	
экспорт қилувчи корхоналар учун, экспорт улушига қараб, % да (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 10-сон иловасининг 060-сатри)	1301	
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган фойдадан, % да [1301-сатр – (1301-сатр x 10%)]	1302	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси – жами (150-сатр + 160-сатр)	140	
шу жумладан ҳисобланган:		
1101 сатрда кўрсатилган фойдадан (1101-сатр x 1302-сатр)	150	
1102 сатрда кўрсатилган фойдадан (1102-сатр x 1301-сатр)	160	
Ногиронлар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун фойда солиғининг тузатиш киритилган суммаси (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобига 11-сон иловасининг 070-сатри)	170	
Бюджетга тўланадиган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси (140-сатр – 170-сатр)	180	
Олдинги ҳисобот даври учун ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси	190	

Изоҳ:

Кредит ташкилотлари 010-сатрни Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ аниқлайдилар.

(*) Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олган пул маблағлари «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»- 2-сонли шаклнинг 240-сатрида ҳисобга олинади.

1-иловинг давоми

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи
ҳисоб-китобига 1-сон илова

Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Чегирилмайдиган харажатлар – жами (020 – 280 - сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
моддий қимматликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар	020	
ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар)	030	
хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар	040	
нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар	050	
хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар	060	
умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш	070	
йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари	080	
солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари	090	
ходимларга бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган озиқ-овқатлар, товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қимматликлар ёки солиқ тўловчининг ходимлари учун ишлар ҳамда хизматларни бажариш қиймати, уларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммалари)	100	
ходимларга қўшимча берилган таътиллarga тўланган ҳақ ва улар юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча компенсациялар, бундан ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун айрим тармоқларнинг ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча таътиллар учун тўланган ҳақ мустасно	110	
